# МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ АТАМАЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ



**Kitob quyidagi ko'rsatilgan muddatda topshirilishi shart**

**Oldingi foydalanishlar miqdori**______________

| | |
|---|---|
| | |


*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланади*

# МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ АТАМАЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

«Bekinmachoq-plys»
2011

УДК: 373.29 (038)
ББК: 74.1я2
М 20

Мактабгача ва бошланғич таълим атамаларининг изоҳли луғати / тузувчилар: О.Мусурмонова [ва бошқ.] – Т.: Bekinmachoq-Plyus, 2011. – 260 б. – (Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланади).

«Мактабгача ва бошланғич таълим атамаларининг изоҳли луғати» 3000 га яқин таълим-тарбияга оид тушунчаларнинг қисқача шарҳини ўз ичига олган бўлиб, унда кейинги йилларда мактабгача ва бошланғич таълим педагогика фанида истеъмолга киритилган шаклан янги, мазмунан долзарб атамаларга ҳам кенг, ўрин берилган. Мазкур изоҳли луғат педагог олимлар, мактабгача ва бошланғич таълим муассасалари раҳбар ходимлари, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар, ота-оналар, илмий тадқиқотчилар ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

УДК: 373.29 (038)
ББК: 74.1я2

**Тузувчилар:**

О.МУСУРМОНОВА, Д.ШАРИПОВА, Л.МЎМИНОВА,
Ф.ВАҲОБОВА, Я.ЧИЧЕРИНА, Г.ЮЛДАШЕВА,
Ш.НАБИХОНОВА, Н.АЧИЛОВА,
З.РАҲИМОВА, Д.ЭШОНХЎЖАЕВА

**Тақризчилар:**

Р.ҚОБУЛОВА, филология фанлари номзоди
М.ТАДЖИЕВА, педагогика фанлари номзоди

Мазкур изоҳли луғат 2011 йил 14 апрелда илмий-педагогик кенгашнинг 9-сон йиғилиш қарорига мувофиқ чоп этишга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-324-23-7

© «Мактабгача ва бошланғич таълим атамаларининг изоҳли луғати» «Bekinmachoq-Plyus». 2011 йил

# СЎЗ БОШИ

Луғатшунослик тарихида жуда кўплаб соҳа бўйича турли характердаги луғатлар яратилган, шу жумладан педагогика соҳасида бир қатор луғатлар нашр этилган. Педагогика фани кенг тармоқли бўлиб, бугунги кунга қадар мактабгача ва бошланғич таълим атамаларининг изоҳли луғати мавжуд эмас эди. Шу боис мазкур изоҳли луғат ушбу соҳа бўйича илмий-амалий эҳтиёж туфайли тузувчилар томонидан яратилган дастлабки луғат ҳисобланади.

Республикамиз педагог кадрлари эътиборига тавсия этилаётган "Мактабгача ва бошланғич таълим атамаларининг изоҳли луғати"ни чоп этишдан мақсад, кейинги йилларда педагог ходимларнинг бундай луғатга бўлган катта эҳтиёжини таъминлашдир. Бундай луғат педагогика соҳасига алоқадор, унинг муассасаларига мурожаат қиладиган ҳар бир шахс учун зарур. Луғатни тузишда китобхонларнинг талабларини мумкин қадар тўлароқ қондириш мақсадида уларнинг қисқача изоҳи ҳам берилган.

Ўтган йиллар мобайнида мактабгача таълим ва бошланғич таълим педагогика фани ва амалиётида катта ўзгаришлар юз берди. МТМ ва бошланғич таълимда янги йўналишлар, янги усуллар, юзлаб янги терминлар юзага келди. Таклиф этилаётган изоҳли луғатда кўплаб терминларга изоҳ берилган, улар энциклопедия ёки қўлланмалардан унумли фойдаланишга ёрдам берди.

Турли соҳага оид сўз, тушунча ва атамаларнинг мазмун ва моҳиятини мукаммал англашга ёрдам берадиган манба – бу изоҳли луғат ҳисобланади. Бу турдаги луғатлар илм-фаннинг у ёки бу соҳасини ўзига хос характерли хусусиятларини тушиниш ва билишнинг пойдевори ҳисобланади.

Дарҳақиқат, китобхон ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу изоҳли луғат ҳам педагогика фанининг таркибий бўғими ҳисобланган мактабгача ва бошланғич таълим педагогикасига бевосита таалуқли бўлган сўз ва атамалар мажмуидан иборатдир.

DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM № 5203

Мазкур изоҳли луғатда мактабгача ва бошланғич таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган педагогик атамалардангина иборат бўлмасдан унда махсус педагогикага оид сўз ва тушунчаларга ҳам етарлича ўрин берилган.

Мактабгача ва бошланғич таълим атамаларининг изоҳли луғати тарихийлик, илмийлик, изчиллик, системалилик, замонавийлик тамойиллари асосида шакллантирилганлиги билан характерлидир.

Шунингдек, ушбу изоҳли луғатда таълим-тарбия жараёнига раҳбарлик ва уни бошқариш, ўқув фанлари ҳамда машғулотларнинг мазмунини очиб бериш, маънавий-маърифий ишлар жараёнини ташкил этиш, оила, мактаб ва жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар, имконияти чекланган болалар таълим ва тарбиясига оид сўз ва тушунчаларнинг мазмун ва моҳияти шарҳланади. Бугунги кунда ўзбек педагогика фани амалиётига кенг кириб келаётган жаҳон педагогика илми истеъмолидаги халқаро атамаларга ҳам шарҳ берилади.

Ушбу луғат китобхонга мазкур йўналиш бўйича атамалар мазмуни; атамаларнинг фалсафий-педагогик моҳияти; мустақиллик шарофати билан педагогика фани атамалари сафига кириб келган таълим-тарбияга оид халқаро атамаларнинг прогрессив характери; у ёки бу педагогик ҳолатнинг ўзига хос хусиятлари ҳақида маълумот беради.

Шунинг учун ҳам мазкур изоҳли луғат мактабгача ва бошланғич таълим соҳасида қўлланиладиган сўз ва атамалар бўйича маълумотлар заҳирасини яратиш ва уни мутахассисларга етказишда муҳим илмий-назарий, амалий-методик аҳамият касб этади.

Мазкур луғатни яратишда фаол иштирок этган, бу фахрли ва хайрли ишга масъулият билан қараган олималар ва ёш муаллифларга миннатдорчилик билдирамиз.

DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM №



## А

**Абадий қадриятлар** – инсон, миллат, жамият ҳаёти ва фаолияти учун доимий равишда зарур бўладиган қадрият шаклларини ифодалайдиган термин. Оила, маҳалла, давлат ва жамият институтлари, она тили, дин, авлодлар ўртасидаги ворислик, тарих ва тарихий хотира, тинчлик, барқарорлик, озодлик ва фаровонлик каби инсон учун ҳамма вақт зарур бўладиган, ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайдиган энг юксак тушунчалар ва тамойиллар абадий қадриятлар сифатида намоён бўлади. Бу қадриятлар асрлар давомида дунёдаги буюк маърифатпарвар алломалар ва мутафаккирларнинг эътибор марказида бўлиб келган. Хусусан, халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси бўлмиш «Авесто» китобидаги «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойили, Имом Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий сингари улуғ аждодларимизнинг илмий-маънавий меросида ифода этилган адолатли жамият, комил инсон, тинчлик ва фаровонлик ғоялари бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Ҳамма замонларда ҳам абадий қадриятларни асраб авайлаб, келгуси авлодларга безавол етказиш учун тинимсиз кураш олиб борадиган фидоий инсонлар билан бирга, бу йўлда тўсиқ бўладиган, абадий қадриятларни соҳталаштириб, одамзодни асл инсоний қиёфасидан маҳрум этишга уринадиган вайронкор кучлар ҳам албатта бўлади. Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида ҳозирги мураккаб глобаллашув замонида абадий қадриятларни соҳталаштиришга қаратилган ана шундай таҳдид ва хатарларнинг моҳиятини, ғаразли мақсадларини ҳар томонлама очиб, уларга қарши курашиш йўлларини кўрсатиб беради.

**Абстракция** (лот. abstractio – диққатни четга тортиш) – инсон ақлий фаолиятининг асосий жараёнларидан бири бўлиб, предмет, воқеа, ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари, томонлари, ҳолатларини аниқлаш учун уларнинг жузъий томонларини ҳаёлан ажратиб олиш ва мустақил объект сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Абстракциялаш қобилияти инсонга предмет, воқеа,

ҳодисанинг шундай хусусиятини ҳаёлан ажратиб олиш имконини берадики, у тегишли масалани ҳал қилиш, тегишли назарий хулосага келиш, умумлаштириш шарти бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун абстракциялаш умумлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. *Ақлий ёки жисмоний ривожланишида муаммолари бўлган болалар*нинг абстракт тафаккури ҳам орқада қолади. Бу ҳолат аввалам бор болалар нутқининг меъёрда ривожланмаслиги билан боғлиқ. Шу сабабли нутқни режали равишда шакллантириш масаласи махсус таълим жараёнининг диққат марказида туради.

**Авлод** – тор маънода алоҳида бир шахс, оила ёки сулоланинг давомчиси бўлган фарзандлар ва уларнинг зурриётлари, кенг маънода эса миллат, халқ, цивилизация ривожининг муайян босқичида ягона ғоя, мақсад ва вазифалар билан майдонга чиқадиган, тараққиёт жараёнида узвийлик ва давомийликни таъминлаб, ўз даври қиёфасини белгилаб берадиган, ижтимоий ҳодиса даражасига кўтариладиган кишилар гуруҳи. Авлоднинг камолотида аждодлар тажрибаси, урф-одат ва анъаналари муҳим ўрин тутади. Авлод тарихий даврлар, муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар, ижтимоий тоифалар, касб ва фаолият соҳасига мансублигига, ёш хусусиятлари, ижтимоий хусусиятларига қараб фарқланади. Масалан, истиқлол даврида вояга етган баркамол авлод, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган авлод, ёш авлод, кекса авлод, эркин авлод, ёзувчилар авлоди, космонавтлар авлоди ва ҳ.к.

**Авлод узунлиги** – ота-оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги ўртача вақт интервали.

**Автоматизм** (юнон. automatos – ўз-ўзидан ҳаракатланувчи) – 1. Онгсиз равишда бажариладиган хатти-ҳаракатлар тизими. 2. Ҳўжайра, тўқима ёки органнинг бирон-бир кўриниб турган ташқи таъсир кўрсатувчи сабабсиз бир маромда, даврий ёки нодаврий, ўз-ўзидан фаолият кўрсатиши (масалан, юракнинг).

**Автоматлашиш, ҳаракатларнинг автоматлашиши** – онг бевосита иштирок этмай туриб, ҳаракатни ғайриихтиёрий амалга ошириш, машинал даражага келтириш, таълимнинг сўнгги босқичи учун хос бўлган операторнинг жавоб реакциясини шакллантириш усулларидан бири. Кўникма ҳосил қилишнинг дастлабки босқичида хатти-ҳаракатлар онгли равишда, тафаккур ва нутқ иштирокида бошқарилади. Кўникма эгалланган сари айрим хатти-ҳаракатлар ғайриихтиёрий равишда онг иштиро-



кисиз бажарилади, бу ўринда идрок ва ҳис-туйғулар, айниқса кинестетик сезгилар (қ.: *кинестетик (ҳаракат) сезгилар*) етакчилик қилади.

**Авторитар бошқариш услуби** – яккаҳокимиятчилик тамойилини абсолютлаштириш ва жамоавий қарор қабул қилиш методларини мутлақо инкор этишга асосланган бошқариш услуби. У раҳбарнинг ёлғиз расмий мансаб авторитетига, мажбурлашга таянишида ўз ифодасини топади. Бу қатъий буйруқлар ва фармойишлар услуби бўлиб, қўл остидагиларнинг бирон-бир эътирози ёки ўз фикрини билдиришига йўл қўймайди.

**Авторитар онг** – янгилик ва ижодийликдан маҳрум бўлган бир қолипдаги тафаккур тарзи. Авторитар онг ижодий онгга зид бўлиб, фикр-мулоҳаза юритиш ва уни исботлашда фақат бир тамойилга таянади.

**Авторитар педагогика** – буйруқбозликка асосланган педагогика.

**Авторитар технология** – 1) анъанавий таълим жараёнининг ифодаси бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқувчи-объект, ўқитувчи-субъект сифатида фаолият кўрсатишига асосланган тизим; 2) ўқув-тарбия жараёнида ўқувчини буйсундириш асосида бошқариш технологияси.

**Авторитаризм** (лотин. auctoritas – ҳокимият, ҳукмронлик) – маънавий соҳадаги кўпгина масалаларда якка шахснинг обрўси, фикр ва қарашларининг устуворлиги. Одатда жамият ўз тараққиётининг мураккаб, қалтис ва масъулиятли даврларини бошидан кечираётган пайтларда майдонга чиқади. XX асрнинг биринчи ярмида авторитаризм асосан салбий ҳолат сифатида намоён бўлди, чунки миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритган биринчи жаҳон уруши, 1929 йилда бошланган жаҳон иқтисодий инқирози ва шунинг оқибатида халқаро миқёсда зиддият ҳамда қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви каби қатор омиллар бир қанча мамлакатларда айрим авторитар шахсларнинг давлатни ҳарбийлаштиришига, зўравонлик йўли билан ҳокимиятни эгаллашига ва мустабид тузумларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

**Авторитет** (лот. auctoritas – ҳокимият, таъсир) – якка шахс ёки бир гуруҳ шахсларнинг юқори нуфузи, чуқур билими, иродаси, фидокорлиги, жомбозлигига ва ҳ.к. асосланган, ҳамма томонидан эътироф этилган аҳамияти, обрў-эътибори. Кенг маънода –

бир шахс ёки ташқилотнинг ўз билимлари, маънавий-аҳлоқий хусусиятлари, тажрибасига асосланиб ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига (масалан, тарбия, илм-фан, санъат, маданият) кўрсатадиган таъсири; тор маънода – ҳукмронликни амалга ошириш шаклларидан бири, муайян қонун ва қарорларни амалга оширишнинг бир тури. Кўп холларда авторитет қонун-қоида ёки ижтимоий меъёрларнинг кўпчилик тарафидан тан олинишини таъминлайди, чунки бу борада авторитет эгасининг фикр-мулоҳазалари, ноёб истеъдоди ва салоҳиятига бўлган ишонч муҳим аҳамият касб этади. Авторитет ишлаб чиқаришда, сиёсат ва ижтимоий жабҳаларда алоҳида индивидлар ҳамда мансабдор шахсларнинг обрў-эътибори, уларнинг раҳбарлигида эришилган ютуқлар билан белгиланади. Авторитетга эга бўлган шахс ўзи қарор қабул қилиб, унинг ижросини ўзи назорат қилади, бу жараённинг қандай ва қайси жабҳада амалга оширилиши жамиятнинг тарихий ривожига ҳам боғлиқ бўлади.

**Агглютинация** (лотин. agglutinatio – ёпиштириш) – янги сўз ва сўзнинг грамматик шакллари сўз ўзаги ёки асосига грамматик жиҳатдан тенг аффиксларни кетма-кет қўшиш йўли билан ҳосил қилинади, бунда қўшилган аффиксдан аввал келган сўз қисми ўзгармайди. Ўзбек тили мана шундай тиллар қаторига киради. Мас., маслаҳат+чи+лар+нинг: маслаҳат – сўз ўзаги, **-чи** – сўз ясовчи аффикс, **-лар** – кўплик аффикси, **-нинг** – келишик аффикси.

**Агнозия** (а – инкор қўшимчаси ва юнон. *gnosis* – билиш) – бош мия пўстлоғининг зарарланиши натижасида билиш жараёнининг бузилиши. Кўриш, эшитиш, сезиш агнозияси фарқланади. Бош мия пўстлоғининг энса қисмлари жароҳатланиши натижасида кўриш агнозияси юз беради. Бунда киши кўриш қобилиятини йўқотмай туриб, нарса ва предметларни таний олмайди ёки воқеа-ҳодисаларни тўлиқ тасаввур эта олмайди, уларни қисман идрок этади. Бош мия пўстлоғи чакка қисмларининг жароҳатланиши натижасида эшитиш агнозияси кузатилади. Эшитиш агнозиясида предмет ва ҳодисаларга хос бўлган товушларни ажрата олиш қобилияти бузилган бўлади. Бу жараёнда, шунингдек, инсон нутқини тушуниш ҳам бузилади. Бош миянинг тепа қисми жароҳатланса, сезиш агнозияси содир бўлади. Бунда предметларни пайпаслаш орқали таниш қобилияти бузилади.

**Аграмматизм** – 1. Фаол нутқнинг грамматик тузилишидаги хатолар (экспрессив аграмматизм) ҳамда флексиялар, аффикслар ва сўз тартиби ёрдамида турли муносабатларни билдирадиган грамматик конструкциялар мазмунини тушунишдаги хатолар (импрессив аграмматизм). Нутқ ривожининг дастлабки босқичларида, шунингдек нутқий мулоқот ва мураккаб грамматик тил шаклларини ўзлаштиришга тўсқинлик қиладиган эшитишдаги бузилишларда намоён бўлиши мумкин. 2. Тилнинг грамматик тизимидан нотўғри фойдаланишда (тилнинг грамматик қурилишини ўзлаштира олмаслик, грамматик шаклларнинг аҳамиятини тушунмаслик, гап туза олмаслик ва ҳ.к.) намоён бўлувчи нутқий фаолиятнинг бузилиши. *Алалия, афазия, заиф эшитувчиликда* кузатилади.

**Аграфия** (а – инкор қўшимчаси ва юнон. grapho – ёзаяпман) – бош миянинг чап ярим палласидаги чакка соҳасининг шикастланиши натижасида мустақил ёзиш жараёнини ўзлаштира олмаслик ёки бу кўникманинг йўқотилганлиги, ҳарфларни графемалар сифатида англай олмаслик, уларни сўзларга бирлаштира олмаслик (қўл ва бармоқлар ҳаракати сақланган ҳолда). Аграфия *алалия, афазия* каби органик характердаги оғир нутқий муаммоларнинг бир белгиси сифатида намоён бўлиши мумкин. Махсус логопедик таъсир воситаларида бартараф этилади.

**Агрессив хулқ** – шахснинг маънавий бузуқликка асосланган, бошқаларнинг ички дунёсига очиқдан очиқ салбий таъсир кўрсатиб, тажовуз қилиб, уни издан чиқаришга қаратилган ғайриинсоний хусусияти. Агрессив хулқнинг шаклланиши, кучайиши ва намоён бўлиши кўпинча ижтимоий муҳит билан боғлиқ холда юз беради. Шахснинг ўзига қаратилган тажовузкорлик «аутоагрессия» деб аталади (бундай ҳолат шахсдаги патологик ўзгаришларнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади). Ўз жонига қасд қилиш, ўзига тан жароҳати етказиш аутоагрессиянинг кўринишларидир. Жаҳолатга ботган, жоҳиллик ва зўравонликни мақсадга эришишнинг асосий ва устувор воситаси деб биладиган шахсларда агрессив хулқ кучли бўлади. Агрессив хулқ нафақат алоҳида шахслар, балки бутун давлатларга ҳам хос бўлиши мумкин. Бинобарин агрессор – агрессияни содир этган куч – якка шахс ёки шахслар гуруҳи, сиёсий-мафкуравий марказлар, давлат ёки бир неча давлатлар бўлиши мумкин.

**Агрессия** (лотин. aggressio – ҳужум) – 1. Бирор бир бузғунчи ғоя, вайронкор мафкурага таяниб амалга ошириладиган информацион-психологик ҳужум, ахборот хуружи, ғоявий террор ёки

маънавий-мафкуравий бузғунчилик. 2. Кишиларнинг жамиятда тинч-тотув яшаш нормалари ва қоидаларига зид бўлган онгли деструктив, тажовузкор хатти-ҳаракат бўлиб, тажовузкорлик объектларига зарар келтириш мақсадини кўзлайди. Агрессия атрофдагиларга жисмоний ва маънавий зарар етказади ҳамда уларда салбий руҳий кечинмалар, қўрқув ва танглик ҳолатини келтириб чиқаради.

**Агрессия, болалар агрессияси** – болаларга хос тажовузкорона хатти-ҳаракат. У болалар алам ёки ғазаб туйғуларини бошларидан кечириб, уларни изҳор этишнинг ижтимоий мақбул усулларини топа олмаган ёки катталарга тақлидан йўл тутган пайтларда намоён бўлади. Бола ўз қўрқувини яширишга интилган ҳолатларда психологик жиҳатдан ўз-ўзини ҳимоялаш реакцияси бўлиши ҳам мумкин.

**Адабиёт** – 1. Ижтимоий аҳамият касб этган, фаннинг ва амалиётнинг бирор соҳасидаги ютуқларни умумлаштирган ёзма асарлар йиғиндиси (масалан, техник адабиёт, бадиий адабиёт, сиёсий адабиёт, тиббий адабиёт сингари). 2. Адабиёт деганда кўпроқ санъатнинг бир тури бўлмиш бадиий адабиёт тушуниладИ. Бу маънода адабиёт ижтимоий онгни эстетик ифодалайдиган ва ўз навбатида ўзи ҳам уни шакллантирадиган санъат (сўз санъати) ҳодисасидир. Бадиий адабиёт санъат тури сифатида оғзаки поэтик халқ ижодиёти заминида тарихий жараёнда шахс ролини англаш йўли билан юзага келди. Бадиий адабиёт асрлар давомида авлоддан-авлодга тўплаб келинган эстетик, ахлоқий, фалсафий ижтимоий қадриятларни сақлаб келади. Адабиёт минг йиллар давомида шаклланиб келган мураккаб динамик тизимдан иборат. Адабиёт турлари: эпос, лирика, драма. Эпос воқеликнинг ўзини инъикос этади, лирика эса инсоннинг воқеликдан олган таассуротларини тасвирлайди. Драма ҳаётни ҳаракатда ифодалаб, муаллиф нутқисиз, фақат қаҳрамонлар нутқи ва хатти-ҳаракатлари орқали акс эттиради. Эпик жанрларга роман, эпопея, қисса, ҳикоя, эссе, очерк, эртак ва б. киради. Лирика мазмун ва шаклига кўра ғазал, мухаммас, рубоий, қасида, сонет, қўшиқ кабиларга бўлинади. Драма ҳам мазмунан уч хил бўлади: трагедия, комедия, драма. ХХ асрдан бошлаб бадиий адабиёт радио, кино, телевидение каби янги санъат турлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борди ва ривожланди.



**Адаптацион синдром** – инсон ва ҳайвон организмининг умумий ҳимояланиш характерига эга бўлган ҳамда кучи ва давомийлиги бўйича йирик номақбул таъсирлар – стрессорларга жавобан юзага келадиган ҳимояланиш-мослашиш реакцияларининг мажмуи.

**Адаптация** (лотин. adaptatio – мослашиш) – табиат ёки жамият ҳаётида, инсоннинг маънавий-руҳий оламида кечадиган ўзига хос жараён бўлиб, бирор бир муҳит ёки шароитга, янгиликка мослашувни англатади. Инсон ҳаётидаги адаптациянинг самарали кечиши кўп жиҳатдан унинг, жисомний, руҳий, маънавий ҳолатига боғлиқ. Илм-фанда адаптациянинг қуйидаги турлари мавжуд: сенсор адаптация – организмнинг турли хил субъектив ўзгаришларга мослашуви (кўриш, ҳид билиш, таъмаза билиш, ҳароратни сезиш жараёнларида кечади); ижтимоий адаптация – инсоннинг ижтимоий муҳит шароитларига узлуксиз тарзда фаол мослашуви, айни пайтда унинг ушбу жараён натижаси сифатида камолга етиши. Ижтимоий адаптациянинг муҳим жиҳати одамнинг ижтимоий талаб ва тартибларни қабул қилишини англатишдир. Ғарбда ижтимоий адаптация муаммоси илм-фаннинг необихевиоризм ва психоанализ йўналишлари асосида ўрганилади. Ҳар бир кишининг мослашиш имконияти унинг ирсияти, ёши, соғлиги ва ўз устида ишлаши, керакли машқларни бажаришига боғлиқ. Имконияти чекланган болаларда адаптация жараёнлари ўзига хос кечади. Масалан, нутқни тузатиш учун узоқ ва мунтазам логопедик машқлар талаб этилади. Ҳатто эшитиши *кохлеар имплантация* йўли билан тикланган боланинг операциядан кейин нутқини ривожлантириш, атрофдагиларнинг нутқини идрок этишга ўргатишда ўз вақтида ташкил этилган сурдопедагогик ёрдам катта аҳамиятга эга. Бу ёрдам боланинг ижтимоий мослашувида ҳам муҳим омил ҳисобланади. Коррекция машғулотларининг ўз вақтида ва тўғри ташкил этилиши, машқлар билан мунтазам шуғулланиш, меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини йўлга қўйиш, организмни чиниқтириш адаптация диапазонини кенгайтирибгина қолмай, мавжуд адаптив жараёнларни ҳам яхшилайди.

**Алекват** (лотин. adaequatus – тенглаштирилган, тенг) – маълум бир нарса, буюм, ҳодисага мос келувчи, мувофиқ.; билиш назариясида – объектив оламнинг алоқалари ва муносабатларини тафаккурда тўғри акс эттириш.

**Адолат** – инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, маънавият, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири. Жамият ҳаётидаги ҳодисалар, тартиб-қоидаларнинг асл инсоний идеалларга, ҳақиқат мезонларига қанчалик мос эканини аниқлашда ҳамма замонларда ҳам асосий маънавий мезон бўлиб хизмат қилади. Жамиятнинг шахсга, шахснинг жамиятга ва бир шахснинг иккинчи шахсга муносабатида намоён бўладиган адолат тамойили ана шу муносабатларни баҳолашнинг ўзгармас мезонидир. Адолат юксак маънавий қадрият бўлиб, «бахт», «озодлик», «тенглик», «дўстлик», «тинчлик» тушунчалари каби инсоннинг азалий эзгу интилишлари тимсолидир.

**Адолат тамойили** – адолат, одиллик, холислик асосида масалага қонун устуворлиги нуқтаи назаридан холис ёндашиш, ҳақиқатни бош мезон деб билиш, шу йўлда беминнат хизмат қилиш. Адолат тамойилига амал қилиб, мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини энг олий қадрият сифатида рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Табиийки, бу ўзгаришлар юртимизда ижтимоий адолат ва демократия тамойилларини чуқур қарор топтириш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ. Адолат тамойили алоҳида инсон хатти-ҳаракатидан тортиб мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий институтларгача бўлган ўта кенг миқёсдаги муносабатлар тизимига бир хилда ёндашишни тақозо этадиган ноёб ижтимоий ҳодисадир. У баъзан қарама-қарши ва зиддиятли ҳолатларга сабаб бўлади, лекин охир-оқибатда ҳақиқатни юзага чиқаради.

**Ажур** – панжарасимон (тўрсимон) кўзли, пардадек юпқа, нафис нақш, безак; моҳирона, нозик иш.

**Айб (айбдорлик)** – кишининг ўз бурчи, жамиятда тутган ўрнининг талаблари, қонун ёки битим томонидан юкланган мажбуриятларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган эмоционал ҳолат. Айб тушунчаси ўз айбини англаш ва бошқа кишилар томонидан унинг кечирилиши тушунчалари билан боғлиқ.

**Айланма касса маблағи меъёри** – молия йилида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисоб варақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори.

**Акварель** – сувда осон қориладиган бадиий бўёқлар; шундай бўёқлардан фойдаланишга асосланган рассомлик техникаси; шундай бўёқлар билан солинган расм.



**Аквариум** – табиий сув ҳавзасининг модели, мини-экотизим. Унда барча таркибий қисмлар талабдаги нисбатда бўлади ва экологик мувозанатни юзага келтиради. Аквариум мактабгача муассасалар гуруҳларида (кичик гуруҳлардан ташқари) табиат бурчаги таркибига киради.

**Аккомодация** (лотин. accomodatio – мослашиш, кўникиш) – 1. Инсон хатти-ҳаракати схемасининг фаоллиги, ҳаракатчанлиги ҳисобига унинг конкрет вазиятга мослашиши, бунинг натижасида ушбу схема ўзгариб туради (*Пиаже Жан*); 2. Биология ва тиббиётда *адаптация* атамасига яқин маъноли атама бўлиб, муайян ҳолатларда қўлланади: кўз аккомодацияси – кўз гавҳарининг кўздан ҳар хил масофада турган предметнинг тўр пардада аниқ тасвирини яратиш хусусияти; тўқималар (нерв, мускул) аккомодацияси – куч жиҳатдан секин-аста ўсиб бораётган қўзғатувчи таъсирига мослашиш.

**Аккомпанемент** – якка ашулачига мусиқа жўрлиги. Ҳар хил қўшимча овозлар, аккордлар ёки товушлар мажмуи.

**Аккредитация** – таълимни бошқариш давлат органлари томонидан, давлат номидан таълим муассасаси мақомининг (амалга оширилаётган таълим дастурларининг даражаси ва йўналишига мувофиқ белгиланадиган тури, категориясининг) тан олиниши. Аккредитация таълим муассасасига ўз битирувчиларига тегишли таълим даражаси тўғрисида давлат нусхасидаги ҳужжат бериш ҳуқуқини беради.

**Акмеология** – инсонинг касбий камолотга эришиш босқичида ривожланиш қонуниятлари ва механизмларини ўрганувчи фан. Асосий тадқиқот соҳаси – касбий камолотни инсон ривожининг олий босқичи сифатида ўрганиш: инсон фаолияти жараёнида, шу жумладан педагогик фаолияти жараёнида унда намоён бўладиган хусусиятларни аниқлайди, касбий камолотнинг миқдор ва сифат характеристикаларини белгилайдиган омилларни тадқиқ этади.

**Акс эттирилган нутқ** – айрим сўзларни, жумлаларни логопед кетидан (якка ҳолда ёки жўр бўлиб) такрор айтиш. Бундай машқларда дудуқланувчи бола логопед айтган сўзларни такрорлайди, бундай машқлар тутилмасдан гапиришга ёрдам беради.

**Акселерация** – болалар ва ўсмирларда ўсишнинг, жисмоний ва жинсий балоғатга етишнинг ўтган авлодларга нисбатан кучайиши: буни антропология ва инсон ҳақидаги бошқа фанлар ўрганади.

**Асклижтимоийлик** – атрофдаги кишилар билан мулоқотда ёрқин намоён бўладиган қийинчиликлар, улар ижтимоий тажрибанинг йўқлиги ёки кичи ривожланишида бирон-бир чекинишларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

**Акцент** – 1) урғу, акцент; урғу белгиси; 2) ўз она тилидан бошқа тилда сўзловчининг талаффузида сезилиб турадиган бошқачалик; акцент билан гапирмоқ; 3) тингловчи ёки кўрувчининг диққатини жалб қилиш мақсадида бирор нарсанинг алоҳида элементларини таькидламоқ, таькидлаб кўрсатмоқ, уларга алоҳида урғу, эътибор бермоқ (мусиқада алоҳида товуш ёки аккордни динамик кучайтириш йўли билан ажратиб кўрсатиш, ёзув ёки тасвирдаги бирон детални чизиқ ёки ранг билан ажратиб кўрсатиш).

**Акцептор** (лотин. acceptor – қабул қилувчи) – физиологик аппаратдаги таъсир натижаларини олдиндан кўриш ва баҳолаш белгиси бўлиб хизмат қилади, у илгариги тажрибалар асосида афферент синтез натижалари ва таъсир этишга қарор қабул қилиш орқали шаклланади. Бу атама йирик физиолог олим, академик П.К.Анохин (1898-1974) томонидан таклиф этилган.

**Алалия** (**а** инкор қўшимчаси ва юнон. lalia – нутқ) – дастлабки интеллекти сақланган, эшитиши нормада бўла туриб, болада нутқнинг йўқлиги ёки тўлиқ ривожланмаганлиги. Алалия бош мия катта ярим шарлари нутқ қисмларининг туғилиш вақтида шикастланиши, мия касалликлари ёки миянинг жароҳатланиши натижасида келиб чиқади. Икки тури фарқланади: мотор ва сенсор. Мотор алалия нутқ ҳаракат анализатори пўстлоқ учи, яъни *Брока маркази* жароҳатланиши натижасида содир бўлади. Бундай ҳолатда бола одатдаги нутқни тушуна олса-да, лекин гапира олмайди. Сенсор алалия эшитиш маркази пўслоқ учи, яъни *Верникe маркази* жароҳатланиши натижасида рўй беради, бунда бола ўзгалар нутқини тушуна олмайди. Алалияли мактабгача ёшдаги болалар махсус мактабгача таълим муассасаларида тарбияланадилар.

**Алгоритм** – бирон-бир масалани ҳал қилиш учун маълум қоидалар асосида ва қатъий белгиланган тартибда олиб бориладиган операциялар тизими.

**Алгоритмик характердаги даража** – назарий билим, амалий кўникма ва малакалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, бир хил типдаги массалаларни ёзиш, еча олиш ҳамда эслаб қолиш



фаолиятини амалга ошириш кўникмасини ифодаловчи даражалар.

**Алгоритмлашган таълим** – мантиқан бир-бири билан боғланган операцияларни бирининг кетидан бирини кетма-кет бажариш тамойилига асосланган таълим.

**Алексия** (**а** инкор қўшимчаси ва юнон – lego – ўқийман) – бош мия чап ярим палласи (ўнақайларда) қобиғининг турли соҳалари шикастланганда юзага келадиган ўқишдаги бузилишлар, ёки ўқиш жараёнини ўзлаштириш қобилиятининг йўқолиши, ҳарфларни ва сўзларни анализ қилиш қобилиятининг бузилиши. Алексия кўпинча *алалия, афазия, дизартрия, дудуқланиш* каби нутқ камчиликларида кузатилади. Алексия махсус логопедик усуллар ёрдамида бартараф этилади.

**Алифбе** (араб алифбосининг дастлабки икки ҳарфи **- алиф** ва **-бе** дан олинган) – бирор-бир тилнинг ҳарфлар тизими, маълум бир тартибда жойлаштирилган ёзув белгилари (масалан, араб алифбоси, лотин алифбоси) ёки бўғин белгилар (масалан, ҳинд алифбоси – деванагари) мажмуи. Алифбе илк бор милоддан аввал 2000 йил охирларида қадимги угарит ва финикий ёзувининг товуш тизими асосида шаклланган. Фанда бундан илгари Миср иероглифлари саноқ тизими мавжуд бўлган, деган тахминлар мавжуд. Туркий халқларнинг руний (ўрхун-энасой) ва уйғур ёзувлари бўлган. Уларни акс эттирган ҳарфлар жадвали товуш белгилари ҳақидаги бошқа манбалардаги маълумотлар ҳамда ана шу ёзув воситасида битиб қолдирилган қадимий ёдгорликлар асосида тузилган. Ҳозирги ҳарфий ва айрим бўғин алифбелари финикий алифбесидан, оромий (араб, яҳудий), юнон (лотин ва ҳ.к.) ва бошқа алифбелардан келиб чиққан. Араб алифбесига – барча араб мамлакатлари, шунингдек Эрон, Афғонистон, Покистон, Хитойнинг Шинжон уйғур автоном тумани ҳудудида яшайдиган халқлар, шунингдек, туркий халқларнинг XIII-XX аср бошларигача бўлган ёзув тизимида; лотин алифбосига – Америка ва Австралия қитъасидаги барча халқлар, Европанинг кўпчилик халқлари, Осиё ва Африкадаги баъзи халқлар (Индонезия, Туркия ва б.) ёзув тизимида; кирилл алифбесига – Европа, Осиёдаги баъзи халқлар ёзув тизимида; ҳинд бўғин алифбесига – Ҳиндистондаги кўпгина элатлар ёзув тизимида амал қилинган ва амал қилинади.

**Алифбо** – алфавитни ўрганиш учун ўқув-қўлланма; бошланғич мактаб ўқувчисининг дастлабки дарсликларидан бири.

**Алла** – 1. Болани ухлатиш жараёнида яккахонлик усулида айтиладиган қўшиқ. У ўзбек, уйғур ва тожик халқлари орасида алла номи билан юритилади. Одатда оддий куйлар билан, кўп ҳолларда куй ва чолғусиз, бешик ёки беланчакни тебратиш маромига мос равишда ижро этилади. Матни, асосан, тўртлик шаклида, ижро услуби эркин, бадиҳагўйлик йўлида бўлади. Алла онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, яхши ният ва тилаклари билан бирга, унинг руҳий кечинмаларини ҳам ифода этади. 2 Бешик тўйида бешикни олиб кираётган аёллар томонидан айтиладиган қўшиқ. Ижро хусусиятлари байрамона маросим кайфиятига мос; тантанавор доира усули жўрлигида куйланиши мумкин. 3 Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида алла номи билан айтиладиган маросим қўшиқлари. Масалан, Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманлари ҳамда Хоразмда дафн маросими жараёнида навбат билан аёллар (ёки махсус чақирилган аллачи гўянда, халфа) томонидан бадиҳа усулида айтиладиган қўшиқ ва б. Бугунги кунда алла атамаси деганда кўпроқ юқорида баён этилган биринчи талқин тушунилади. Бунда алланинг болани ухлатишга қаратилган шакли қўлланади. Алла халқимиз маданий меросининг инсонни маънавий юксакликка ундайдиган ноёб ва қадимий ҳодисаси сифатида ғоят қадрлидир.

**Аллергия** – махсус аллерген таъсирида шу аллергенга нисбатан организм сезувчанлигининг ортиши: касаллик ҳолатлари (шамоллаш, шишлар, тошмалар, астма) кўринишида намоён бўлади.

**Алоқаларни актуаллаштириш** – инсонда мавжуд бўлган билимлар, малакалар, кўникмаларни, турли хулқ-атвор шакллари ва эмоционал ҳолатларни, шунингдек айрим психик жараёнлар (тасаввурлар, фикрлар, ҳаракатлар, ҳис-туйғулар ва ҳ.к.)ни қайтадан тиклаш, уларни латент (сиртдан билинмайдиган, яширин), потенциал ҳолатдан актуал ҳаракат ҳолатига келтириш.

**Алоҳида қимматли ҳужжат** – ўчмас тарихий-маданий ва илмий қимматга, жамият ҳамда давлат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган, ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишнинг алоҳида тартиби белгиланган архив ҳужжати.

**Алфавит** – *алифбе.*

**Амбидекстрия** (лотин. *ambo* – иккала, *dextez* – ўнг) – иккала қўл ҳаракатчанлиги, фаолиятининг баравар ривожланганлиги. Бу ҳолат жуда кам учрайди. Одатда инсонда ўнг қўл ҳаракатчанлиги, фаолияти яхшироқ ривожланган бўлади. Лекин чап қўлнинг ўнг қўлга нисбатан яхши ривожланганлиги ҳолати ҳам учрайди.

**Амбиция** – 1) иззати нафс, нафсоният; жиззакилик; 2) нафсонияти кучли одам, сал нарса ҳам иззати нафсига тегаверадиган калондимоғ, жиззаки одам. Кишидаги бу сифатлар бошқа одамларни пастга уриб, ўзининг қадр-қимматини ошириб кўрсатишга уринишда намоён бўлади.

**Амблиопия** – кўзда деярли ўзгариш бўлмагани ҳолда кўришнинг пасайиши: кўриш анализаторининг функционал бузилишлари натижасида келиб чиқади. Амблиопия бўлган болалар махсус мактабгача таълим муассасаларига боришлари мумкин.

**Амимия** – юз мускуллари маънодорлигининг йўқлиги ёки унинг сустлашиши. Амимия парезлар, параличлар, нерв тизимининг турли касалликларида юз мускуллари ҳаракат координациясининг бузилиши натижасида, юз нервининг парезлари ва параличлари оқибатида пайдо бўлиши мумкин. Амимия баъзи бир психик камчиликларда ҳам кузатилади.

**Амнезия** (а – инкор олд қўшимчаси ва юнон. mneme – хотира) – хотиранинг аввал ҳосил қилинган тушунча ва тасаввурларни тиклай олмайдиган даражадаги бузилиши.

**Амплификация** – боланинг тўлақонли психик ривожланиши учун ҳар бир ёш имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш: болаларни ривожлантирувчи ишлар мазмунини бола учун энг аҳамиятли фаолият шакллари ва усуллари билан бойитишни кўзда тутади. Болалар учун бу бола фаолиятининг ўзига хос турларидан (ўйин, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот, расм чизиш, конструкторлик, болалар меҳнати ва ҳ.к.) оптимал фойдаланиш демакдир.

**Анализаторлар** – одам организми ва ҳайвонларга ўзгариб турадиган ташқи ва ички муҳитдан келадиган қўзғатувчи таъсирларнинг идрок, таҳлил ва синтез қилинишини таъминловчи мураккаб анатомик-физиологик тизим (нерв механизмлари). Организмнинг анатомик ва физиологик тадқиқотлари натижасида ушбу тушунча илк бор И.П.Павлов томонидан қўлланилиши таклиф қилинган. Ҳар бир анализатор уч қисмдан таркиб топади: ташқи таъсирларни қабул қилиб олувчи рецепторлар, қўзғалишни тегишли нерв марказларига етказиб берувчи – ўтказувчи нерв йўли, қўзғалишни психик жараёнга айлантирувчи орқа мия ёки бош миядаги тегишли нерв марказлари. Анализаторларга

DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM № 5203

сезги органларининг барчаси: кўриш, эшитиш, туйиш, таъм билиш, ҳид билиш анализаторлари, шунингдек, ички органлар ва мускулларда жойлашган махсус анализаторлар киради. Ташқаридан келувчи ахборот (информация) рецепторлар – сезувчан (афферент) нерв учлари орқали қабул қилинади. Рецепторлар қўзғатувчи таассурот энергиясини нерв импульсларига ўтказади, сўнгра булар нерв тизимининг ўтказувчи йўллари орқали анализаторнинг марказий бўлимларига – бош мия пўстлоғи қисмларига ўтади.

**Аналитик кузатиш** – белгилар тизимига асосланган кузатиш, ушбу белгилар тизимига қараб, кузатиш объектини муайян категорияга мансуб деб топиш мумкин.

**Аналитик-синтетик товуш методи** – бутун бир матндан гапни, гапдан сўзни, сўздан бўғинни, бўғиндан товушни ажратиб олиш ва аксинча, товушлардан бўғинни, бўғинлардан сўзни, сўзлардан гапни тузиш йўли билан савод чиқаришни акс эттирувчи метод. Аналитик-синтетик товуш методи асосан, тайёрлов гуруҳлари ҳамда биринчи синфларда алифбегача бўлган даврда қўлланиб, унинг ёрдамида болалар ҳарфларни танийдилар, товушлар ёрдамида сўзлар тузадилар. Бу метод болалар нутқининг ривожланишида катта роль ўйнайди.

**Аналогия** – 1. Бир предметнинг хусусиятларини бошқа предмет хусусиятларига ўхшашлиги асосида аниқлашга таянадиган фикр. 2. Умуман олганда турлича предметлар, ҳодисалар ёки тушунчаларнинг маълум ҳолатларда ўхшашлиги.

**Анамнез** (юнон. anamnesis – эслаш) – беморнинг ҳаёт шароити ва касаллик тарихи ҳақида сўраб тўпланадиган маълумотлар. Бунда ташхисни қўйиш ва аниқлаш, коррекцион-тарбиявий тадбирларни белгилаш мақсадида текшириш жараёнида касал шахснинг ўзи ва яқинларидан касалликнинг юзага келиши ва кечиши, ўсиши ҳақидаги маълумотлар тўпланади.

**Андрагогика** (юнон. «андрос» – катта одам, эркак ва «агогейн» – олиб бормоқ, етаклаб, юрмоқ). Ўқув фаолиятининг ёши катта субъекти томонидан билим ва малакаларни ўзлаштиришнинг ўзига хос қонуниятларини очиб берадиган таълим назариясининг бўлими, шунингдек профессионал педагог томонидан ушбу фаолиятни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Тушунча илмий муомалага 1833 йилда Олмониялик педагогика тарихчиси А.Капп томонидан киритилган.

INSTITUTI ARM
№



**Анемия** – камқонлик, қонда гемоглобин ҳажмининг камайиши билан боғлиқ бўлган касаллик. Гемоглобин эритроцитлар таркибида бўлиб, кислород билан бирикиб, уни ўпкадан организм тўқималарига етказиб беради. Келиб чиқиш сабабларига кўра анемия турлича бўлиши мумкин: кўп қон йўқотиш сабабли келиб чиқувчи анемия; сурункали қон йўқотиш сабабли келиб чиқувчи анемия; қон етказиб бериш учун жавобгар бўлган орқа мия функциясининг етарли даражада эмаслиги сабабли юзага келувчи ёки эритроцитларнинг юқори даражада бузилиши оқибатида юзага келувчи анемия. Анемия юқумли касалликлар, гижжа оқибатида ҳам юзага келади. Касалликнинг энг кўп тарқалган тури – организмда темир моддасининг етишмаслиги натижасида юзага келган анемия саналади.

**Анжуман** – 1) кенг доирада ўтказиладиган мажлис, йиғилиш, кенгаш; 2) бир даврда яшаб, бир соҳада фаолият кўрсатган атоқли шахслар гуруҳи, жамияти; 3) бир хил касбдаги ҳунармандларнинг бирор маслаҳатли иш юзасидан вақти-вақти билан йиғилишиб ўтказиладиган мажлиси, шогирдларни ишга ўтказиш йиғини, маросими, зиёфати.

**Аниқлаштириш методи** – умумий назариядан айрим қўллашларга ўтиш ёки мавҳумликдан аниқ кўп хилликка ўтиш; аниқлаштириш натижаларини белгили расмийлаштириш (мисол, масала, чизма, модель, алгоритм, ҳисобот, иншо ва ҳоказо)лар мажмуи.

**Анкета** – дастлабки ижтимоий ва ижтимоий-психологик ахборот олиш учун методик восита бўлиб, тадқиқотнинг марказий вазифаси билан мантиқан боғлиқ саволлар тўплами кўришинида расмийлаштирилади. Анкета сўровлари муайян мақсадларда, масалан, биографик маълумотларни олиш, фикрлар, баҳолар, қадриятларга муносабатларни билиш учун ўтказилади.

**Анкета методи** – педагогика ва психологиянинг илмий-тадқиқот методларидан бири. Бу метод орқали изланиш объектини ўрганиш мақсадида тузилган саволларга ёзма равишда тегишли жавоблар олинади. Олинган натижалар таҳлил (анализ) қилингач, хулосалар чиқарилади ва улар асосида кейинги босқичда бажариладиган ишлар белгиланади. Махсус таълим соҳасида анкета методидан алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг у ёки бу жиҳатдан ривожланганлик даражасини ўрганишда кенг фойдаланилади. Олинган маълумотлар қайд қилиниб, таҳлил этилади,

кейинчалик аввал олинган кузатишлар натижалари билан таққосланади. Бундай қиёсий таҳлил бола нутқининг ўсиш динамикасини, ўзига хос тенденциясини кузатишга ёрдам бериб, ўқитувчи хатти-ҳаракатларининг самарасини баҳолайди ва кейинги ишларни белгилаб беради.

**Анкета сўрови** – социология, социал психологияда қўлланадиган дастлабки маълумот тўплаш методи, сўров ўтказиш методларининг бир тури (улар қаторига эркин (клиник), формаллашган, гуруҳий сўров турлари, индивидуал интервьюлар (суҳбатлар) ва анкета бўйича кўплаб сиртқи сўров турлари киради.

**Анкета сўровини ўтказиш** – 1. Анкеталардан фойдаланиб, оммавий ахборот тўплаш методи, уларни тузиш, тарқатиш ва ўрганиш босқичларини ўз ичига олади. 2. Тадқиқ этилаётган шахсга қаратилган махсус саволнома (анкета) ёрдамида ахборот олиш усули.

**Аннотация** – китоб (ҳисобот, мақола ва ш.к.) мазмунининг қисқача баёни. Иккиламчи ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади ва маълум қоидалар асосида расмийлаштирилган матн кўринишига эга бўлади.

**Антипатия** – бирон кимса ёки бирон нарсани хуш кўрмаслик, ёқтирмаслик ҳисси.

**Антиципация** – идрок этиш хусусияти; предмет, ҳодиса, хатти-ҳаракат натижасини улар реал идрок этилгунга ёки амалга оширилгунга қадар тасаввур этиш. Антиципация хатти-ҳаракат натижасини аввалдан кўра билиш, уларни «олдиндан акс эттириш» қобилиятини ўз ичига олади. Антиципация механизмларидан фойдаланиш асосида, масалан, мактабгача болалар муассасалари тарбияланувчиларининг яшаш ва фаолият кўрсатиш ҳавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган замонавий методикалар ишлаб чиқилади.

**Антропогенез** (юнон. «антропо...» ва «...генез») – инсоннинг тарихий-эволюцион шаклланиши, унинг бирламчи меҳнат фаолиятининг ривожланиши, жисмоний ҳамда маънавий ривожланиш жараёни.

**Антропология** (юнон. «антропо...» ва «...логия») – одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги нормал фарқ – тафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан. XIX асрнинг ўрталарига келиб, алоҳида фан сифатида шаклланди. Антропологиянинг асосий бўлимлари: одам морфологияси, антропогенез тўғрисидаги таълимот, ирқшунослик. XX асрнинг ўрталарига келиб, «одам биологияси» номи билан бирлаштирилган фанлар мажмуи жадал ривожлана бошлади.



**Антропософия** (юнон. «anthraopos» – инсон ва «sophia» – донолик, ақл) – 1913 йилда Р.Штейнер томонидан асос солинган мистик таълимот бўлиб, турли билим соҳаларининг фантастик талқинидан ҳамда инсоннинг тахмин қиланаётган «сирли имкониятлари»ни табиат устидан маънавий ҳукмронлик қилиш сари ривожлантириш методикасидан иборат. Ўз даврининг қатор адабиёт ва санъат намоёндаларига таъсир кўрсатган. Ҳозирга қадар ҳам қатор мамлакатларда педагогик амалиётга таъсир кўрсатиб келмоқда.

**Анъана** – тарихий жиҳатдан узвийлик ва ворисийликни англатадиган маънавий ҳаёт ҳодисаси; маънавиятга хос ижтимоий категория, аждодларнинг тарихан тўплаган маънавий қадриятларини авлодларга узатиш (бериш) воситаси. Анъана луғавий маънода мавҳум тушунча бўлсада, аслида анъанага айланган расм-русумлар, урф-одатлар, маросимлар, удумлар, кўникма, малака, турмуш тарзи ва бошқалар ҳақида фикр юритилганда, у аниқ маъно касб этади. Миллатлар, халқ-лар, элатларнинг тарихий хотирасига ҳурмат билан қараш, аввало, анъанага айланган жараёнларда ўз ифодасини топади. Анъаналар халқ-ларнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади. Одамларнинг турмуш тарзи, моддий шароитлари турли анъаналарнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Муайян ижтимой тартиб-қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урф-одат, маросим ва бошқалар анъана сифатида намоён бўлади. Анъаналарни 1) ижтимоий-тарихий ҳодиса; б) жамият ҳаётидаги жараёнларнинг таркибий қисми; в) кишилар ҳаёти ва фаолиятини белгилаш мезони; г) жамият ва одамларни бошқаришнинг маънавий омилларидан бири сифатида ҳам тавсифлаш мумкин. Анъаналар ёшларни тарбиялаш, уларни кекса авлод тажрибаларига ўргатиш воситаси ҳамдир. Ҳар бир даврнинг ўз анъаналари бўлиб, улар вақт ўтиши билан ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзилари йўқолади, янгилари вужудга келади. Шунингдек, бир замоннинг анъаналари кейинги даврга мос келмаслиги мумкин. Давр талабига жавоб бермайдиган анъаналар унутилади, ўтмишга айланади.

**Анъаналар** – 1. Тарихан қарор топган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган одатлар, маросимлар, ижтимоий қоидалар, ғоялар

ва қадриятлар, ахлоқ-одоб **нормалари**, узоқ вақт давомида жамиятда ёки алоҳида ижтимоий гуруҳларда сақланиб келаётган ижтимоий-маданий мерос элементлари. 2. Хулқ-атвор ва турмушда қарор топган одат, тартиб.

**Апатия** (юнон. apбtheia – эҳтироссизлик) – **инсондаги эмоционал пассивлик, завқ-шавқсизлик, ҳис-туйғуси ўликлик, бепарволик, совуққонлик, бефарқлик, ҳиссий лоқайдлик кабы кайфиятни ифода этади.** Бундай ҳолатда инсон ён-атрофдаги **воқеа-ҳодисаларга эътиборсиз бўлади, ҳеч нарсага қизиқиш билдирмайди,** унинг жисмоний, руҳий ва маънавий фаоллиги пасаяди. **Апатия** узоқ вақт давом этган руҳий бузилишлар туфайли **юзага келади ва кечиш муддатига кўра, узоқ ёки қисқа муддатли бўлади. Апатия** ҳолатини ақлий заифликда ва ҳатто узоқ давом этган муайян касалликнинг асорати сифатида ҳам кузатиш мумкин. Апатиянинг илк босқичларида қизиқиш, хоҳиш ва интилишнинг бирмунча сусайиши, иштиёқ ва майлнинг пасайиши кузатилади. Кейинги босқичларда эса теварак-атрофдаги **воқеаларга нисбатан бефарқлик пайдо бўлади.** Кўп ҳолларда, **апатия ҳолатидаги кишининг мимикаси камаяди, эмоциялари совуқлашади, у ҳеч қандай кўнгилочар ишларни қилмайди, хатто оиласи, фарзандлари, яқинларига ҳам лоқайд бўлиб қолади.** Апатиянинг сўнгги босқичларида эса тўлиқ **бефарқлик ҳукмрон бўлади,** бу ҳолатдаги киши ҳатто ўз ташқи кўриниши **ва озодалигига ҳам эътибор бермайди.** Апатия маънавий **тушкунлик ва руҳий толиқиш оқибати** бўлиши ҳам мумкин.

**Апперцепция** – идрок инсоннинг ўтмиш тажрибасига, унинг психик фаолиятининг умумий **мазмуни,** йўналганлиги ва бошқа шахсий хусусиятларига боғлиқ эканини англатадиган атама; бирон кечинма, ҳис-туйғунинг **ва ҳ.к. аниқ** ва онгли идрок этилишини билдиради. Немис файласўфи, математиги, физики, тилшуноси Г.В.Лейбниц (1646-1716) томонидан онгсиз, перцептив идрок этиш тушунчасига қарши **киритилган. Педагогикада** апперцепция идрок этилаётган **янги билимнинг турдош тасаввурлар билан алоқада англанишини билдиради. Педагогикада бу йўналишнинг асосчиси – немис файласўфи, психологи ва педагоги** И.Ф.Гербарт (1776-1841).

**Аппликация** – 1. Ранг-баранг қоғоз ёки мато парчаларини бирор **нарсага** ёпиштириб ёки тикиб нақш, **гул ҳосил қилиш** йўли билан турли предметларни бадиий безаш учун қўлланадиган



амалий санъат турларидан бири. 2. Шу усулда ҳосил қилинган нақш, гул.

**Апраксия** – одат бўлган ҳаракатларнинг бузилиши. Апраксияга учраган бемор ҳеч қандай, ҳатто энг оддий ҳаракатларни ҳам ўзгаларнинг ёрдамисиз бажара олмайди. **Апраксия** уч кўринишда учрайди. 1. Идеатор апраксия – **мураккаб ҳаракатнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро уйғунлиги бузилади. Бемор** маълум бир мақсадни амалга **оширувчи ҳаракатларнинг** баъзи бир элементларини бажара олса-да, лекин бу элементларни кетма-кет бажариш режаси бузилади ва мақсад амалга ошмайди. Беморга чой ичинг, деб мурожаат қилинса, у тушуниб чой ичмоқчи бўлади, лекин бунинг учун аввал қандай ҳаракат қилишни эсидан чиқаради, олдин чойнакни кўтариш керакми ёки пиёланими; чойни чойнакдан пиёлага ёки пиёладан чойнакка қуйиладими деган масалалар бемор учун ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо бўлиб қолади. Идеатор апраксияда кўрсатилган ҳаракатни бемор қайта бажара олмайди. Апраксиянинг бу турида нутқ аппаратининг ҳаракати ҳам бузилган бўлади. 2. **Мотор апраксия.** Бунда бемор кўрсатилган ҳаракатни қайта бажара олмайди, буйруқни тушунса ҳам, унга маъносиз ва ўринсиз ҳаракатлар билан жавоб қайтаради. 3. Конструктив апраксия. Бунда майда бўлаклардан бутун нарса тузиш қобилияти йўқолади.

**Аралаш (комбинацион) машғулот** – бир пайтнинг ўзида бир нечта фаолият турларини (**ўйин, тасвирий санъат, мусиқа ва ҳ.к.**) ўзида бирлаштирган **ва турли** педагогик методикалар ва усуллар (нутқни ривожлантириш методикалари, болалар бадиий ижодиётини ривожлантириш методикалари, мусиқа тарбияси методикалари ва ҳ.к.) қўлланадиган машғулот. Аралаш машғулот болалар ривожининг турли йўналишлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади ҳамда бошқа машғулотлар билан ягона сюжет чизиғи билан боғланган бўлади.

**Аранжировкалаш (мослаштириш)** – 1. Мусиқа асарини бошқа соз ёки бошқа овозга мослаб қайта ишлаш. 2. Гуллардан композициялар таркиб топтириш **санъати.**

**Аргумент** – мантиқий далил; исботлаш, далиллаш жараёнида қўлланадиган мулоҳаза, **қоида, факт.**

**Арифметика** – математика **бўлими,** бу бўлим рақамларда ифодаланган сонларнинг **хусусиятларини** ва улар устида бажариладиган амалларни (қўшиш, айириш, бўлиш, кўпайтириш) ўргана-

ди. Арифметика мактабгача тарбиянинг мажбурий элементидир. Болаларда арифметик тушунчаларни шакллантириш асосида қуйидагилар ётади: битта предметни ҳар гал таниб олиш малакаси; предметларни санаб чиқиладиган предметлар мажмуида ажрата олиш; ушбу предметлар мажмуини бир-биридан фарқ қиладиган, ва шу билан бирга саноқда тенг ҳуқуқли элементларга охиригача ажрата олиш (саноқ «бири»дан фойдаланиш) малакаси; иккита кўплик элементлари ўртасида ўзаро мувофиқлик ўрната олиш малакаси, аввал бевосита, кейин эса уларни қатъиян тартибга солинган объектлар мажмуи билан, яъни муайян тартибда жойлаштирилган объектлар мажмуи билан солиштириб. Бу ўринда сўзлар (сонлар) мана шундай тартибга солинган стандарт мажмуа элементлари бўлиб хизмат қилади.

**Артикуляцион гимнастика** – артикуляцион аппарат мускулларини мустаҳкамлашга, нутқий жараёнда қатнашадиган органлар ҳаракатларининг кучи, ҳаракатчанлиги ва дифференциаллашганини ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар мажмуи. Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ривожлантириш бўйича якка (индивидуал) ва гуруҳий машғулотларнинг бир қисми сифатида қўлланади (бу машғулотларда товушлар талаффузи ўргатилади).

**Артикуляция** (лотин. articulo – қисмларга ажратаман) – нутқ органлари (лаблар, тил, юмшоқ танглай, товуш пайчалари) нинг муайян товушни талаффуз қилишдаги фаолияти; талаффузнинг аниқлик даражаси. Артикуляциянинг бузилиши нутқ товушларини нотўғри талаффуз қилишга олиб келади.

**Артикуляция машқлари** – нутқ органларининг мўътадил ва меъёрдаги ҳолатини таъминловчи машқлар тизими. Улар асосан лаб, тил-жағ машқларидан иборат. Артикуляция машқларининг асосий мақсади – товушларни тўғри талаффуз қилиш учун зарур бўлган артикуляция органларининг эркин ҳаракатини таъминлаш.

**Артикуляция органлари** – тил, лаб, танглай, юқори ва пастки жағ, тишлар.

**Артпедагогика** – икки соҳа (санъат ва педагогика) билимларининг синтези. Мақсади – нутқида камчилиги бор болаларни бадиий ривожлантириш жараёнида педагогик коррекцион йўналишнинг назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш ҳамда бадиий маданият асосларини санъат ва бадиий-ижодий фаолият (муси-



қавий, тасвирий, бадиий-нутқий, театр) орқали шакллантириш масалаларини тадқиқ этиш.

**Арттерапия** – ҳар хил санъат турларидан ўзига хос рамзий тарзда фодаланишга асосланган методикалар мажмуи. Улар ривожланишида муаммо мавжуд бўлган боланинг бадиий-ижодий жиҳатларини рағбатлантириш йўли билан ундаги психосоматик, психоэмоционал жараёнларнинг бузилиши ва шахс сифатида ривожланишидаги чекинишларни коррекциялаш имконини беради.

**Архив** – архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи муассаса.

**Архив иши** – архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича фаолият.

**Архив фонди** – юридик ёки жисмоний шахслар фаолияти натижасида яратилган, тарихий ёки мантиқий жиҳатдан ўзаро алоқадор архив ҳужжатлари мажмуи;

**Архив ҳужжатлари** – фуқаролар, жамият ва давлат учун маълум аҳамият касб этгани боис сақланиши лозим бўлган матнли, қўлёзма ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинолենталар, фотосуратлар, фотосуратлар плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек бошқа моддий жисмлардаги ёзувлар;

**Архив ҳужжатларини депозитар сақлаш** – архив ҳужжатларини уларнинг мулкдори (эгаси) билан архив, музей, кутубхона ўртасидаги келишувда (шартномада) белгиланадиган муддатлар ва шартлар асосида мулкдорнинг (эгасининг) архив ҳужжатларига бўлган мулк ҳуқуқини (эгалик ҳуқуқини) сақлаб қолган ҳолда сақлаш.

**Архитектура** (юнон. architecton – қурувчи сўзидан лотин. archtectura – меъморчилик) – 1. Кишиларнинг турмуш кечириши ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган, моддий жиҳатдан ташкил этилган муҳитни яратадиган бинолар, иншоотлар (шунингдек уларнинг мажмуалари). 2. Вазифаси, ўз замонининг техник имкониятлари, жамиятнинг эстетик қарашларига мувофиқ иншоотлар ва уларнинг мажмуаларини лойиҳалаш ва қуриш санъати, меъморчилик. Ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми (ишлаб чиқариш иншоотлари, саноат архитектураси) ва жамиятнинг кундалик ҳаётида зарур бўлган моддий воситаларнинг бир қисми

(уй-жойлар, ижтимоий бинолар) сифатида архитектура жамиятнинг моддий маданияти соҳасини ташқил этади, бир вақтнинг ўзида санъат тури сифатида кишилик жамиятининг маънавий маданияти соҳасига киради, кишиларнинг атроф муҳитини эстетик жиҳатдан шакллантиради, ижтимоий ғояларни бадиий образларда ифода этади. Архитектурада функционал, техник, эстетик ибтидолар (фойдалилик, мустаҳкамлик, гўзаллик) ўзаро бирикиб кетган. Архитектура (меъморчилик) иншоотининг мақсади ва функцияси унинг тархи ва ҳажмий-фазовий тузилишини, қурилиш техникаси эса унинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, амалга ошириш имконияти, қурилишнинг аниқ воситаларини белгилаб беради. Ҳозирги пайтда архитектуранинг асосий мақсади – бутун жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш.

**Асбоб (инструмент)** – бирон ишни бажаришда инсон меҳнатининг қуроли ёки машинанинг бажарувчи механизми. Фан ва техникада ўлчаш ва бошқа операцияларни бажариш, тиббиёт ва ветеринарияда жарроҳлик операциялари, даволаш процедураларини ўтказишда қўлланадиган приборлар, қурилмалар, мосламалар ҳам асбоб деб аталади.

**Асептика** (а – инкор олд қўшимчаси ва юнон. septicos – патос келтириб чиқарувчи) – жарроҳлик операцияси ва ҳ.к.ларда жароҳат, тўқима ёки тана ичига микробларнинг кириб келишини профилактика қилиш методи.

**Аспект** – бирон-бир ҳодиса, тушунча кўриб чиқиладиган нуқтаи назар, жиҳат, томон. Илк ва кичик мактабгача ёшдаги болалар эмоционал ва интеллектуал таҳлилни ҳали ўзлаштирмаган бўладилар, шунинг учун у ёки бу ҳодиса ёки тушунчанинг бир йўла бир нечта ўрганиш аспектини идрок этиш имкониятига эга эмаслар.

**Ассертивлик** – ўзига, ўз кучига ишонч ҳисси. Ўзига ишонч ўз кўникмалари ва қобилиятига барқарор ижобий муносабат сифатида намоён бўлади.

**Ассоциация** – психологияда айрим психик жараёнлар ва ҳодисалар (тасаввур, фикр, сезгилар)нинг боғланиши; бу боғланишлар туфайли бирор-бир жараённинг пайдо бўлиши билан шунга боғлиқ бўлган бошқа жараён юзага келади. Ассоциациянинг физиологик асосини муваққат нерв боғланишлари ташқил қилади. Ассоциациялар хотира ва тафаккур билан бевосита боғлиқ.



Уларнинг 3 тури фарқланади: ёндошликка асосланган, ўхшашликка асосланган, қарама-қаршиликка асосланган ассоциациялар. Таълим бериш жараёнида ўхшашликка асосланган ассоциациялар катта аҳамиятга эга.

**Астения** – заифлик, ўта толиқиш, узоқ муддатли жисмоний ёки ақлий зўриқишга лаёқатсизлик. Болаларда астения ҳолати ўта таъсирчанлик, толиқишлик, кайфиятнинг тез-тез ўзгариб туриши, йиғлоқилик, вегетатив бузилишлар ва уйқунинг бузилишларида намоён бўлади.

**Атаксия** (а – инкор олд қўшимчаси ва юнон. taxis – тартиб) – ҳаракатлар координациясининг бузилиши: одам меъёрда юра олмайди, гандираклаб кетади. Атаксия мияча, бош ҳамда орқа мия бошқа бўлимларининг шикастланиши натижасида юзага келади ва баъзи нутқ камчиликларида ҳам кузатилади (дизартрия, афазия, мотор алалия). Логопедик машғулотлардан ташқари логоритмика, даволовчи жисмоний машғулотлар билан бу камчиликни бартараф этиш мумкин.

**Атама** – қ. *Тремин.*

**Атетоз** (юнон. athetos – турғун эмас, каловланган) – бош миянинг қобиқ ости бўлимлари шикастланганда мускулларнинг секин-секин қисқариши натижасида юзага келадиган беихтиёр ҳаракатлар, асосан бармоқларда кузатилади, кўпинча тананинг бир томонида содир бўлади. Бу ҳолатда нутқ ноаниқ бўлади. *Гиперкинез*нинг бир тури

**Атония** (юнон. atonia – сусайиш, бўшашиш) – ўта ориқлашда, асаб ва б. касалликларда скелет ва ички органлар (мас., ичак) мушаклари тонусининг кескин сусайиши.

**Атрибут** – 1. Нарсаларнинг, ҳодисаларнинг ажралмас қисми, хусусияти. 2. Объект ёки ҳодисанинг тасодифий, ўткинчи ҳолатларидан фарқли ўлароқ, зарур, ўзига хос, ажралмас хусусияти.

**Атроф-муҳитни асраш** – она табиат олдидаги маънавий қарздорлик асосида шаклланадиган туйғу; ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, табиатни сақлаш, қайта тиклаш, атроф-муҳитнинг биологик хилма-хиллигини асрашга қаратилган фаолият. Атроф-муҳитни асраш табиий бойликларни сақлаш ва улардан унумли, оқилона фойдаланишни назарда тутиб, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар уйғунлигини таъминлаш йўлида олиб бориладиган кенг миқёсдаги ижтимоий, иқтисодий, маъ-

навий, технологик, ҳуқуқий ва бошқа тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Ўзбекистонда атроф-муҳитни асраш 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги қонун асосида тартибга солинади.

**Атроф-олам билан таништириш методикаси** – мактабгача ёшдаги болаларни атроф борлиқ билан таништириш мақсадида болаларнинг ақлий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ишнинг мазмуни, шакллари, методлари.

**Атрофия** (юнон. atropheo – озяпман, қуряпман) – тўқималар озиқланишининг йўқолиши, орган ёки тўқималар ҳажмининг кичрайиши ва заифлашиб қолиши. Бу ҳодиса *физиологик атрофия* деб аталади. Орган касаллик натижасида кичрайган бўлса *патологик атрофия* дейилади. Бирор органнинг атрофияланиши шу орган функциясининг кескин бузилиши ёки ҳатто бутунлай тўхтаб қолишига олиб келади: кўриш нерви атрофиясида кўз кўр бўлиб қолади; эшитув нерв атрофиясида қулоқ эшитмай қолади ва ҳ.к. Атрофия сабаби барвақт аниқланиб, бартараф этилса, зарар кўрган орган функцияси тикланиб кетиши мумкин.

**Аттестат** – 1. Ўқув муассасасини тугатганлик тўғрисидаги давлат ҳужжати. 2. Илмий ёки махсус унвон берилганлик тўғрисидаги шаҳодатнома.

**Аттестация** – 1. Мутахассисларнинг ишга лаёқати, малакасини, билим даражаси ва хулқ-атворини аниқлаш ва шу асосда ишга тайинлаш ёки унвон бериш учун ўтказиладиган синов. 2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида муайян таълим муассасаси фаолиятининг асосий йўналишлари – моддий-техник базаси, кадрлар билан таъминланганлиги, ўқув-тарбиявий ишларнинг ташкил этилиши, бошқарув даражаси, ўқув-услубий таъминоти, ўқувчилар ва тарбияланувчиларнинг билим даражаси ва бошқа қатор кўрсаткичлар бўйича давлат таълим стандартларига нечоғлик мувофиқ эканлигини аниқлаб берувчи жараён.

**Аттестация комиссияси** – таълим муассасалари педагогик ва раҳбар ходимларининг муайян мазмунга ва мураккаблик даражасига эга бўлган меҳнат функцияларини бажаришга тайёрлигини текшириш мақсадида аттестациясини ўтказадиган комиссия.

**Аттрактивлик** – бирон кишининг ўзининг бошқа кишиларга бўлган ижобий туйғуларига таяниб, ўзига нисбатан ҳам бошқа-



ларнинг хайрихоҳ муносабатига интилиши. Бу туйғу аввалам бор педагогик фаолиятда ғоят муҳим бўлиб, унинг марказида *эмпатия* туради.

**Аудиовизуал воситалар** – эшитиб ва кўриб идрок этишга асосланган таъсир воситалари: фотография ва фотосурат олиш; оптик проекция (статик ва динамик); товуш ёзиш (аналогли ва рақамли); телевидение ва видеоёзув (аналогли ва рақамли); мультимедия воситалари.

**Аудиограмма** – аудиометр ёрдамида эшитишни текшириш жараёнида олинган маълумотларнинг махсус қайд қоғозида белгилар ёрдамида акс эттирилиши (график тасвирланиши).

**Аудиология** (лотин. audio – эшитаман ва «...логия») – эшитиш ва унинг бузилишлари ҳақидаги фан.

**Аудиометр** – эшитиш сезгисининг кучини аниқлайдиган, ҳар хил баландликдаги товушларга нисбатан эшитиш сезгиларининг қуйи чегараларини ўлчайдиган махсус асбоб.

**Аудиометрия** – аудиометр ёрдамида турли частотали товушларни идрок этиш чегарасини аниқлаш орқали эшитиш ўткирлиги ва ҳолатини текшириш. Аудиометрия ёрдамида эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг эшитиш даражаси аниқланади.

**Аудиоқўлланма** – мактабгача ёшдаги болаларнинг тинглашлари учун тавсия этилган адабий ёки мусиқа асарларининг тўплами (аудиокассета, аудиотўплам, фонохрестоматия). Ёзувлар профессионал ижрочилар – кино ва цирк артистлари, филармоник студиялар иштирокида амалга оширилади. Уларга методик илованинг бўлиши талаб қилинади.

**Аудитор** – бухгалтерия ёзувлари ва ҳисоботларининг тартиблилиги, ишончлилиги ва умумқабул қилинган бухгалтерия тамойилларига мувофиқлигини текширадиган, кейин эса уларни аттестация қиладиган (тасдиқлайдиган) мустақил бухгалтер; компаниялар фаолиятининг текширувини (аудитини) амалга оширадиган ревизор.

**Аудитория шоки** (саҳна қўрқуви) – ўз фикрларини билдиришда кучли зўриқиш ҳолатининг юзага келиши сабабли атрофдагилар билан мулоқотта киришишдаги қўрқув.

**Аутизм** (юнон. autos – мен ўзим) – шахснинг атроф-олам (воқелик)дан ўзини олиб қочиши ҳамда ўзининг ички дунёсида яшашга интилиши. Атрофдагилар билан мулоқотга киришишдан қочиш турли кўринишларда намоён бўлиши, шунингдек турли сабаб-

лар оқибатида келиб чиқиши мумкин. Баъзан бу ҳолат боланинг узоқ бетоб бўлиб, кўпчиликдан ажратиб парваришлангани сабабли юзага келса, бошқа бир ҳолатда эса эшитиш, кўриш қобилияти ёки ақлий ривожланишининг меъёрдан орқада қолиши, шунингдек боланинг характер хусусиятлари ҳамда невротик бузилишлар оқибатида ҳам содир бўлиши мумкин.

**Аутотренинг** – ўз-ўзини ишонтиришга асосланган махсус машқлар мажмуи.

**Афазия** (юнон. а – инкор этиш, phasis – нутқ сўзларидан) – бош миянинг локал жароҳатланиши натижасида рўй берадиган нутқнинг тўла ёки қисман йўқолиши. Афазиянинг асосан икки хил шакли мавжуд: мотор ва сенсор афазия. Мотор афазияда ҳаракатлантирувчи нутқ маркази шикастланади. Сенсор афазияда сезувчан нутқ маркази зарарланади. Афазия *алалия*дан фарқ қилади. Алалияда нуқт ривожланиши бузилса, афазияда аслида ривожланган нутқ йўқолади. Мотор афазияда нутқнинг экспрессивлиги бузилади, бемор бутунлай гапира олмайди ёки фақат айрим сўзларни, қисқа-қисқа жумлаларнигина айта олади. Бунда сўзларнинг товуш ва бўғинлар структураси бузилган бўлади. Мотор афазияда беморлар ўзгалар нутқини кўпинча тушуна олмайди. Бу ҳол айниқса, болаларга хос бўлиб, уларнинг нутқи хасталик бошлангунга қадар тўла шаклланмаган бўлади. Сенсор афазияда беморлар сўзлар ва нутқ товушларини идрок этолмайдилар ва бошқалар нутқини тушунмайдилар.

**Афония** (а – инкор қўшимчаси ва юнон. phone – товуш, овоз) – овоз ҳосил бўлиш аппаратининг бузилиши натижасида фонациянинг камчилиги ёки йўқлиги. Афонияда овоз бутунлай йўқолади, лекин шивирлаб гапириш сақланиб қолади. Чин (органик) афония ва функционал (психоген, истерик) афония мавжуд. Афония оғиз бўшлиғининг касалланиши, яллиғланиш, саратон, папилламатоз, томоқ стенози (торайиши) каби касалликларда (чин ёки органик афония), шунингдек, неврозларда (фунционал ёки истерик афония) учрайди. Афония овоз пайчаларининг бутунлай ёки етарли даражада жипслашмаслиги натижасида рўй беради. Функционал ёки истерик афония невротик беморларда лорингитдан кейин ёки асабий кечинмалардан кейин бўлиши мумкин.

**Афоризм** – бирон-бир чуқур маъноли фикрни ўзига хос бадиий шаклда ифода этадиган қисқа ибора, ҳикматли сўз.



**Афсона** – халқ оғзаки ижодининг насрий жанрларидан бири. Мавзусига кўра афсона тарихий, диний, маиший ва ҳ.к. турларга бўлинади Мактабгача ёшдаги болалар афсонани эртакдек қабул қилади.

**Аффект** (лотин. affectus – руҳий тўлқинланиш, кучли эҳтирос) – нисбатан тез ва қисқа муддатли, кучли эҳтиросли ва эмоционал ҳолат; шахс учун муҳим ҳаётий вазиятларнинг тез ўзгариши билан боғлиқ ички туғён ва кескин характерли ўзгариш тарзида намоён бўлади; муайян кишининг ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмай қолишини ифодалайдиган тушунча. Ўта кучли аффект ҳолатида шахс феъл-атвори, ўзини тутиши, муомала муносабати, объектив воқеликни акс эттиришнинг характер ва мазмуни ўзгаради. Аффект тушкун ва танг вазиятларда юзага келади. Аффект ҳолатида кишининг онг доираси торайди, хулқни назорат қилиш қобилияти йўқолади. Тиббиёт амалиётида физиологик ва патологик аффект ҳолати кузатилади. Физиологик аффектда киши ўз ҳатти-ҳаракатини идора эта олиши, кейинчалик барча воқеаларни хотирасида сақлаб қолиши мумкин.

**Афферент нервлар** – рецепторларда ҳосил бўлган қўзғалишни тегишли марказларга элтувчи нервлар.

**Ахборот** – 1. Ҳайвонот ва ўсимлик оламида сигналлар алмашинуви. 2. Кишилар томонидан оғзаки, ёзма ёки бирон-бир бошқа усул билан узатиб келинадиган маълумотлар, хабарлар. XX аср ўрталаридан бошлаб инсонлар ўртасида, одам ва автомат ўртасида, автомат ва автомат ўртасида маълумотлар алмашинувини билдирадиган умумилмий тушунча. Ахборот нур, товуш ва радио тўлқинлари, электр токи ёки кучланиши, магнит майдони, қоғоздаги белгилар шаклида яратилиши ва ташилиши мумкин. Ахборотдан фойдаланиш кўламлари жамият ривожланиши даражасини белгилайди ва ҳ.к.

**Ахборот борасидаги хавфсизлик** – ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати.

**Ахборот мулкдори** – ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборот ресурсига эгалик қилиш, тасарруф этиш ва фойдаланишда муайян юридик ҳуқуққа эга бўлган ахборот муносабатлари субъекти. Ахборот ресурсига эгалик қилиш, тасарруф этиш ва фойдаланишнинг юридик ҳуқуқига ушбу ахборот ресурсини мерос қилиб олган шахслар эгадир. Кашфиёт, ихтиро, илмий-техникавий ишланмалар, рационализаторликка оид так-

лифлар ва ҳ.к. муаллифлари ҳам ўзлари бу ахборотга эгалик қилиш тасарруф этиш ва фойдаланишнинг юридик ҳуқуқига эга. Яна қ. *Ахборот эгаси.*

**Ахборот ресурслари** – алоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналар, архивлар, фондлар, маълумотлар банкларидаги ва бошқа ахборот тизимларидаги) ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тўпламлари.

**Ахборот соҳаси** – ахборотни яратиш, тўплаш, унга ишлов бериш, ундан фойдаланиш ҳамда ушбу жараёнларни таъминловчи инфратузилмани яратишни ўз ичига олувчи фаолият соҳаси.

**Ахборот технологияси** – 1. Ахборотни тўплаш, сақлаш, қидириш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар. 2. Ахборотни ҳосил қилиш, сақлаш, тарқатиш, акс эттириш ва ундан фойдаланиш мақсадида интеграллаштирилган методлар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва дастурий-техник воситалар мажмуи. 3. Ахборот технологияси атамаси ахборотга ишлов бериш учун ушбу ахборотдан фойдаланувчи жараёнларнинг меҳнат ҳажмини камайтириш, уларнинг ишончлилиги ва тезкорлигини ошириш мақсадида замонавий ЭҲМлардан фойдаланишни билдиради. Ахборот технологиялари таркибига аппарат, дастурий ва ахборот компонентлари киради.

**Ахборот тизими** – керакли ахборотни сақлаш, қидириш ва сўров бўйича чиқариб бериш учун хизмат қиладиган воситалар мажмуи; ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилади.

**Ахборот эгаси** – қонунда ёки *ахборот мулкдори* томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

**Ахборотни муҳофаза этиш** – ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари.

**Ахборотни ўзлаштириш** – идрок этилган ахборотни хотирада мустаҳкамлаш.

**Ахлоқ** – ижтимоий онгнинг алоҳида шакли ва ижтимоий муносабатлар (ахлоқий муносабатлар) тури; маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижтимоий онг шаклларидан бири, маънавият соҳасига оид тушунча. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабатлари, шунингдек жамиятта бўлган муносабатларини тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиси. Оддий урф-одат ёки анъаналардан фарқли ўлароқ ахлоқий нормалар эзгулик ва ёвузлик, адолат, инсонпарварлик, виждон, масъулият каби ахлоқий идеаллар кўринишида ғоявий асосга эга. Демак, ахлоқ асосида инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаси ҳақидаги қарашлар тизими ётади. Ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, ахлоқ талабларининг бажарилиши маънавий таъсир кўрсатиш шакллари (кишилар жамоасининг баҳоси, маъқуллаши ёки, аксинча, айблаши) орқали бошқарилади. Умрбоқий умуминсоний ахлоқ нормаларидан ташқари тарихан ўткинчи нормалар, тамойиллар, идеаллар мавжуд. Ахлоқ талаблари кишиларнинг феъл-атвори ва фаолиятида ўз ифодасини топади. Бунда баъзи хатти-ҳаракат ва хулқ-атворлар ахлоқий, баъзилари ахлоқсизлик деб баҳоланади. Ахлоқ - ижтимоий онгнинг энг қадимий шаклларидан биридир. Давр ўзгара боргани са-йин, ҳар қандай ҳодиса каби, ахлоқ ҳам ўзгаради, ривожланиб, такомиллашиб, маънавий маданиятнинг кўринишларидан бирига айланиб боради. Ахлоқни алоҳида фалсафий фан – «Этика» ва «Ахлоқшунослик» ўрганади.

**Ахлоқий қадриятлар** – жамиятдаги ижтимоий гуруҳларнинг хулқ-атворидаги ўзига хос белгилар, улар кишиларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатлари ва қилмишларини, эзгулик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурларини ахлоқий томондан баҳолашга ёрдам беради.

**Ахлоқий маданият** – жамиятдаги ахлоқнинг юксаклик даражасини, фуқароларнинг ахлоқий савиясини акс эттирувчи тушунча. У шахснинг жамиятдаги асосий ахлоқий меъёрларини эгаллаши ва ўзгалар билан шу асосда муносабатда бўлиши, ўзини ахлоқий томондан мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим омилларидан бири – муомала одоби. Инсонлар бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, ўзаро таъсир кўрсатмасдан яшаши мумкин эмас. Бинобарин, мулоқот, муомала инсон учун асосий эҳтиёж, зарурат экан, муомала одоби ўзгалар қадр-қимматини, ҳурматини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий-меъёрий талабларни бажаришни тақозо этади. Маъноли ва равон сўзлаш, суҳбатдошни тинглай билиш, нутқ маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Муомала одобида мулоқотнинг асосий воситаси бўлмиш тил катта аҳамиятга эга.

**Ахлоқий меъёрлар** – кишилар ўз ҳаёти ва фаолиятида амал қиладиган ижтимоий ишлаб чиқилган хулқ-атвор қоидалари.

**Ахлоқий сифатлар** – шахснинг барча вазиятларда ўзини намоён қиладиган, унинг ахлоқий нормаларга риоя қилишга интилиши билан боғлиқ бўлган доимий сифатлари.

**Ахлоқий танлаш шарт-шароитлари** – бола ҳаёти ва фаолиятини шакллантиришга хизмат қиладиган, боланинг ўз ижтимоий ҳис-туйғуларини намоён этишда энг мақбул бўлган ижтимоий моделлаштирилган (махсус яратилган) ёки табиий шарт-шароитлар. Ахлоқий танлаш шарт-шароитлари шуни тақозо этадики, бунда бола бажарилиш эҳтимолига кўра бир хил, аммо ахлоқий мазмуни бўйича ҳар хил хулқ-атвор турлари олдида туради ва улардан биттасини афзал билиши талаб қилинади.

**Ахлоқий тарбия** – жамиятда қабул қилинган ахлоқий нормалар ва қоидаларни ўзлаштириш асосида болада ёки болалар гуруҳида ижтимоий хулқ-атворнинг ахлоқий асосини сингдиришни кўзлаган тарбия.

**Ахлоқий туйғулар** – шахснинг ижтимоий ҳаёт талабларига риоя қилиш, ахлоқий нормаларга (номус, ғамхўрлик, ҳамдардлик ва ҳ.к.) бўйинсунишга интилишдан қониққанлиги ёки қониқмаганлиги билан боғлиқ ҳиссий кечинмалари. Ахлоқий туйғуларда шахснинг ижтимоий ахлоқ талабларига нисбатан муносабати акс этади. Ахлоқий туйғулар шахснинг дунёқараши, унинг амал қиладиган хулқ-атвор қоидалари ва тамойилларига боғлиқ.

**Ахлоқий ўз-ўзини бошқариш** – шахснинг ўз хулқ-атворини умумқабул қилинган нормалар, баҳолар ва касбий талабларга мувофиқлаштира олиш қобилиятини баҳолаш имконини берадиган жараён.

**Ахлоқий фазилатлар** – инсонни яхшиликка чорлайдиган, ёмонликдан қайтарадиган ахлоқий қарашларнинг доимий одат, амалий фаолиятга айланганини билдирадиган тушунча. У инсоний ахлоқ намуналарини ўзида мужассам этади ва маънавиятнинг ўзагини ташкил этади. Адолатлилик, бағрикенглик, босиқлик, вазминлик, вафодорлик, ватанпарварлик, виждонлилик, гўзаллик, диёнатлилик, дилбарлик, донолик, жасурлик, жавонмардлик, зийраклик, зеболик, заковатлилик, зукколик, иболилик, илмсеварлик, интизомлилик, ишчанлик, илтифотлилик, иффатлилик, камтаринлик, камарбасталик, кечиримлилик, латофатлилик, лафзи



ҳалоллик, матонатлилик, мурувватлилик, меҳр-оқибатлилик, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, мўътадиллик, нафосатлилик, одиллик, орасталилик, олижаноблик, олийҳимматлилик, очиқкўллик, ростгўйлик, раҳм шафқатлилик, сабр-бардошлилик, саховатпешалик, садоқатлилик, самимийлик, тавозелик, теран фикрлилик, талабчанлик, тежамкорлик, улуғворлик, фозиллик, фидойилик, фаросатлилик, хушмуомалалилик, хушфеъллилик, қаноатлилик, чидамлилик, шижоатлилик, ширинсуханлик, ўктамлик, ғайратлилик, ғазабни жиловлай олишлик, ҳаққонийлик, ҳалимлилик, ҳалоллик, ҳаёлилик, ҳожатбарорлик каби ахлоқий фазилатлар ҳислатлар инсонни улуғлайди, юксалтиради, жамиятдаги муносабатларни ҳам мукаммаллаштиради. Халқимиз ана шундай ахлоқий фазилатлар асосида ўзининг бетакрор маънавий қиёфасига эга бўлиб келмоқда. Мустақиллик йилларида бу фазилатлар янгича маъно, мазмун билан бойиб, юксак маънавий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бирига айланмоқда.

**Аэробика** – мусиқа ҳамкорлигида бажариладиган ритмик гимнастика, турли жисмоний машқлар мажмуи. Соғломлаштириш ва спорт мақсадларида қўлланади.

**Аэротерапия** – иқлим терапияси методи, тўғридан-тўғри қуёш нурларидан ҳимояланган ҳолда очиқ ҳаво таъсирига асосланади.

**Ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммоси бўлган болалар** – туғма, ирсий, эга бўлинган касалликлар ёки белгиланган тартибда тасдиқланган жароҳатлар асоратлари оқибатида ҳаётий фаолият(лар)и чекланган жисмоний ва (ёки) психик камчиликка эга бўлган 18 ёшгача булган болалар (бола). Бундай камчиликлар туғма ёки туғилгандан кейин пайдо бўлиши мумкин. Туғма камчиликларнинг юзага келиш сабаблари қаторида насл (генетик) омиллар катта ўрин эгаллайди. Туғма муаммолар ривожланаётган ҳомилага кимёвий, механик, инфекцион таъсирлар кўрсатиш натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Туғилгандан сўнг пайдо бўладиган камчиликлар бола ривожининг илк даврида унинг юқумли касалликлар билан оғриши (менингит, полиомиелит, қизамиқ, скарлатина), жароҳатланиши, интоксикация натижасида рўй беради. Ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммоси бўлган болаларнинг асосий гуруҳлари: 1) эшитишда камчиликлари бор бўлган болалар (кар, заиф эшитувчи, кейин кар бўлганлар); 2) кўришда муаммоси бўлган (кўр, заиф

кўрувчи) болалар; 3) ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар; 4) ҳаракатланишида муаммоси бўлган болалар; 5) нутқий ривожланишида муаммоси бўлган болалар; 6) *мураккаб (комплекс) бузилишлар* кузатилган болалар (икки ёки ундан ортиқ камчиликларнинг қўшилиб келиши).

**Ақлий ривожланиш** – боланинг ёши ва ҳаётий тажрибасининг ортиши ҳамда тарбиявий таъсирлар билан боғлиқ ҳолда унинг фикрлаш фаолиятида содир бўладиган сифат ва миқдор ўзгаришлари. Ақлий ривожланиш даражаси қуйидагилар билан белгиланади: ўзлаштирилган билимлар, малакалар ҳамда уларни ўзлаштиришда шаклланган ақлий хатти-ҳаракатлар; ўзлаштирилган билимлар ва кўникмалардан фикрлаш жараёнида эркин фойдаланиш ва бунинг натижасида янги билимлар ва кўникмаларни ўзлаштириш.

**Ақлий ҳаракатлар** – инсоннинг бирон бир ташқи воситаларга, шу жумладан овозли нутққа таянмаган ҳолда, ички онгда бажариладиган турли-туман ҳаракатлари. Айнан мана шу ақлий ҳаракатлар инсоннинг бошқа турдаги ҳаракатларидан (*перцептив*, нутқий, жисмоний) фарқлаб туради. Ақлий ҳаракатлар назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлади.

**Аклий ҳужум** – муаммони ҳал этишга нисбатан интеллектуал ёндашув; таълим олувчиларнинг ижодий ишларини ҳамкорликда ташкил этишларига оид махсус метод. Бунда муаммони ҳал этишга оид шахсий фаразлар илгари сурилади.

**Аҳолининг табиий ўсиши** — муайян вақт оралиғида туғилганлар ва вафот этганлар айирмасининг абсолют қиймати.

## Б

**Базавий таълим** – шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва шаклланиши, келгуси таълим олишининг умуммаданий асоси, фуқаро ва мутахассис сифатида қарор топишини таъминлайдиган умумтаълимий тайёргарликнинг ижтимоий зарур даражаси.

**Байроқ** – азалдан ҳар бир давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини ифодалайдиган, унинг ғурур-ифтихорига айланган рамзлардан бири. Унда халқ ва давлатнинг тарихи, қадриятлари, дунёқараши ўзига хос тарзда мужассам этилади. Ўрта асрларда туркий халқларда байроқ «туғ» деб юритилган. Ўрта асрларда Ғарбий Европа шаҳарларида табақа, уюшма ва корхоналар ҳам ўз байроғига эга бўлган. Бугунги кунда «давлат байроғи», «ҳарбий байроқ», «партия байроғи» каби тушунчалар кўп ишлатилади. Муайян сиёсий кучлар, армия ва қўшин турлари, баъзи гуруҳлар ва ҳаракатлар ҳам ўз байроғига эга бўлиши мумкин.



**Бакалавриат** – олий ўқув муассасаси талабасига олий таълимнинг биринчи босқич илмий даражасига эга бўлиш имконини берадиган таълим поғонаси.

**Баланс** (франц. balance – тарози) — 1. Мувозанат, тенглик. 2. Бирон-бир фаолият томонлари ўртасида ушбу томонларни ўзаро мувозанатга келтириб туриши лозим бўлган нисбатларнинг миқдорий ифодаси. 3) Ташкилот ёки корхонанинг барча турдаги мол-мулки ва уларнинг ҳосил бўлиш манбаларининг қиймати акс эттирилган ёзув (қ. *Бухгалтерия баланси*).

**Банд аҳоли** – ёлланиб ишлаётган, тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида иш бажараётган, шунингдек тегишли шартнома (контракт, битим) билан тасдиқланган ҳақи тўланадиган ишга эга фуқаролар; ўзини мустақил равишда иш билан таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан тадбиркорлар, индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари; ҳақи тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган фуқаролар; хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар.

**Бандлик** – меҳнатга лаёқатли аҳолининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва одатда иш ҳақи, қўшимча нафақа ва натура тўловлари кўринишида даромад келтирадиган фаолиятда қатнашиш даражаси.

**Банк** – юридик ва жисмоний шахсларга турли хилдаги молиявий хизматларни кўрсатадиган молия-кредит муассасаси. Банк фуқаролар жамғармаларини қабул қилади ва маълум шартларга кўра сақлайди, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жойлаштиради, уларга товарлар ва хизматлар учун тўловларни ташкил этишда ёрдам беради.

**Банк операциялари** – фақат банклар ва бошқа айрим кредит ташкилотлари амалга ошириши мумкин бўлган операциялар: жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини жамғармаларга жалб этиш (маълум муддатга ва талаб қилиб олингунча); юқорида кўрсатиб ўтилган жалб қилинган маблағларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан жойлаштириш; жисмоний ва юридик шахс-

ларнинг банк ҳисобрақамларини очиш ва уларни юритиш; жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан корреспондент-банкларнинг топшириғига кўра уларнинг банк ҳисоб рақамлари бўйича ҳисоб-китоблар олиб бориш; пул маблағлари, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларининг инкассациясини олиб бориш; жисмоний ва юридик шахсларга касса хизмати кўрсатиш ва ҳ.к.

**Баркамоллик** – камолот, балоғатга эришган, бекаму кўст, етук, мукаммал, комил, маърифатли кишиларга нисбатан қўлланадиган тушунча. У инсоннинг ақлий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан етуклиги, ўзи танлаган касб-ҳунарнинг устаси бўлиши, шахс сифатида шаклланиб, Ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон куйдириши, эзгу ғоя ва ниятлар билан бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятига эга бўлишини ҳам англатади. Баркамол инсон бошқаларга ўрнак бўлади, уларни ўз ортидан эргаштиради. Бундай инсонлар қанча кўп бўлса, жамият шунча баркамол бўлади, илм-фан, маданият ривож топади. Баркамоллик ватанпарварлик, жасорат, ҳиммат, қатъият, ирода мустаҳкамлиги каби фазилатларни ўзида мужассамлаштирган тушунчадир.

**Бассейн** – чўмилиш, сузиш учун, шунингдек манзарали-декоратив мақсадларда қурилган сунъий сув ҳавзаси. Бассейн асосан архитектура комплекси, боғ ёки паркнинг бир қисмини ташкил этади. Мактабгача таълим муассасасида бассейн бўлган ҳолда, штат жадвалида сузиш бўйича мураббий ставкаси кўзда тутилади.

**Баттаризм** – ҳаддан зиёд тезлаштирилган нутқ. Баттаризмда сўзлар жуда тез суръатда, ноаниқ талаффуз этилиши, гапдаги охирги сўзлар тушириб қолдирилиши, қатор-қатор сўз ва жумларнинг нафасни ростламай, ниҳоятда тез талаффуз этилиши, фикрнинг изчил баён этилмаслиги кузатилади. Серҳаракатлилик, шошқалоқлик, ҳовлиқмалик, бир фикрни оҳирига етказмай туриб, бошқа фикрга ўтиш, атрофдагилар гапини диққат билан тингламаслик – буларнинг барчаси баттаризм учун хосдир. Кўпинча психопат болаларда учрайди. Баттаризм нерв тизимини даволаш, мустаҳкамлаш, аниқ, равон, тўғри нутқни тарбиялашга қаратилган махсус логопедик машқлардан иборат бўлган кенг қамровли тиббий-педагогик тадбирлар ёрдамида бартараф этилади.

**Батут** – спортчига итарилиб юқорига сакраш имконини берадиган спорт снаряди (пружиналайдиган қурилма). Мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болалар билан ишлашда батут жисмоний тарбия бўйича методистнинг алоҳида эҳтиёткорлигини талаб қилади.

**Бағрикенглик** (лотин. tolerantia – сабр-тоқат) – ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, сахий, кенг феълли бўлган кишиларни ифодаловчи тушунча. Бағрикенглик ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана-маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-кўйда бунга риоя этишни англатади. Мазкур тушунча турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч осойишта яшашини ифода этади. Бағрикенглик айрим шахсларга ёки бутун бир халққа хос хусусият бўлиши мумкин. Бағрикенглик – ўзбек халқининг энг олижаноб фазилатларидан биридир. Бағрикенглик миллий ва диний тусда намоён бўлади. Миллий бағрикенглик – миллатлараро тотувликни англатса, диний бағрикенглик – турли диний конфессияларга мансуб кишиларнинг ҳамжиҳатликда яшашини билдиради. Турли динларга эътиқод қилувчилар билан ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат ҳам бағрикенгликка киради.

**Белги** – бошқа бирон предмет, хусусият ёки муносабатнинг вакили сифатида хизмат қиладиган ҳамда кўриш орқали идрок этиладиган предмет, ҳодиса ёки жараён. Сўз билан ифодаланадиган ва сўзсиз белгилар фарқланади. Белгини унинг маъносини аниқлаштирмай туриб тушуниб бўлмайди. *Семиотика*га қ.

**Белгилар тизими** – элементар белгилар, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларни комбинациялаш (бирга қўшиш) қоидалари, шунингдек фаолият кўрсатиш қоидалари тўплами.

**Белгили-рамзий фаолият** – белгили-рамзий воситалар билан амалга ошириладиган фаолият. Мактабгача ёшда болалар шуғулланадиган ушбу фаолият турлари: ўрин эгаллаш, схематизация, кодлаш, моделлаштириш.

**Беодоблик** – ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлган хусусият, инсоннинг ўз фаолиятида бошқалар билан бўлган муносабатида, иймон, инсоф, андиша, шарму ҳаё, инсонпарварлик каби ахлоқий мезонлар чегарасидан чиқишини англатувчи тушунча.

У муайян мақсад йўлида ва мақсадсиз амалга оширилиши мумкин. Бошқа бир тасниф бўйича беодоблик англанган ва англанмаган кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Англанган беодобликни одам билиб туриб, ёмон ниятда амалга оширади. Англанмаган беодобликка одам ахлоқий мажбуриятни нотўғри тушуниши сабабли йўл қўйиши мумкин. Беодоблик меъёри муайян хатти-ҳаракатнинг мазмунига, унинг амалга оширилишидаги шарт-шароитлар, шунингдек уни шу ишни қилишга мажбур қилган мотив ва ниятларга боғлиқ. Беодоблик туғма хусусият эмас, балки тарбиясизлик маҳсулидир. Шунинг учун халқимизда: «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», – деган нақл бор. Беодоблик, қўполлик ёки ҳасад юзага келтирган ҳар қандай келишмовчиликка қарши энг тўғри жавоб сукутдир. Бўлган-бўлмаган нарсани такрор сўрайвериш ҳам беодобликка киради.

**Библиография** (юнон. biblion – китоб ва ...*графия*) – босма ва ёзма асарлар тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича олиб бориладиган илмий-амалий фаолият бўлиб, манбаларни аниқлаш, уларни муайян белгиларига кўра танлаш, тавсифлаш, тизимлаштириш, уларнинг кўрсаткичлари, рўйхатларини тузишдан иборат. Рўйхатлар турлари: 1) фойдаланилган босма асарларнинг тизимлаштирилган илмий рўйхати; 2) бирор масалага доир китоб, журнал ва мақолалар рўйхати ва ҳ.к. Газета ва журналларнинг янги чиққан китоблар ҳақида ахборот бериб борадиган махсус бўлими, илмий асарлардаги адабиётлар рўйхати ҳам библиография деб аталади. Библиография назарияси ва тарихи, библиографик фаолиятнинг методикаси ва ташкиллаштирилиши масалаларини тадқиқ этадиган ва ишлаб чиқадиган ҳамда китобшуносликнинг бир қисми бўлган илм соҳаси библиографияшунослик деб аталади.

**Бизнес-режа** – ишлаб чиқилаётган тижорий тадбирнинг асосий жиҳатлари, юзага келадиган муаммоларнинг таҳлили, эҳтимолий тўсиқлар ва уларни енгиб ўтиш йўллари, ишнинг жорий ҳолатини кузатиб бориш мақсадга мувофиқ бўлган кўрсаткичлар-индикаторларидан иборат махсус ҳужжат. Кредит олиш учун асос вазифасини ўтайди. Бизнес-режага қараб, таклиф этилаётган тижорий лойиҳанинг ҳаётийлиги ва самарадорлиги таҳлил этилади. Бизнес-режа биринчи раҳбар ёки тадбиркорнинг бевосита иштирокида ишлаб чиқилади. Бизнес-режа қисмлари: а) лойиҳанинг афзалликлари ва амалга оширилишидан кутила-



диган молиявий натижаларнинг баёнидан иборат қисқача хулоса (резюме); б) ўн бўлимдан иборат асосий қисм: 1) лойиҳанинг мақсади бўлган товарлар (хизматлар), шунингдек ушбу товарлар (хизматлар)нинг рақобатбардошлигига эришишни таъминлайдиган омиллар тавсифланади; 2) бозорнинг потенциал ҳажмини ва бозордаги ўз улушини баҳолаш, сотув ҳажмини ва товарлар (хизматлар)нинг нархини истиқболлаш асосида ўз товари (хизмати) ўтадиган бозорни аниқлаш; 3) эҳтимолий рақобатчилар тўғрисидаги ахборот (рақобатчилар товарларининг сифати, нархлари); 4) асосий маркетинг элементлари (товарларнинг тарқалиш схемаси, баҳо белгилаш, сотувни рағбатлантириш методлари ва б.); 5) товарлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш режаси, у ишлаб чиқариш алоқалари, маҳсулот сифатини назорат қилиш жараёнлари ва ишлаб чиқаришдаги эҳтимолий чиқимлар схемаси билан биргаликда тузилади: 6) умуман ишнинг ва ходимлар ишининг ташқил этилиши; 7) лойиҳанинг ташқилий-ҳуқуқий шаклини белгилайдиган юридик режа; 8) хавф-хатарларни (рискларни) баҳолаш ва истиқболлаш; 9) лойиҳа бўйича барча маълумотларни умумлаштирадиган ва уларнинг моддий қийматини кўрсатадиган молиявий режа; 10) молиялаш стратегияси, яъни маблағларни олиш режаси (лойиҳани амалга ошириш учун зарур маблағлар қаердан ва қайси шаклда олинади, сарфланган маблағларни қайтиб келиш вақти ва олинажак фойда).

**Билдиришнома** (рапорт) – бирон-бир вазифа ёки мажбуриятнинг бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот, тузувчисининг хулосалари ва таклифларини ҳам ўз ичига олади ва раҳбариятга йўлланади.

**Билим** – борлиқни билишнинг амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган натижаси, борлиқнинг киши онгида тасаввурлар, тушунчалар, мулоҳазалар, назариялар кўринишида акс этиши; кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида тўплаган маълумотлари. Воқелик ҳақида олинган маълумотларимиз билим даражасига кўтарилиши учун, биринчидан, маълумотларнинг воқеликка мутаносиблиги, иккинчидан, етарли даражада ишонарли бўлиши, учинчидан, далиллар билан асосланганлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Билим кундалик тажриба, кузатиш орқали тўпланади. Билимларни тадқиқ этувчи таълимот – *эпистемологияда* билимнинг *перцептив* (ҳиссий), ҳаётий ва илмий билим шакллари ажратиб кўрсатилади.

**Билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш** – ўқитувчининг ўқув материалларини тақдим этиш жараёнида мустаҳкамлик тамойилини таъминлашга қаратилган махсус ишлари.

**Билимларни ўзлаштириш** – билимлар, малакалар ва кўникмаларни мустаҳкам эгаллашга қаратилган билиш фаолияти.

**Билингвизм** (икки тиллилик) – 1) икки тилнинг ёки адабий тил ва шу тил шевасининг бир хил равишда мукаммал эгалланиши; 2) махсус педагогикада эшитмайдиган болалар ва катталар ривожланишида сўзлашув нутқи ва имо-ишорали нутқни қўллаш жараёнида сўзлашув-ишорали икки тиллилик ёки билингвизм юзага келади.

**Билиш компонентлари** – бошқаларни ва ўз-ўзини билишга қаратилган психик жараёнлар; сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл ва ҳ.к.

**Билиш назарияси** (гносеология, эпистемология) – фалсафанинг бир бўлими бўлиб, билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билим (ҳиссиётлар, тасаввурлар, тушунчалар)нинг объектив реалликка муносабатини ўрганади, билиш жараёнининг босқичлари ва шакларини, билишнинг ишончлилик ва ҳаққонийлик шартлари ва мезонларини тадқиқ этади.

**Бимографик метод** – педагогик тадқиқот усули, шахс келажагини лойиҳалаштириш, тузатиш (коррекциялаш), ташхислаш методи.

**Бинаурал эшитиш** – икки қулоқ ва эшитув тизимининг симметрик бўлаклари ёрдамида нутқни идрок этиш. Бинаурал эшитиш товуш манбаини аниқлашга ёрдам беради.

**Бинокуляр кўриш** – иккала кўз иштирок этади, улар томонидан олинган тасвирлар эса киши нигоҳи қаратилган предметга мос равишда бир-бирига қўшилиб, предметларнинг ҳажман идрок этиш имконини беради. Бинокуляр кўриш бутун ҳаёт давомида шаклланади ва объектларни фазода идрок этиш имкониятларини белгилайди. Ғилай болаларда у бузилган ҳолда бўлади.

**Биография** – 1) киши ҳаётининг тавсифи; тарихий, бадиий ва илмий прозанинг қадимий жанри; 2) бирон шахснинг ҳаёт йўли.

**Биологик ёш** – бола организмининг индивидуал ривожланиш суръатларига боғлиқ бўлган кўп функцияли балоғатга етиш даври. Анатомик-физиологик белгилар мажмуи бўйича аниқланади, календар (паспортдаги) ёшга кўпинча мос келмайди. Муҳим мезонлари: тана пропорциялари, скелетнинг қотиши, сут ва доимий тишларнинг чиқиш пайти, жинсий белгиларнинг ривожланиши. Бунда болаларда индивидуал ривожланиш суръати меъёрдан 1,5 йилгача фарқланиши мумкин, бунинг натижасида биологик ва календар (паспортдаги) ёшлар ўртасида анча фарқ юзага келади.



**Биоэтика** – маънавият соҳасидаги илм-фан йўналишларидан бири; ҳозирги замон ахлоқшунослигининг муҳим соҳаси. Билимда инсон ҳаёти энг олий ахлоқий қадрият сифатида талқин этилади. Инсонлар ва шахслараро муносабатларни маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида таҳлил этиш асосида, табиатни муҳофаза қилиш масъулияти биоэтиканинг маданий негизини ташкил этади. Биоэтика ижтимоий масалалар билан бир қаторда, қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади. Биоэтиканинг мақсадларидан бири – инсон хатти-ҳаракати, онги, руҳияти ва ирсиятини ўзгартириш мақсадида ўтказилаётган тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат. Чунки илмий-техника тараққиёти, биогенетика, ирсият технологияси ва ген инженериясининг ривожланиши инсон ва бошқа жонзотлар яшайдиган табиий муҳитни муайян мақсадга мос равишда ўзгартириш имкониятини яратмоқда. Табиий эволюция жараёнлари миллион йиллар мобайнида кечган бўлса, эндиликда инсон учун бу жараёнларни кескин жадаллаштириш имкони туғилди. Масалан, ирсият технологияси ва биотехнология усуллари воситасида ирсиятни ўзгартириш, тирик мавжудотлар, янги организмлар, биологик роботлар яратиш масалалари илгари сурилмоқда. Бу ҳол инсоннинг яшаб қолиши ва истиқболи билан боғлиқ талай хатарли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу боис ирсиятга қандай ахлоқий мезонлар, мақсад-муддаолар, қайси қадриятларга таянган ҳолда ёндашиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Биоэтикага тааллуқли муаммоларнинг турли жиҳатлари файласўфлар, ҳуқуқшунослар, социологлар, тиббиёт ходимлари ва ижтимоий ахлоқшуносларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топмоқда.

**Биргаликдаги нутқ** – маълум бир сўз ва гапларнинг икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан бир вақтнинг ўзида (бирданига) талаффуз этилиши.

**Бисенсор ёндашув** – ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммолари бўлган болалар ривожланишидаги муаммоларни бартараф этишда икки соғлом анализатор фаолиятига таянган ҳолда иш кўриш.

**Бихевиоризм** (инглиз. bihaviour – хулқ-атвор) – XX аср б
шида Америкада психология фани доирасида ривожланган и
мий йўналишлардан бири. Бу йўналиш тарафдорларининг фи
рича, психологиянинг предмети онг эмас, балки ташқи муҳ
таъсирлари (рағбатлари)га ҳаракатли, сўзли ва эмоционал ж
воблар (реакциялар) мажмуйи сифатида талқин этиладига
хулқ-атвор бўлиши лозим. Шунга кўра психологиянинг бо
вазифаси фақат ташқи таъсир билан унга қайтариладиган ж
воблар (реакциялар) ўртасидаги боғланишни аниқлашдан иб
ратдир. Бихевиористларнинг таъкидлашларича, психологи
фалсафага эмас, балки табиатшунослик фанларига таяниб к
затиш олиб бориши, тажриба ўтказиши лозим. Бихевиориз
тирик мавжудотлар руҳий дунёсини ўрганиш бевосита ҳисси
органлар ёрдами билан акс эттириладиган нарса ва ҳодисала
га йўналтирилиши керак, деган ғояни илгари суради. Бихеви
ризмга XIX аср охири ва XX аср бошида америкалик олим Э.Тор
ндайк томонидан асос солинган, дастури ва атамаси Ж.Уотсо
томонидан таклиф этилган (1913 й.). Ўтган асрнинг 20 йиллари
да ўзининг ривожланиш чўққисига эришди. Бихевиоризмнин
ғоялари ва методлари антропология, социология, педагогикаг
татбиқ этилди ва АҚШда бу фанлар «бихевиорал фанлар», яъни
хулқ-атворни ўрганувчи фанлар деб атала бошлади. Бихевио
ризм методологияси турли даврларда психологияда танқидг
учраган эди.

**Бозор** – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар
ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнид
вужудга келадиган муносабатлар йиғиндиси; савдо-сотиқ жара
ёни амалга ошириладиган жой.

**Бозор иқтисодиёти** – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш в
пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладига
ҳамда бошқариладиган иқтисодий тизим. Бозор иқтисодиёти эр
кин товар-пул муносабатларига асосланади, унинг негизида то
вар ва пулнинг турли шакллардаги ҳаракати ётади. Асосий бел
гилари: мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги; тадбиркорлик
ва танлов эркинлиги, рақобат кураши ва муҳитнинг мавжудли-
ги; юқори фойда ва нафга интилиш иқтисодий фаолиятни ҳара-
катлантирувчи кучи экани; эркин бозор нархларининг талаб ва
таклиф, рақобат асосида вужудга келиши; давлатнинг иқтисо-
диётга аралашувининг чекланганлиги.



**Бола (болалар)** – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар).

**Бола ривожининг грамматикагача бўлган даври** – оғзаки нутқни ўзлаштириш даври, бу давр нутқда грамматик тузилмаларнинг йўқлиги билан белгиланади. Бунда бола нутқида ибора битта ёки бир нечта аморф сўзлардан ташкил топган бўладики, уларнинг тушунилиши муомала қилинаётган вазиятга боғлиқ бўлади.

**Бола ҳуқуқи** – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари Конвенцияси томонидан тасдиқланган умумий, меъёрий қонун-қоидалар мажмуи.

**Болалар бурчаги** – хонадоннинг умумий хонасида, бир хонали хонадонда эса хонанинг бир бурчагида болалар учун ажратилган бурчак: бу ерда болалар ўз ўйинчоқлари, китоблари ва бошқа буюмларини сақлашлари, ўйнашлари ва машқ қилишлари мумкин. Болалар бурчаги кичкина стол, стулчалар, кичикроқ шкаф ёки этажерка билан жиҳозланади.

**Болалар дўстлиги** – одатда бир хил ёшда бўлган болалар ўртасида идрок этиш, мулоқот қилиш ва ўзаро муносабатларни шакллантириш тажрибаси. Болалар дўстлиги асосида бир томондан шерикка нисбатан майл, шу жумладан унинг ташқи жозибасига қойил қолиш ва ўйин малакаларини тан олиш ҳисси ётса, иккинчи томондан ёлғизликдан қочиш ва ўзлигини намоён қилиш истаги ётади. Мактабгача ёшдаги болалар дўстлигига ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари ва тарбиячиларнинг баҳолари катта таъсир кўрсатиши мумкин.

**Болалар импровизацияси** – машғулот пайтида катталар топшириқларини, ёки бошқа бирон-бир фаолиятни бажараётганда болаларнинг бевосита ижодий фаолияти, масалан, кўшиқ, рақс, жисмоний машқнинг ўз вариантларини ўйлаб топиши.

**Болалар инжиқликлари** – болалар хулқ-атворининг ўзига хос кўринишлари, мақсадсиз ва тутуриқсиз хатти-ҳаракатлар, катталар талабларига асоссиз қаршилик кўрсатиш, ўзининг фикрини маъқуллаб туриб олиш каби ҳолатларда ўз ифодасини топади.

**Болалар инфекциялари** – ҳаво-томчи йўли билан ўтадиган ва асосан болаларда учрайдиган ўткир касалликлар гуруҳи: сувчечак, дифтерия (бўғма), кўкйўтал, қизамиқ, қизилча, менингит (менингококк), скарлатина, тепки.

**Болалар китоби** – шахс ва таълимни ривожлантириш, билимларни тарқатишнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлган нашр тури. Болалар китоблари фақатгина ўқиш ва билим олиш манбаи бўлибгина қолмай, балки боланинг эстетик ва психологик тарбиясида муҳим ўрин тутувчи манбадир. Махсус болалар учун мўлжалланган китоблар орқали бола рангли расмларни томоша қилади, ўзи уларни бўяйди, турли интеллектуал ўйинлар ўрганади, ўйнайди ва ҳ.к.

**Болалар маслаҳатхонаси (консультацияси)** – уч ёшгача бўлган болаларга диспансеризация асосида тиббий ёрдам кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаси.

**Болалар мебели** – оддий мебелдан нафақат ўлчамлари, балки ташқи кўриниши билан ҳам фарқланадиган мебель тури. Болалар мебели учун бир пайтнинг ўзида кўп вазифани бажариш хусусияти хосдир. Барча болалар мебели санитария-гигиена меъёрларига жавоб бериши ва предметли-ривожлантирувчи муҳит яратиши лозимлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

**Болалар муносабатларининг қизғинлиги (интенсивлиги)** – болалар боғчалари гуруҳларининг ҳолатини динамик тавсифлаш параметри. Болалар ўзаро киришган муносабатлар миқдорининг умумий кузатишлар миқдорига нисбати билан ўлчанади. Болалар муносабатларининг қизғинлигига қўйилган баҳолардан келиб чиқиб, уларнинг бирлашмалари (гуруҳлари) қуйидагича тавсифланади: нобарқарор бирлашмалар (болалар ўртасидаги муносабатлар устидан кузатувларнинг тахминан 20 фоизини ташкил этади), нисбатан барқарор (20 дан 40 фоизгача), барқарор (40 фоиздан ортиқ).

**Болалар негативизми** – ташқи таъсирларга боланинг ҳеч бир асоссиз қаршилиги. Ҳозирги замон психологияси ва педагогикасида болалар негативизми атамаси тенгдошлар ёки катталар томонидан ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган (ёки мавжуд деб идрок этилган) номақбул муносабатга қарши қатъий норозилик шаклини ифодалаш учун қўлланади.

**Болалар низолари** – болалар ўртасида юзага келадиган низолар. Мактабгача ёшдаги болаларда ташқи очиқ-ойдин низолар биргаликдаги фаолиятни ташкил қилаётганларида ёки ушбу фаолиятни бажаришда (умумий ишни танлаш, ўйин материалини тақсимлаш, сюжет чизиғини танлаш ва ҳ.к.) юзага келадиган қарама-қаршиликлар туфайли келиб чиқади, яъни болаларнинг тадбиркорлик муносабатлари соҳасида юзага келади, бироқ ушбу соҳа чегарасидан ташқарига чиқмайди, болалар муносабатларидаги чуқурроқ қатламларга – шахслараро муносабатларга дахлдор бўлмайди, шунинг учун ўткинчи, вазиятга кўра тус касб этади ва одатда болаларнинг ўзлари томонидан ҳал қилинади. Ички психологик низолар болаларнинг етакчи фаолияти шарт-шароитида юзага келади ва одатда катталарнинг кузатувидан яширин ҳолда бўлади. Ички психологик низолар заминида икки турдаги қарама-қаршилик ётади: ўйинда тенгдошларнинг талаблари ва боланинг объектив имкониятлари ўртасидаги мувофиқликнинг бузилганлиги ва бола билан тенгдошлар ўйинига туртки бўлган сабаблардаги мувофиқликнинг бузилганлиги. Бундай қарама-қаршиликлар шароитида боланинг ички руҳий-эмоционал мувозанати чекланади (у ўзининг зарур эҳтиёжларини қондира олмайди), у секин-аста ўз тенгдошларидан ажралиб қолади. Бундай қарама-қаршиликлар катталарнинг ёрдамисиз бартараф этилиши анча қийинчилик туғдиради.

**Болалар субмаданияти** – 1. Кенг маънода инсоният жамияти болалар учун яратган ва болалар томонидан яратилган нарсалар. 2. У ёки бу конкрет-тарихий ижтимоий ривожланиш вазиятида болалар ҳамжамиятларида амалга ошириладиган қадриятлар, қоидалар, фаолият усуллари ва мулоқот шаклларининг мазмуний фазоси. Болалар субмаданиятининг эгалари болалар ҳамжамияти бўлиб, у социогенезнинг илк босқичларидаёқ шаклланади ва болани ижтимоийлаштиришдек муҳим функцияни бажаради. Болалар субмаданияти мазмунини қуйидагилар ташкил этади: болалар ҳуқуқий кодекси, тенгдошларга нисбатан тарбиявий таъсирлар ва бахсли, зиддиятли вазиятларни ҳал қилишнинг ўзига хос усуллари (масалан, ҳазил-мазаҳлар, лақаб қўйишлар); болалар фольклори (аллалар, саноқлар, айтишувлар, ва ҳ.к.); қизиқишлар, ишқибозликлар (бирон нарсаларни тўплаш, коллекция қилиш); бўш вақтни ўтказиш усуллари ва шакллари; болалар модаси; умуминсоний қадриятлар мазмунини ўзлаштириш жараёнида ҳал қилувчи аҳамият касб этган субмаданият шакллари (болаларча муаммолаштириш, болаларнинг фалсафий фикр юритиши, сўз ижодиёти, кулги ва эртаклар дунёси), болалар яратган олам манзараси ўзига хос дунёқараш тизими сифатида хизмат қилиши.

**Болалар шафқатсизлиги** – боланинг одамлар ёки ҳайвонларга азоб беришга интилиши. Болалар шафқатсизлигининг сабаблари катталарникидан бошқачароқ. Энг кўп **тарқалган** тури – билмаслик туфайли шафқатсизлик, бунда бола онгли равишда азоб бериш истагига эга эмас. Унинг бундай хулқ-атвори предметлар ва ҳодисаларнинг хусусиятларини билмаслиги, ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларини тасаввур қила олмаслиги, эмоционал ва интеллектуал децентрациянинг шаклланмаганлиги билан изоҳланади. Агар боланинг шафқатсиз хатти-ҳаракатлари назоратсиз қолса, унга тегишли баҳо ва зарур ҳолларда жазо берилмаса, бу ҳолда бундай хулқ мустаҳкамланиши ва одат тусига кириши мумкин. Бола шафқатсизлигининг бошқа бир сабаби унинг жисмоний жазо турларидан фойдаланадиган катталарга тақлид қилиши натижасида келиб чиқади. Бу ҳоллар болада агрессия ва проекция (яъни бошқа кишига салбий характер сифатларини нисбат бермоқ ва тажовузкорликни кучсизроқ болага ёки ҳайвонга нисбатан қўлламоқ) каби психологик ҳимоя усулларини шакллантиради.

**Болаларга шафқатсиз муносабат** – ота-оналар, тарбиячилар ёки бошқа шахслар томонидан боланинг жисмоний ва психик ривожига зарар етказадиган хатти-ҳаракатлар. Бир неча турлари фарқланади: жисмоний куч ишлатиш – жисмоний зарар етказиш, тан жазоси, шунингдек болаларни алкоголь ичимликлар ва наркотик моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш; жинсий (сексуал) куч ишлатиш – болалардан катталарнинг шаҳвоний эҳтиёжларини қондиришда фойдаланиш, даромад олиш мақсадида болаларни фоҳишалик машғулотларига жалб қилиш; психик (шу жумладан эмоционал) куч ишлатиш – болага нисбатан муҳаббат ва эътиборнинг йўқлиги, унинг инсоний ғурурининг топталиши, унга нисбатан қўполлик (сўз билан ҳақоратлаш ва ҳ.к.); боланинг асосий эҳтиёжларига беэътиборлик, уларни писанд қилмаслик – болани нормал ҳаёт кечириши учун шарт-шароитларнинг, унинг соғлиги ва ривожланиши учун ғамхўрликнинг йўқлиги.

**Болаларнинг ўйин билан боғлиқ хулқ-атвори** – боланинг ўз тенгдош шериги билан ўйин воситасида амалга ошириладиган ўзаро муносабатлари (предметларни ўзаро алмашиш ҳаракатларини ўз ичига олади) ва ўйинчоқ шеригига нисбатан роль ўйнагандек хатти-ҳаракати (предметлар билан роль ўйнагандагидек ўзига хос хатти-ҳаракатлар ва ролга тегишли нутқ иштироки).



Ўйин билан боғлиқ хулқ-атворнинг ушбу иккала шакли болаларда 3 ёшга келиб шаклланади.

**Болаларнинг ўйин билан боғлиқ хулқ-атворининг таҳлили** – болаларда ўйин фаолиятининг ривожланиш даражасини ҳамда мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида ўйин фаолиятини ривожлантиришни педагогик бошқариш жараёнини тадқиқ этиш методи. Илмий адабиётларда **ўйин таҳлилини** амалга оширишда қўлланадиган **кўрсаткичларнинг** тўртта гуруҳи кўрсатилади: 1) **ўйин мундарижаси (ўйин ғоясининг пайдо бўлиш жараёни, ғояларнинг турли-туманлиги, бола ўйин олдига қўйган вазифаларнинг турли-туманлиги, ўйин ғоясини танлаш ва вазифаларини қўйишда болаларнинг мустақиллик даражаси)**; 2) **болаларнинг ўйин олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш усуллари (ўйинчоқлар билан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларнинг турли-туманлиги, ўйинда ўринбосар предметлар ва ҳаёлий предметлар билан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги, ўйин олдида турган вазифаларни ҳал қилишнинг кўрсатиб ўтилган усулларидан фойдаланишда болаларнинг мус-тақиллик даражаси, роль билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг турли-туманлиги ва ифодалилиги, ролга тегишли сўзларнинг мавжудлиги, роль билан боғлиқ суҳбатнинг мавжудлиги, унинг мазмундорлиги)**; 3) **болаларнинг ўйинда ўзаро алоқалари (ўзаро алоқаларнинг мавжудлиги, ўйин билан боғлиқ вазифаларнинг катталарга ёки тенгдошларга қаратилганлиги, ўйин билан боғлиқ вазифаларнинг идрок этилиши, ўйин жараёнида ўзаро алоқаларнинг давом этиш вақти)**; 4) болаларнинг ўйинда мустақиллиги (ушбу кўрсаткичлар гуруҳи алоҳида ажратилмайди, чунки улар юқорида кўриб чиқилган ҳар бир гуруҳда мавжуд).

**Болалик** – инсоннинг вояга етишидан олдин келадиган ривожланиш босқичи, организмнинг жадал ўсиши ва олий психик функцияларнинг шаклланиши билан тавсифланади. Ҳозирги замон психологияси, фалсафаси ва социологиясида болалик тушунчаси биологик асосга эга бўлиб, кўплаб ижтимоий-маданий омилларга боғлиқ бўлган мураккаб, кўп ўлчовли феномен сифатида олиб қаралади.

**Боланинг ғашини келтирадиган хулқ-атвори** – кўп ҳолларда онгли равишда амалга ошириладиган ҳолат бўлиб, катта одам билан бола ўртасида юзага келадиган психологик ҳолатнинг натижаси сифатида намоён бўлади ва боланинг катталар иродасига қаршилигини билдиради.

**Боланинг ички позицияси** – боланинг ўз тенгдошлари гуруҳидаги объектив ўрни ҳамда ўзи эгаллаган ва эгаллашни хоҳлаган ўринга нисбатан муносабати.

**Боланинг қонуний вакиллари** – ота-оналар, фарзандликка олувчилар, *васийлар*, *ҳомийлар*. Яна қ. *Васийлик. Ҳомийлик.*

**Боланинг луғати** – ҳар бир муайян ёшда бола ўзлаштирадиган ва қўллайдиган сўз ва иборалар мажмуи. Меъёрида ривожланаётган боланинг луғати ўзгалар нутқининг таъсири остида узлуксиз бойиб боради. Луғат нофаол ва фаол бўлади. Нофаол луғат бола тушунадиган, лекин ўзи ишлатмайдиган ёки кам ишлатадиган, фаол луғат эса бола ўз нутқида кенг фойдаланадиган сўз ва иборалардан иборат бўлади. Ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммоси бўлган болаларда луғатнинг шаклланиши бир қатор хусусиятларга эга бўлади, яъни боланинг жисмоний ёки руҳий камчилиги билан боғлиқ бирламчи муаммолар бундай болалар луғатининг ниҳоятда камбағаллашиши, уларнинг нутқида фонетик-фонематик ва грамматик хатоларга йўл қўйилиши каби иккиламчи муаммоларни келтириб чиқаради. Боланинг луғати махсус логопедик тадбирлар, шунингдек, атрофдагилар (катталар) билан мулоқоти жараёнида бойитиб борилади.

**Боланинг мусиқа маданияти** – бола маданиятининг ўзига хос қисми бўлиб, у боланинг мусиқавий-эстетик онги, мусиқага оид билимлари, малакалари ва кўникмаларини ўз ичига олади. Боланинг мусиқа маданиятини ривожлантириш ишига болаларнинг мусиқага оид фаолиятини бошқарувчи турли институтлар (мусиқа мактаблари, тўгараклари, МТМдаги мусиқа машғулотлари, болаларнинг мусиқа кўрик танловлари ва ҳ.к.) жалб қилинган бўлиб, улар болаларнинг мусиқа билан боғлиқ фаолиятини бошқаради ҳамда халқ ва мумтоз мусиқа санъати асарлари орқали мусиқа тарбияси масалаларини ҳал қилади.

**Борлиқ** – объектив олам, материя, табиатнинг, жамиятда эса кишиларнинг моддий ҳаёт кечириш жараёнининг онгдан мустақил равишда мавжудлигини ифодалайдиган фалсафий категория. Борлиқ ва онгнинг ўзаро нисбати муаммоси фалсафанинг асосий масаласидир.

**Бош мавзу** – ҳар қандай бадиий асарнинг ғоясини акс эттирган етакчи фикри. Мусиқада вариацияларда акс этган асосий фикр, йўналиш.



**Бош мия** – одам ва умуртқали ҳайвонларда марказий нерв тизимининг катта косасида жойлашган қисми; олий нерв тизимининг моддий асоси. Эндокрин тизими билан бир қаторда, организмнинг барча ҳаётий зарур функцияларини бошқаради. Катта ярим шарлар, оралиқ, ўрта, ортқи ва узунчоқ (бош миянинг орқа мияга яқин турувчи қисми) миялардан таркиб топган. Одам бош миясининг катта ярим шарлари ниҳоят даражада ривожланган бўлиб, уларни қоплаб турувчи пўстлоқ, тахминан 14 миллиард нейронлар танасидан иборат. Бош мия ярим шарлари пўстлоғи остида узун ўсимталар ҳосил бўлган. Бу ўсимталар ярим шарларни бош миянинг бошқа бўлимлари билан ва орқа мия билан бирлаштириб туради.

**Бош мия нервлари** – бош миянинг пастки юзаси (асоси)дан бошланувчи 12 жуфт нерв. Улар бош мияни ташқи муҳит ва ички аъзолар билан боғлаб туради. IX, X, XI жуфт нервларнинг шикастланиши (бузилиши) овоз ва нутқ камчиликлари – *афония, дисфония* (органик тури), бульбар ва псевдобульбар *дизартрия*ни келтириб чиқаради.

**Бошқариш** – режалаштирилган натижа (мақсад)га эришиш бўйича бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимларнинг битта мақсадга йўналтирилган ўзаро муносабатлари; барча субъектларнинг бошқарув объектини йўлга қўйиш, таъминлаш, барқарорлаштириш, фаолиятини оптималлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадли фаолияти. Давлат ва ижтимоий ташкилотлар тизими томонидан амалга оширилади.

**Бошқариш қобилияти** – раҳбарнинг ташкилотчилик ва коммуникатив хусусиятлари бошқарув объекти ҳақидаги мукаммал билими билан қўшилиб кетган қобилияти. Бошқариш қобилияти билиш, ташкилий-ижрочилик ва педагогик омиллардан таркиб топади.

**Бошқариш методикаси** – раҳбарнинг умумий мақсадга эришишга қаратилган, аниқ бошқариш методлари (усуллари)дан фойдаланиш тартиби ва алгоритмини белгилайдиган изчил хатти-ҳаракатлари тизими. Масалан, Альпа М. – мактабгача таълим муассасаси маъмуриятининг бир кунлик ишини режалаштириш бўйича ноанъанавий методика. Қуйидаги босқичлардан иборат: кундалик вазифаларни ёзиб чиқиш; қўйилган вазифани ҳал қилиш давомийлигини баҳолаш; вақтни (40%гача) резервга олиб қўйиш; устувор вазифаларни белги-

лаш ва вазифаларни қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилиш; бажарилмай қолган вазифаларни эртанги кунга кўчириш.

**Бошқариш педагогикаси** – таълим муассасаларини бошқаришнинг назарий-амалий асослари.

**Бошқариш фаолияти** – раҳбарнинг педагогик, норматив ва психологик асосларда бошқариш қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишга қаратилган мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатлари мажмуи.

**Бошқаришга оид ахборот** – қабул қилувчи учун янгилик элементларига эга бўлган ҳамда бошқарувчи томонидан қарор қабул қилинишини талаб этган маълумотлар. Мазмунига кўра директив ва норматив ҳужжатлар, илмий-педагогик ахборот ва мактабгача таълим тизимида илғор педагогик тажриба тўғрисидаги ахборот, аризалар, молиявий ҳужжатлар ва ҳ.к. фарқланади. Юзага келиш жойига кўра ички бошқаришга оид ахборот (муассасанинг ички фаолиятига оид ҳужжатлар) ва ташқи бошқариш ахбороти (юқори ташкилотлар ва бошқа муассасалардан келган хат-хабарлар ва ҳужжатлар)га бўлинади.

**Бошқаришни децентрализациялаш** – ваколатли бошқариш функцияларини маҳаллий бошқариш органларига бериш жараёни, яъни марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтиш ёки ўтказиш.

**Бошқарув маънавияти** – маънавият тамойилларининг бошқарув соҳасида намоён бўлиши, раҳбарга хос маънавий фазилатлар, жамият ва давлат ҳаёти, барча соҳалардаги бошқарувнинг маънавият талабларига мос бўлишини англатувчи тушунча. Маълумки, мустабид тузум давридаги бошқарув жараёнида кишилар онгига бир томонлама маънавият, ягона мафкура доирасида сингдирилган, у воқеликдан йироқ, мав-ҳум ва алоҳида мавқега эга бўлган жамият «элитасига хос» бошқарув маънавияти шаклида намоён бўлар эди. Бу даврга хос бўлган бошқарув тамойилларининг мутлақлаштирилиши оқибатида жамият манфаати охир-оқибатда шахс манфаатига қарама-қарши қўйила бошлади. Бундай мафкуранинг инсон манфаатларини ифода этмаслиги, унинг миллийлиги ва ўзига хослигининг инкор этилиши жамият аъзоларининг тарғиб этилаётган ғоя ва қадриятлардан, эътиқод ва ишончдан бегоналашувига, иккиюзламачиликка олиб келди. Ваҳоланки, ҳар қандай бошқарув фаолияти муайян ҳудудда истиқомат қилаётган халқ ва миллатнинг маънавий фазилат-



...ини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавиятнинг бошқарув ходимлари фаолиятида тутган ўрни ҳақида тўхталиб, бундай дейди: «Масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратаман. Ва кўп ҳолларда, маънавият ҳақида берилган саволларга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, қандайдир ноаниқ, саёз жавобларни ҳам эшитишга тўғри келади» («Юксак маънавият – енгилмас куч», 18 – бет). Шу боис ҳозирги вақтда давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида маънавий қадриятларимиз ва миллий ғоямизга таянган ҳолда раҳбар ходимларнинг янги авлодини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

**Бошқарув фаолиятини ташкил этиш қонуни** — ҳар бир бошқарув даражасида бошқариш жараёни қатнашчиларининг вазифалари, ҳуқуқлари ва масъулиятларининг ўзаро мувофиқлиги. Бошқарув меҳнати самарадорлигининг ушбу мувофиқлик даражасига боғлиқлигини ифодалайди. Раҳбар зиммасига зарур мажбуриятларни юкламай туриб, унга кенг ҳуқуқларнинг тақдим этилиши масъулиятсизлик, волюнтаризм, мажбуриятларнинг устун туриши, ҳуқуқларнинг чекланганлиги, бошқарув фаолияти мақсадларини амалга оширишнинг қийинлашишига олиб келади.

**Бошқарув фаолиятини ҳужжатлаштириш** – ахборотни белгиланган қоидаларга асосан турли ахборот ташувчиларида ёзиб олиш (қайд этиш) ва расмийлаштириш.

**Бошқарувда коллегиаллик** – турли даражадаги раҳбарлар ва ...иқ қарорлар ижрочиларининг фикрлари асосида жамоавий қарор қабул қилиш жараёни.

**Бошқарувнинг ҳужжат билан таъминланиши** – муассасани бошқариш учун зарур бўлган ҳужжатлаштирилган ахборотни ишлаб чиқиш, узатиш ва қайта ишлаш жараёни.

**Боғланмаган нутқ** – мантиқий тафаккурнинг қоида ва талаблари доирасида фикрлай олмасликни акс эттирувчи нуқсон; нутқдаги жумла ва фикрларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги. Боғланмаган нутқ бош мия қобиғидаги баъзи нутқ марказларининг шикастланиши (масалан, *афазия*) натижасида ёки баъзи руҳий касалликлар натижасида ҳам содир бўлиши мумкин.

**Брадикинезия** (юнон. bradys – секин ва kinesis – ҳарака
ҳаракатларнинг умумий секинлашуви.

**Брадилалия** (юнон. bradys – секин ва lalia – нутқ) – нутқ с
атининг патологик секинлашуви.

**Брадилексия** (юнон. bradys – секин ва lego – ўқийман) – ў
суръатининг патологик секинлашуви.

**Брадифразия** (юнон. bradys – секин ва phrasis – ибора) – н
ятда секинлаштирилган нутқ. Бунда товушлар, сўзлар жуда с
унли товушлар чўзиб талаффуз этилади. У нерв жараёнларин
сустлашиши, тормозланиши натижасида содир бўлади. Брад
разияни бартараф этиш учун аниқ нутқ ҳаракатларини иш
чиқишга, кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган махсус л
педик машқлар олиб борилади. Зарурат тақозо этганда руҳ
нос шифокор тавсиясига кўра бир вақтнинг ўзида даволаш и
лари ҳам олиб борилади.

**Брайл ёзуви** – кўзи ожиз шахслар томонидан қўлланувчи н
шакли бўлиб, бунда ҳарф, сўз ва рақамлар грифел (бигизсим
қалам) билан рельефли-нуқтали белгилар кўринишида мах
мослама (ускуна) ёрдамида акс эттирилади. 1829 йилда фран
педагоги Луи Брайл (1809-1852) томонидан яратилган. Луи Бр
3 ёшлигида кўриш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолган. Улға
гач, Париждаги кўзи ожиз болалар интернатида ўқитувчил
қилган. Ўқитиш амалиётидаги узоқ йиллик тажрибаларига та
ган ҳолда ўрта асрда яратилган Лан шрифти асосида ўз ном
билан аталадиган содда алифбени ижод этиб, амалиётга жор
қилган (1829). Бунда ҳарф, сўз ва рақамларни белгилаш учун
та нуқта комбинациясидан фойдаланилади.

**Брока маркази** – бош миядаги учинчи чап пешона бурмас
нинг пастки қисмида жойлашган ҳаракатлантирувчи нутқ ма
кази. У жароҳатланганда киши сўзларни маъноли қилиб тала
фуз этолмайди. Бу камчилик мотор афазия ва мотор алалия
кузатилади.

**Брока Поль** (1824-1880) – француз анатоми ва антрополог
1863 йилда бош мияда *Брока маркази* деб ном олган ҳаракатла
тирувчи нутқ марказини очган. Асосий асарлари антропологи
методикаси, Франциянинг қадимги ва ҳозирги аҳолиси, прима
ларнинг қиёсий анатомиясига тегишли.

**Бронхлар** (юнон. *bronhos* – кекирдак, трахея) – трахеянин
найчасимон ҳаво юритувчи тармоқлари. Бронхларнинг деворла



ри тоғай ҳалқалари ёки пластиналаридан иборат. Бронхлар тармоқланиб бронхиолаларга бўлинади ва нафас олиш ва чиқаришда ҳаво ўтказадиган бир бутун бронхиал дарахт ҳосил қилади. Асосий касаллиги – бронхит. Бронхларнинг тармоқланган бронхиолалари дарахт шоҳи каби ўнг ва чап ўпкага тарқалади; ҳаво нафас йўлларининг ҳаммасидан ўтади, чунки нафас найчасининг деворлари тоғайлардан тузилгани учун улар пучайиб қолмайди. Бу шиллиқ қават киприкли эпителий билан қопланган бўлиб, унда шиллиқ безлар жуда кўп. Киприкчалар нафас йўлига тушган ёт жисмларни чиқариб юборади.

**Бузилган функциялар ўрнини қоплаш (компенсация қилиш)** – бирор психик функция ёки бирор орган функцияси қисман ёки тўла ишдан чиққанда, унинг вазифасини бошқа кучли ривожланган соғ органларнинг бажариши (масалан: карларда кўриш анализатори, кўрларда эшитиш ва мускул ҳаракат сезгилари яхши ривожланган бўлади).

**Булбар фалажлик** – бош мия нервлари (тил-танглай, сайёр ва тилости)нинг фалажи; уларнинг ядролари узунчоқ мияда бўлади. Бунда овоз чиқариш имконияти бўлмай қолади (афония) ёки овоз бўғилиб чиқади (дисфония). Беморлар манқаланиб гапирадилар, чунки юмшоқ танглай бурун йўлларини беркитмайди. Юмшоқ танглай мускуллари фалажланганлиги учун еийлаётган овқат бурундан қайтиб тушади. Фалажланиш натижасида трахеяга борувчи йўл маҳкам бекилмайди, бунинг натижасида овқат трахеяга кетиб қолиши мумкин. Шу сабабли бемор овқат ютаётган вақтда қалқиб кетади. Бунинг натижасида беморда пневмония пайдо бўлиши мумкин. Оғзини очиб кўрилганда, фалажланган томонда юмшоқ танглай осилиб ётган бўлади ва «а» деб овоз чиқарилганда у қимирламайди. Кичик тил соғлом томонга қараб тортилиб қолади.

**Бурун** – нафас йўлларининг бошланғич қисми, ҳид билиш органи бўлиши билан бирга, овоз чиқариш ва сўзлашда резонатор вазифасини бажаради (овозни кучайтиради ва унга оҳанг беради). Буруннинг лат ейиши, унда ҳавфли ўсма пайдо бўлиши, қон димланиши, унга ёт жисмлар тушиши, юқумли касалликлар (грипп) оқибатида нутқ камчилиги (ёпиқ *ринолалия*) юзага келади.

**Бурч** – маънавий соҳада юксак масъулият, лафзи ҳалоллик, ваъдага вафо қилиш; ҳуқуқий соҳада қонун ҳужжатлари, шартнома, иш бўйича юкланган мажбуриятларнинг бажарилишига

масъулликни англатувчи бурч инсон маънавиятининг таркиб қисми, маънавият фалсафасининг фундаментал категорияла дан биридир. Бу тушунча шахс зиммасига юклатилган тала ларга нисбатан масъулияти ва мажбуриятини бажариш маън вий заруратга айланишини ифодалайди. Маънавий қадриятла дан бири бўлган бурчнинг манбаи инсон бўлиб, унинг мазму моҳияти инсоннинг жамиятга, ижтимоий тузилмаларга муно батида намоён бўлади. Бурч категорияси масъулият, ўзлик англаш, виждон, хулқ каби тушунчалар билан боғлиқ ҳол юзага чиқади. Чунки бурч инсоннинг маънавий қиёфасини та сифловчи тушунчадир. Бурч ижтимоий-индивидуал хусусият субъектив жиҳатларга эга. Аввало, у масъулият, мажбурият каб умуминсоний қадриятларга таянади. Ҳар бир киши учун умум бўлган оила, ота-она, Ватан, халқ олдидаги умумий бурч била бир қаторда, бурчнинг индивидуал даражаси ҳам мавжуд. Бур тушунчаси муайян шахсга хос ваъдага вафо, ўз сўзида тури обрў-эътибор ва шаънини сақлаш каби хислатларда яққол намо ён бўлади. Бурчнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари Ко ституция ва қонунларда ўз аксини топган. Унинг иқтисодий асо ларини турли шартномаларда яққол кўриш мумкин. Бурч эрки англанган ҳолда танлаб олинган тақдирдагина маънавий-ахло қий категория сифатида амал қилади.

**Бурчак** – бир нуқта (бурчак **чўққиси**)дан **чиққан иккита** чизи (бурчак томонлари) ҳосил қилган **ясси геометрик шакл. Мактаб** гача таълим муассасасининг намунавий дастурига мувофиқ, бо лаларда бурчак тўғрисидаги тушунча мустақил шаклланмайди Бироқ иккинчи кичик гуруҳдан бошлаб, машғулотларда геомет рик шаклларнинг бурчаклари ажратиб кўрсатилади.

**Бутун сўзлар усули** – савод ўргатишнинг аналитик методлари дан бири; бунда савод ўргатишнинг илк даврида ўқувчилар диқ қатига бир қанча сўзлар ва уларнинг график ифодаси (яъни ёзм шакли) тақдим этилади, сўзлар бўғинларга бўлиб таҳлил этил майди, балки ўқувчининг фақат кўрув хотирасига таянилади.

**Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти** – БМТнинг 180дан ортиқ мамлакатни бирлаштирган ихтисослашган ҳукуматлар-аро муассасаси. Ташкилотнинг мақсади – ер куррасидаги ҳар бир инсонга иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан самарали ҳаёт кечи риш имконини берадиган **соғлик** даражасига **эришишга** ёрдам бериш.



**Бухгалтерия баланси** – бухгалерия ҳисобининг энг муҳим шакли. Жамлама жадвалда гуруҳлаштирилган кўрсаткичлар тизими. Жадвал икки қисмдан иборат: актив (чап томони) – хўжалик маблағларининг таркиби ва жойлаштирилганлигини кўрсатади; пассив (ўнг томони) – хўжалик маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари ва мақсадли йўналганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичлар корхона, ташкилот пул маблағларининг муайян санагача бўлган ҳолатини акс эттиради. Балансда актив ва пассив қисмлари албатта тенг бўлиши лозим.

**Бухгалтерия ҳисоби** – ташкилот ёки муассасанинг мол-мулки, мажбуриятлари ва уларнинг ҳаракатланишига тегишли бўлган ва пул маблағларида ифодаланган ахборотни барча хўжалик операцияларининг ялпи, узлуксиз ҳужжатлаштирилган ҳисобини юритиш йўли билан тўплаш, қайд этиш ва умумлаштириш тизими. Бухгалтерия ҳисоби ягона қоидалар ва шакллар асосида олиб борилади, бу эса ушбу маълумотларни статистика ёрдамида умумлаштириш имконини беради.

**Бухгалтерия ҳисоботи** – ўқув-тарбия муассасасининг мулкий ва молиявий ҳолати, хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида бухгалтерия ҳисоби асосида белгиланган шаклда тузиладиган ягона маълумотлар тизими; муассасанинг ҳисобот давридаги мол-мулки, мажбуриятлари ҳаракатини, молиявий ҳолатини муайян жадваллар шаклида акс эттирадиган кўрсаткичлар мажмуи.

**Бухгалтерия ҳужжатлари** – бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш учун зарур бўлган, молиявий ва хўжалик операцияларининг амалга оширилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

**Бюджет дотацияси** – ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет жараёни** – давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни.

**Бюджет муассасалари** – ишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлмаган ва барча зарур маблағларни давлат бюджетидан олади-

ган муассасалар (давлат ҳокимиятининг ижтимоий-маданий ҳамда давлат бошқаруви, мудофаа, суд, прокуратура органлари).

**Бюджет ташкилоти** – зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

**Бюджет трансферти** – бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари.

**Бюджетдан маблағ ажратиш** – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларига ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджетдан молиялаш** – корхоналар, муассасалар, ташкилотларга уларнинг сарф-харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаш учун давлат бюжетидан қайтарилмайдиган тартибда тақдим этиладиган маблағлар. Яна қ. *Бюджет муассасалари. Бюджет ташкилоти.*

**Бюждетдан молиялаш нормативи** – муайян ҳудуд чегарарида амал қиладиган (умумдавлат эмас) норматив.

**Бюрократик (буйруқбозликка асосланган) бошқариш усули** – эскириб кетган иш методлари ва усулларига берилганлик, ишни батафсил билиш ва унинг учун масъулиятни ўз зиммасига юклашни хоҳламаслик, ишнинг кўриб чиқилишини сунъий равишда, бесабаб чўзиш, сансолорлик қилиш; ташаббускорликнинг йўқлиги, фақат юқоридан келган кўрсатмаларга таяниш, қўл остидаги ходимларга нисбатан майда-чуйда ишларда ҳам йўлйўриқ кўрсатишга интилиш, уларнинг жорий ишларига кераксиз ва бесабаб аралашавериш, ўз фаолиятини ва хатти-ҳаракатларини ҳар хил баҳоналар ва келишувлар воситасида «ҳавфсизлантириш»га интилиш. Ушбу бошқариш шакли маъмурий органларнинг жамиятдан ажралиб қолишига, бошқарув органлари фаолиятида расмиятчиликнинг авж олишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, алоҳида шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам манфаатларига совуққонлик билан қарашга, уларни ҳатто менсимасликка олиб келади.

**Бюрократия (буйруқбозлик)** (том маънода – **канцелярия ҳукмронлиги**; французча bureau – бюро, канцелярия ва юнонча – kratos



– куч, ҳокимият, ҳукмронлик) – табақаланган бошқарув тизими бўлиб, унинг учун ҳар бир даражада ваколатлар чегарасининг аниқ белгиланганлиги, қарорларнинг мавжуд қонунлар ва қоидаларга биноан қабул қилиниши хосдир. Иш юритишда тегишли тартиб бўлишида бюрократиянинг ўз ўрни бор, албатта. Бироқ бу тартиб инсондан ва унинг мафаатларидан устун қўйилганда, у салбий ҳодисага айланади.

**Бўёқ тортиш** – рассомликда рангдор қатлам устидан тортилган мўйқалам изи. Бўёқ тортиш тасвирга индивидуал фактура бахш этади ва бадиий услубнинг ўзига хос ёрқин хусусияти бўлиб хизмат қилади. Бўёқ тортиш билан болалар мактабгача муассасининг биринчи кичик гуруҳида танишадилар.

**Бўш ўрин (вакансия)** – ҳар қандай муассасада эгалланмаган лавозим, бўш иш жойи.

**Бўғин** – нутқ аппарати мушакларининг бир зарб билан ҳаракатланиши натижасида юзага келадиган товуш ёки товушлар бирикмаси. Ўзбек тилида унли товушлар бўғин ҳосил қилади. Бўғин қандай товуш билан тугашига кўра икки турга бўлинади: унли товуш билан тугайдиган бўғин очиқ, ундош билан тугайдиган бўғин ёпиқ бўғин ҳисобланади. Бўғин урғули, нисбатан паст, кучсиз талаффуз этиладиган бўғин урғусиз бўлади.

## В

**Вазифа** – чекланган вақт даври чегараларида муайян шаклда тугалланиши лозим бўлган белгиланган иш, ишлар мажмуи.

**Вазминлик** – инсоннинг ҳис-туйғуларини назорат қила олиш, жиловлаш, қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамай, мақсадга мувофиқ амал қилиш малакасини ўз ичига олган сифати. Вазминлик ўзини тута билишда намоён бўлади.

**Вазн** – жисм ўзининг эркин йиқилишига тўсқинлик қиладиган горизонтал таянчга таъсир кўрсатадиган куч. Сенсор тарбия жараёнида болалар боғчасининг катта гуруҳида вазн ҳиссини ривожлантиришга қаратилган иш олиб борилади. Болалар предметлар вазнини қўлда чамалаб, содда тарозида тортиб кўриб қиёслашга ўрганадилар, «енгил» ва «оғир» тушунчаларини фарқлайдилар.

**Вайронкор ғоялар** – бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифода этадиган тушунча. Жамиятни тубанликка етаклаб, одамларни ғаразли ният

ва қабиҳ мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни та-наззул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар (ўзининг шахсий ёки ижтимоий манфаатларини ўзгалар ҳисобига қондириш, босқинчи-лик, талончилик ва бошқалар). Вайронкор ғоялар инсонпарвар-лик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун қўяди-ган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қирғин қилишга чақи-радиган, жамиятни қарама-қарши қутбларга ажратиб, бўлиб таш-лашга сабаб бўладиган ғоялар мажмуидир. Ақидапарстлик ва жангари ирқчилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизми ва ашаддий миллатчилик, фашизм, большевизм, терроризм каби маф-куралар вайронкор ғоялар жумласига киради.

**Ваколатларни бериш** – мажбуриятларнинг раҳбар томонидан ўзи ва ходимлари ўртасида мос равишда тақсимланиши.

**Валеология** – соғ-саломатлик тўғрисидаги, инсон соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш механизмлари тўғрисидаги фан. Физи-ологик, психологик, ижтимоий ривожланишни шакллантириш ҳамда ташқи ва ички муҳитнинг сезиларли ўзгаришларида инсон ҳаётининг ва амалга оширилаётган фаолиятининг кечишини бел-гилайдиган шарт-шароитларда унинг соғлигини ижтимоий ривож-лантириш ва сақлаш механизмларини ўрганади.

**Валидлик** – тест сифатининг муҳим мезони, яъни тест мақсад-га кўра аниқлаб бериши лозим бўлган нарсани аниқлашга қан-чалик лаёқатлилигини белгилайдиган мезон.

**Вальдорф педагогикаси** – инсон ривожига жисмоний, маъна-вий ва руҳий омилларнинг бир бутун ўзаро таъсири сифатида антропософик изоҳ беришга асосланган педагогик тизим. Бу пе-дагогика боланинг бутун ҳаёти давомида унга ҳамроҳлик қила-диган ташқи ва ички дунёси (руҳи) ўртасида уйғунликка эришиш-га қаратилади. Асосий ғоялари: эркин мулоқот, инсонпарварлик муносабати, эркин танлов. Мақсадлари: мақбул эмоционал ва интеллектуал шароитда болани касб-ҳунарга ўргатиш, умумий эстетик ривожлантириш, нутқ ва ҳаракатлар маданиятини синг-дириш, ўз ҳис-туйғуларини эмоционал ифодали акс эттириш ма-лакасини шакллантириш. Қ. *Атропософи.*

**Вандализм** – замонавий талқинда маънавий бузғунчилик ва вайронкорликни англатувчи тушунча, тарихий жиҳатдан эса милоддан аввалги 455 йилда Римни забт этиб, кўплаб антик ва насроний маданият ёдгорликларини вайрон қилган қадимий гер-ман қабиласининг номидан келиб чиққан атама. Бу ибора илмий



муомалада маданий-тарихий ва моддий бойликларни вайрон қилиш тимсоли сифатида қўлланади. Ҳозирги вақтда вандализм тушунчаси жамоат тартибини бузишнинг айрим турлари, хусу-сий, жамоат, хусусий ва коммунал мулкка шикаст етказиш, таъ-лим-тарбия масканлари, транспорт воситаларидаги асбоб ва жиҳозларини ишдан чиқариш, деворларга ғайриахлоқий ёзувлар-ни ёзиш, бир сўз билан айтганда, бузғунчиликка қаратилган ҳара-катларни англатади.

**Васий** – фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ва ман-фаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш топширилган жисмоний ёки ҳуқуқий шахс. Яна қ. *Васийлик.*

**Васийлик** – фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш шакли. Ҳозирги замон ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган 14 ёшгача бўлган балоғатга етмаган болаларга нисбатан, са-ломатлигининг ёмонлиги туфайли ўз ҳақ-ҳуқуқларини муста-қил амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган балоғатга етган шахсларга нисбатан, шунингдек алкогол ичимликлари ёки наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш натижасида ишга лаёқатлилиги суд томонидан чеклан-ган шахсларга нисбатан белгиланади. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг зарурий моддий эҳтиёжларини қон-дириш, уларга тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек улар-нинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Яна қ. *Ҳомийлик.*

**Ватан** – кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодла-ри туғилиб ўсган жой, ҳудуд, ижтимоий муҳит, мамлакатни анг-латувчи тушунча. Ватан тушунчаси кенг ва тор маънода қўлла-нилади. Кенг маънода – бутун бир халқ, аждодлар азалдан истиқо-мат қилиб келган макон. Тор маънода – киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ. Инсоннинг уйли-жойли, бошпанали бўлиши, унинг оиласи, бола-чақаси ҳам баъзан «Ватан» сўзи орқали ифо-да этилади. Шунингдек, «Ватан» сўзи мумтоз шеъриятимизда образ сифатида қўлланиб, кўнгил маъносини ифода этади. Ва-тан тушунчаси асрлар давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб келган. Ўзбе-кистон Республикаси миллати, тили ва динидан қатъий назар, шу заминда яшаётган барча инсонларнинг ватанидир. Бу ўринда

давлат ва Ватан айни бир маънони ифодалайди, яъни Ўзбекистон Республикаси деганда ватанни тушунамиз. Ватан деганда Ўзбекистонни тасаввур этамиз. Президентимиз Ислом Карим… таъкидлаганидек, «Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак» (Каримов И.А… Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил, 35-бет).

**Ватанпарварлик** – Ватаннинг озодлиги ва ободлиги, сарҳадларининг дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб туйғуни ва фаолиятни англатадиган тушунча. Ватан манфаати, қадр-қиммати, тақдири, истиқболи, она юртга муҳаббат туйғуси қанча чуқур англанса, ватанпарварлик туйғуси шунча юксак бўлади. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичларида ватанпарварликнинг янги-янги қирралари намоён бўлиб боради. Ҳақиқий ватанпарварлик Ватанга, она заминга, ўз халқига муҳаббат билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида тинимсиз меҳнат қилиш ҳамда курашиш зарурати туғилганда жонини фидо қилишни назарда тутади. Ҳар жабҳада Ватанимиз эришаётган муваффақиятлардан қувониш, оғир кунларда унинг учун қайғуриш, ўз юрти билан ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир ғишти ва гиёҳига, қадимий ва замонавий обидалари, илм-фан ва санъатдаги ютуқларини, моддий ва маънавий бойликларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш – буларнинг барчаси ватанпарварликдир.

**Вақтинчалик ишчилар** – қонун ҳужжатларига мувофиқ иш жойи сақланган ҳолда вақтинча жойида бўлмаган ишчи ўрнини босиш учун маълум муддатга муддатли меҳнат шартномаси тузилган ҳолда ишловчи шахслар.

**Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик** – соғлик билан боғлиқ сабабларга кўра нисбатан қисқа вақт давомида ўз ишини бажариш имконининг йўқлиги.

**Вақтни идрок этиш** – объектив воқелик ҳодисаларини вақтда ва кетма-кетликда идрок этиш. Махсус, мустақил вақт анализатори мавжуд эмас. Вақтни идрок этиш асосида таъсирланиш ва тормозланишнинг ритмик алмашиниши, уларнинг динамикаси ётади. Мактабгача ёшдаги болаларда вақтни идрок этиш бошқа



идрок этиш турларига қараганда мураккаброқ кечади. Уни ўзлаштиришда кўргазмали мисоллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун расмлар, дидактик ўйинлар ва бошқа усуллардан кўпроқ фойдаланиш лозим.

**Вақтни чамалаш** – ижтимоий-ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида вақтни онгли идрок этиш. Вақтда йўналиш топиш малакасини шакллантириш МТМда олиб бориладиган математика машғулотларининг асосини ташкил этиши лозим. Вақтнинг чўзилиши, ўтиши, қайтмаслиги ва даврийлигини идрок этиш болаларга қийинчилик туғдиради, чунки бунда кўргазмалилик йўқ, яъни вақтни на кўз билан кўриб, на қўл билан ушлаб бўлади. Бунда болалар аввал асосий вақт ўлчовлари (йил, ой, ҳафта, сутка, соат, дақиқа, сония) ва йил фасллари билан танишиб борадилар, нисбий вақт муносабатларини билдирадиган сўзларнинг маъносини (бугун-эртага, тез-секин, эрта-кеч ва ҳ.к.) тушуниб етишга ўрганадилар. Болаларда вақт сезгисини ривожлантириш иши ҳиссий асосга ҳамда МТМдаги кун тартибининг бажарилиши жараёнида умумқабул қилинган вақт эталонларини ўзлаштиришга таянади.

**Вегетатив нерв тизими** (юнон. vegeto – жунбушга келтираман, тирилтираман) – висцерал, яъни ички аъзолар (юрак, қон томирлари, безлар, силлиқ мускуллар ва б.) фаолиятини бошқаралиган нерв тизимининг қисми.

**Ведомость** – муайян тартибда жойлаштирилган бирон маълумотлар рўйхати.

**Вербал мулоқот** – икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сўз, нутқий воситалар ёрдамида фикр алмашинишлари (муносабатга киришишлари).

**Вербал мулокот шакллари** – сўз, маъруза, суҳбат, савол-жавоб, насиҳат, мунозара, баҳс, хабар, табрик, танбеҳ, саломлашиш, хайрлашиш кабилардан иборат мулоқот тури.

**Верникe маркази** – бош мия чап ярим шарларидаги юқори чакка бурманинг орқа учдан бир қисмида жойлашган эшитув-нутқ маркази. У шикастланганда товушлар, бўғинлар тизмаси йиғиндисини анализ қилиш қобилияти бузилади, нутқ товушларини бир-биридан фарқлаш, сўзларнинг маъносини тушуниш қийинлашади (масалан, *сенсор алалия*, *сенсор афазия*). Бу марказни, унинг жароҳатини илк бор немис олими К. Верникe кашф этган.

**Вибрато** (итал. vibrato, лотин. vibro дан – тебратаман) – то вушларга алоҳида ранг ва ифодалилик бахш этадиган усул; му сиқа асбобларини (айниқса, торли ва камончали асбобларни чалишда ва куйлаш пайтида қўлланади. Бунда чап қўл бармо ларининг торлар устида ёки овоз аппарати пайларининг титраш товуш баландлигини кичик оралиқларда ўзгартириб туради.

**Вибрация сезгиси** – организмнинг терига таъсир этаётга қўзғатувчиларни сезиш ҳолати.

**Видеоқўлланма** – болалар учун билим олишга хизмат қила диган видеодастур (видеокассета, электрон ташувчилар, диа фильм, кинофильм, диск); атроф-олам, табиатни ўрганиш, ат роф-муҳитда ҳавфсизлик ва мустақиллик асослари тўғрисидаг тасаввурларни ривожлантиришга қаратилади; болаларни тасви рий санъат, халқ амалий санъати намуналари, она табиат, ўлка ва мамлакат тарихи билан таништириш учун қўлланади ва ёрдам чи ўқув материали вазифасини ўтайди, анъанавий кўргазмал таълим воситаларига қўшимча ҳисобланади. Педагоглар ва ота оналар учун методик қўлланма сифатида тавсия этилади.

**Видеотренажер** – кишининг асосий кўриш тизими функцияла ри – кўриш ўткирлиги, кўриш майдони, ранг ажратиши, чамала ўлчаш қобилиятини машқ қилдириш учун мўлжалланган техни қурилма.

**Визуал тафаккур** – қўйилган масалаларни ахборот жиҳатдан тайёрлаш ва улар бўйича қарор қабул қилишга йўналтирилган билиш жараёнларидан бири. Бу жараён ё мақсад сари йўналти рилган хатти-ҳаракатлар ёки образлар устида манипуляциялар олиб бориш, уларнинг трансформацияси, «ақлда айлантириш» каби онгсиз (ғайриихтиёрий) операциялар воситасида амалга оширилади. Визуал тафаккур мевалари сифатида муайян маъно касб этган янги образлар туғилади, янги визуал шакллар ярати лади.

**Викторина** – ўқувчиларга ўқув материали юзасидан жумбоқ ли топшириқлар беришга асосланган машғулот тури.

**Вояга етмаган** – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс.

**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик ларнинг профилактикаси** – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон бе радиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бар



тараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

## Г

**Гаммацизм** (гамма «Г» ҳарфнинг юнонча номланиши) – «Г» товушини нотўғри талаффуз қилиш, *дислалия*нинг бир тури. «Г» товушини бошқа товушларга алмаштириш парагаммацизм деб аталади (мас., гул-дул, гилос-дилос). Гаммацизм логопедик тадбирлар ёрдамида бартараф этилади.

**Гармония** – маълум тизим элементлари, таркибий қисмлари ривожланишининг муайян даврида ўзаро мувофиқ, мутаносиб, узвий боғлиқлиги ва алоқадорлиги, уйғунлиги ва оҳангдошлиги. Гармониянинг намоён бўлиш шакллари кўп. Масалан; фалсафада мазмун ва шакл, бутун ва бўлак, тизим ва унинг элементлари ўртасидаги мутаносибликка нисбатан ишлатилади; мусиқа санъатида жўрликда ижро этадиган қўшиқлар (хор) ёки куйлардаги уйғунликни билдиради. Оилада баҳамжиҳатлик ва тотувликни англатади. Маънавиятда ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик асосида қуриладиган барқарорлик ва инсоний муносабатларда-ги ўзаро уйғунликни ифодалайди.

**Генофонд** – 1) генлар заҳираси; турли ген (ирқ)ларнинг тарқалиши, уларнинг нисбий миқдор ва таркибий сифати; 2) муайян организмларнинг тарқалганлиги. Ирсий белгиларни ўрганиш ва аниқлаш инсон генетикаси, жониворлар ҳамда ўсимликлар генетикаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда генофондни сақлаш муаммоси дунёнинг кўпгина мамалакатлари учун долзарб муаммога айланган. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида таъкидлаганидек: «Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди, бундай муносабатни табиат асло кечирмайди, айниқса, инсон – табиатнинг хўжайини, деган соxта социалистик мафкуравий даъво кўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди, уларни қирилиб кетиши, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди. Шу нуқтаи назардан миллат генофондини сақлаш, ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, одамларнинг

табиат, атроф-муҳитга муносабатини ўзгартириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади».

«**Геометрик жисм** – фазонинг муайян чегаралар билан чекланган соҳаси. Геометрик жисм одатда уч ўлчамга эга бўлган ва ҳамма томондан чегараланган фазо қисми сифатида таърифланади. Мактабгача муассасаларда математика машғулотларида шар, куб, цилиндр, конус, пирамида, брус (тўғри бурчакли параллелепипед) каби геметрик жисмлар ўрганилади.

**Геометрия** – математиканинг фазовий муносабатлар (масалан, фазода ўзаро жойлашиш) ва шаклларни (масалан, геометрик жисмларни) ўрганувчи бўлими. Геометрия узоқ ўтмишда, ер участкалари, турли ҳажмлар ва ш.к.ни ўлчашга бўлган амалий эҳтиёж туфайли юзага келган. Мактабгача таълим муассасаси дастурида асосий геометрик шакллар ва жисмлар тўғрисида дастлабки тасаввурларни шакллантириш кўзда тутилади.

**Гербарий** – 1) тадқиқ этиш ва тизимлаштириш мақсадида махсус йиғилган ва қуритилган ўсимликлар коллекцияси; 2) қуритилган ўсимликлар коллекциясини сақлаб, уларнинг илмий ишловини амалга оширадиган муассаса.

**Герц** (гц) – тебранишлар частотасини ўлчаш учун қабул қилинган халқаро атама. Немис олими Генрих Герц номига аталган. Товуш тўлқинлари, радиотўлқинлар, электр токи тебранишларининг частоталарини ўлчаш учун қўлланади. Сонияда бир маротабалик тебранишга тенг.

**Гигиена** – яшаш тарзи ва меҳнат шароитининг инсон соғлиғига таъсирини ўрганадиган, касалликларни профилактика қилиш, соғлиқни сақлаш ва ҳаётни узайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқадиган қадимий тиббиёт соҳаларидан бири. Ташқи муҳитнинг санитария ҳолатини ҳамда унинг инсон организмига таъсирини ўрганишда гигиена физик, кимёвий, физиологик, токсикологик ва бошқа методлардан фойдаланади. Бир қатор мустақил бўлимларга эга (меҳнат гигиенаси, коммунал гигиена, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, овқатланиш гигенаси, ҳарбий гигена ва ҳ.к.).

**Гигиеник омиллар** – болалар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга таъсир кўрсатадиган бош сабаблар ва шарт-шароитлар мажмуи. Гигиеник омилларга қуйидагилар киради: ер участкасини режалаштиришга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари, бинога қўйиладиган гигиеник талаблар, барча хоналарни шамоллатиш, ёруғлик режимига риоя қилиш, ҳарорат режимига риоя қилиш, хоналарни тозалашга қўйиладиган гигиеник талаблар, болалар мебелига қўйиладиган гигиеник талаблар, шахланувчан кун тартиби, овқатланиш гигиенаси, кийиниш гигенаси, кун, ҳафта давомида болалар билан ўтказиладиган таълимий ишларга қўйиладиган гигиеник талаблар. Бу омилларга айниқса мактабгача муассасалардан бошлаб риоя қилиш гоят муҳимдир.

**Гигиеник тарбия** – мактабгача болалар муассасалари ва умумий таълим муассасаларида тиббиёт ва педагог ходимлар олиб борадиган фаолият турларидан бири бўлиб, у тарбияланувчилар ва ўқувчиларда маданий-гигиеник малакалар ва кўникмаларни, шунингдек соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини шакллантиришга қаратилган мақсадга мувофиқ ва мунтазам ишни ташкил қилиш ва олиб боришдан иборат. Ушбу муассасаларда гигиеник тарбияни амалга ошириш ишлари бўйича тавсиялар бериб бориш ва бу ишларнинг назоратини амалга ошириш тиббиёт ходими зиммасига юклатилади.

**Гидротерапия** – қ. *Сув билан даволаш*га.

**Гимн** (юнон. *hymnos*) – тантанали мақтов қўшиғи, мадҳия. Давлат, инқилобий, диний гимнлар, бирон халқ қаҳрамони шарафига гимнлар, ҳарбий гимнлар, байрам гимнлари ва ҳ.к. мавжуд. Бу мусиқа жанри жаҳон хор, симфоник ва опера мусиқа санъатида, композиторларнинг қўшиқчилик ижодида кенг тарқалган (мас., XVIII-XIX аср немис композитори Людвиг ван Бетховеннинг Тўққизинчи симфониясидаги якуний хор, XIX аср рус композитори М.И.Глинканинг «Иван Сусанин» операси охиридаги «Шон-шарафлар» хори). Кўпроқ ҳолларда давлат гимни (*қаранг*) сифатида маълум.

**Гимнастика** – соғлиқни мустаҳкамлаш ва умумий жисмоний ривожланишга ёрдам берадиган умумий ривожлантирувчи жисмоний машқлар мажмуи. Амплитудаси, тезлиги ва суръати белгиланган ҳамда мускулларга тушадиган юкламаси ўлчанган турли ҳаракатлар комбинациясидан иборат.

**Гимнастика МТМда** – эрталаб, болалар билан машғулотлардан олдин ўтказиладиган гимнастика, болалар боғчалари гуруҳларида болалар фаолиятини ташкил қилиш тартиби. Эрталабки гимнастика болалар боғчасининг биринчи кичик гуруҳидан бош-

лаб ўтказилади. У физкультура машғулотларида ўзлаштири[лган] юриш, чопиш, жойида туриб ва ҳаракатланиб сакраш, ум[у]мий ривожлантирувчи машқлар, рақс ҳаракатлари, диққатни ри[вожлантирувчи] машқлардан иборат. Тўғри қад-қоматни шакл[лантириш], оёқларни мустаҳкамлашга қаратилган машқлар маж[бурий] машқлардан ҳисобланади.

**Гимнастика нарвони** – тирмашиб чиқиш, осилган ва тиралга[н] ҳолда машқларни бажариш учун ёрдамчи гимнастика қуроли, юмалоқ ёки овал шаклидаги ёғочлар билан энламасига маҳкам[ланган] иккита параллель брусдан иборат. Вертикал ёки қия жой[лашган] бўлиши мумкин. Гимнастика нарвони мактабгача таъ[лим] муассасасидаги физкультура залининг асбоблари орасид[а] бўлиши шарт.

**Гиперкинез** (юнон. hiper – ҳаддан зиёд, ўта ва kinesis – ҳара[кат]) – нерв тизимининг органик ва функционал бузилишлари натижасида тананинг ҳаддан зиёд ихтиёрсиз равишда ҳаракат қилиши.

**Гиперфаоллик** – феъл-атвордаги комплекс бузилиш, ҳаракат[лар]даги ноўрин фаоллик, диққатни тўплай олмаслик, ташкил этилган ва бир мақсадга йўналтирилган фаолиятга лаёқатсиз[]ликда намоён бўлади. «Диққат дефицити» синдромига эга бола[]лар учун хос.

**Гиперғамхўрлик** – боланинг мустақиллиги, мустақил хатти-ҳаракатни амага ошириш имкониятини рад этиш, боланинг ру[]ҳий ва жисмоний соғлиги ҳақида ҳаддан ташқари, ўта ғамхўрлик қилиш.

**Гипноз** (юнон. hypnos – уйқу) – кишиларда ва ҳайвонларнинг баъзи олий турларида махсус ҳосил қилинадиган сунъий уйқу. Бунда бош мия қобиғининг ҳаммаси эмас, балки унинг айрим марказларигина тормозланган бўлади, бошқа марказлари бўлса таъсирчанликни сақлаб қолиб ва гипноз қилинган шахснинг ташқи қўзғатувчи билан муносабатини таъминлаб туради. Гипноз ўзининг энг чуқур тормозлаш фазасига етиб, заифроқ қўзғатувчилар (мас., сўз) кучлироқ қўзғатувчилардан (мас., оғриқдан) самаралироқ таъсир кўрсата бошлаганда, гипноз объектининг таъсирланиши ортади. Бундан тиббий мақсадларда фойдаланиш мумкин.

**Гипнопедия** (юнон. hypnos – уйқу ва paideia – таълим бериш) – табиий уйқу пайтида ўқитиш. Тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатадики, гипнопедия табиий педагогик жараённинг ўрнини



боса олмайди, албатта; бу усул ахборотнинг айрим турларини[нг] (хорижий сўзлар, формулалар ва ҳ.к.) хотирада мустаҳкамлан[иш]и учун қўл келиши мумкин. Яна қ. *Гипноз уйқуси.*

**Гипноз уйқуси** – мутахассис томонидан беморда махсус ҳосил қилинадиган сунъий уйқу. Гипноз уйқуси қўшимча даволаш мақсадида (масалан, *дудуқланишда*) қўлланилади.

**Гиподинамия** (юнон. hypo – ост, пасайиш ва dənamis – куч) – ҳаракатланиш фаоллиги даражасининг пасайиши натижасида организмда юрак-қон томир, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш тизими, таянч-ҳаракат аппарати функцияларининг, қатор ҳолатларда психиканинг бузилиши. Камҳаракатчанлик, ҳолсизликда намоён бўлади.

**Гипокинезия** (юнон. hypo ост, пасайиш ва kinesis – ҳаракат) – ҳаракат фаоллигининг етишмаслиги. Мускуллар тонусининг, организм ишчанлиги ва чидамлилигининг пасайиши, мускуллар массаси ва ҳажмининг камайишида намоён бўлади. Нотўғри жисмоний тарбия натижасида юзага келади. Ҳаракатланишга бўлган табиий эҳтиёжнинг пасайиши болада ҳаракатланиш фаоллигининг пасайишига олиб келади. Узоқ муддат давом этган гипогенезияда, *гиподинамияда* бўлгани каби, болада эмоционал тонус пасаяди, мускул толаларида табиий ўзгаришлар юзага келади, бу эса барча ҳаётий муҳим тизимларнинг фаолият кўрсатишига, бутун организмнинг ривожланишига оғир, ҳатто халокатли таъсир кўрсатади (масалан, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг фаолияти ёмонлашади, болалар қад-қоматида камчиликлар пайдо бўлади, ясси товонлик ривожланади).

**Гипотеза** – 1) назарий асосланган ва эмпирик текширувдан ўтган ёки, аксинча, текшириш ва далиллашни талаб қилган бирон-бир ҳодисани тушунтириб бериш учун илгари сурилаётган илмий фараз, тахмин. Мактабгача ёшдаги болаларда бирон-бир гипотезани илгари суриш, асослаш ва текшириш малакаси муаммоли таълим тизимида шаклланади.

**Гипотрофия** – болаларда овқатланишнинг сурункали бузилиши. Ориқлаб, силласи қуриш билан кечади.

**Гиппокамп** – марказий нерв тизимидаги бир бўлим бўлиб, у ахборотни қисқа вақтли хотирадан узун вақтли хотирага ўтказади.

**Гипоғамхўрлик** – болага тўлиқ эркинлик бериб қўйиш. Бу тарбия тури лоқайд, совуққон, бепарво тарбия тури билан қўшилиб кетади.

**Гитара** – чертиб чалинадиган торли мусиқа асбоби. Бир қан тури мавжуд: еттита торли рус гитараси, олтита торли испан гитараси, гавая гитараси, электрогитара. Улардан еттита торли рус гитараси кенг тарқалган. Кўпроқ қўшиқчига жўрлик қилишда қўлланади.

**Глобал таълим** – XIX асрнинг 70 йилларида АҚШда педагогик ҳамжамиятнинг инсонни ўзаро боғланган яхлит ҳаётда кечиришга тайёрлаш зарур деган фикрга жавоби сифатида маълум бўлган таблар ва олий ўқув муассасаларнинг таълим назарияси ва ўқитиш амалиётида юзага келган йўналишлардан бири.

**Глобал ўқиш** – эшитишида муаммоси бўлган болаларни ўқишга ўргатиш жараёнидаги дастлабки босқич. Таклиф этилаётган сўз ва жумлалар бола томонидан яхлит ҳолда, яъни глобал идрок этилади. Глобал ўқиш, деганда сўз ва гапларнинг график образларини яхлит ҳолда идрок этилиши ва уларни тегишли предмет ва ҳодисалар билан боғланиши тушунилади.

**Гобой** – ёғочдан ясалган пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. XVII асрда Францияда пайдо бўлган. Якка ижрода ва оркестр таркибида қўлланади. Гобой турлари: кичик гобой, альт гобойи, инглиз мугузи, геккельфон.

**Гонг** – Жануби-Шарқий Осиё халқларида уриб чалганда овоз чиқарадиган мусиқа асбоби. Семаранг шаҳридан (Индонезия) бўлган яван усталарининг гонглари айниқса машҳур. Чеккалари қайрилган 50-80 см диаметрли металл доира шаклидаги хитой гонлари ҳам маълум. Гонг тўқмоқчалар уриб чалинади.

**Гопак** – Украина халқ рақси. Тез суръатда ижро этилади. Мусиқада машҳур композиторлардан М.Мусоргский, П.Чайковский, Н.Римский-Корсаков, А.Хачатурян, А.Штогаренко ва б. ўз ижодларида гопакка мурожаат қилганлар.

**Ғоя** – 1) объектив борлиқ ҳодисаларини фикрда акс эттириш шакли; 2) бадиий ёки санъат асари мазмунини белгилаб берадиган асосий, бош фикр. Ғоялар билимлар ривожининг ўтмиш тажрибасини умумлаштиради ва ҳодисаларни англаш ва тушунтириш тамойиллари сифатида хизмат қилади.

**Гравюра** – гравёр томонидан тайёрланган ўйма клише ёки пластинкадан босилган тасвир (сурат, расм), шунингдек ўйма нақшли расм. Гравюраларни ёғоч, металл, тош, линолеумда бо-сиш мумкин.



**Грамматик тузилиш** – муайян тилга хос сўз ва гап тузилиши. Ўзбек тили грамматик тузилишига кўра агглютинатив (*агглютинация*) тиллар гуруҳига киради, шунга кўра унинг грамматик тузилишини ўзлаштириш жараёнини босқичларга ажратишда, унинг шу хусусияти эътиборга олинади: тилнинг агглютинатив тизимини ўзлаштириш (2 ёш 1 ойдан 2 ёш 3 ойгача); ёрдамчи сўзларни ўзлаштириш (2 ёш 3 ойдан 3 ёшгача). Бола она тилининг морфологик тизими ўзлаштирилади (3 ёшдан 7 ёшгача). Тилнинг грамматик тузилишини шакллантиришга қаратилган иш мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш методикасининг асосий масалалари қаторига киради.

**График проекция методикаси** – бирон шахснинг психик ва шахсий сифатларини унинг чизган суратларига қараб ташхислаш методикаси. Ушбу методика асосида психологик проекция тамойили ётади, унга мувофиқ синовдан ўтаётган шахс ўзининг англаб етолмаётган ёки яшираётган психологик эҳтиёжлари, ҳиссиётлари, мотивлари, камчиликларини проекциялайди (расмларда акс эттиради). Мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда график проекция методикасини асосий тадқиқот методи сифатида қўллаш тавсия этилмайди, уни объектив тадқиқот методлари (кузатиш, сўров ўтказиш ва ҳ.к.) билан қўшиб олиб бориш лозим.

**Графика** – 1) бўёқсиз, фақат чизиқлар билан расм солишга асосланган тасвирий санъат тури; 2) шундай расмлар асосида ишланган босма бадиий тасвирлар.

**Грация** – 1) ҳаракатлар нафислиги ва нафосати, гавда ҳолатининг гўзаллиги; 2) Грациялар – рим мифологиясида гўзаллик, нафосат ва қувонч маъбудалари. Болалар боғчасида ўтказиладиган мусиқа-ритмик машғулотлар жараёнида грацияни тарбиялашга алоҳида аҳамият берилади.

**Гу-гулаш даври** – бир ёшгача бўлган болаларнинг нутқни эгаллашга тайёргарлик даврида турли хил товушларни, бўғинларни айтиши. Масалан, 6-7 ойлик бола «ба-ба-ба», «да-да-да», «ма-ма-ма» каби товушларни чиқаради.

**Гуманизм** – инсонийликни улуғловчи фалсафий таълимот; инсонпарварлик тамойилларининг устуворлигини, барча тузумлар, давлатлар, жамиятлар учун асосий фаолият мезони бўлиши лозимлигини ифодалайдиган тушунча.

**Гумонсираш** – ҳавотирли шубҳаланиш. Ҳавотирли-шубҳа
тарбия тури ҳукм сурган оилаларда одатда асабий болалар в
га етади.

**Гуруҳ** – бирон мақсадга кўра бирлашган ёки бирлаштирилга
лар мажмуаси. Мас., МТМда ёшига кўра бирлаштирилган бо
лар гуруҳлари, мактабда спорт турларига кўра бирлаштирилга
лар гуруҳлари ва ҳ.к. Мусиқада оркестрнинг бир турдаги асбо
ларни чалувчи мусиқачиларни бирлаштирувчи қисми (мас., тор
асбоблар гуруҳи, пуфлаб чаладиган мис асбоблар гуруҳи ва ҳ.к
Эстрада ижрочилиги амалиётида гуруҳ деганда моҳият эътибо
билан номи ёки мусиқа йўналишини билдирувчи сўзлар қўшилг
ансамбль тушунилади (рок-гуруҳ, «Битлз» гуруҳи ва ҳ.к.).

**Гўзаллик** – эстетика категорияси бўлиб, нарса-ҳодисаларни
нафислиги ва нафосатини ижтимоий-маънавий жиҳатдан баҳ
ловчи мезон, ижтимоий ҳаётда бирор бир нарса ёки кишига х
хусусиятларнинг шаклан ва мазмунан уйғунлигини англатад
ган, турли шаклларда намоён бўладиган ва инсонда ёқимли ту
ғу, завқ, кучли ҳайрат ҳиссини ҳосил қиладиган тушунча.

## Д

**Давлат байроғи** – давлат ҳокимиятининг расмий рамзи, давл
суверинитетининг тимсоли. Давлат байроғининг тавсифи одат
Конституцияда келтирилади. Давлат ҳокимияти ва олий бошқ
рув органлари, давлатларнинг чет элдаги элчихоналари ва вак
латхоналари, суд биноларига ва ҳ.к. осиб қўйилади. Миллий ба
рамларда ҳамма ёққа осилади. Давлат байроғини ҳақорат қилга
шахс Жиноий кодексга биноан жазога тортилади.

**Давлат бюджети** – давлат ҳокимият органларининг фаоли
тини ва давлат функцияларининг бажарилишини таъминлаш учу
пул маблағларининг ҳосил бўлиш ва сарфланиш шакли. Бошқ
ча қилиб айтганда, давлатнинг ҳар йиллик сарф-ҳаражатлари в
даромадларининг йиллик сметаси (тақисмоти). Давлат ўз функ
цияларини тўлиқ бажариши учун, даромад сарф-ҳаражатларда
юқори бўлиши лозим. Даромаднинг катта қисмини корхоналар
хўжалик юритувчи ташқилотлар ва жисмоний шахслардан унди
риладиган солиқлар ташкил этади. Сарф-ҳаражатлар асосан хал
хўжалигини молиялашга ва ижтимоий-маданий мақсадларга (ма
ориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот) йўналтирилган
маблағлардан ташкил топади.



**Давлат герби** – давлат органларининг муҳрлари ва бланкалари, пул белгилари ва ш. к.ларда тасвирланадиган расмий давлат эмблемаси, рамзи. Кўп ҳолларда давлат байроғининг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон герби 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида қабул қилинган. Гербни ҳақорат қилган шахс **Жиноий кодексга** биноан жазога тортилади.

**Давлат гимни** – давлатнинг **расмий рамзи** (давлат герби ва давлат байроғи билан **бир қаторда**), мамлакат, давлатни мадҳ этадиган тантанали қўшиқ. Барча тантанали учрашувлар, ижтимоий-сиёсий тадбирлар, мамлакат миқёсидаги спорт мусобақалари ва давлат органлари томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирларда ижро этилади. Ўзбекистон гимни 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида қабул қилинган. Унинг мусиқасини Мутаваккил Бурхонов, сўзини Абдулла Орипов ёзган.

**Давлатнинг мақсадли жамғармалари** – давлат бюджети таркибида жамлантириладиган **жамғармалар** бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиш нормалари **ва шартлари**, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши **мумкин** бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**Давлат таълим стандартлари** – таълим олаётганлар ва битирувчиларни тайёрлашнинг мазмун-моҳияти, кўлами ва даражасига нисбатан давлат томонидан қўйиладиган талабларнинг мажбурий даражаси, шунингдек ўқув юкламаларининг зарурий ҳажми.

**Давлат тили** – ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёти негизида вужудга келган, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг инъикоси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик воситаси, мамлакатда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар якдиллигини ифода этадиган, давлат доирасида ва давлатлараро муносабатларда ўзаро мулоқот воситаси ҳисобланган, қонуний мақомга эга бўлган ҳамда қонун билан ҳимояланган расмий тил. Ўзбекистонда 1989 йил 19 октябрда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Шу тариқа, халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. 1992 йил 7 декабрда қабул қилинган Конституциямизда Давлат тилининг мақоми ҳуқуқий

жиҳатдан аниқ белгиланиб, мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тари
ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳия
Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қил
надиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди.

**Даволаш педагогикаси** – касалманд ёки даволаш муасса
ларида муолажа олаётган болаларни ўқитиш, уларга тибби
педагогик ёрдам бериш масалалари билан шуғулланадиган пе
дагогика фанининг алоҳида тармоғи.

**Дактил алифбоси** – қ. *Дактилология.*

**Дактилография** (юнон. daktylos – бармоқ ва grapho – ёзаман
– саводли кар шахслар билан эшитувчиларнинг тилдаги ҳарф
ларни ёзишга ярокли ҳар қандай юза ёки ҳавода акс эттири
орқали мулоқотга киришишлари. Шунингдек, туғма ёки ил
ёшда кўриш ва эшитиш қобилияти бузилган болалар таълим-тар
бияси жараёнида ёрдамчи восита сифатида қўлланувчи нут
шакли. *Дактилология*дан фарқли равишда ахборот алмашувчи
лар ҳар бир ҳарф-белгини бармоқ билан бир-бирларининг кафт
ларида акс эттирадилар.

**Дактилология** (юнон. «daktulos» – бармоқ, «logos» – сўз) -
эшитишида муаммоси бўлган шахсларнинг ўзаро ва эшитувчи
инсонлар билан қўл алифбоси воситасида мулоқот қилиш воси
таси. Бунда ҳар битта ҳарфга бамоқларнинг ўзига хос ҳолатла
ри тўғри келади. Кар ва гунг болаларни ўқитиш воситаси сифа
тида хизмат қилади. *Дактил алифбоси* илк бор «сукут сақлаш
аҳди»ни қабул қилган черков руҳонийлари томонидан ўйлаб то
пилган (улар овоз чиқармасдан юришлари лозим бўлган). Кун
далик эҳтиёж уларни атрофдагилар билан мулоқотга мажбур
қилгани ҳолида дактил алифбосини кашф қилганлар. Эшитиши
да муаммоси бўлган болаларни ўқитиш амалиётига дактил алиф
босининг кириб келиши ҳам айнан шу черков руҳонийларининг
номлари ва фаолияти билан боғлиқ. Дактил алифбосидан эши
тишида муаммоси бўлган болаларни ўқитиш амалиётида илк бор
испан руҳонийлари П.Понсе ва Х.П.Бонетлар фойдаланганлар.
Ўқитишнинг бу воситаси муваффақиятли натижаларга олиб кел
ганлиги сабабли унинг кейинчалик сурдопедагогика амалиёти
да кенг ёйилишини таъминлади.

**Далиллаш методлари** – мунозарада қатнашаётган суҳбатдош
ларнинг ўзаро муносабатларида психологик омилларни билиш
асосида суҳбатни ижобий якунлаш ёки ўртадаги баҳсни ижобий



...ҳал қилишга эришиш имконини берадиган методлар. Далиллаш
...етодларининг турлари: а) фундаментал далиллаш методи, бун
...да суҳбатдошлар (ота-она, тарбиячи ва б.) ўзаро тўғридан-тўғри
...мурожаат этадилар, бунда улар барча ахборот билан очиқдан-
...очиқ таништирилади; б) қарама-қаршиликлар методи, у томон-
...лар хулқ-атвори ва машғулотни ўтказиш методикасида қарама-
қаршиликларни аниқлашга асосланади; в) икки томонлама да-
...лиллаш методида ҳимоя қилинаётган нуқтаи назарнинг афзал-
...ликлари ва камчиликлари баён этилади; г) «бўлаклар» методи-
...дан фойдаланишда суҳбатдош мулоҳазалари ва хулқ-атворида-
...ги «заиф» ва «кучли» жиҳатлар ажратиб олинади ҳамда кучли
...ва шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган далилларга тўхталмай,
...диққат-эътибор хато далилларга қаратилади; д) хулосалар чи-
...қариш методида далил-исботлар бирданига эмас, аста-секин баён
...этилади ҳамда суҳбатдош (тарбиячи, ота-она ва б.) истакдаги
...хулосага қисман хулосалар воситасида рўбарў қўйилади; е) урғу
...бериш методида умумий манфаатларга мувофиқ ҳар иккала то-
...монни қониқтирадиган жиҳатларга урғу берилади; ж) «бумеранг»
...методини қўллаш жараёнида «рози» далили «қарши» далилига
...айланади; з) гўёки қўллаб-қувватлаш методида суҳбатдош нуқ-
...таи назари рад этилмайди, аксинча, тўлдириб борилади, суҳбат-
...дош баҳс бораётган масала бўйича ўз фикрини баён этиб бўлгач,
...тайёрлаб қўйилган қарши далиллар келтирилади.

**Дальтонизм** – рангларни қисман ажратмаслик. Кишиларда ран-
...гларни кўришнинг ирсий бузилиши, айрим рангларни (асосан қизил
...ва яшил) ажрата олмасликда намоён бўлади. Кўзнинг тўр пардаси-
...да битта ёки бир нечта нур сезувчи ҳўжайраларнинг етишмаслиги
...билан изоҳланади. Кўпроқ эркакларда учрайди. Ушбу кўришдаги
...ушбу нуқсонни биринчи бор ўзи ҳам шу касалликдан азият чеккан
...Англиялик кимёгар ва физик-олим Жон Дальтон (1766-1844) тав-
...сифлаб берди ва кейинчалик дальтонизм деб атади.

**Дальтон- режа** – АҚШнинг Массачусетс штатидаги Дальтон
...шаҳрида яратилган таълим муассасасида таълим-тарбия ишла-
...рини тизимлаштиришда қабул қилинган режа. У якка тартибда-
...ги таълим тамойилига асосланганади ва ғарбдаги таълим муас-
...сасалари тизимида кенг қўлланиб келади.

**Дам олиш вақти** – ишловчилар меҳнат мажбуриятларини ба-
...жаришдан ҳоли бўлган ва ўз ихтиёрига кўра фойдалана олади-
...ган давр. Дам олиш турлари: иш куни давомида дам олиш ва

овқатланиш учун ажратилган вақт; иш куни тугаганидан кейинги ҳар кунлик дам олиш; дам олиш ва байрам кунлари; йиллик таътил кунлари.

**Даромад** – давлат муассасаси (саноат, савдо ва ҳ.к.), хусусий шахслар у ёки бу фаолият туридан олаётган пул ёки моддий бойликлар. Даромаднинг бир неча тури фарқланади. Масалан, корхонанинг ялпи даромади маълум давр мобайнида (мас., бир йил, йил чораги, ой) ишлаб чиқариш воситасида яратилган мулкни ифодалайди ҳамда олинган маблағ билан ишлаб чиқаришга ва маҳсулотни сотишга кетган сарфлар ўртасидаги айирма сифатида аниқланади. Бозор муносабатлари шароитида даромад ҳажми корхонанинг муваффақиятли фаолиятини белгилаб берадиган омиллар мажмуи, шу жумладан рационал бошқариш, раҳбар кадрларнинг касбий малакасини ошириш, бошқарув ходимлари сонини қисқартириш каби омиллар асосида белгиланади.

**Дарс** – ўқитишнинг вазифалари, мазмуни, низом ва методларини ўзида мужассамлаган, маъно жиҳатдан тугалланган, ташкилий ва вақт жиҳатдан чекланган ўқув жараёнининг асосий шакли. Илк бор XVII асрда ҳозирги кунда ҳам педагогика ва дидактикада ўз аҳамиятини сақлаб келаётган «Буюк дидактика» асарининг муаллифи Ян Амос Коменский (1592-1670) томонидан амалиётга жорий қилинди.

**Дастлабки ҳолат** – бирон-бир машқ олдидан тана, қўл ва оёқлар ҳолати. Ушбу тушунча мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда физкультура ва мусиқа машғулотларида кенг қўлланади.

**Дастурларнинг йўналганлиги** – этник ва маданий анъаналар, халқ поэтик ва бадиий ижоди, болаларнинг ўзаро ва катталар билан мулоқоти ва ўзаро алоқасининг барқарор шаклларида ўтиб келадиган тарбиявий билимлар ва малакалар мажмуи; кўп асрли маиший тарбия маданиятини ўзида мужассам этади. Турли халқларнинг тарбия анъаналарида мавжуд бўлган умумий жиҳатларни ўзида сақлайди.

**Дебат** – икки қарама-қарши, ўзаро мусобақалашаётган жамоа (гуруҳ) иштирокчиларининг олдиндан тайёрланган чиқишларига асосланган расмий муҳокама.

**Дебиллик** – *олигофрения*нинг енгил даражаси. У ҳис-туйғуларнинг етарли даражада дифференциаллашмагани, мулоҳазалар ва хулосаларнинг ўта жўн ва соддалиги, таълим олиш имко-



ниятларининг анча чекланганлиги, ижтимоий мослашиш даражасининг етарли даражада эмаслиги билан характерланади. Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар, шунингдек мактаб, мактаб-интернатлари ўқувчиларининг асосий қисмини ҳам ана шу тоифа болалари ташкил этади. Дебил боланинг ривожланишидаги ақлий муаммо у даражада чуқур бўлмагани сабабли, бундай болаларни аниқлаш ва тадқиқ қилишда қатор муаммолар юзага келади. Дебил даражадаги олигофрен болалар мактабгача ёш даврида мазмуни ва шакли жиҳатдан содда ўйинларни ташкил қила олиш малакасига эга бўладилар. Мактаб ёши даврида эса маълум конкрет ҳолатларни баҳолай олиш, амалий масалаларни ечишда тўғри иш тутиш кўникмаларини эгаллай оладилар. Бундай болаларнинг нутқи асосан меъёрга яқин бўлиб, механик хотираси нисбатан яхши натижалар беради. Буларнинг барчаси уларнинг имкониятига мосланган ҳолда ишлаб чиқилган махсус мактаб дастури ҳажмидаги материалларни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради. Дебил даражадаги болаларнинг ақлий ривожланишида меъёрдан четга чиқишнинг қуйидаги белгилари кузатилади. Уларнинг тафаккурлари кўргазмали-образли бўлиб, тушунчаларнинг шаклланишида қийинчиликлар кузатилади. Шунингдек умумлаштириш, таққослаш жараёнлари ҳам жуда заиф бўлади. Ўқилганларнинг мазмунини қийинчилик билан ўзлаштирадилар. Фанларни тўғри идрок қила туриб, уларнинг ички боғланишларини тушунмайдилар. Бундай хислатлар дебил болалар билан расмлар, ўзаро боғлиқ воқеаларни таснифлаш юзасидан олиб борилувчи тадқиқотлар жараёнида яққол кўринади. Уларнинг ҳисоблаш малакалари ҳам қийинчилик билан шаклланади: сонлар, суратли арифметик белгилар моҳиятини етарли даражада тушуниб етмайдилар; ҳолда масалаларнинг шартларини дастлабки тушунтиришларда англай олмайдилар. Бу болалар тўғри ёзиш малакаларини ҳам қийинчилик билан ўзлаштирадилар. Нутқлари содда, грамматик томони бузилган, товушлар талаффузида ҳам меъёрдан четга чиқиш кузатилади. Дебил даражадаги болаларнинг ўзига хос ривожланиши шахсий хислатларига сезиларли таъсир кўрсатади: уларда кўпинча у ёки бу жиҳатдан қарашларининг мустақил эмаслиги, билимга интилишнинг етишмаслиги, ўқиш ва меҳнат фаолиятида ташаббуснинг бўшлиги кузатилади. Ҳиссиёт-ирода соҳалари етарли сақланган бўлишига қарамай, қайғурган ёки

хурсанд бўлган вақтларида ўзларини етарли даражада соғлом тенгдошлари каби тута олмайдилар, баъзи нозик дифференциялашган ҳаракатлар, юзлардаги ифодалилик етишмайди. Баъзи болаларда неврология белгилари, тана дисплазияси, эндокрин бузилишлар ҳам учрайди. Бундай болаларнинг махсус таълим билан эрта қамраб олиниши, ўз имкониятига мос меҳнат, касб-ҳунарга йўналтирилиши ижтимоий ҳаётга тўсиқларсиз уйғунлашиб кетишларининг гарови саналади. Бундай тоифа болалар фаол ташаббус, мустақиллик, бир иш туридан бошқа иш турига тез ўтиш талаб этилмайдиган иш жараёнларида етарли унум билан меҳнат қиладилар. Мактабгача ёшдаги дебил болалар интеллекти бузилган болалар учун мослаштирилган махсус мактабгача болалар муассасаларига боришлари мумкин.

**Девиант хулқ** (лотин. deviatio – оғиш, четга чиқиш) – шахснинг жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий ёки ахлоқий нормалардан четга чиқадиган ёки уларни бузадиган хатти-ҳаракатлари. Худди шундай хатти-ҳаракатларни амалга оширувчи болалар «ижтимоий хатар гуруҳига мансуб болалар» сирасига киритилмоқда. Мактабгача ёшдаги девиант хулқли болалар интеллекти бузилган болалар учун мослаштирилган махсус мактабгача болалар муассасаларига боришлари мумкин.

**Дедукция** (лотин. deductio – келтириб чиқариш) – билиш методларидан бири, асосий далиллаш воситаси, муайян синфга мансуб предметлар тўғрисидаги умумий билимлардан синфнинг алоҳида предмети тўғрисидаги якка (хусусий) билимга ўтиш. Бошқача қилиб айтганда, дедукция фикрлар (мулоҳазалар) занжири бўлиб, унинг кетма-кет келадиган ҳалқалари (мулоҳазалар) мантиқий кетма-кетлик муносабатлари билан боғлиқ. Дедукциянинг боши (асосий далили, ҳукми) аксиомалар, исботсиз ҳам қабул қилинаверадиган дастлабки қоидалар ёки шунчаки гипотезалардир (яъни «умумийлик»), охири эса қоидалардан келиб чиқадиган натижалар, теоремалардир (яъни «хусусийлик»).

**Дезинфекция** – инсон ва ҳайвонларда юқумли касалликларни келтириб чиқарадиган қўзғатувчиларни ташқи муҳитда физик, кимёвий ва биологик методлар билан йўқ қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси.

**Декламация** – ифодали ўқиш санъати, бадиий матннинг мазмуни, оҳанги, ғоясини тўлиқ ва мос равишда ифодалаб беришда қўлланади.



**Декларация** (лотин. declaratio – ҳаммага билдириш, эълон қилиш) – расмий билдириш. Одатда ташқи ва ички давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, сиёсий партияларнинг дастурий қоидалари, халқаро муносабатларнинг аниқ бир соҳасида олиб бориладиган фаолиятнинг асосий жиҳатлари декларация шаклида эълон қилинади. Мас., Инсон ҳуқуқлари декларацияси, БМТ томонидан 1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларация ва ҳ.к.

**Декоратив (манзарали) аппликация** – болалар боғчасининг иккинчи кичик гуруҳидан бошлаб қўлланадиган аппликация тури. Кичик гуруҳда болалар қоғоз варағида (аввал узун тасмада, кейин квадратда) доирачалар, катта ва кичик квадратлардан симметрик безаклар ҳосил қиладилар. Ўрта боғча гуруҳида болалар ўсимлик орнаментини таркиб топтиришни ўрганадилар, катта ва тайёрлов гуруҳларида эса декоратив-амалий санъатнинг маълум сюжетларидан фойдаланиб, композициялар яратишни ўрганадилар.

**Демократия** – 1) халқ ҳокимияти, фуқароларнинг эркинлиги ва тенглиги тамойилларига асосланган сиёсий тузум; 2) жамоавий фаолиятни ташкил этиш тамойили, унда барча жамоа аъзоларининг фаол ва тенг ҳуқуқли иштироки таъминланади.

**Демонстрация** (таълимда) – намойиш этиш; кўргазмали таълим методи, ушбу методдан фойдаланиб, таълим олувчилар диққатини ўрганилаётган предметлар, ҳодисалар, жараёнларнинг энг муҳим белгиларига йўналтиришга эришилади.

**Деонтология** – 1) этиканинг бир бўлими бўлиб, касбий ахлоқ, касбий бурч ва масъулият муаммоларини кўриб чиқади; 2) тиббиёт ходимининг беморга нисбатан юридик, касбий ва ахлоқий мажбуриятлари тўғрисидаги таълимот. XIX асрда яшаган инглиз файласуфи ва юристи Ж.Бентам томонидан киритилган атама. Педагогик фаолият ҳам мана шундай касбий фаолият турларидан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнида педагог ўқувчилар билан ўзаро муносабатларга киришишда педагогик деонтология қоидаларига амал қилган ҳолда иш кўриши лозим.

**Депозит** (лотин. depositum – сақлаш учун берилган буюм) – 1) давлат муассасасига келиб тушадиган ва маълум шарт-шароитлар бажарилгач, депозитни қўйган шахсга қайтарилиши лозим бўлган моддий қимматликлар (пуллар ёки қимматли қоғозлар); 2) банклар ва омонат кассаларидаги қўйилмалар.

**Депонент** (лотинча depono – қўяман) – давлат муассасаси позитига қимматликлар қўйган жисмоний ёки юридик шахс ҳақини ўз вақтида олмаган ва шу туфайли у депозитга ўтка юборилган ходимлар ҳам депонент ҳисобланади.

**Депрессия** – ҳаддан ташқари ҳаяжонланиш оқибатида юз келадиган синдром, у руҳий тушкунлик, ҳаракатнинг сусайи лоқайдлик, атрофга бўлган қизиқишнинг йўқолишида нам бўлади.

**Депривация** – инсоннинг асосий психик эҳтиёжларини қон риш имкониятлари узоқ вақт давомида чекланганлиги натиж да юзага келадиган психик ҳолат. Эмоционал ва интеллекту ривожланишдаги оғишлар, ижтимоий муносабатларнинг бу лишида намоён бўлади.

**Дерматолог** – мактабгача болалар муассасаларида проф лактик кўрувлар доирасида консультацияларни амалга ош радиган мутахассис-шифокор. Унинг вазифаларига бола орг низмининг тери қоплами билан боғлиқ касалликлар ва че нишларни ташхислаш, зарур ҳолларда болалар поликлини сида тегишли қўшимча кўрикдан ўтиш учун йўлланма бер киради.

**Детерминизм** (лотин. determino – аниқлайман) – табиат жамиятдаги барча ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий бо лиқлиги тўғрисида фалсафий таълимот.

**Дефектология** – коррекцион педагогика; психик ва (ёки) жи моний камчиликларга эга бўлган болаларнинг психофизиол гик ривожланиш хусусиятлари, уларни тарбиялаш, ўқитиш таълим бериш қонуниятлари тўғрисидаги фан.

**Децентрализация** – қарорларни қабул қилиш учун масъули марказининг қуйи бошқариш даражаларига силжиши, шу жум ладан якуний қарор қабул қилиш ҳуқуқи ваколатининг ҳам уларг берилиши. Ушбу атама бошқаришга оид асосий қарорлар тур поғоналарда, яъни айрим бўлимлар ва департаментларда қабу қилинадиган ташкилотларга нисбатан қўлланади.

**Децентрализациялашган ташкилот** – ташкилий тузилмани шундай шаклики, унинг доирасида қарорларни қабул қили ҳуқуқи то қуйи бошқариш тузилмаларигача тақсимланади.

**Децибел (Дб)** – товуш кучи (жадаллиги)нинг ўлчов бирлиг бўлиб, карлик ва заиф эшитувчилик ўртасидаги эшитиш чегар ларини аниқлашда фойдаланилади.



**Диагноз** (юнон. diagnosis – аниқлаш) – касалликнинг тавсифи ва моҳияти ҳақидаги қисқача тиббий хулоса маъносини англатади. Ҳозирда диагноз ўрнида ташхис атамаси ҳам қўлланилмоқда.

**Диагностика** – махсус ишлаб чиқилган илмий методлар ёрдамида педагогик жараёнлар, ҳодисаларнинг ва ҳ.к. миқдорий баҳоси ва сифатий таҳлили.

**Диалог** – 1) оғзаки нутқ шакли, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўзаро суҳбати; 2) мураккаб, кўп функционал, ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, у инсоннинг бутун ҳаётини психофизиологик даражада ҳам, кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар даражасида ҳам қамраб олади. Диалогдан бадиий адабиётда, айниқса саҳна асарларида кенг фойдаланилади.

**Диатез** – 1) киши организмининг оддий қўзғовчиларга нисбатан ўзига хос жавоби ёки у ёки бу касалликларга мойиллиги; 2) организмнинг ирсий ёки эга бўлинган хусусиятлари келтириб чиқарган реактивлик шаклларидан бири. Диатез асосан илк ёшдаги болаларда кўпроқ кузатилади.

**Дид** – кишининг ҳаёт ва санъатнинг барча жабҳаларида гўзалликни фарқлаш, тушуниш ва баҳолаш қобилияти.

**Дидактика** – таълимнинг назарий асосларини умумий кўринишда ўрганадиган педагогик фан соҳаси. Болалар ва катталар таълимининг вазифалари ва мазмунини очиб беради, таълимни ташкил этиш тамойиллари, методлари ва шаклларига таъриф беради, билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш жараёнини тавсифлайди.

**Дидактик материал** – ўқув машғулотлари учун махсус қўлланмалар тури; улардан фойдаланиш таълим олувчиларнинг изчил фаолиятини фаоллаштириш ва ўқув вақтини тежашга ёрдам беради. Босма дидактик материал бу амалий ўқитиш қўлланмаси бўлиб, у ўз вазифасига мувофиқ икки турдаги материални ўз ичига олади: тарқатма материал (ҳар бир бола учун) ва намойиш қилинадиган материал (болалар гуруҳи учун).

**Дидактик қонуниятлар** – ўқув-тарбия жараёнидаги барқарор, такрорланиб келадиган ва муҳим алоқалар. Бу алоқаларнинг амалга оширилиши шахсни шакллантириш ва ривожлантиришда самарали натижаларга эришиш имконини беради.

**Дидактик тамойиллар** – таълим жараёнининг амалий жиҳатдан ташкил этилишига қўйиладиган ҳамда бу жараённинг натижакорлигини таъминлайдиган фундаментал талаблар (таълим-

нинг илмий асосга қурилиши, таълимда назариянинг амали[illegible] билан боғлиқлиги, таълимнинг кўргазмалилиги, таълимда он[illegible] лилик ва фаоллик, билимларнинг мустаҳкам ўзлаштирилиш[illegible] таълимда мунтазамлик ва кетма-кетлик, болаларга индивидуа[illegible] ёндашув, таълимнинг таълимий, ривожлантирувчи ва тарияло[illegible] чи функцияларининг бирлиги).

**Дидактик тизим** – дидактик тизим асосида ётган концепци[illegible] **дан келиб чиқиб белгиланадиган таълим мақсадларига эриши[illegible] га йўналтирилган ва бир бутун тузилмани ташкил этган элемен[illegible] лар мажмуи. Уларга мақсад, дидактик тамойиллар, таълим ма[illegible] муни, таълимни ташкил этиш шакллари ва таълим методлар[illegible] кирадли.**

**Дидактик ўйинлар** – ўқитиш мақсадлари учун махсус тайё[illegible] ланадиган ёки мослаштирилган ўйинлар. Биринчи марта макта[illegible] ёшидаги болалар учун *Монтессори Мария* ва ***Фребель Фридри[illegible]*** лар томонидан ишлаб чиқилган. Ўзига хос белгилари: ниятни[illegible] аввалдан маълумлиги, режалаштирилиши, ўқув мақсади ва ва[illegible] зифасининг, шунингдек кутилган натижанинг мавжудлиги. Ди[illegible] дактик ўйинларда бола янги билимларга эга бўлади, улар[illegible] умумлаштиради ва мустаҳкамлайди. Мактабгача ёшдаги бола[illegible] ларда билиш жараёнлари ва ақлий фаолият усуллари ривожл[illegible] нади. Мактабгача тарбия амалиёти учун нафақат таълим беру[illegible] чи, балки кўпроқ ривожлантирувчи таъсирга эга дидактик ўйи[illegible] лар муҳим ўрин эгаллайди.

**Дидактик ўйинчоқлар** – болаларнинг ақлий ва сенсор ривож[illegible] ланиши ва таълим олишида хизмат қиладиган ўйинчоқлар тури. Дидактик масаланинг ечими ўйинчоқ конструкциясида мужассам[illegible] ланган бўлади. Бундай ўйинчоқларга мозаикалар, стол устида ўйналадиган ва босма ўйинлар, халқ ўйинчоқлари (матрёшкалар, пирамидалар, рангли шарлар, хуштаклар, чиллаклар) киради.

**Дизайн** – нарсалар, интерьерлар ва бошқа предметларнинг конструкциясини яратиш; қулайлик, тежамкорлик ва гўзаллик тамойилларига асосланади, кичи яшайдиган ва ишлайдиган му[illegible] ҳитнинг эстетик ва функционал сифатларини шакллантириш мақ[illegible] садини кўзлайди.

**Дизартрия** (юнон. dys – бузилиш маъносини билдирувчи ол[illegible] қўшимча, arthron – бириктириш, улаш) – нутқда талаффузнинг бузилиши, сўзлаш артикуляцияси, товуш тўлқини ва услубининг ўзгариши, нутқ аппарати иннервациясининг етишмаслиги нати[illegible]



[illegible] келиб чиқади. Нутқ органларининг (юмшоқ танглай, тил, [illegible]лабларнинг) кам ҳаракатланиши натижасида нутқ товушлари[illegible]нинг артикуляцияси қийинлашади. Бунда кичи димоғи билан [illegible]лайди, гапда сўз ва товушларни тўғри талаффуз қила олмай[illegible]. Дизатриянинг оғир формаларида нутқ бутунлай тушунарсиз [illegible]бўлади, бундай ҳолат анартрия деб аталади. Дизартрияли бола[illegible]лар поликлиника шароитида ёки болалар боғчаси шароитида [illegible]малакали логопедик ёрдамга муҳтож бўлади.

**Дикция** – талаффузда (сўзлашиш, куйлаш, бадиий ўқишда) аниқлилик даражаси; сўз ва ибораларни аниқ, ифодали, дона-[illegible] талаффуз қилиш. Дикция устида ишлаш мактабгача ёшда[illegible] болаларда нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш жараёни[illegible] амалга оширилади.

**Динамик стереотип** – муваққат нерв алоқаларининг (шартли рефлексларнинг) ўрнашиб қолган тизими; шартли ва шартсиз рефлексларнинг нисбатан барқарор тизими; шартли қўзғовчи[illegible]ларнинг барқарор такрорланадиган тизимига жавобан ҳосил бўлади ва онгни ўта зўриқтирмай туриб муайян хатти-ҳаракат[illegible]ларни бажариш имконини беради.

**Динамометр** – кишининг (шу жумладан, боланинг) мускулла[illegible]ри кучини ўлчайдиган асбоб.

**Дисграфия** (юнон. dys – бузилиш маъносини билдирувчи олд қўшимча, -grapho – ёзаман) – ёзув кўникмаларининг меъёрдан четга чиқиши. Дисграфияда ҳарфлар ўрнига бошқа ҳарфлар[illegible]нинг ёзилиши, тушириб қолдирилиши, ўрнини алмаштириш ҳамда ойнада акс эттирилган каби ёзиш, яъни *ойнавон хат* ку[illegible]затилади. Дисгарфиянинг келиб чиқишига оғзаки нутқнинг ри[illegible]вожланмаслиги, фонематик идрокнинг, товушлар талаффузи[illegible]нинг бузилиши сабаб бўлиши мумкин. Ёзув жараёнида иштирок этувчи анализаторлардан бирининг жароҳатланишига қараб дисграфиянинг қуйидаги шакллари фарқланади: а) акустик дисграфия – эшитиш анализаторининг бузилиши натижасида эши[illegible]тиш диққати, эшитиш идроки, товуш анализи ва синтезининг ривожланмай қолганлиги. Болалар талаффуз жиҳатдан ўхшаш товушларни, жарангли ва жарангсиз ундош товушларни ажра[illegible]толмайдилар, ҳарфларни ташлаб кетадилар, ўрнини алмашти[illegible]радилар ёки қўшиб ёзадилар; б) оптик дисграфия – кўриш анали[illegible]заторининг жароҳатланиши натижасида кўриш идроки, кўриш анализи ва синтези, фазовий тасаввурларнинг шаклланмаганли-

ги. Оптик дисграфияда ёзилиши жиҳатдан ўхшаш ҳарфлар бир-бири билан алмаштирилади. Оптик дисграфиянинг бир кўриниши *ойнавон хат* ҳисобланади; в) мотор дисграфия – бунда нутқни ҳаракатлантирувчи анализаторнинг бузилиши талаффуз камчиликларига олиб келади; г) идеомотор дисграфия – бош мия жароҳатлари натижасида ёзув малакаларининг йўқолиши. Дисграфияни бартараф этишда, оғзаки нутқдаги камчиликларни тузатишда, ўқиш ва ёзишни ривожлантиришга оид махсус машқлар олиб борилади.

**Дислалия** (юнон. dys – бузилиш маъносини билдирувчи олд қўшимча, laliya – нутқ) – товуш талаффузининг бузилиши, бунда битта товуш ёки артикуляциясига кўра бир турдаги товушлар талаффузида (оддий дислалия) ёки турли артикуляцион гуруҳга мансуб товушлар талаффузида (мураккаб дислалия) камчилик кузатилиши мумкин. Асосан беш ёшгача болаларда кузатиладиган товуш талаффузидаги бундай бузилишлар артикуляция органлари ҳаракатларининг функционал жиҳатдан ривожланмай қолганлиги ҳамда фонематик эшитишнинг етарли даражада шаклланмаганлиги билан белгиланади. Оддий дислалияда логопед аралашувисиз ҳам иш кўриш мумкин. Бироқ мураккаб дислалияда мутахассиснинг мунтазам малакали ёрдами керак бўлади. Дислалиянинг икки хил кўриниши мавжуд: механик (органик) дислалия ва функционал дислалия Периферик нутқ аппаратида юз берадиган анатомик ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган талаффуз камчиликлари механик (органик) дислалияга киради. Механик дислалиянинг қуйидаги турлари фарқланади: *ринолалия*, *прогения*, *прогнатия*, ён очиқ *прикус*, олди очиқ прикус. Механик дислалия туғма ёки ҳаёт давомида орттирилган бўлиши мумкин. Функционал дислалия нейтродинамик жараённинг бузилиши натижасида ҳосил бўлади. Оилада икки тиллилик, соматик ҳолатлар, нутқий ривожланишнинг нотўғри йўлга қўйилиши натижасида вужудга келади. Қуйидаги турлари фарқланади: *сигматизм*, *ротацизм*, *ламбдацизм*, *каппацизм*, *йотацизм*, *жаранглаш нуқсони*. *Товушлар устида ишлаш тизимига* асосланиб, дислалия логопедлар томонидан бартараф этилади. Дислалия билан биргаликда ўқиш ва ёзиш камчиликлари кузатилса, товушлар анализи, фонематик уқувни ривожлантириш, луғат бойлигини ошириш, тилнинг грамматик қурилишини ўзлаштириш юзасидан ҳам ишлар олиб борилади.



**Дислексия** – бош мия ярим шарлари қобиғидаги баъзи нерв ...ларининг зарарланиши ёки етарли ривожланмаганлиги ...сида ўқиш жараёнининг, айни вақтда ёзувнинг ҳам бу...лиши. Дислексия турлари: 1) фонематик дислексия – фонематик эшитиш қобилиятининг (товушларни бир-биридан фарқлаш, ...матик анализ ва синтезнинг) ривожланмай қолганлиги са...бли вужудга келади. Дислексиянинг бу турида болалар бир ...а йил давомида тўғри ўқишни ўзлаштира олмайдилар, ай...ни ҳарфларни қийинчилик билан ўзлаштирсалар-да, бўғинлаб ...ий олмайдилар ёки ўқиш пайтида қўпол хатоларга йўл қўяди...р; 2) оптик дислексия – кўриш анализи, синтези ва фазовий ...тасаввурларнинг шаклланмаганлиги. Бунда ҳарф ва товуш ўрта...сидаги боғланиш бузилган бўлади, ёзилиши жиҳатдан ўхшаш ҳарфлар алмаштирилади (м-н: ёзма м-л, и-ш, т-п, б-д, ҳамда ...ма П-Н, Н-И, С-О ва ҳ.к.); 3) семантик дислексия – нутқнинг ...лексик-грамматик томони ривожланмаганлиги туфайли ўқил...ган текстни идрок қилолмаслик ва гапириб беролмаслик; 4) аграмматик дислексия – нутқнинг грамматик бузилиши натижаси...да содир бўлади; 5) тактил дислексия – кўр болаларда кузати...лади; 6) мнестик дислексия – мнестик жараёнларнинг бузилиши туфайли келиб чиқади. Иш усуллари дислексиянинг турига қараб танланади ва логопедик машғулотлар жараёнида бартараф этилади.

**Дистония** – мушаклар тонусининг меъёрдан чиқиши.

**Дистрофия** (юнон. dys – «бузилиш» маъносини билдирувчи олд қўшимча, traphe – овқатланиш) – организм ва тўқималарда модда алмашувининг бузилиши. Айрим органлардаги дистрофик ўзгаришлар умумий касалликлар (юқумли касалликлар, зарарли ўсимталар, камқонлик) натижасида организмнинг озуқа моддалар билан етарли даражада таъминланмаганлиги натижасида ...юзага келади.

**Дисфония** (юнон. dys – «бузилиш» маъносини билдирувчи олд қўшимча, phone — товуш, овоз) – овознинг бузилиши. Органик ёки функционал бўлиши мумкин. Овоз пайчаларидаги тугунчалар, ҳиқилдоқ ва овоз пайчаларидаги папилламатоз, яъни *ҳиқилдоқ папилломаси*, ҳиқилдоқ стенози (ҳиқилдоқнинг торайиши) периферик характердаги органик дисфонияга олиб келади. Функционал дисфониянинг пайдо бўлишига руҳий жароҳат сабаб бўлади. Ҳосил бўлган патологик механизмлар невротикларда айниқ-

са тез мустаҳкамланиб қолади. Дисфониянинг олий формаси истерик мутизмдир (овознинг тўсатдан ва бутунлай йўқолиши). Истерик мутизм қаттиқ қўрқиш натижасида содир бўлади. Истерик мутизм (соқовлик) кейинчалик тутилиб гапиришга ўтиши мумкин. Дисфония *афония*дан фарқланиб, унда овоз сақланади, аммо жарангсиз, суст, хириллаган бўлади. Овозни тиклаш учун даволаш ишлари билан бир қаторда логопедик машғулотлар ҳам олиб борилади.

**Диққат** – онгимизнинг муайян объектга йўналганлиги ва унга жалб этилишидан иборат руҳий ҳолат. Объектив воқеликдаги нарсалар ва ҳодисалар, руҳий кечинмалар ва таассуротлар онгимиз йўналтирилган диққатнинг объектлари бўлади. Диққатни тавсифлайдиган белгилар: диққат объектларининг танланиши, ҳажми, турғунлиги, диққатнинг тақсимланиши ва кўчиши. Диққат ташқи ва ички намоён бўлиш белгиларига эга. Ташқи белгилар: бутун диққат-эътиборнинг жамланганлиги гавданинг кучланишида ҳам кўриниши, нигоҳнинг бир ерга жамланганлиги, бошнинг сал-пал ёнга эгилганлиги. Ички белгилар: масалан, юрак уриши, нафас олишнинг тезлашиши ва ҳ.к.

**Диққатни жамлаш (тўплаш)** – ҳозирда ҳал қилинаётган масала чегарасидан ташқарида турган ҳамма нарсаларни четга суриб, амалга оширилаётган фаолиятнинг асосий жиҳатига эътиборни қаратишга қодирлик.

**Диққатнинг бузилиши** – психик фаолиятнинг йўналганлигидаги патологик ўзгаришлар. Диққат бузилишининг турлари: диққат ҳажмининг торайиши, бунда инсон бир пайтнинг ўзида кам миқдордаги объектларни идрок этади; диққатнинг нобарқарорлиги, бунда диққатнинг жамланиши бузилган бўлади ва унинг қўшимча қўзғатувчиларга чалғиши кузатилади. Диққатнинг бундай бузилишлари организм чарчаганда ҳам, миянинг, аввалambor унинг манглай қисмининг органик шикастланишларида ҳам кузатилади.

**Диққатнинг ҳажми** – бир пайтда идрок этиладиган элементлар миқдори. Жойлашган объектларни 0,1 сония давомида кўришда инсон 5-6 та алоҳида элемент (ҳарф ва ҳ.к.)ни идрок этиши мумкин. Элементларнинг кетма-кет боғлиқлигида, масалан 12 ва ундан ортиқ ҳарфдан иборат сўзни танишда эса бу сон янада ортади.



**Доира** – айлана чизиқ билан чегараланган ва ушбу чизиқнинг ҳар бир нуқтасидан битта масофада турган марказга эга бўлган ясси геометрик шакл. Доира тўғрисидаги тасаввур болаларда иккинчи кичик гуруҳ ёшидан бошлаб шаклланади. Болалар сенги-ҳаракат ва кўриш орқали бу шаклнинг номини ва ўзига хос хусусиятларини билиб оладилар, унинг **асосий** хусусиятларидан бири бурчакларининг йўқлиги эканига ишонч ҳосил қиладилар. Бу борада ушбу шаклни атрофдаги предметлар орасидан танлаш бўйича олиб бориладиган иш ғоят муҳимдир.

**Долзарблик (актуаллик)** – илғор педагогик тажрибани баҳолаш мезонларидан бири. Долзарбликни асослаш педагогдан қуйидаги билим ва малакани талаб қилади: ажратиб олинган муаммонинг аҳамияти, уни ҳал қилиш зарурлигини, ишланганлик даражасини кўрсатиб бера олиш; етарли даражада ўрганилмаган жиҳатларини ажратиб кўрсатиш; болаларнинг таълим ва тарбиясидаги камчиликларни, шунингдек ушбу камчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган тарбия жараёнидаги камчиликларни кўрсатиб бериб, педагогик жараённинг натижалари ва сифатига баҳо бериш.

**Дотация** – корхоналар ва ташкилотлар, маҳаллий бюджетларнинг молиявий ресурслари дефицитини (етишмовчилигини) қоплаш учун давлат бюджетидан қайтариб олинмайдиган тарзда бериладиган пул маблағлари.

**Драматизация** – болаларнинг ижодий фаолиятини машғулотларда ва улардан ташқарида ташкил этиш усули. Қуйидаги шакллари мавжуд: пантомима, жонли саҳналарни (мизансценаларни) қўйиш, роллар бўйича декломация қилиш, драматизациянинг ўзи.

**Дубликат** – асл нусханинг юридик кучига эга бўлган расмий ҳужжат нусхаси.

**Дудуқланиш** – нутқ суръати ва ритмининг бузилиши, айрим товуш ва бўғинларни қайта-қайта такрорлаш ёки тўхталиб талаффуз этишга асосланган нутқнинг мураккаб бузилиши. Улуғ рус физиологи И. Павловнинг олий нерв фаолияти қонуниятлари ҳақидаги таълимотига кўра, дудуқланиш невроз касаллигининг бир тури ҳисобланади. Олий нерв фаолиятининг ва нутқ механизмларини бошқаришда иштирок этадиган олий нерв жараёнларининг бузилиши дудуқланишнинг асосий сабабчиси ҳисобланади. Дудуқланиш нафас олиш, товушларни талаффуз этишда пайларнинг тортишиши натижасида содир бўлади. Овоз бўлими-

да пай тортишганда, товуш (ун) пайчалари бир-бирига ма… жипслашиб, ўз вақтида бир-биридан ажралолмайди, нати… товушлар, бўғинлар тўхталиб-тўхталиб айтилади. Артику… бўлимида пай тортишиши кўпроқ тил ва лаб мускулларига… қалади. Нафас бўлимида пай тортишиши натижасида нафа… қариш жараёни нафас олишдан устун келиб, чиқаётган ҳаво о… талаффуз этиш учун етишмайди. Дудуқланиб гапиришнинг … формасида пай тортишиши юз ва тана мускулларига ҳам т… лади. Бунда беихтиёр кўз олайтириш, бошни орқага ташлаш … ти ҳам кузатилади. Аслида пай тортишиши икки хил бўлади; … ник ва тоник. Клоник пай тортишиш вақтида сўзнинг бир… товуши ёки бўғини бир неча марта такрорланади (па-па-па-п… Тоник пай тортишиш вақтида эса сўз бошида тўхталиш рўй … ди ва тутилиб гапирувчи бир товушдан иккинчи товушга ў… майди, узоқ тутилиб, тўхталиб қолади (п... парта). Одатда … дуқланиш 2-3 ёшда бошланади. Дудуқланишга қаттиқ қўрқ… турли юқумли касалликлар, нотўғри нутқ тарбияси ва жисмо… заифлик, ирсият мойиллиги сабаб бўлади. Дудуқланиш ҳаяж… ланганда, уялганда, кутилмаган вазиятларда кўпроқ содир б… ди. Бола ўз вақтида тўғри даволанмаса, мактабга чиққанда … дуқланиш янада кучаяди. Дудуқланиш айниқса, ўсмирлик д… рида кучайиши мумкин. Дудуқланиш невроз (асаб) касалли… нинг алоҳида формаси бўлганлиги учун тиббий муолажал… психотерапевтик восита ва тадбирлар комплекси ёрдамида б… тараф этилади. Психиатр тутилиб гапирувчига дори-дармон … психотерапевтик даво тадбирларини белгилайди. Педагоги… (логопедик) тадбирларнинг вазифаси мунтазам ўтказиладиг… машғулотларда дудуқланиб гапирувчи шахс нутқининг тўғр… текис, равон ифодали чиқишига эришиш учун уни ҳаддан зи… уринтирмасдан, талаффузидаги камчиликларини бартараф эти… унда тўғри артикуляцияни тарбиялаш лозим. Запоминание – эс… қолдириш. Идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни эсда сақла… қолиш. Айрим нутқ камчиликларида (афазия, алалия) эсда қо… дириш жараёнлари бузилган бўлади.

**Дунёқараш** – объектив олам ва унда инсоннинг ўрни, киш… ларнинг ўзларини ўраб турган борлиқ ва ўз-ўзларига бўлган м… носабатларига умумлаштирилган қарашлар тизими, шунингд… ушбу қарашлар келтириб чиқарган эътиқодлар, идеаллар, би… лиш тамойиллари, қадриятлар тизими, фаолият йўналишлар…



…табиий-илмий, ижтимоий-тарихий, техник ва фалсафий билим… …р, шу жумладан муайян идеология асосида шаклланади. Бор… …лиқни муайян дунёқараш призмаси ортидан идрок этувчи шахс ва ижтимоий гуруҳ ушбу дунёқараш эгаларидир. Ижтимоий ҳаёт… …а дунёқараш кишиларнинг хулқ-атвор нормалари, ҳаётий мақ… …адлари ва интилишлари, меҳнати ва турмушига таъсир кўрса… …иб, катта амалий аҳамият касб этади.

**Дўппи** – кўпчилик шарқ халқларининг безакли, гул тикилган …бош кийими. Ҳар бир халқнинг анъаналари, ўзига хос каштачи… …лик санъатидан келиб чиқиб, дўппи безаклари ҳар хил кўриниш… …да бўлади.

## Е

**Етакчи фаолият** – муайян ёш даврида боланинг руҳий риво… …жини, янги асосий психик ҳосилаларнинг юзага келиши ва шакл… …ланишини белгилаб берадиган асосий ва бош фаолият. Гўдаклик даврида боланинг катталар билан муносабати етакчи фаолиятни ташкил этса, илк болалик даврида предметлар билан фаолият, мактабгача болаликда ўйин фаолияти, мактаб даврида ўқиш фаолияти ва катта ёшда меҳнат фаолияти етакчилик қилади.

**Етим бола** – отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола.

## Ё

**Ёдда сақлаш** – материални ёдда сақлаб туришни таъминлай… …диган жараёнларнинг умумлашма номи. Ихтиёрий ва беихтиёр ёдда сақлаш турлари фарқланади. Беихтиёр ёдда сақлаш ҳолида киши ўз олдига бирон-бир материални ёдда сақлаб қолиш вази… …фасини қўймайди, ёдда сақлаб қолиш нисбатан бевосита содир бўлади ҳамда иродани махсус зўриқтирмай, материал аввалдан танлаб олинмай ва *мнемоник усул* онгли равишда қўлланмай ту… …риб амалга ошади. Ихтиёрий ёдда сақлаш махсус хатти-ҳаракат бўлиб, унинг аниқ вазифаси кейинчалик хотирада қайта тиклаш ёки шунчаки таниб олиш мақсадида иложи борича узоқ муддат… …га ёдда сақлаб қолишдан иборат. Бу вазифа, ўз навбатида, ёдда сақлаб қолиш усуллари ва воситаларини ҳам белгилаб беради ва бу билан ушбу жараённинг натижаларига таъсир кўрсатади. Ёдда сақлаб қолишнинг ихтиёрий тури учун ўзаро боғланган

мураккаб тузилиш хосдир. Тез-тез қўлланиб турадиган ихтир ёдда сақлаш усуллари қаторига қуйидагилар киради: аввал режа тузиш, маъно жиҳатдан таянч пунктларни ажратиб ол материални семантик ва фазовий гуруҳлаб чиқиш, материа кўримли образ сифатида тасаввур қилиш, уни мавжуд билим билан солиштириш.

**Ёмон хулқ** – маънавият ривожланишига тўсқинлик қила ган, кишиларнинг ахлоқий идеалларига, улар эъзозлайди қадриятларига зид келадиган, одамлар орасидаги муносабатл да салбий ҳодиса тарзида намоён бўладиган, инсонийлик тал ларига мос келмайдиган хусусиятлар ва хатти-ҳаракатлар ўзида мужассамлаштирган салбий ҳаракатлар, яъни одат, қил ларда намоён бўлади. Ёмон хулқли одам деганда ўзининг фе атвори, қилган ишлари билан атрофдагиларга зарар етказув ахлоқан нопок кишиларни тушунамиз.

**Ёнғин** – одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, **юридик ва жисм** ний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек **атроф** табиий муҳ га зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш.

**Ёнғин назорати** – ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қил нишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадб лар кўриш мақсадида белгиланган тартибда амалга оширила ган фаолият.

**Ёнғин хавфсизлиги** – одамларнинг, **юридик ва жисмоний шах** лар мол-мулкининг, шунингдек атроф **табиий муҳитнинг ёнғи** дан ҳимояланганлик ҳолати.

**Ёнғин хавфсизлиги талаблари** – ёнғин хавфсизлигини таъми лаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий в техник хусусиятга эга махсус шартлар.

**Ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши** – ёнғин хавфси лиги талабларини бажармаслик ёки маълум даражада бажар маслик.

**Ёнғинга қарши алоҳида режим** – ёнғин хавфи юқори бўлга даврда муайян ҳудудларда қонун ҳужжатларига мувофиқ ёнғи хавфсизлигининг қўшимча талабларини белгилаш.

**Ёнғинга қарши режим** – ёнғин хавфсизлиги талаблари бузил шининг олди олинишини ва ёнғинлар ўчирилишини таъминла юзасидан одамларнинг хатти-ҳаракат қоидалари, **ишлаб чиқа** ришни ташкил этиш ёки биноларни (ҳудудларни) **сақлаш тарт** би;



**Ёнғиндан сақлаш хизмати** – одамларнинг ҳаёти ва соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш, шунингдек объектларда, аҳоли пунктларида ҳамда бошқа ҳудудларда ёнғин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи.

**Ёнғин профилактикаси** – ёнғин келиб чиқиш эҳтимолини истисно этишга ва уларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш чора-тадбирлари мажмуи.

**Ёнғин-техник маҳсулоти** – ёнғин хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган махсус техник, илмий-техник ва интеллектуал маҳсулотлар, шу жумладан, ёнғинни ўчириш техникаси ва асбоб-ускуналари, ёнғинни ўчириш аслаҳа-анжомлари, оловни ўчириш ва оловдан ҳимоя қилиш моддалари ҳамда материаллари, махсус алоқа ва бошқариш воситалари, электрон ҳужжатлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари, шунингдек ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришнинг бошқа воситалари.

**Ёш** – инсоннинг жисмоний ва руҳий ривожланишида хронологик жиҳатдан чегараланган нисбий давр (илк болалик даври, мактабгача бўлган давр, ўсмирлик даври, етуклик даври, қарилик). Турли даврларнинг бир хил вақт ўлчамларида инсоннинг жисмоний ва руҳий ривожланишида ўз суръати ва сифати жиҳатидан турлича ўзгаришлар содир бўлади.

**Ёш бўйича даврлаштириш** – инсон ҳаётининг даврларини анатомик-физиологик ва ижтимоий-психологик белгилар мажмуйи бўйича ажратиш.

**Ёш гуруҳи** – ёш белгисига кўра бирлаштириладиган кишиларнинг бирон-бир шартли катта гуруҳи. Ёшни даврлаштиришга мувофиқ МТМда болаларнинг ёшига кўра анъанавий ажратиладиган гуруҳлар: ясли ёшидаги болалар гуруҳи, биринчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, иккинчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, ўрта гуруҳ, катта болалар гуруҳи ва мактабга тайёрлов гуруҳи.

**Ёш психологияси** – инсон онтогенези (яъни организмнинг юзага келгандан бошлаб то умрининг охиригача бўлган индивидуал ривожланиш йўли) давомида унинг руҳий ривожланиш ва шахс сифатида шаклланиш босқичларининг қонуниятларини ўргана-

диган психология фани соҳаси. Ёш психологияси бўлимларидан бирини болалар психологияси ташкил этади.

**Ёш физиологияси** – инсон онтогенези (яъни организмнинг юзага келгандан бошлаб то умрининг охиригача бўлган индивидуал ривожланиш йўли) давомида организм ҳаётий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ўрганадиган фан. Ёш физиологияси бўлимларидан бирини болалар физиологияси ташкил этади.

**Ёш хусусиятлари** – ёш жиҳатдан ривожланиш босқичларининг ўзгариши жараёнида қонуний равишда ўзгариб борадиган индивид шахсининг ўзига хос хусусиятлари. Индивидуал хусусиятлардан фарқли ўлароқ, ёш билан боғлиқ ўзгаришлар шуниси билан ажралиб турадики, улар нисбатан бир хил ижтимоий-иқтисодий шароитларда кўпчилик муайян маданият вакилларининг руҳияти содир бўладиган ўзгаришларни билдиради.

## Ж

**Жабр – инсон фаоллигини жисмонан ёки руҳан бостиришга қаратилган ва инсоннинг руҳий ва жисмоний соғлигига салбий таъсир кўрсатадиган зўравонлик хатти-ҳаракатини амалга ошириш.**

**Жазо** – педагогик таъсир кўрсатиш методларидан бири, мақсади – номақбул хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга қаршилик кўрсатиш, ўз олдида ва бошқа кишилар олдида айбдорлик туйғусини юзага келтириш. Ҳар қандай жазо педагог томонидан тушунтириб, асослаб берилиши ва педагогик одоб ва нозокат билан ифодаланиши лозим. Жазо турлар: қўшимча мажбуриятлар юклаш; муайян ҳуқуқларни чеклаш ёки улардан бутунлай маҳрум этиш; ахлоқий танбеҳ бериш ёки айблаш. Жазо болани камситмаслиги ёки катта кишининг қасос олиш қуроли сифатида хизмат қилмаслиги керак.

**Жамоа** – ижтимоий аҳамиятга эга мақсадлар, умумий қадриятлар, биргаликдаги фаолият ва муносабатлар асосида бирлашган кишиларнинг ижтимоий бирлиги.

**Жамоавий қарорлар** – муассаса фаолиятига оид турли масалаларнинг (меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақтини ташкил этиш, меҳнат шароитлари ва ҳ.к.) бутун жамоа иштирокида муҳокама қилиниши ва ҳал этилиши.

**Жамоавий фаолиятга ундаш** – ҳамкорликдаги фаолиятга фаол, манфаатдор ва таъсирчан муносабат билдириш (даъват этиш,



рағбатлантириш), индивидуал туртки-сабабларнинг интеграллашиши, бири қўшилиши ва чатишиб кетиши натижасида шаклланади. Жамоавий фаолиятга туртки-сабаб кўрсатилганлиги жамоа ижтимоий-психологик қиёфасининг энг муҳим хусусиятидир.

**Жамоавий ҳикоя** – ижодий ҳикоя қилишга ўргатиш усулларидан бири. Ҳикоя режасини муҳокама қилиш жараёнида тарбиячи ва болалар айрим жавобларни тинглаб, муҳокама қиладилар ва энг яхшиларини танлаб оладилар. Тарбиячи муваффақиятли деб топилган жавобларни ижод қилинаётган ҳикоянинг боши сифатида қайтаради. Сўнгра кейинги саволларга энг яхши жавоблар танлаб олинади, тарбиячи эса уларга ўз ибора ва гапларини қўшиб, ҳикояни давом эттиради. Ниҳояда тарибячи ёки болалардан бири бутун ҳикояни қайтаради.

**Жамоавийлик (коллективизм)** – жамоа манфаатлари ва мақсадларининг алоҳида шахс манфаатларидан устуворлигини қарор топтирадиган ҳамда жамоавий бирдамлик, жипслилик даражасини юқори қўядиган ахлоқий тамойил.

**Жанр** – барча санъат турларида асарларнинг тарихан қарор топган ички тузилмаси; шакл ва мазмуннинг ўзига хос жиҳатларини бирлаштирган бадиий асар тури. Бадиий адабиётда насрий асарлар турига кирадиган асарлар жанрлари: роман, повесть, ҳикоя, эссе ва б. Ҳар бир санъат турида жанр тизими ўзича тарқиб топади. Тасвирий санъатда бу тасвирга олинаётган предметларга (портрет, натюрморт, пейзаж, тарихий жанр, ҳарбий жанр, маринистика), баъзида эса тасвир характерига асосланади (карикатура, шарж).

**Жараён** – воқеа ва ҳодисалар ривожидаги узлуксизликни, табиат, жамият ва инсоният ҳаётидаги муттасил ва доимий ҳаракатни ифодаловчи тушунча.

**Жарангланиш нуқсони** – *дисталия*нинг бир тури. Жуфт жарангли – жарангсиз (п — б, в — ф, т — д, с — з, к — г, ш — ж) ундош товушларнинг бир-бири билан алмаштирилиши (мас., буви — пуфи; гилос — килос, зина — сина ва ҳ.к.).

**Жаҳон банки** – БМТнинг 14 та ихтисослашган муассасаларидан бири. Таркиби: Халқаро реконструкция қилиш ва ривожланиш банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро ривожланиш Ассоциацияси.

**Жинс ва ёшга кўра идентификация** – 1) жамиятда аҳамиятли бўлган умумий фикрлаш ва хулқ-атвор образларини идрок этиш

ва англаш, шунингдек ўзлаштириб олиш; 2) ҳар хил турдаги бо... лалар фаолиятида жинсга кўра дифференциаллашиш туфайли 1,... ёшдан 7 ёшгача бўлган болада шаклланадиган янги психологи... ҳосила.

**Жинсий тарбия** – инсонда жинс, жинсий ҳаёт масаласига ни... батан маънан баркамоллик хислатларини, соғлом муносабатлар... ни шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий-маънавий, тиббий ва тарбиявий таъсир мажмуаси. Жинсий тарбиянинг вазифаси – улғаяётган авлодни ҳар томонлама маънавий етук инсон қилиб тарбиялашга, ўз жинсига оид хулқни тўла-тўкис ўзлаштиришга ва кейинчалик инсоний вазифаларни тўлақонли ижро эта олиш малакасини шакллантиришга, бўлажак никоҳ ва оилавий ҳаёт... нинг физиологик ва маънавий асосларини шакллантиришга кўмаклашишдир. Жинсий тарбия болаларнинг жинсий балоғат... га етишидан анча аввал бошланади ва уни жинсий ҳаёт масала... сига оид тарғиботдан фарқлаш лозим. Жинсий ҳаёт масаласи бўйича тарғибот ишлари болаларнинг ўсмирлиги давридан, тах... минан 8-синфдан бошланади ва бунда ўсмирлар билан жинсий ҳаёт, жинс физиологияси, санитария-гигиенаси каби масалалар муҳокама қилинади. Жинсий тарбия таълим-тарбия жараёнининг асосий тамойилларига суянади. Ушбу жараён, аввалам бор таъ... лим-тарбия муассасаси олиб бораётган тарбиявий ишлар доира... сида ва боланинг жинси, ёши ва унинг тайёргарлиги асосида олиб борилиши лозим. Жинсий тарбия самардорлигини белгиловчи асосий шартлардан бири ота-она, педагог-тарбиячилар ва тиб... биёт ходимларини якдиллик билан олиб борадиган фаолияти... дир.

**Жисмоний машқлар техникаси** – жисмоний тарбия машқла... рида ҳаракатларни бажаришнинг энг рационал усуллари.

**Жисмоний юклама** – жисмоний машқларни бажаришдаги юкланиш даражаси. Жисмоний сифатларнинг ривожланишига эришиш учун юкланиш ва ҳордиқни оқилона галма-гал навбат... лаш ва тўғри тақсимлаш, жисмоний машқлар бажарувчиларининг тайёргарлик даражаси, ёши, жинсини ҳисобга олиш, шунингдек муайян машғулот мақсадларидан келиб чиқиб иш кўриш талаб қилинади.

**Жисмоний тарбия йўриқчиси (инструктор)** – таълим муасса... сасининг ходими. Вазифалари: муассасанинг ўқиш ва ўқишдан таш-қари вақтида таълим олувчилар (тарбияланувчилар)нинг



...фаол дам олишини ташкил этади; педагогик ходимлар ва ота-...оналар (уларнинг ўрнини босувчилар) билан биргаликда жисмо-...ний тарбия - спорт байрамлари, мусобақалар, саломатлик кун-...лари ва бошқа соғломлаш тириш тадбирларини ўтказади; спорт ...тўгараклари ва секцияларининг ишини ташкил этади; қўшимча ...таълим муассасалари ва спортга йўналтирилган муассасалар ...билан ўзаро алоқаларни амалга оширади; жисмоний тарбияга ...қизиқувчилар фаолиятини ташкил этади.

**Жисмоний тарбия машғулотининг мотор зичлиги** – жисмоний ...тарбия машғулотини баҳолаш мезони; бола машқларни бажа-...ришга сарфлаган вақтнинг умумий машғулот вақтига нисбати ...билан ўлчанади ва фоизда ифодаланади; боланинг ёшига боғлиқ ...ҳолда 60%дан 85%гача бўлиши мумкин.

**Жорий назорат** – ўрганилаётган мавзуларни ўқувчи-талаба-...лар томонидан қандай ўзлаштирилаётганини мунтазам равишда ...дарс жараёнида назорат қилиб боришдан иборат усул.

**Жорий ҳисоб рақами** – банклар ва омонат кассаларда жисмо-...ний шахслар учун очиладиган ҳисоб рақамлар. Жорий ҳисоб ...рақам эгаси (омонатчи) жорий ҳисоб рақам шартларига мувo-...фиқ унга пул маблағлари қўйиши ва олиши мумкин.

### З

**Заиф эшитувчилик** – эшитишнинг меъёрдаги нутқни идрок ...этишга тўсқинлик қилиш даражасидаги турғун пасайиши. Заиф ...эшитувчилик кондуктив, нейросенсор ҳамда аралаш турларга ...бўлиниши, эшитишнинг пасайиши эса турли кўринишда бўлиши ...мумкин: шивирлаган нутқни идрок этишдаги камчиликдан сўзла-...шув баландлигидаги нутқни идрок қилишдаги тўсиқларгача. ...Заиф эшитувчи болаларнинг нутқи турли омилларга, яъни эши-...тишнинг бузилиш даражаси, муаммонинг содир бўлиш вақти, ...бола камол топаётган педагогик шароитларга боғлиқ бўлади.

**Заиф эшитувчи болалар** – нутқни эгаллашга ва нутқий муло-...қотга тўсқинлик қиладиган эшитиши пасайган болалар. Заиф ...эшитувчи болаларда эшитишнинг пасайиши турлича бўлиши, ...яъни шивирлаган нутқни идрок этишдан бошлаб, сўзлашув ба-...ландлигидаги нутқни идрок этишдаги қийинчиликлар билан ифо-...даланиши мумкин. Заиф эшитувчи боланинг нутқий ҳолати эши-...тишнинг пасайиш даражаси ва вақти, тарбиялаш шароити, унинг ...ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади.

**Заковат** – ўткир ақл-идрок, зеҳн, донишмандлик.

**Зарарли одатлар** – шахс ёки бутун бир миллат, жамиятга те гишли маънавий, маданий, моддий узаро муносабатлар, дунёқ раш ва ҳ.к. нуктаи назаридан ғайриинсоний ёки ғайриодатий де билинадиган хусусиятларни ифодаловчи тушунча. Зарарли одат лар инсоннинг маънавият талабларини яхши англамагани, ма навий тамойилларга риоя қилмагани, нотўғри тарбиялангани оқибатида келиб чиқади.

**Зиддиятларни бошқариш** – зиддиятларнинг олдини олиш ва ҳал этишга қаратилган фаолият.

## И

**Идентификация** – 1) бирон нима ёки бирон кимсани таниш, аниқлаш; 2) бирон нима ёки бирон кимсага айнан ўхшатиш. Ма табгача ёшдаги болаларда идентификация деганда, бола ўзини бирон кимсанинг ўрнига қўйиб кўриб, унинг ролини ўз зиммаси га олганда ушбу кимса билан юзага келадиган кучли эмоциона боғлиқлик тушунилади. Тақлид қилиш ва идентификациялаш механизмларининг амал қилиши туфайли бола ўзи учун намуна бўлган катталарнинг ижтимоий хулқ-атворлари нормалари ва қадриятларини ўзлаштиради.

**Идеомотор ҳаракатлар** – тана аъзоларининг, шунингдек нутқ органларининг ихтиёрсиз ҳаракатлари. Шу ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган бирор нарсани ўйлаш натижасида пайдо бўлади. Кўпинча бундай ҳаракатлар кўзга кўринмайди, уларни махсус асбоблар ёрдамида кузатиш мумкин. Бош миянинг сенсор, мотор ҳамда махсус нутқ марказлари орасидаги мустаҳкам нерв боғла нишлари идеомотор ҳаракатлар ҳисобланади.

**Идиотлик** – олигофренияннинг энг оғир даражаси бўлиб, пси хик реакциялар ва нутқнинг деярли мавжуд эмаслиги билан тав сифланади. Бундай болалар идрокида қўпол ривожланмаганлик, атроф-муҳитга тўлиқ бефарқлик, ўз шахсини аниқ англамас лик, тафаккурнинг деярли мавжуд эмаслиги кузатилади. Улар ўзларига қаратилган мурожаатни сўз билан таъриф асосида эмас, балки мимика ва юз ҳаракатлари орқали тушуна олади лар. Бундай болаларнинг нутқи ақлий муаммонинг нечоғли чу қурлигига боғлиқ: нутқлари маъносиз товушлардан, баъзан ало ҳида сўзлар йиғиндисидан иборат бўлади. Ҳиссиётлари ҳаддан зиёд содда бўлиб, физиологик хоҳишлар билангина чекланади.



Хурсандчиликлари, қониқишлари оч-тўқлиги, турар жойининг қулайлиги, патологик интилишларини қондириш билан боғлиқ ҳолатлари (жинсий ўз-ўзини қондириш, бармоқларини сўриш, еб бўлмайдиган нарсаларни чайнаш). Ҳафагарчиликлари эса совуқ, очлик, оғриқдан бўлиши мумкин. Ўзларининг хурсандчиликларини ҳаракат, қичқириш, мимика ҳаракатлари билан намоён этсалар, ҳафагарчиликларини қайсарлик, ўз тана органларини жароҳатлаш билан кўрсатишлари кузатилади. Идиотликнинг нисбатан енгилроқ турларида ижтимоий хислатларнинг шаклланганлигини ҳам кузатиш мумкин: уларни парваришловчи кишиларга боғланиб қолганликлари, атрофдагилар томонидан мақтов эшитганда хурсанд бўлиб кетишларидан билиш мумкин. Ҳаракат тизимларининг ҳаддан зиёд ривожланмаганлиги туфайли ҳатто юриш ва тик туриш малакалари ҳам бузилиши кузатилади. Баъзан бу болалар бир хилдаги стереотип ҳаракатлар қиладилар. Уларда ритмик равишдаги тана ҳаракатлари, бир хилдаги бош, бўғинлар ҳаракатини кузатиш мумкин. Идиот даражадаги олигофренияда турли тутқаноқлар, баъзан жисмоний ривожланишида қўпол нуқсонлар учраши – тери нуқсонлари, ички орган камчиликлари, эндокрин ва модда алмашинувининг бузилишлари кузатилади.

**Идоравий архив** – юридик шахснинг архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи таркибий бўлинмаси.

**Идрок** – сезги органларининг рецепторларига ташқи жисмоний қўзғатувчиларнинг бевосита таъсир кўрсатишида юзага келадиган предметлар, вазиятлар ва воқеа-ҳодисаларнинг бир бутун яхлит акси. Идрок, сезиш жараёнлари билан бирга қўшилиб, атроф-муҳитда сезгилар воситасида бевосита йўналиш топиш имконини беради.

**Идрокнинг контактлилиги** – жисмоний идрок этиш шарт-шароитларидан қатъи назар, предметларни уларнинг ранги, шакли, катта-кичиклиги бўйича нисбатан бир хилда идрок этиш қобилияти.

**Ижара – мулк шартномаси; ушбу шартнома бўйича мулк эгаси ўз мулкини ижарачига муайян тўлов эвазига мустақил равишда хўжалик ё бошқа фаолият юритиш учун вақтинчалик фойдаланишга беради.**

**Ижарага берувчи** – мулкини ижарага берадиган мулк эгаси.

**Ижарачи** – ижара берувчининг мулкидан вақтинчалик ф... шартномада белгиланган чегарада фойдаланиш ҳуқуқини ол... диган ҳамда бунинг учун ижара тўловини тўлайдиган шахс. Ижа... рачи ижарага берувчи билан келишган ҳолда ижарага олинга... мулкни пул тўлаб сотиб олиши мумкин. Сотиб олиш шартлари ва тартиби ижара шартномасида белгиланади.

**Ижод** – 1. Сифат жиҳатдан буткул янгилик бўлган, илгари мавжуд бўлмаган ҳамда ижтимоий-тарихий қимматга эга бўлган бирон нимани яратадиган инсон фаолияти. Бу нуқтаи назарга изоҳ берар экан Л.С.Виготский шундай деган эди: «Ижод ай... рим сараланган одамлар, даҳолар, истеъдодлар, яъни буюк ба... диий асарлар яратганлар, улкан илмий кашфиётларни очган... лар ёки техника соҳасида сифат жиҳатдан янги ихтироларга эришганларнинг насибасидир». 2. Ижод инсоннинг ҳар қандай назарий ва амалий фаолияти бўлиб, у билан шуғулланиш жара... ёнида янги (ҳар ҳолда фаолият субъектининг ўзи учун) натижа... ларга эришилади (билимлар, ечимлар, ҳаракат усуллари, мод... дий маҳсулот).

**Ижодий вазифалар** – ўқувчилар томонидан ахборотнинг шун... чаки қайта такрорланишини эмас, балки ижодий ёндашувни та... лаб қиладиган ўқув вазифалар. Бу вазифалар у ёки бу даража... даги номаълумлик элементларига эга бўлада, одатда уларда бир нечта (баъзида кўплаб) «тўғри жавоблар» **мужассамланади.** Кўп ҳолларда «тўғри жавоб» ҳатто педагогнинг **ўзига ҳам маълум** бўлмайди. Ижодий вазифа ҳар қандай интерфаол методнинг маз... муни, асоснини ташкил этади. Унинг атрофида очиқлик, қиди... рув муҳити ҳосил бўлади. Ижодий вазифа (МТМ шароитида, айниқса, ўйин фаолиятида кечадигани) таълим-тарбияга алоҳи... да мазмун бахш этади, тарбияланувчиларни рағбатлантиради. Жавобнинг номаълумлиги, ўзининг шахсий тажрибаси ва дўсти... нинг тажрибасига асосланиб ўз «тўғри» ечимини топиш имкони... яти болада ҳамкорлик қилиш, биргаликда таълим олиш, таълим-тарбия жараёнининг барча қатнашчилари, шу жумладан педа... гогнинг ҳам ўзаро яқин мулоқоти учун замин яратади.

**Ижодий изланиш методи** – педагог бошчилигида қўйилган муаммо ва масалаларни ечиш йўлларини фаол излашни ташкил этишга хизмат қиладиган методлар.

**Ижодий тафаккур** – эркин фикрлаш ва ижодкорлик тамойили устувор бўлган тафаккур шакли.



**Ижодий ўзлаштириш даражаси** – ўқувчиларнинг билим ва ...ўникмаларини турли ҳолатларда тадбиқ эта олиш, масала ечиш... ...нинг турли йўлларини излаш имконини берадиган ўқув матери... ...ларини ўзлаштириш даражаси.

**Ижодий ўз-ўзини тарбиялаш** – педагогнинг ижодий фаолият ...қадаларидан бири бўлиб, у педагог томонидан ўз-ўзини конкрет ...ижодий шахс сифатида англаш, янада такомиллаштириш ва кор... ...рекциялаш лозим бўлган касбий-шахсий сифатларини аниқлаб ...олиш, шунингдек узлуксиз мустақил таълим тизимида ўз-ўзини такомиллаштириб боришнинг узоқ муддатли шахсий дастурини ...ишлаб чиқиши билан боғлиқ.

**Ижодий фаолият** – тубдан янги ва моддий ва маънавий қим... ...матликлар яратишда намоён бўладиган ностандарт, ўзига хос ...натижаларга олиб келадиган ўхшаши йўқ фаолият. Ижодий фао... ...лият учун ички ва ташқи психологик шарт-шароитларнинг бири... ...кучи зарур бўлиб, бунинг натижасида ижодкор шахснинг ўз-ўзини намоён қилишга, ўзининг ижодий қобилиятлари ва интуициясини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи фаоллашади.

**Ижодий ҳикоя** – ҳаёлий ҳикоя; у аввалги тажрибани янги ва... ...зиятда қўллашга, бирон воқеани хаёлан тасаввур қилишга асос... ...ланади ёки ўйлаб топилган, уйдирма материал асосида тузила... ...ди.

**Ижро интизоми** – меҳнат жамоаси ёки унинг алоҳида аъзола... ...ри томонидан юқори бошқариш даражасида қабул қилинган буй... ...руқлар, фармойишлар, кўрсатмаларнинг белгиланган муддат... ...ларда ва тартибда бажарилиши.

**Ижрочи** – маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошқа со... ...ҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажаради... ...ган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ...ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор.

**Ижтимоий адаптация** – шахснинг жамиятда қабул қилинган ...инсоний қадрият, мақсад, ахлоқий меъёрларни қабул қилиш ва ...англаш йўли билан ижтимоий муҳит шароитларига мослашиши. Алоҳида ёрдамга муҳтож бола шахсининг ижтимоий мослашуви махсус йўналтирилган таълим-тарбия орқали амалга оширилади.

**Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила** – вояга ет... ...маган шахсларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бе... ...риш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган

ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвори салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муом лада бўлаётган оила (ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шах лар).

**Ижтимоий муносабатлар** – манфаатлар рўёбга чиқиши жар ёнида индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ёки жамоаларнинг би бирига таъсир кўрсатиши. Бунда ижтимоий ҳосилалар ўзаро ма фаатлар объектлари сифатида амал қилар экан, бу ҳам бевос та, ҳам бавосита содир бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда инд видлар, ижтимоий гуруҳлар ёки жамоаларнинг танлови бевос та шерикларнинг сифатларига боғлиқ, иккинчи ҳолатда эса ў манфаатларини амалга ошириш воситаси бўлган фаолиятни мазмуни ва натижасига боғлиқ.

**Ижтимоий функция** – бўлажак касб таълими ўқитувчиларг хос бўлган жамиятдаги зарур вазифаларни бажариш, уларни си фат даражасини таъминлай олиш, ижтимоий меъёрларга ама қилиш, ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил эта олиш, жамият даги муайян мақсадларни касбий таълим мақсадлари билан уй ғунлаштира олиш ва ўз фаолиятини муайян мақсадга йўналтир олиш, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида фикр-мулоҳаза қил олиш.

**Ижтимоий ҳимоя** – белгилаб қўйилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар мажмуи, ҳар бир жамият аъзосининг эн муҳим ижтимоий ҳуқуқларга риоя қилиниши, шу жумладан ин сонга хос муносиб ҳаёт тарзига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлайди.

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар** – юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томо нидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳ тож болалар, шу жумладан: ногирон болалар; жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар; етим бола лар; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар; ихтисослаш тирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар; муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар; кам таъминланган оилалардаги болалар; жиноий жавобгарликка тортилган ва жа зони ижро этиш муассасаларида турган болалар; зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижаси да жабрланган болалар.

**Ижтимоийлаштириш** – 1) инсон томонидан жамиятда муайян вақт оралиғида қадриятлар, ахлоқий меъёр, намуна ва кўрсат-



ларнинг ўзлаштирилиши; 2) шахснинг турли ижтимоий уму лик (гуруҳ, ижтимоий институт, ижтимоий ташкилот), ижти ий муносабатлар тизимига интеграциялашуви. Шахснинг иж тимоий ўз-ўзини аниқлашидан келиб чиқиб, ижтимоий муноса батларнинг умумий тизимида ўз ўрни ва нуқтаи назари.

**Изланишли метод (эвристика)** – ўқувчиларни аста-секин му аммоларни ҳал этишга яқинлаштириш учун тадқиқотнинг ай рим босқичларини бажаришга ўргатиш, кўникма ҳосил қилиш методи.

**Изотерапия** – психотерапиянинг бир тури, тасвирий санъат воситаларидан фойдаланади.

**Икебана** – 1) тирик ёки қуритилган ўсимликлардан гулдаста лар тузиш санъати, Японияда юзага келган; 2) ушбу санъат қоидаларига кўра тузилган гулдаста.

**Иккинчи сигнал тизими** – И.П.Павлов томонидан киритилган сўз, нутқ таъсирида бош мия ярим шарлари қобиғида ҳосил бўлган муваққат нерв боғланишлари тизими.

**Иллюстратив метод** – 1) кўргазмали таълим бериш методла ридан бири; 2) оғзаки тушунтириш ёки ўқиш жараёнини кўргаз мали қуроллар ҳамроҳлигида олиб бориш.

**Иллюстрация** – матнга ҳамроҳлик қиладиган ва уни изоҳлаб келадиган бадиий тасвир. Китоб графикасининг ўзига хос соҳа си сифатида XVII аср ўрталарида юзага келган ушбу тасвирий санъат тури шахснинг шаклланиши ва эстетик тарбиянинг тари хий тамойилларини акс эттиради. Иллюстрациянинг бола ривож ланишидаги аҳамияти ва болалар билан ишлашда ундан фойда ланиш имкониятлари айнан мана шу билан белгиланади.

**Илмий-педагогик ахборот** – халқ таълимида ўқув-тарбия жа раёнини ташкил этиш ва бошқариш, педагогика фанини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қўлланадиган ҳамда махсус на шрлар воситасида (мас., ахборот бюллетенлари, библиографик ва ахборий нашрлар ва техник воситалар, шу жумладан компью тер ва телекоммуникция тармоқлари орқали) тарқатиладиган объектлар ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар тизими.

**Илмий-тадқиқот фаолияти** – 1) олимларнинг олам, инсон ва унинг фаолияти тўғрисидаги аниқ, объектив ва тизимли билим лар ёрдамида маданият ва цивилизацияни бойитиш, ривожлан тиришга қаратилган индивидуал ёки жамоавий ўзаро ҳамкорли ги. 2) педагогикада соҳа олимлари (назариётчилар ва методис-

тлар)нинг ҳар бир таълим даражасида ҳамда бутун педагоги тизимда оптимал ўқув-тарбия тизимини асослаш (лойиҳалаш, ко струкциясини тузиш), ўқув-тарбия жараёнини янада оптимал та кил этиш учун керакли шарт-шароитларни яратишга қаратилг фаолияти.

**Имаготерапия** – психотерапиянинг бир тури бўлиб, театрла тириш усулларидан фойдаланади. **Қўғирчоқ терапияси ҳам шу** га киради.

**Илғор педагогик технология** – муайян муддатга мўлжалла ган, таълим жараёни кўпроқ таълим олувчи шахсига қаратилган, фаоллаштирувчи методлар ва замонавий таълим воситаларида фойдаланган ҳолда ўқув мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш жараёни.

**Имбециллик** – *олигофрения*нинг дебил даражадан бирмунча оғир шакли бўлиб, унда олигофрениянинг ўзига хос хусусиятла ри ва намоён бўлиши бирмунча яққол кўринади. Аввало, бундай болалар аниқ (конкрет) ҳолатларда умумлаштира олмаслик, ҳатто, оддий тушунчаларни ҳосил қила олмаслик билан ажралиб турадилар. Имбецил болаларнинг мантиқий фикрлаш жараёнла ри жуда паст даражада бўлади: ўқув материалининг мазмунини тушуниб ололмай, фақат ёрдамчи саволлар орқали мазмунни қисман тушунишлари мумкин. Сўз бойликлари кам бўлиб, нутқи ифодасиз, жумлалари қисқа бўлади. Китобдаги матнларни ме ханик равишда ўқиб, унинг мазмунини тушунмайдилар. Кўриш ва эшитиш анализаторлари идрок этилган ахборотларни таҳлил қила олмаслиги натижасида ҳарфларни эслаб қололмайдилар, ўхшаш товушларни бир-бирига қориштириб юборадилар. Уларнинг ҳаракати деярли дифференциялашмаган бўлади. Секин ҳаракат қилиш, бўшанглик сабабли ёзув ва меҳнат малакаларини эгаллашда ўта қийинчиликларга учрайдилар. Фаолиятларида ташаббускорлик, мустақилликка интилиш каби шахсий хислатлар мавжуд бўлмайди. Бажарган мустақил ишларини ақлий жиҳатдан тушунтириб бера олмайдилар. Ўрганган иш услуби ҳамда малакалар сал ўзгартирилса, улар ўзларини йўқотиб, шошиб қоладилар. Шу боис бундай болалар ижтимоий ҳаётга мослашишда тизимли назорат, раҳбарлик ва ёрдамга муҳтожлик сезадилар. Ҳаракат тизимлари қўполлиги билан ажралиб туради. Уларнинг тана тузилишида жисмоний, церебрал, эндокрин бузилишлар кўзга ташланади.



**Имитацион машқ** – тақлидий хатти-ҳаракатларни бажариш ...», «пружина», «машина» ва ҳ.к.). Кичкинтойлар учун ...ги гимнастика комплекс машқларида кенг қўлланади.

**Имкониятлари чекланган болалар** – қ. *Ақлий ва жисмоний ...ланишида муаммоси бўлган болалар*.

**Иммунитет** (лотин. immunitas – озод бўлиш, қутулиш) – ка...лик қўзғатувчилар ёки муайян заҳарларга нисбатан организ...нинг турғунлиги; организмнинг доимий ички мўътадиллигини ...лаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб ...нидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи. ...қилиб айтганда, иммунитет – киши организмининг турли ...ликлардан ҳимоя қила олиш қобилияти.

**Иммунологик профилактика** – иммунитет ҳосил қилиш йўли ...н юқумли касалликларнинг олдини олиш. Бу билан мак...гача умумтаълим муассасасининг ходимлари шуғуллана...ди.

**Иммунологик терапия** – организмнинг иммунитет тизимига таъсир кўрсатишга асосланган даволаш усули: организм функ...ларини тиклаш, бошқариш, вақтинча ўрин босиш ёки бости...ш.

**Имо-ишора** – нутқ жараёнида ихтиёрсиз равишда намоён бўла...ган қўл ва гавда ҳаракатлари (мас., *алалия*, *дудуқланиш*, *афа...я*).

**Имо-ишора нутқи** – эшитишида муаммоси бўлган шахслар...нинг ўзаро мулоқотларида имо-ишоралар асосида муносабатга киришишларида қўлланадиган нутқ шакл. Қўллар ҳаракати би...лан (кинетик асосида) мулоқот қилиш тизими. Имо-ишора асосий мазмунли бирлик бўлиб, бундай нутқ тури эшитмайдиганлар...нинг асосий мулоқот воситаси ҳисобланади. Эшитишида муам...моси бўлган шахсларнинг ўзаро мулоқотида икки турдаги ишо...рали нутқ, яъни сўзлашув ва калькали ишорали нутқ фарқлана...ди. Яна қ. *Дактилология*.

**Импрессив нутқ** – ўзгалар нутқини идрок қилиш, тушунишга асосланган нутқ тури.

**Импровизация** – тезкор фавқулодда ижодкорлик; поэтик ёки мусиқий асарни тайёргарлик кўрмасдан, ижро давомида яратиш.

**Инвентаризация** – моддий қимматликлар (асосий ва айланма фондлар) ва пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳолатини даврий текшириш.

**Инверсия** – ибора ёки гапга янгича ифодали тус бахш эт... ган нутқ кетма-кетлигининг бузилиши, диққат-эътиборни то... воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин. Поэтик ва ба... нутқда кенг қўлланади.

**Индивид (индивидуум)** – 1) алоҳида тирик мавжудод, ало... да одамни билдирадиган тушунча (ижтимоий гуруҳ, жамоа, ... мият, социумдан фарқли ўлароқ); 2) филогенетик ва онтогене... ривожланиш маҳсули бўлган одам, туғма ва эга бўлинган жиҳ... лар бирлиги.

**Индивидуал ўқув режа** – ўқув дастурларини таълим олу... чиларнинг психофизик ривожланиш хусусиятлари ва имкон... ятларини ҳисобга олган ҳолда, индивидуал кун тартиби бўй... ча ва таълим муассасасининг уставига мувофиқ ўзлаштири... режаси.

**Индивидуал фаолият услуби** – кишидаги индивидуал-псих... логик хусусиятларнинг фаолиятда намоён бўладиган умумла... ма тавсифи. Индивидуал фаолият услубининг намоён бўлиш тур... лари: бошқариш услуби, пешқадамлик қилиш услуби, мулоқо... услуби ва ҳ.к.

**Индивидуаллаштириш** – 1) ўсиб келаётган инсон томонида... ўзининг бошқалардан фарқлилигини, ўз ҳаёт йўлини танлаш... маънавий камолга етиш йўлидаги кучи ва заиф томонларини а... глаб етишга ёрдам берадиган воситалар тизими; 2) боланинг шах... сифатида ўз-ўзини англашда кўрсатиладиган ёрдам.

**Индивидуаллик (ўзига хослик)** – шахсга хос бўлган ҳамда... уни бошқалардан фарқлаб турадиган бетакрор белгилар маж... муи, шахс ҳаёти ва фаолиятининг барча жиҳатларида ўзини на... моён қиладиган ўзига хослиги.

**Индукция** – хусусийдан умумийга, алоҳида фактларда умум... лашмаларга томон мантиқий фикрлаш усули. Болаларнинг кўпчи... лик фикрий хулосалари индукция асосига қурилади.

**Инициатив (ташаббускор) нутқ** – боланинг ўз ташаббуси... билан юзага келган мустақил нутқи. Унга болалар ўртасидаги суҳбатни ҳам киритиш мумкин. Инициатив нутқни пайдо қилиш учун боланинг нутқи деярли шаклланган бўлиши зарур. Нормал ривожланаётган болаларда бу нутқнинг тури 1,5-2 ёшда пайдо бўлади. Нутқий камчиликлари кучли бўлган болаларда (*алалия, дизартрия, дудуқланиш*) инициатив нутқ ривожланишининг бузилганлиги кузатилади.



**...зив таълим** – болаларни бир-биридан ажратувчи ...ларни бартараф этишга, уларнинг ёши, жинси, диний ва ...й келиб чиқиши, жисмоний ва ақлий ривожланишдан ...а қилиши ва иқтисодий таъминланганлик даражасидан қать... ...ар, умумтаълим жараёнига тўлиқ уйғунлаштиришга қара... ...ан давлат сиёсати. Интеграциядан фарқли ўлароқ, «Бола ...қлари тўғрисида»ги Конвенцияга мувофиқ тарзда, таълим... ...юқори сифатини кўзлаган ҳолда ўқув-тарбия муҳитини ҳар ...боланинг эҳтиёжларини таъминлашга мослаштиришни на... ...тутади. Таълимнинг юқори сифати оила, педагогик жамоа ...а жамиятнинг фаол иштироки асосида амалга оширилади. ...зивй таълим муаммонинг ечими болада эмас, балки тизимда ...лигини, болалар таълим олиш имкониятига эга эканликла... ...ни ҳамда ногиронликнинг ижтимоий сабабларини тан олади ...ала ўқув режа ва таълим тизими методологиясини барча ўқув... ...ар, шунингдек ҳар бир бола эҳтиёжига мос равишда ишлаб ...қилишини қўллаб-қувватлайди. Барча болаларга биргаликда ...лим берилиши уларнинг ҳар бирига индивидуаллаштирилган ...лим асосида амалга оширилади, яъни ривожланишида муам... ...лари бўлган болалар барча соғлом болалар билан биргалик... ...а таълим олсалар-да, уларнинг ўз имкониятлари доирасидаги ...лим, кўникма ва малакалар билан қуролланишлари учун шарт... ...шароитлар таъминланади. Барча болаларнинг ҳамкорликдаги таълими икки томонлама фойда келтиради: агар, бир томондан, ...бу жараён орқали алоҳида эътиборга муҳтож бўлган бола... ...арнинг ўз оиласи, маҳалласида ўсиб улғайишлари таъминлан... ...а, иккинчи томондан, маҳалладош ларнинг имконияти чеклан... ...ган болаларга нисбатан тегишли муносабати ва масъулият ҳисси ...шаклланади, уларда бундай болалар нуқсонли эмас, балки ўзга... ...а ривожланишга эга бўлган болалар эканлигини, уларнинг нуқ... ...сонлари туфайли соғлом болалардан ажратиб қўймаслик керак... ...лигини англайдилар. Шу сабабли ҳам бундай таълимнинг ғояси «Инклюзив мактаблардан – инклюзив жамият сари» шиори асо... ...сига қурилган.

**Инновацион жараён** – янгиликларни яратиш (дунёга келти... ...риш, ишлаб чиқиш), ўзлаштириш, фойдаланиш ва тарқатиш би... ...лан боғлиқ комплекс фаолият.

**Инновацион фаолиятни бошқариш** – муассаса жамоасининг таълим ва тарбия амалиётини янгилашга қаратилган мақсадли

ташкилий фаолиятини таъминлаш. Инновацияларни бошқар... га иккиёқлама омил таъсир кўрсатади: янгиликларни бўгу... (ходимлар илгари сураётган янги ғояларга нисбатан маъмури... нинг ишончсизлиги, педагог ва тарбиячиларнинг фаолияти у... дан қаттиқ назорат ўрнатиш; янгилик таклиф этувчи ходим... ни вақт жиҳатдан чеклаб қўйиш; мудир томонидан хатоларга й... қўйиш мумкинлигининг тан олинмаслиги ва ҳ.к.); янгиликлар... қўллаб-қувватловчи.

**Инновация** – бирон-бир аниқ фаолият турини янгилаш жар... ёнидаги янги ҳодиса, янгилик.

**Инсайт** – тўсатдан эслаш, топиш; кутилмаганда узоқ ва ди... қат билан ўйлаб юрилган муаммони ҳал этиш йўлини топиш.

**Инсон ресурсларини (ходимларни) бошқариш** – ташкилот х... димларининг фаолияти учун мақбул шарт-шароитларни ярати... воситасида ишлаб чиқаришни ошириш асосий мақсад қилиб оли... ган менежмент йўналиши.

**Инсон ҳуқуқлари декларацияси** – БМТ Бош Ассамблея... томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган халқаро ҳуж... жат. Шахс эркинлиги, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ва эр... кинликларни (барчанинг қонун қаршисида тенглиги, ҳар би... кишининг эркинлик ва шахсий даҳлсизлиги ҳуқуқи, виждо... ҳуқуқи ва ҳ.к.), шунингдек ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари... (меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот, дам олиш ҳуқуқлари в... ҳ.к.) эълон қилади. Декларациянинг ўзида унинг бош мақсад... қуйидагича ифодаланган: «Ушбу Декларацияга таянган ҳар бир инсон, ҳар бир жамият органи маърифатпарварлик ва ма... риф воситасида миллий ва халқаро инсонпарварлик тадбир... ларини ўтказиш, бу ҳуқуқларнинг БМТга аъзо давлатлар халқ... лари томонидан ҳам, бошқа халқлар томонидан ҳам бутунич... ва самарали тан олиниши ва амалга оширилишини таъминлаш... йўли билан ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳурмат қили... нишига ва амалга оширилишига ёрдам бериши лозим».

**Инстинкт** (лотин., instinctus – ундамоқ, мажбур этмоқ) – та... шқи ёки ички қўзғатувчиларга жавобан организмнинг мурак... каб туғма реакциялари (хатти-ҳаракатлари) мажмуи; мурак... каб шартсиз рефлекс (овқатланиш, ҳимояланиш, жинсий в... ҳ.к.). Мас., чақалоқда овқатланиш инстинкти унинг лаблари... га тегилса, сўриш ҳаракатларининг пайдо бўлишида ифода... ланади.



**Инсценировка** – 1) бирон-бир бадиий асардан театр саҳнаси ёки кинода қўйиш учун фойдаланиш; 2) бадиий асарнинг саҳналаштирилган кўриниши; 3) бирон-бир воқеа, бадиий асар ёки унинг бирон эпизодини саҳналаштириш воситасида тиклашда ўз ифодасини топган методик усул. Мактабгача ёшдаги болалар учун инсценировканинг бир-нечта турлари мавжуд: драмалаштирилган ўйин, театрлаштирилган чиқиш, **қўғирчоқ** театрининг ҳар хил турлари (оддий **қўғирчоқлар театри**, «бармоқ» театри, соялар театри ва стол устида ўйналадиган ясси қўғирчоқлар театри, қўлбола картон қўғирчоқлар театри ва ҳ.к.).

**Интеграллашган машғулот** – ушбу машғулотни ўтказиш жараёнида бир хил фаолиятнинг ҳар хил интеграцияси (мас., пластилиндан алоҳида предметларни ясаш, сюжетли тасвирлар ҳосил қилиш ва ҳ.к.), ёки ушбу фаолиятни бажариш техникасининг интеграцияси (мас., бармоқ билан чизиш техникаси, бўёқни суриш ёки пуркаш техникаси ва ҳ.к.) содир бўлади, бунинг натижасида болалар фаолият турининг янги усулларини ўзлаштириб борадилар.

**Интеграллашган таълим** – психологик ва жисмоний ривожланишида камчилиги бор болаларнинг умумтаълим тизими муассасаларида нормал ривожланаётган болалар билан бирга олиб бориладиган таълим ва тарбияси.

**Интегратив (фанлараро) таълим тизими** – мутахассисларни тайёрлашда фанлараро алоқаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган тизим. Таълимни ахборотлаштиришда интеграцион ҳодисаларга асосланади ва мутахассиснинг ахборот маданиятини шакллантиришга қаратилади.

**Интеграция** (лотин, integratio – тиклаш, тўлдириш) – **1) тизим** ёки организмнинг алоҳида қисмлари ва функцияларининг ўзаро бир бутун боғланган ҳолатини ифодаловчи тушунча, шунингдек мана шу ҳолатга олиб келадиган жараён. 2) Фанларнинг ўзаро яқинлашиш ва боғланиш жараёни, дифференциация жараёни билан бирга кечади.

**Интеллект** – инсон ақлий имкониятларининг нисбатан барқарор тузилмаси. Бир қатор психологик концепцияларда интеллект ақлий операциялар тизими, муаммоларни ҳал қилиш услуби ва стратегияси, билиш фаоллигини талаб қилган вазиятларга индивидуал ёндашиш самарадорлигига ва ҳ.к. тенглаштирилади.

**Интеллектуал кўникма** – автоматлашиб кетган усул, ... ўрганган масалани ечиш усули.

**Интериоризация** (лотин, interior – ички) – ташқаридан ичкарига ўтиш; инсоннинг ақлий хатти-ҳаракатларини белгилайдиган ички психик тузилмасининг шаклланишида ижтимоий муносабатлар шакллари ва ташқи олам предметлари билан олиб бориладиган хатти-ҳаракатларнинг таъсирини билдирадиган психологик тушунча. Мас., бола ва катталар ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмларининг интериоризацияси (ташқаридан ичкарига ўтиши) натижасида мактабгача ёшдаги бола онгида Мен – Бола ва Мен – Ота-она образлари шаклланади ва улар кейинчалик болага ўз-ўзи билан шу йўналишда диалог олиб бориш имконини беради.

**Интерфаол таълим** – таълим олувчининг ўзлаштирилаётган билимлар ва тажриба соҳаси сифатида хизмат қилаётган атроф ўқув муҳити билан яқин ўзаро муносабатига асосланадиган таълим. Интерфаол таълим шароитида таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро муносабатларида силжиш содир бўлади: таълим олувчининг фаоллиги педагог фаоллигидан устун туради, педагогнинг вазифаси кўпроқ таълим олувчи ташаббусини рағбатлантириш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлади. Интерфаол таълим асосан катталарга таълим бериш жараёнида қўлланади.

**Интизом** – кишилар ўртасида ижтимоий алоқа шакли бўлиб, кишиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти, ташкилотнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун зарур бўлган тартибни қўллаб-қувватлаш ва унга риоя қилиш воситаси сифатида хизмат қилади. Объектив равишда интизом моддий ишлаб чиқариш шарт-шароитларидан юзага келади ва ижтимоий муносабатлар характери билан белгиланади. Давлат интизоми шаклларига қуйидагилар киради: меҳнат интизоми (шу жумладан ишлаб чиқариш, технологик, хизмат), режавий, шартнома асосида, молиявий, ҳарбий, транспорт, ўқиш, экологик. Интизом раҳбарият учун ҳам, ходимлар учун ҳам бирдек мажмурий муайян қоидалар, нормалар ва процедураларнинг бажарилишини кўзда тутади.

**Интизомий таъсир кўрсатиш чоралари** – интизомни қўллаб-қувватлашга қаратилган маъмурий чора-тадбирлар, буйруқлар, огоҳлантиришлар, нотўғри ёки хато хатти-ҳаракатларга нисба-



...тлар, имтиёзлардан маҳрум қилиш, ишдан бўшатиш ва ... шаклларида қўлланади.

**Интонация** (лотин. intonare – қаттиқ талаффуз қиламан) – нутқнинг ритмик-мелодик томони; гапда синтактик маъноларни ва ...ционал экспрессив бўёқни ифодалаш воситаси бўлиб хизмат ...ди. Интонация гапнинг (жумланинг) асосий белгиларидан ...либ, гап қисмлари орасидаги муносабатларни ифодалаш ... гапнинг дарак, сўроқ, буйруқ эканини, гапнинг эмоционал ...ини кўрсатиш учун хизмат қилади.

**Интроверсия** – шахснинг тафаккур ва диққат-эътиборини ўз-... қаратиш.

**Интроверт** (лотин. intro – ичга, ичкарига ва verto – ўгираман, ...лантираман) – характер тури; ўзининг ички кечинмаларига ...ланиб қолган, кўп фикрлайдиган киши. Интроверт учун ода...лик, тортинчоқлик, ижтимоий пассивлик, «ич-этини ейиш»-..., анча мураккаб ижтимоий мослашиш хос бўлади.

**Интуиция** – ҳақиқатни далиллар ёрдамида исботламай туриб, ...та англаш қобилияти; мантиқий фикр юритмай туриб, гўё... ўйлаган муаммонинг тўғри ечимини топа олиш қобилияти.

**Инфантилизм** (лотин. infantilis – болаларга хос) – катталарда ...ларга хос жисмоний ва психик хусусиятларнинг сақланиб ...лиги. Умумий ва қисман бўлиши мумкин. Мас., жинсий инфантилизм бачадон ичида ривожланишнинг бузилиши, ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши оқибатида юзага келади. Психик инфантилизмда кичикроқ ёшдагиларнинг психик ...ишига хос бўлган жиҳатларнинг катта ёшдаги шахсларда намоён бўлиши – эмоционал нобарқарорлик, юзаки, енгил фикр..., болаларча инжиқлик, тобеълик кузатилади.

**Инфекция** – организмнинг касаллик келтириб чиқарадиган микроблар билан зарарланиши. Яна қ. *Дезинфекция*.

**Ирода** – инсоннинг онгли равишда ўз олдига қўйган мақсади ...ри ички психологик тўсиқларни ҳам енгиб ўтган ҳолда амал ...иш қобилияти. Бошқача айтганда, ирода қўйилган мақсадга мувофиқ амал қилишга ҳамда бунда ушбу мақсадга эришишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган истаклар ва майлларни бости...га қодирликда намоён бўлади.

**Иродавий коммуникативлик** – кичик гуруҳлар ва жамоалар...а шахслараро муносабатлар жараёнида юзага келадиган ижтимоий-психологик феномен (фавқулотда ҳолат). Иродавий ком-

муникативлик жамоанинг турли қийинчиликлар ва тўсиқлар қаршисида туришга қодирлиги, стрессларга нисбатан ўзига хос бардошлилиги, фавқулотда вазиятларда ишончлилиги сифатида қаралади.

**Иродасизлик** – кишида иродавий сифатларнинг етишмаслиги; қатъиятлилик йўқлиги, бўшлик, қабул қилинган қарорни амалга оширишга қодир эмасликда намоён бўлади.

**Иррадиация** – қўзғатиш ва тормозланиш билан боғлиқ нерв жараёнларининг марказий нерв тизимида битта элемент (участка)дан иккинчисига ўтиш қобилияти. Қўзғатиш иррадиацияси шартли рефлексни генерализациялаш асосида ётади ва қўзғатувчининг шиддатига боғлиқ бўлади. Тормозланиш иррадиацияси ташқи муҳит салбий таъсирлари доминантлиги (устунлиги)ни ҳамда уларнинг бошқа реакцияларга тормозловчи таъсирини намоён қилувчи воситадир.

**Ирсият – организм ва нерв системаси хусусиятларининг** ўтмиш авлодлар тажрибасида таркиб топиб, мустаҳкамланиб, кейинги авлодларга ўтиш жараёни. Баъзи нутқ камчиликлари (мас., дудуқлик) ота-оналарда, уларнинг болаларида, улардан кейинги авлодларда ҳам кузатилиши мумкин. Ирсият ўзгарувчандир. У яшаш шароити, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия ҳам боғлиқ.

**Истак** – шахс интилишларининг эмоционал шакли, шахс интилаётган англаб етилган мақсад. Ўз истакларини ўзи учун кашф этиш болада тахминан уч ёшдан бошланади, бу даврда «мен ўзим» феномени (фавқулотда ҳиссиёт) билан бирга «истайман» ва «қила оламан» тушунчаларини англаб етиш юзага келади.

**Истеъдод** – 1. Қобилиятлар, иқтидорларнинг юқори даражада ривожланганлиги бўлиб, ижодий фаолият турларида намоён бўлади. 2. Фан, саноат, маданият ривожига катта ҳисса қўшган инсоннинг ижтимоий характеристикаси. Истеъдод илмий тушунчадан кўра, кўпроқ маиший турмуш тушунчасидир, чунки истеъдод тушунчасини ташхислашнинг на назарияси ва на методикаси мавжуд. Истеъдод даражаси тўғрисида инсоннинг фаолият маҳсулларига қараб баҳо берилади.

**Истеъмолчи** – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс).



**Истиора (метафора)** – бир предмет (ҳодиса)га хос хусусиятни бошқа предмет (ҳодиса)га улар ўртасидаги ўхшаш белги асосида кўчириш. Адабиётда, айниқса шеъриятда кенг қўлланадиган бадиий восита (мас., ўт-ўланларнинг шивирлаши, темир мускуллар).

**Ифодали ҳаракатлар** – инсон руҳий ҳолатининг ташқаридан намоён бўлиши, мимика (юз ифодалари), пантомимика (бутун тананинг ифодали ҳаракатлари), имо-ишоралар (қўлларнинг ифодали ҳаракатлари), нутқ оҳанги («овоз мимикаси») воситасида ифодаланади. Эмизикли болалик даврида ифодали ҳаракатлар ихтиёр тус касб этади. Кейинчалик бола катталарнинг экспрессив хатти-ҳаракатларини тобора кўпроқ эгаллай бошлайди, ўзи эса ўз ифодали ҳаракатларини бошқара олади.

**Ихтиёрий тасаввур** – у ёки бу фаолият турида онгли равишда қўйилган мақсад билан боғлиқ ҳолда атайлаб образлар қуриш жараёни. Бу тасаввур тури илк болалик ёшида юзага келади ва болалар ўйинлари жараёнида кучли ривожланади.

**Ихтиёрий ҳаракатлар** – ижобий якуний натижага эришишга хатти-ҳаракат *акцептор*ини амалга оширишга қаратилган фаолият. Ихтиёрий ҳаракатларни бошқариш тизими табақавий тузилишга эга, у ҳаракат мақсадлари, ушбу мақсадларни амалга оширишнинг конкрет шарт-шароитлари ва мотор масалани ҳал қилишнинг энг мувофиқ шаклларини танлаш билан боғлиқ марказий (мотор) дастурни шакллантиришга қаратилган.

**Ихтилоф (зиддият) таҳлили** – ихтилофли вазиятни ўрганиш бўйича муайян тартибда ўтказиладиган бошқариш фаолиятининг тури. Ихтилоф қатнашчиларининг мақсадларини идентификация қилишда уларнинг энг яқин ва истиқбол мақсадлари ажратиб олинади ва тавсифланади, энг яқин мақсадларнинг вақт жиҳатдан кетма-кетлиги ва ўзаро алоқалари аниқланади. Муаммоли вазиятлар аниқланганда ва зиддиятлар очилганда уларнинг ижтимоий таранглик даражаси аниқланади, бундай шароитда муаммоли вазиятларнинг мавжуд бўлиш имконияти текширилади, ушбу вазиятларнинг қайси бири ихтилофдан олдин юзага келиб, унга ҳамроҳлик қилиб келаётгани аниқланади. Муаммоли вазиятларга тавсиф беришда уларнинг характери, юзага келиш частотаси ва қатнашчиларнинг уларга нисбатан сезгирлик даражаси, уларнинг таъсирининг давомийлиги, оғиш миқдори, вазиятнинг реаллиги ва ҳаёлийлиги (сохталиги) аниқланади.

**Ички нутқ** – нутқнинг бу тури онгда шаклланади ва бошқаларга баён қилинади. У овозсиз, қисқа бўлади. Ички нутқ инсон нутқий тафаккурининг муҳим шаклидир, шунинг учун ҳам нутқида камчилиги бўлган болаларда уни тўлиқ шакллантириш катта аҳамият касб этади.

**Ички оилавий муносабатлар** – оилавий тарбиянинг етакчи қисми. Улар миллий ва маиший муносабатларга боғлиқ. Бу муносабатларнинг шахс ривожидаги ва қарор топишидаги аҳамияти шундаки, улар, бир томондан, инсон туғилган дақиқадан бошлаб дуч келадиган ижтимоий муносабатларнинг дастлабки ўзига хос намунаси бўлса, иккинчи томондан, уларда ниҳоятда бой ижтимоий муносабатлар жамланади ва ўзига хос мўъжаз ифодасини топади.

**Ички тормозланиш** (шартли-рефлексли) – аввал ишлаб чиқилган реакциялар ёки уларнинг алоҳида компонентларини бартараф этувчи тормозланиш; бунда улар ўзининг мослашувчанлик хусусиятини йўқотади ва муҳитнинг ўзгарган шарт-шароитларига жавоб бермай қўяди.

**Иш ҳақи** – эришилган ўзаро келишувларнинг риоя қилинишини таъминлайдиган, давлат иштирокида ходимлар ва иш берувчи ўртасидаги музокаралар жараёнида белгиланадиган иш кучи баҳоси; 2) ходимга унинг қўшган меҳнат ҳиссаси учун тўланадиган пул мукофоти миқдори, бир пайтнинг ўзида ходимнинг ишчи кучи ва меҳнат натижалари қийматини акс эттиришга қаратилади.

**Иш юритиш** – юридик шаҳснинг ҳужжатлаштириш ва расмий ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш бўйича фаолиятини таъминлаб берувчи жараён.

**Ишга оид ўйин** – одамлар гуруҳи ёки одам ва ЭҲМ ўртасида аввалдан берилган қоидалар асосида имитация йўли билан ўйин ўйнаб, турли вазиятларда бошқариш қарорларини қабул қилиш методи. Асосий мақсади: янги ностандарт ечимларни қидириш, янги иш қоидаларини ишлаб чиқиш. Ишга оид ўйин одатда кетма-кет амалга ошириладиган тўрт босқичда олиб борилади.

**Ишга тиклаш** – қонунга хилоф ҳолда ишдан бўшатилганлик ёки бошқа ишга ўтказилганлик ҳолларида ишга тиклаш. Ишчи ёки хизматчининг ўз ишига тикланиши меҳнат баҳсларини кўриб чиқадиган орган томонидан амалга оширилади.

**Ишдан бўшатишга қўйиладиган тақиқлар ва чеклашлар** – иш ўринлари қисқариши ҳолларида маълум шахслар доираси (иш-



чилар категорияси) учун кафолатлар ва имтиёзларни кўзда тутилган ҳуқуқий норма.

**Ишдан бўшаш** – қонун ҳужжатларида кўзда тутилган асослар бўйича меҳнат шартномасини тугатиш. Турлари: ишловчи ташаббуси билан, маъмурият ташаббуси билан, бошқа қонуний сабабларга кўра.

**Ишлаб чиқарувчи** – истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор.

**Ишонтириш** – психик таъсир кўрсатишнинг асосан сўз орқали амалга ошириладиган махсус тури. Бунда куч билан эмас, балки мулойимлик, ишонч ҳосил қилдириш йўли билан иш олиб бориш, бошқаларни сабр-тоқат ва диққат-эътибор билан эшитишга тайёрлик, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор қонунлари ва қоидаларига риоя қилиш тушунилади. Ишонтириш айрим ҳолларда гипнотик ҳолатда ҳам амалга оширилиши мумкин, бунда унинг таъсир кучи ортади. Логопедияда нутқ камчиликларини бартараф этиш учун ишонтиришдан кенг фойдаланилади (мас., *дудуқланиш*да). Мактабгача ёшдаги болаларда бошқаларга эътиборли, муомалада сабр-тоқатли муносабатда бўлиш кўникмаси хулқ-атвор маданиятини шакллантириш жараёнида ишонтириш йўли билан сингдириб борилади.

**Ишонувчанлик** – атрофдаги кишилар таъсирига индивидуал нотанқидий берилиш. Ишонувчан кишилар ўзгаларнинг кўрсатмалари ва маслаҳатларига, ҳатто улар ўзларининг эътиқодлари ва манфаатларига зид бўлса ҳам, нисбатан осон бўйинсунадилар, улар шунингдек бошқаларнинг кайфиятлари ва одатларига кўникадилар. Юқори даражадаги ишонувчанлик болаларда (айниқса мактабгача ёшдаги болаларда) ва катталарда кучли чарчаганда, мавҳум шароитларда ва ижтимоий-психологик вазиятларда, шунингдек гипноз остида содир бўлади.

**Ишонч** – инсоннинг оламга ва ўз-ўзига нисбатан муайян қадриятларга таянган муносабати билан боғлиқ дастурий муносабат тури.

**Ишончнома** – ишонч билдирилган шахсга ишонч билдирган шахс номидан бирон-бир хатти-ҳаракатларни бажаришга ҳуқуқ бериш тўғрисидаги ҳужжат.

**Иштирокли кузатиш** – бунда кузатувчи ўзи кузатаётган ва хатти-ҳаракатларини баҳолаётган кишилар билан бевосита му-

носабатда бўлади. Болалар билан яқин мулоқотда бўлган тар... ячи деярли ҳамма вақт иштирокли кузатув ҳолатида бўлади.

## Й

**Йога** – 1. Инсон руҳияти ва физиологиясини бошқариш ҳақидаги таълимот ва тизим. Ҳиндистонда тарқалган диний ва фалсафий тизимларнинг таркибий элементи, «эркин бўлиш» ҳолатига эришиш мақсадини кўзлайди. 2. Организмнинг физиологик функциялари ва психик ҳолатларини бошқаришга қаратилган жисмоний машқлар тизими. Мактабгача таълим муассасасида йогадан ноанъанавий соғломлаштириш методлари доирасида ота-оналарнинг рухсати билан фойдаланилади.

**Йод етишмаслиги касалликлари** – организмда йоднинг етишмаслиги оқибатида қалқонсимон без касалликлари кўринишида намоён бўладиган касалликлар.

**Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси** – йод етишмаслиги касалликларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизими.

**Йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари** – ишлаб чиқариш жараёнида йод билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Йодланган туз** – ишлаб чиқариш жараёнида йод билан бойитилган ош тузи.

**Йотацизм** – дифтонгларда «й» товушини нотўғри талаффуз қилиш. *Дислалия*нинг бир тури. Логопедик машғулотлар жараёнида деярли тез бартараф этилади.

**Йўлбошчи (лидер)** – гуруҳ ёки жамоа ўзи учун муҳим вазиятларда масъулиятли қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга деб эътироф этган гуруҳ ёки жамоа аъзоси, яъни гуруҳда биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва ўзаро муносабатларни бошқаришда бош ролни бажарган энг обрўли ва нуфузли шахс. Гуруҳда йўлбошчи қатор асосий омиллар таъсирида ажралиб чиқади: гуруҳнинг ривожланиш даражаси, эҳтиёжлари, амал қилиш шартлари ва гуруҳ аъзоларининг шахс сифатидаги хусусиятлари. Психологияда йўлбошчиларнинг турли таснифлари қабул қилинган: фаолият мазмунига кўра (йўлбошчи-илҳомчи ва йўлбошчи-бажарувчи); фаолият характерига кўра (универсал йўлбошчи ва вазиятга кўра йўлбошчи); фаолиятнинг йўналганлигига кўра (эмоционал йўлбошчи ва вазиятга кўра йўлбошчи) ва ҳ.к.



**Йўлбошчилик (лидерлик)** – гуруҳ, жамоада устунлик қилиш муносабатларини билдирадиган ижтимоий-психологик тушунча.

**Йўриқнома (инструкция)** – 1) қонун ёки бошқа бирон норматив акт қоидаларини тушунтириб бериш мақсадида чиқариладиган юридик ҳужжат; 2) бирон-бир ишни бажариш, машина, приборлан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги кўрсатмалар.

## К

**Кайфият** – кишининг психик фаолиятига таъсир кўрсатадиган устун турган эмоционал ҳолати.

**Каппацизм** – тил орқа (к, г, нг) ва чуқур тил орқа (**қ, х, ғ**) товушларини талаффуз қилишдаги камчиликлар.

**Карантин** -- юқумли касалликка учраган беморлар билан мулоқотда бўлган шахсларни вақтинчалик ажратиб қўйиш (изоляция қилиш), шунингдек бирон-бир эпидемияни тўхтатиш ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган чора-тадбирлар тизими.

**Карвинг** (ингл. curving – кесиш, ўйиш) – «ўймакорлик иши», «ўйма нақш». Сабзавотлар ва мевалардан ҳайкалчалар яратиш санъати. Ўймакорлик санъати.

**Кар болалар** – туғма ёки илк ёш даврда эшитиш қобилиятининг чуқур ва турғун йўқолиши оқибатда махсус педагогик ёрдамсиз нутқни эгаллай ололмайдиган болалар.

**Карлик** – эшитиш қобилиятининг умуман йўқлиги ёки кескин пасайиб кетганлиги, Бунда оғзаки нутқни идрок этиш имконияти бўлмайди. Мактабгача ёшдаги кар болалар ушбу камчиликнинг ўрнини босувчи махсус болалар боғчаларига боришлари мумкин.

**Касалланиш** – касаллик кам ёки кўплигини кўрсатадиган рақам ёки даража. Маълум жой, шаҳар, вилоятда яшовчи аҳоли орасида бир йил ичида рўйхатга олинган касаллар сонини шу ерда яшовчи аҳолининг 100, 1000 ёки 10000 сонига нисбати. Бу рақам аҳолининг соғломлик даражасини, унинг ҳол-аҳволини кўрсатадиган муҳим аломатлардандир; касбий касалланиш – корхона шароити билан боғлиқ бўлган ва унинг таъсири остида вужудга келадиган касалликларнинг бир йил мобайнида ҳар 100, 1000 ишловчига нисбати.

**Касалланиш ва МТМга қатнов таҳлили** – мактабгача муассасага қатнайдиган илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг рўйхатга кўра ўртача таркибида махсус параметрлар (касаллик

натижасида қолдирилган кунлар сони, битта боланинг касал... ги туфайли қолдирган кунлар сони), битта касалликнинг ўрт... давомийлиги (тез-тез ва узоқ касал бўладиган болалар сони, ... ғлик индекси) ҳолатининг таҳлили.

**Касаллик** – организмнинг функционал ва (ёки) морфоло... ўзгаришлар сабабли келиб чиққан нормал ҳаёт кечириши... бузилиши. Мактабгача ёшдаги болалар касалликларининг ўзи... хос хусусияти уларнинг тез ривожланиши ва бутун организм... тез ёйилишга мойиллигидадир. Бола қанча кичик бўлса, уни... касалликка чалиниши шунча осон бўлади.

**Касбий мобиллик** – ижтимоий мобиллик шакли; ходимнинг ... жойи ёки касбни ўзгартириши билан боғлиқ меҳнат позицияс... нинг ёки ролининг ўзгариши; шахснинг у ёки бу даражада бар... рор хусусияти, касбий фаолият турини ўзгартиришга тайёрли... ёки мойиллиги. Ходимнинг хизмат пиллапоялари бўйлаб ҳарака... ланиши, паст даражалардан юқори даражаларга ва аксинча си... жиши вертикал мобиллик тушунчаси билан белгиланади. Шах... нинг бир турдаги касблар ёки лавозимлар доирасида иш тури... ўзгартириши горизонтал мобиллик сифатида белгиланади.

**Касбий педагогик бурч** – педагогнинг ўз касбий фаолияти... самарали амалга оширишини белгилаб берадиган ахлоқий т... лаблар тизими.

**Касбий педагогик маданият** – педагог касбий фаолиятини... моҳиятини тавсифловчи тушунча. Учта жиҳатини ажратиб кўрса... тиш мумкин: 1) аксиологик жиҳат педагогик қадриятлар маж... муини белгилаш имконини беради, эскида янгининг куртакләри... ни кўра билиш, уларга тўғри баҳо бера олиш малакасини билди... ради; 2) технологик жиҳат педагогик фаолият усулларини белги... лаб беради, педагогик фаолиятни турли-туман педагогик маса... лаларни ҳал қилишнинг узлуксиз занжири сифатида операцио... нал таҳлилини амалга оширади; 3) шахснинг ижодий жиҳати кас... бий педагогик маданиятни ижодий акт сифатида ўзлаштириш ва... акс эттириш механизмларини белгилаб беради. Касбий педаго... гик маданият қадриятларини ўзлаштирар экан, шахс уларни... ўзгартириш, муайян вазиятларга мос ҳолда шарҳлашга қодир.

**Касбий фаолият** – 1. Бирон-нарсани бажаришнинг мураккаб... ва меъёрий жиҳатдан белгиланган усули. 2. Меҳнат субъекти... фаолиятининг сифат жиҳатдан белгиланадиган шакли; инсон ба... жараётган фаолиятнинг мураккаблигини тавсифлайдиган мезон...



**Касса чеки** – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизма... ...нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, товар (иш, хизмат... ...нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратининг рақами ...ўрсатилган ҳужжат.

**Катамнез** (юнон. kata – мобайнида ва mnemoneuo – эслай... ...ман) – беморнинг ўзи ёки уни яхши биладиган шахс томонидан ...даволаниш тугагандан сўнг, шифокорга бериладиган маълумот...лар йиғиндиси.

**Категория** (юнон. kategoria – мулоҳаза; белги) – борлиқ ҳоди...салари ва билишнинг умумий хусусиятлари ва муносабатларини ...акс эттирадиган фундаментал тушунчалар. Категориялар билиш ...ва ижтимоий амалиётнинг тарихий ривожланишини умумлашти...риш натижаси сифатида юзага келади. Асосий диалектик катего...риялар: материя, ҳаракат, вақт ва фазо, сифат ва миқдор, зидди...ят, сабабият, зарурат ва тасодиф, мазмун ва шакл ва ҳ.к. Ҳар ...бир фаннинг ўзига хос категориялари мавжуд.

**Кафолат муддати** – товардан (хизматдан) фойдаланишнинг ...(ойлар ҳисобидаги) меъёрий муддати ёки товар (хизмат)нинг му...айян вазифани (неча соатда, нечта иш жараёнида, қанча кило...метр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к.) бажариш вақти тарзида белги...ланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижро...чи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоида...ларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нис...батан меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажари...лишини кафолатлайди ва таъминлайди.

**Кашфиёт** – изланиш, текшириш, илмий тадқиқот натижаси...да, баъзан эса тасодифан топилган, яратилган илмий янгилик.

**Квадрат** – охирги нуқтасида (квадрат учида) тўғри бурчак ...ҳосил қилиб жуфт-жуфт туташган тўғри кесик чизиқлар (квадрат ...томонлари) билан чегараланган ясси геометрик шакл, яъни то...монлари тенг тўғри тўртбурчак. Мактабгача ёшдаги болалар...да квадрат ҳақидаги тушунча иккинчи кичик гуруҳдан бошлаб ...шаклланади. Болалар квадратни қўллари билан ушлаб, кўзлари ...билан кўриб, сезги органлари билан идрок этиб бу шаклнинг ...ўзига хос жиҳатларини ўзлаштирадилар. Бу шаклни атроф-му...ҳитдан топиб, унинг шаклини ўзлаштириб бориш болалар билан ...олиб бориладиган мажбурий ишлар қаторига киради.

**Кейс** (ингл. case – ҳодиса, шарт-шароит) – амалий муаммо...лар ифодаланган ўқув материаллари йиғиндиси.

**Кейс технологияси** – ўқувчиларнинг мустақил қарорлар [illegible] қилишлари, муаммоли саволларга тўғри ва ҳаққоний жа[illegible] топишларига қаратилган, ўқитувчи кузатувчи (эшитувчи) [illegible] фасини бажарадиган таълим технологияси.

**Кейс-метод** – реал вазият тавсифидан фойдаланадиган [illegible] лим методи. Вазият (кейс) деганда муассасадаги бирон-бир [illegible] вазиятнинг ёзма баёни кўзда тутилади. Таълим олувчиларга [illegible] равишда вазиятни таҳлил этиш, муаммо моҳиятини очиб бер[illegible] эҳтимолдаги ечимларни таклиф этиш ва улардан энг мақбу[illegible] танлаб олиш таклиф этилади.

**Керамика** – ҳар хил навли лойлар билан турли мин[illegible] қўшимчаларни бир-бири билан қиздириб қўшиш орқали оли[illegible] материаллар ва буюмлар. Асосий турлари – терракота, май[illegible] ка, фаянс, фарфор. Ундан идиш-товоқ ва бошқа уй жиҳозлар[illegible] ғишт, черепица, плиткалар, ҳайкаллар деталлари ва бошқа [illegible] дий буюмлар тайёрланади. Умуман «керамика» сўзи юнон[illegible] бўлиб, кулолчилик ишлаб чиқаришини, хусусан, сирланган [illegible] нақшланган идишлар тайёрлашни билдиради.

**Кеч кар бўлиб қолган болалар** – 4-5 ёшда ёки ундан ҳам [illegible] роқ даврда эшитиш қобилияти йўқолган, нутқи сақланиб қол[illegible] болалар. Нутқнинг сақланиши карликнинг юзага келиш вақ[illegible] ҳамда боланинг ўсиш шароити билан боғлиқ. Болани изчил[illegible] билан махсус ўқитилиши унинг нутқининг сақланишини таъми[illegible] лайди.

**Кинестетик (ҳаракат) сезгилар** (юнон. kinema – ҳаракат [illegible] aisthesis – сезги) – гавданинг фазодаги ҳолатини, айрим орга[illegible] ларнинг ҳаракатларини акс эттирувчи сезги турлари. Улар кўри[illegible] анализаторининг ишида ва нутқ органларининг фаолиятида му[illegible] ҳим роль ўйнайди. Нутқ органларининг кинестетик қўзғатувч[illegible] лари, И.П.Павловнинг таълимотига кўра, иккинчи сигнал ти[illegible] мининг асосий компонентини ташкил қилади.

**Киноя (ирония)** – 1) яширин шаклда ифодаланган нозик [illegible] чинг, кесатиқ; 2) киноя, қочиримга асосланган стилистик усу[illegible] бунда асосий мақсад айтилган гапнинг тўғридан-тўғри мазмун[illegible] да ифодаланмайди, балки аслида кўзда тутилаётган қарама[illegible] қарши мазмунда ифодаланади.

**Китоб бурчаги** – бадиий адабиёт билан ишлаш шакли. Китоб бурчаги гуруҳ хонасида ташкил этилади, болалар мустақил фойда[illegible] ланишлари ва ўқишларига мўлжаллаб, ёзувчилар портретлари [illegible]



[illegible] жойлаштирилган витрина ёки столча кўринишида бўли[illegible] Китоблар бурчагида болалар ўзлари чизган турли мав[illegible] расмлар солинган папка ҳам бўлиши мақсадга мувофиқ.

**[illegible]** – шахснинг мустақил фикрлаш жараёни.

**[illegible] услуб** – 1. Шахснинг билиш жараёни стратегиясида [illegible] ўзига хос билиш хусусиятлари. 2. Махсус танлан[illegible] тестлар тўпламига кўра назорат қилиш усули ёки хусусий [illegible] кўрсаткичлари мажмуи.

**[illegible]** – белгили-рамзий воситалар билан олиб бориладиган фаолият тури, реаллик (реалликни баён этувчи матн)ни бел[illegible] рамзий тилга ўгиришдан иборат. Ёзув ҳарфлари ҳам ўзига [illegible] белгилардир. Болаларни ёзма нутққа ўргатишда юза[illegible] келадиган қийинчиликлардан бири шундаки, ёзилган сўз ва [illegible] коллаш механизми худди шу сўз ва гапларни оғзаки [illegible] идрок этиш ва қўллаш механизмидан анча фарқ қилади.

**Коллаж** – тасвирий санъатда қўлланадиган усул, бунда холст [illegible] бошқа бирон асосга ушбу асосдан ранги ва фактураси бўйи[illegible] фарқ қиладиган материаллар – газета ёки гулқоғоз парчала[illegible] [illegible] парчалари, идиш синиқлари, тахтачалар ва ҳ.к. маҳ[illegible] [illegible]ланади; шундай усулда яратилган асар.

**Коллекция** – илмий, бадиий, адабий ва ҳ.к. қимматга эга [illegible] бир турдаги предметларнинг тизимлаштирилган тўплами [illegible], расмлар, минераллар, маркалар ва ҳ.к. тўплами).

**Колонна** – турна қатор бўлиб, бирин-кетин (олдинма-кетин) [illegible] турган (юраётган) одамлар сафи. Болаларнинг колонна [illegible], яъни тизилиб туриши болалар боғчасида физкультура [illegible]гулотларида сафда туриб бажариладиган машқларнинг бир [illegible] ҳисобланади.

**Коменский Ян Амос** (1592-1670) – чехиялик мутафаккир ва [illegible]гог. Ғарб педагогикасида дидактиканинг асосчиси. Бирин[illegible] бор она тилида умумий таълим ғоясини асослаб берди, бир [illegible] мактаб тизимини ишлаб чиқди. Асарлари: «Буюк дидак[illegible]» (1633-38), «Тилларга очиқ эшиклар» (1631), «Оналар мак[illegible]» (1632) ва б.

**Коммуникация** (лотин. communico – «умумий қиламан», «боғ[illegible]», «алоқага киришаман» сўзидан communicatio ҳосил [illegible]) – 1) алоқа, транспорт йўллари, ерости коммунал хўжа[illegible] тармоқлари; 2) инсонларнинг билиш ва меҳнат фаолиятлари [illegible] жараёнидаги ўзаро боғланишларининг шакли бўлиб, уларнинг

биргаликдаги амалий фаолияти жараёнида юзага келувчи б... лиш, фикр алмашишга доир ёки эмоционал характердаги ў... маълумотларнинг алмашинуви.

**Коммуникатив қобилият** – кишилар билан шахсий ва ... оид муносабатларда қулайлик туғдирадиган шахсий қобили... лар мажмуи: ўзгаларни тушуниш, қўллаб-қувватлаш, ҳайриҳо... лик ва ҳ.к.

**Коммуникатив малака** – кишилар ўртасида ўзаро муносаба... ларни ўрнатиш усули. У нотаниш киши билан мулоқотга кир... шиш, унинг шахсига хос сифатлари ва ниятларини тушуна оли... хулқ-атворини олдиндан кўра билиш ва шунга қараб ўз хатти... ҳаракатларини қуришни кўзда тутади. Коммуникатив мала... мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий тарбияси жараёни... шаклланади.

**Компенсация** – 1) бирор психик функция қисман ёки тў... ишдан чиққанда, унинг вазифасини бошқа кучли ривожланга... соғ функцияларнинг бажариши (мас., карларда кўриш анали... тори, кўрларда эшитиш ва мускул ҳаракат сезгилари яхши ри... вожланган бўлади); 2) таълим-тарбия жараёнида соғлом сез... аъзоларига таяниш ёки қисман бузилган функцияларни қайта... қуриш орқали меъёрдан чиққан анализатор ўрнини тўлдириш (қо... лаш).

**Компетентлик** – муайян лавозимга мос масалалар (ваколат... лар) доирасида бирон-бир киши эга бўлган касбий тажрибани... ифодаланганлик даражаси; бирон нима тўғрисида мулоҳаза юри... тиш, асосланган, салмоқли фикр билдириш имконини берадиган... билимларга эга бўлишлик; ўз касбининг моҳир эгаси бўлган... шахсга хос сифат.

**Комплекс ҳамроҳлик** – педагоглар жамоасининг муайян со... циал муҳитда ўсаётган ҳар бир бола қобилиятларининг ривож... ланиш даражаси ва ҳаёт тажрибасидан қатъи назар унинг му... ваффақиятли таълим олиши ва ривожланиши учун қулай ижти... моий-психологик шарт-шароит яратишга қаратилган касбий фа... олияти тизими

**Композиция** – 1) бир бутуннинг элементлари ва қисмлари... ўртасидаги ўзаро нисбатни таъминлайдиган муайян тартиб; 2) бадиий асарнинг бутун мазмуни ва тузилиши; 3) этюд ёки расм... тузилиши, унинг қисмлари ўртасида мутаносибликка эришиш. Мактабгача таълим муассасасида композиция устида ишни ап...



...дан бошлаш мақсадга мувофиқ, чунки бунда болалар ...ларни ёпиштиришдан олдин, уларни жойдан-жойга суриб ...имкониятига эга бўладилар.

**...мпьютер ўйинлари** – ўйин турларидан бири, бунда ўйинда ...йловчи ёки шерик вазифасини компьютер бажаради, ўйин ...ини ва юзага келадиган ўйин вазиятлари эса монитор экра... акс эттирилади. Турлари: мантиқий ўйинлар (шашка, нол... крестчалар каби стол устида ўйналадиган анъанавий ўйин..., таълим берувчи ва ривожлантирувчи (бошқотирмалар, мо...лар ва ҳ.к.), ҳаракатчан (тетрис, саёҳат ўйинлар ва ҳ.к.). Мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда компьютер ўйин...дан фойдаланиш ҳам ижобий, ҳам салбий томонларга эга.

**Конвенция** – бирор махсус масала юзасидан давлатлар ўрта... тузиладиган шартнома, битим, келишув.

**Конгруэнтлик** – вербал (нутқий) хулқ-атворнинг нутқий ...маган хулқ-атворга мослиги, педагоглар ва психологларнинг ...сбий маҳоратини белгилайдиган муҳим сифатлардан бири.

**Конкретлаштириш (аниқлаштириш)** – билиш усулларидан бири. Абстракциялашдан фарқли ўлароқ, муайян предмет тўғри... тўлиқ билим олишни кўзда тутади, илмий абстракцияларни ... фактлар ва муносабатлар тизимига киритиш йўли билан ...ларнинг мазмунини очиб бериш имконини яратади.

**Конституция** (лотинча constitution – тузилиш) – давлатнинг ...ош қонуни, ижтимоий ва давлат қурилиши, ваколатли давлат ...рганларини ташкил этиш тартиби ва тамойиллари, сайлов тизи..., фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бера.... Конституция – давлат қонунчилигининг пойдевори.

**Конструктив ўйинчоқлар** – болаларнинг ихтирочилигига қаратилган, қўл меҳнати билан боғлиқ ўйинчоқлар. Мас., бу борада қурилиш деталлари тўпламлари ҳар хил иншоотлар ва қурилмалар учун турли шаклдаги деталлар комплектларидан иборат. Конструкторлар ҳар хил конструкцияларни йиғиш учун деталлар, маҳкамловчи элементлар ва асбоблар тўпламидан ибо...рат бўлади. Конструктив ўйинчоқларда деталларни бириктириш...нинг турли усуллари қўлланади: устма-уст қўйиш, ёнига тиркаш, маҳкамловчи мосламалар билан бириктириш.

**Конструкциялаш** – 1) турли предметлар, қисмлар, элемент...ларни ўзаро муайян ҳолатга келтириш; 2) мактабгача ёшдаги бола фаолиятининг маҳсулдор турларидан бири, у намунага

қараб, қўйилган шартларга ёки боланинг шахсий фикрига кў конструкция яратишни кўзда тутади. Конструкциялаш жараё да иморатлар «қуриш», предметлар, уларнинг қисмлари ва эл ментларини ўзаро муайян ҳолатга келтириш, уларни ўзаро б риктириш усулларини муайян мантиққа асосан ҳисобга олиш кўзда тутган конструктив-техник масалалар ҳал қилинади. Ма табгача ёшдаги болалар билан ишлашда қўлланадиган асоси конструкциялаш турлари: қурилиш материалидан конструкци лаш; конструкторлар деталларидан конструкциялаш, қоғозд конструкциялаш, табиий материалдан конструкциялаш, комп ютерда ва амалий конструкциялаш, йирик габаритли модулл дан конструкциялаш.

**Контаминация** – икки ва ундан ортиқ сўзларнинг элемент рини қориштириб, сўзни нотўғри талаффуз этиш. Ушбу ҳола нинг юзага келишига сўзларнинг ташқи жиҳатдан ўхшашлиг сабаб бўлади. Контаминация *алалия*, *афазия* каби ҳолларда ку затилади.

**Контурли расм** – фақат контурлардан (предметларнинг ташқи шаклини белгилайдиган чизиқлардан) иборат бўлган штрихси рангсиз расм. Мактабгача ёшдаги болаларни геометрик шакл лар билан таништиришга бағишланган машғулотларда кўпроқ қўлланади.

**Конус** – тўғри бурчакли учбурчакнинг ўз катетларидан бири нинг атрофида айланишидан ҳосил бўлган геометрик жисм. Мак табгача муассасанинг катта гуруҳидан бошлаб, математика маш ғулотларида фақат тўғри айлана конус кўриб чиқилади. Конус билан танишиш болаларнинг геометрик шакллар тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтиради, ясси геометрик шакллар тўғри сидаги билимларни мустаҳкамлаш ва улардан янги вазиятларда фойдалана олиш имконини беради. Атроф-муҳитдан конуссимон шаклларни ажрата олиш, конуссимон ва цилиндрсимон шакллар ни фарқлашга қаратилган ишлар машғулотларнинг мажбурий қисмлари ҳисобланади.

**Конфигурация** – бирон-бир предмет ёки унинг қисмларининг ташқи қиёфаси, шунингдек ўзаро жойлашиши.

**Конфликтология** – тўқнашувли вазиятларни очиб бериш табиати тўғрисидаги фан.

**Концентрация** – қўзғатиш ва тормозланиш жараёнларининг иррадиациядан сўнг қўзғатиш ёки тормозланиш кучлари энг кат



ta бўлган дастлабки ўчоққа (участкага) яна қайтиб келишга ва шу туфайли уларнинг изларини турғун сақлаб қолишга қодирли ги. Концентрация шартли рағбатлантирувчи омилларни фарқ лаш, шартли-рефлектор реакцияларни дифференциациялаш ме ханизмларининг асосини ташкил этади.

**Концепция** (лотин. conception – тушуниш, англаш, тизим) – бирон-бир ҳодисаларни тушуниш, изоҳлашнинг муайян усули, шубу ҳодисаларни ёритиш учун хизмат қиладиган асосий нуқтаи назар, ғоя; ҳар хил фаолият турларининг етакчи ғояси, мағзи, конструктив тамойили.

**Коррекцион ритмика** – фаол мусиқа терапияси ва кинезитерапия тури, унинг асосида мусиқали ва ҳаракатли ритмик таъсир синтези ётади.

**Коррекцион-тарбиявий иш** – ривожланишида чекинишлар бўлган болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишидаги камчиликларни бартараф этиш ёки кучсизлантиришга қаратилган педагогик чора-тадбирлар тизими.

**Коррекциялаш** – ақлий ёки жисмоний, нутқий ривожланишида муаммоси бўлган болаларнинг руҳий ёки жисмоний ривожланишидаги камчиликларни педагогик усул ва чора-тадбирлар ёрдамида қисман ёки бутунлай бартараф этиш. Коррекциялашнинг аниқ мақсади, вазифалари ва усуллари боланинг индивидуал хусусиятлари ва тараққиётидаги камчиликларига қараб белгиланади. Коррекциялаш масалалари махсус педагогиканинг турли соҳалари – *сурдопедагогика*, *тифлопедагогика*, *логопедия* да ўрганилади.

**Коррекцияловчи жисмоний машқлар** – боланинг ҳаракатлари, гавдасини тутиши, юришида кузатиладиган бирон-бир камчиликлар ёки хатоларни тузатишга қаратилган махсус ҳаракатлар.

**Коррекция методикаси** – таълимий мақсадларга эришишда қўлланадиган махсус таълимий шакллар ва воситалар мажмуаси.

**Коррекция педагогикаси** – махсус педагогиканинг ҳар бир йўналиши учун таълим қонуниятларини тадқиқ қилади. Мас., «Кўзи ожиз болалар мактабларида математика ўқитиш методикаси», «Кар болалар мактабида она тили ўқитиш методикаси» ва б. Яна қ. *Махсус педагогика*.

**Корреляция** (лотин. correlatio – ўзаро алоқа, нисбатлаш, солиштириш) – предметлар ёки тушунчалар ўртасидаги ўзаро ало-

қалар, боғлиқликлар, нисбатлар; ўрганилаётган ҳодисалар ўр[illegible]сида мавжуд бўлган статистик алоқани билдирувчи матема[illegible] тушунча.

**Коуч** – ривожлантирувчи (шахсни, ташкилотни ва ҳ.к.) м[illegible] лаҳатчи.

**Коучинг** (инглиз., coaching – машқ қилдириш) – машқ қилд[illegible]риш, репетиторлик қилиш, имтиҳон ёки мусобақаларга тайё[illegible]лаш, йўл-йўриқ кўрсатиш, кўнгил кўтариш. Торроқ маънода [illegible] учинг биргаликда эришиш, ривожланиш маъноларини билдир[illegible]ди. Бир сўз билан айтганда, коучинг ривожлантирувчи маслаҳа[illegible] бериш маъносини билдиради.

**Кохлеар имплантация** – эшитиш сезгиларини жарроҳлик йў[illegible] билан қайта тиклаш. Бунда қулоқда (қулоқнинг ички бўлимида[illegible]) жойлашган эшитиш нервларининг афферент толаларига бевос[illegible]та электр қўзғатувчилик вазифасини бажарувчи электрод тизим[illegible]лар уланади.

**Креативлик** – шахснинг нисбатан барқарор характеристи[illegible]сини ташкил қиладиган ижодий истеъдодлик даражаси, ижо[illegible] қилишга бўлган қобилияти. Дастлаб креативлик интеллект фун[illegible]цияси сифатида олиб қаралар, интеллект креативлик даражас[illegible] га тенглаштирилар эди. Кейинчалик маълум бўлишича, интел[illegible]лект даражаси креативлик билан маълум чегарагача *корреляци[illegible]* қилинар экан, ўта юқори интеллект эса креативликка тўсқинли[illegible] қилар экан.

**Кредитор** – кредит (қарз) берувчи шахс, ташкилот.

**Куб** – олтита квадрат билан чекланган геометрик жисм. Куб тўғрисидаги тасаввур болаларда иккинчи кичик гуруҳ ёшидан бошлаб шаклланади. Бунда куб шар билан қиёсланади. Бу муам[illegible]моли таълим усулини қўллаш ҳамда бурчакли ва юмалоқ шакл[illegible]ларнинг фарқларини кўрсатиш имконини беради. Бу борада ушбу шаклни атрофдаги предметлар орасидан топиш бўйича олиб бо[illegible]риладиган иш ғоят муҳим ва мажбурийдир.

**Кузатиш** – дастлабки эмпирик маълумотларни тўплаш мақ[illegible]садида атроф-муҳит ҳодисалари, воқеалари, инсоният тўпла[illegible]ган билимларни муайян фаолият, жумладан тадқиқот вазифа[illegible]лари билан боғлиқ ҳолда мақсадга йўналтирилган идрок этиш. Кузатиш ҳамма вақт бироз субъектив характерга эга бўлади, чунки керакли фактни қайд этишда унга кузатувчи учун мақ[illegible]бул жиҳатдан ёндашиш ва натижада унинг истагига кўра тал[illegible]



[illegible]қин этиш мумкин. Вақтидан илгари қилинган умумлашмалар [illegible] хулосалардан воз кечиш, қайта-қайта кузатишларни амал[illegible]га ошириш, бошқа тадқиқот методлари билан назорат қилиб [illegible]бориш кузатишнинг объективлигини (холислигини) таъминлай[illegible]ди.

**Кульминация** – бадиий асарда ҳаракатнинг олий кучланиш нуқтасига етиши; болалар психологиясида бола хатти-ҳаракат[illegible]лари ва руҳий ҳолатининг таранглашган пайти. Кульминация пайтида катталар ўта таъсирчан кичкинтойларда эмоционал зўри[illegible]қишнинг олдини олиш мақсадида болаларнинг хатти-ҳаракатла[illegible]рини диққат билан кузатишлари зарур.

**Куратор** (лотин. curator – васий, нозир, мутавалли) – 1) би[illegible]рон-бир ишнинг (мас., ўқув муассасаси ишининг) боришини ку[illegible]затиш топширилган шахс; 2) клиникада беморни кузатиш топши[illegible]рилган талаба; 3) ўқув тўгараги раҳбари, ўқитувчи.

**Кутубхона** – ахборот, маданий, таълим муассасаси; турли со[illegible]ҳаларга оид китоблар, илмий асарлар, журналлар ҳамда бошқа [illegible]тўплаб турдаги ҳужжатлардан иборат махсус ташкиллаштирил[illegible]ган фондга эга бўлиб, уларни жисмоний ва юридик шахсларга [illegible]вақтинчалик фойдаланиш учун берадиган муассаса.

**Кўз гимнастикаси** – кўз функцияси бузилишларини профилак[illegible]тика қилиш ва яхшилаш мақсадида кўриш органларининг бажа[illegible]риши учун мўлжалланган махсус машқлар тизими. Кўз ҳаракати гимнастикаси жисмоний тарбия соатларига жисмоний тарбия дақиқаси сифатида киритилиши мумкин.

**Кўзи ожиз болалар** – кўриш қобилиятининг бузилиши ёки йўқо[illegible]лиши юзага келган болалар. Жисмоний ривожланишдаги ушбу муаммолар туғма ёки ҳаёт давомида юзага келиши мумкин.

**Кўзи ожиз-кар-соқов болалар** – туғма ёки илк ёшда кўриш ва эшитиш қобилияти бузилган болалар. Кўзи ожизлик ва кар[illegible]лик эшитув ва кўрувнинг илк даврида қисман йўқолиши оқибати[illegible]да ҳам вужудга келиши мумкин. Кўзи ожиз-кар болалар нутқи мустақил равишда шаклланмайди, махсус ўқитиш жараёнини талаб қилади. Бундай таълим-тарбия натижасида уларда сўзла[illegible]шув нутқининг дактил, ёзма, оғзаки шакллари ривожланади. Ушбу тоифага мансуб шахслар ўзаро мулоқотда дактилогра[illegible]фия орқали алоқага киришадилар. Яъни мулоқотга киришув[illegible]чилар қўлларини бир-бирларининг кафтларига қўйган ҳолда муносабатга киришадилар. Таълим жараёнида ёзма нутқни

шакллантириш воситаси сифатида *Брайл ёзуви* хизмат қил-ди. Собиқ Иттифоқ миқёсида кўзи ожиз-кар болалар таълим-тарбияси Загорск шаҳрида ташкил этилган махсус мактаб-интернатда амалга оширилар эди. Махсус талабларга мувофиқ гуруҳ ва синфдаги ўқувчилар сони 4-5 нафардан ошмаслиги лозим. Республикамизда бундай тоифадаги болалар таълим-тарбияси алоҳида эътибор берилмоқда. Шуни ҳам айтиш жоизки, йирик олимларнинг фикрича, табиат қонунларига мувофиқ равишда бундай шахсларнинг дунёга келиши даҳоларнинг туғилиши билан тенг жуда кам учрайдиган ҳодиса экан.

**Кўнгиллилар** – ҳомийлик кўрсатилаётган шахс ёхуд ташкилотнинг манфаатларини кўзлаб бепул ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шаклидаги ҳомийликни амалга оширувчи жисмоний шахслар.

**Кўникма** – кўп марталаб такрорлаш йўли билан шаклланган, юқори даражада ўзлаштириб олинган, онгнинг иштирокини талаб қилмаган ҳаракат. Турлари: перцептив, интеллектуал, ҳаракатга асосланган. Кўникмани шакллантиришда учта асосий босқич фарқланади: аналитик (ҳаракатнинг алоҳида элементларини ажратиб олиш ва ўзлаштириш), синтетик (ўзлаштириб олинган элементларни бир бутун ҳаракатга бирлаштириш), автоматлаштириш (ҳаракатларни кетма-кет ва мақсадга мувофиқ қайтариш). Бундан кўзланадиган мақсад – ҳаракатларнинг бир маромда ра-вон ва керакли тезликда бажарилишига эришиш. Мактабгача ёшдаги болаларда кўникма тақлид, кўрсатиш, тушунтириш ва буларнинг бирикмаси асосида шакллантирилиши мумкин.

**Кўпбурчак** – туташган синиқ чизиқ билан чекланган ясси геометрик шакл; синиқ чизиқнинг бўғинлари кўпбурчакнинг томонлари, бошлари кўпбурчак учлари деб аталади. Учларнинг сонига қараб, учбурчаклар, тўртбурчаклар ва ҳ.к. фарқланади. Агар кўпбурчакнинг ҳаммаси унинг бош чизиғидан бир томонда жойлашган бўлса, бундай кўпбурчак қавариқ (туртиб чиққан) деб, акс ҳолда қавариқ бўлмаган кўпбурчак деб аталади. Агар ҳамма томонлари ва ҳамма ички бурчаклари тенг бўлса, бундай кўпбурчак тўғри кўпбурчак бўлади. Кўпбурчак ҳақидаги дастлабки тасаввур МТМнинг тайёрлов гуруҳида болалар томонидан сенсор-перцептив даражада ўзлаштириладиган умумлашма сифатида берилади. Кўпбурчак ҳақидаги тасаввурнинг шаклланиши



...лалар билимларини тизимлаштириш, шакллар ўртасидаги ...ро муносабатларни тушунтириш, шунингдек миқдорий тушун...лар билан геометрик шакллар тушунчалари ўртасидаги ало...ни кўрсатиш имконини берадики, бу болаларнинг умумий ма...матик ривожланиши учсун асос яратади.

**Кўплик** – энг содда математик тушунча, у аниқлаштирилмай...и, балки мисоллар ёрдамида тушунтирилади: жовондаги китоблар ...плиги, тўғри чизиқдаги нуқталар кўплиги ва ҳ.к. Кўплик ...ҳидаги тасаввурларни ривожлантиришга қаратилган иш ик...чи кичик гуруҳдан бошланади. Болалар кўплаб бир турдаги ...дметларни танлаш, кўпликнинг таркибий қисмларини кўра ...ш, тенглиги ва тенгсизлигини белгилаш, муайян кўпликни ...глаштиришга ўрганадилар.

**Кўргазма** – моддий ва маънавий соҳадаги фаолият ютуқлари...ни намойиш этиш воситаси.

**Кўргазмали дидактик материал** – йирик форматда ва қаттиқ ...ғозда (картон ёки бошқа бирон-бир қалин асосда) бажарил...ган ва гуруҳда ўқитишда қўлланадиган кўргазма воситаси. Таъ...лим вазифаларига боғлиқ ҳолда кўргазмали дидактик материал ...катта форматли расмлардан, тасвирий санъат асарлари репро...дукцияларидан, предметлар, ҳайвонлар, табиат ҳодисалари тас...вирланган рангли фотосуратлар ёки расмлардан, шунингдек жад...валлар, схемалар, белгилардан иборат бўлиши мумкин. Улар педагогик фаолиятда улардан фойдаланишга оид йўриқномалар ёки қисқача методик кўрсатмалар билан таъминланган бўлиши мумкин.

**Кўргазмалилик** – 1) билиш объекти бўлган психик образлар...нинг билиш субъекти учун тушунарлилик даражасини ифодалай...диган хусусият; 2) таълим тамойилларидан бири бўлиб, унга кўра таълим моддий оламнинг у ёки бу объектлари, жараёнлари ёки уларнинг тасвирлари кишилар томонидан идрок этилиши (кўриш, эшитиш ва бошқа сезги органлари ёрдамида) асосида амалга оширилади.

**Кўриб идрок этиш** – воқелик предметлари ва ҳодисаларининг кўриш органларига бевосита таъсир кўрсатиши натижасида бутун мураккаблигида акс этиши жараёни. Кўриш орқали идрок этилаётган предметлар, ҳодисалар ва белгиларнинг моҳиятини аввал кўрганлар билан солиштириш орқалигина англаб етиш мумкин.

**Кўриш анализатори** – кўриш сезгиларини ҳосил қилувчи нерв механизмлари. Кўриш анализаторининг пўстлоқ учи энсада жойлашган бўлиб, у ерда кўриш сезгилари шаклланади. Кўриш анализаторининг ўтказувчи йўллари кўриш нервларидир. Ушбу анализатор нутқ ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Кўриш анализатори фаолиятининг меъёрдан чиқиши турли даражадаги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин: кўриш анализаторининг периферик учининг жароҳатланиши кўзи ожизлик ёки заиф кўрувчиликни келтириб чиқаради; пўстлоқ учининг жароҳатланиши эса кўриш сезгиларининг бузилишига, мас., *ойнавон хат*... га олиб келади.

**Кўришнинг ишга лаёқатлилиги** – кишида кўриш қобилиятининг маълум вақт мобайнида йўл қўйса бўладиган кичик хато... лар билан амал қилиши.

**Кўриш қолдиғи** – эшитишида муаммоси бўлган шахсларда эшитиш идроки (қобилияти) имкониятларининг сақланганлик даражаси.

**Кўрсатма** – МТМда сўз воситасида кўрсатма бериш усули; бунда болаларга тегишли натижага эришиш учун қандай ҳаракат қилиш лозимлиги кўрсатма тарзида тушунтирилади. Турлари: таълим берувчи кўрсатмалар, ташкилий кўрсатмалар, инти... зомий кўрсатмалар.

## Л

**Лабдан ўқиш** – нутқ органларининг кўринадиган ҳаракатларини қабул қилиш орқали оғзаки нутқни идрок этиш. Нутқни эшитиш орқали идрок этишдаги камчиликларни қисман тўлдиради.

**Лавозим** – давлат, ижтимоий, хусусий ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларда шахс томонидан бажариладиган белгиланган (конституцияда) ижтимоий роль (вазифа); бўлинмалар тузилмасининг (ишлаб чиқариш, илмий, бошқарув ва ҳ.к.) элементи. Ходим ваколатлари чегарасини, яъни унинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва масъулиятлари доирасини белгилайди. Бўлинмалар бўйича лавозимлар мажмуи ташкилотнинг штат жадвалини ташкил қилади.

**Лавозим йўриқномаси** – меъёрий ҳужжат бўлиб, ходимнинг ташкилот тузилмасидаги фаолиятини тартибга солиб туради, ташкилий-ҳуқуқий низомни, ушбу низомнинг мазмуни ва самарали ишлаш шартларини белгилаб беради. Бошқа номи – иш... лар тавсифи. Лавозим йўриқномасида ходимнинг мажбуриятлари баён этилади ва тобеълик даражаси кўрсатилади. Қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: умумий қоидалар, функциялар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ходимнинг масъулияти, ўзаро муносабатлар (лавозим бўйича алоқалар). Одатда ташкилот ҳамда унинг тузилмавий бўлинмалари тўғрисидаги мавжуд низомлар асосида ишлаб чиқилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.



**Лавозим мажбуриятлари** – муайян лавозимни эгаллаб турган ходим зиммасига юкланадиган аниқ мажбуриятлар. Педагогик ходимларнинг лавозим мажбуриятлари таълим муассасаларида ходимларнинг тариф-малакавий характеристикаларида ва лавозим йўриқномаларида ўз аксини топган.

**Лавозим оклади** – иш ҳақи қиймати (ҳафталик, ойлик, йиллик), пул бирликларида ифодаланади ва ташкилотдаги муайян иш жойи (лавозим)га мос келади.

**Лавозим тузилмаси** – ходимларнинг мажбурий ижтимоий роллари (лавозимлари), вазифалари ва функциялари ўртасида расмий белгиланган муносабатлар модели, ўзаро келишилган хатти-ҳаракатларни ташкил этиш учун хизмат қилади.

**Лавозимга киритиш** – янги ходимлар ташкилотга ишга қабул қилингач, қисқа вақт ичида юқори унумдорликда ишлай олишини таъминлайдиган жараён. Қисқа вақт ичида самарали натижага эришиш учун, жараён режалаштирилиши, ташкиллаштирилиши ва ташкилотнинг ходимларни тайёрлаш режасига киритилган бўлиши лозим.

**Лавозимни эгаллаш** – ташкилотда фуқаронинг лавозим мақомида эга бўлиш усули, лавозимга тайинлаш орқали расмийлаштирилади. Лавозимни эгаллашнинг асосий усуллари: танлов, тайинланиш, сайловлар.

**Лавозимнинг ўзгариши** – ходим лавозимининг белгиланган тартибда амалга оширилган ўзгариши. Лавозим ўзгаришининг вектори лавозим тузилмаси бўйича «юқорига» ёки «қуйига» йўлланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда лавозим ўзгаришида юқорилаш ёки пастлаш тўғрисида гап боради. Битта табақавий даражадаги лавозимлар гуруҳида бундай ўзгаришларни «горизонтал» ёки «вертикал» деб ҳисоблаш одат тусига кирган.

**Ламбдацизм** – «Л» товушини нотўғри талаффуз этиш.

**Ландшафт архитектураси** – табиий ландшафт, яъни бир[...] табиий муҳитни архитектура мажмуалари билан уйғун бирла[...] тириш санъати.

**Ларингоскопия** – ҳиқилдоқ ва унинг ички деворини ларинго[...] коп (металл таёқчага маҳкамлаб қўйилган юмалоқ кўзгу) ё[...] махсус ёритувчи аппаратлар ёрдамида текшириш. Бундай усу[...] да махсус шпатель ёки бронхоскопдан ҳам фойдаланилади.

**Латифа** – нозик фаҳм билан айтилган кичик ҳажмли кулги[...] халқ ҳикояси. Латифа баъзан нодира, зарифа ва ажиба деб ҳ[...] юритилган. Латифа – халқ оғзаки ижодининг энг оммабоп жа[...] рларидан бири. Халқ латифаларининг қаҳрамони Насридди[...] Афанди бўлиб, у ўз донолиги, ҳозиржавоблиги, тадбиркорлиги, сўзамоллиги билан салбий характердаги кишиларни мот қила[...] ди. Латифа кўпинча Афанди деб ҳам юритилади. Афанди тур[...] миллатларда, масалан, тожикларда Мушфиқий, туркманлар, қозоқлар ва қирғизларда Алдаркўса деб номланади. Замонавий латифалар юмористик характерда бўлиб, уларда бюрократлар, амалпарастлар, боқибеғам кишилар енгил кулгу билан танқид қилинади, эскича ақидалар фош қилинади.

**Лексика** – тилда мавжуд бўлган барча сўзлар ва иборалар йиғиндиси, яъни тилнинг луғат таркиби. Лексика маълум қонун-қоидага бўйсунадиган изчил ва мураккаб системани ташкил қила[...] ди. Ҳар бир тилнинг лексикаси тўхтовсиз ўзгариб туради. Унинг кенгайиб бориши жамият тараққиёти (ишлаб чиқариш, фан, техника, санъат ва маданиятнинг ривожланиши) билан чамбарчас боғлиқ. Нутқ компонентларининг бузилиши *алалия, афазия* камчиликларида кузатилади. Нутқ лексик компонентининг бузилиши фонетик ва грамматик қурилишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир логопедик машғулотда луғатни бойитиш билан бир қаторда товушларни коррекциялаш ва аграмматизмларни бартараф этиш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

**Лессировка** – рассомлик санъати техникасида қўлланадиган усуллардан бири, бунда рангли бўёқларда ишланган расм устидан бошқа жуда юпқа ва тиниқ ранг бериладики, бу ранглар колоритини бойитишга хизмат қилади.

**Лицензиат** – фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс.



**Лицензия** (лотин., licentia – эркинлик, ҳуқуқ) –лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган рухсатнома (ҳуқуқ).

**Лицензия даъвогари** – лицензияловчи органга фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик ёки жисмоний шахс.

**Лицензия талаблари ва шартлари** – фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошираётганда *лицензиат* томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуаси.

**Лицензия шартномаси** – фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун *лицензиат*нинг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши борасидаги лицензияловчи орган билан *лицензия даъвогари* ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган ва улар ўртасида тузиладиган шартнома.

**Лицензиялар реестри** – берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар, шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган лицензияловчи органларнинг маълумотлар базалари мажмуи.

**Лицензиялаш** – лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси.

**Лицензияловчи органлар** – қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар.

**Логик урғу** – сўз маъносини кучайтириш, таъкидлаш мақсадида гапдаги бирор сўзни бошқаларга нисбатан кучлироқ талаффуз этиш.

**Логоневроз** (юнон. logos – сўз, нутқ ва nervuz – нерв) – нутқ бузилишининг бир кўриниши, дудуқланиш (тутилиб гапириш).

**Логопат** – нутқида камчилиги бор кимса.

**Логопат болалар** – эшитиш ва ақлий ривожланиш билан боғлиқ бўлмаган нутқий бузилишга эга бўлган барча болаларга нисбатан қўлланиладиган тушунча.

**Логопатия** (юнон. logos – сўз, нутқ ва pathos – касаллик) – карлик билан боғлиқ бўлмаган, яъни эшитиш қобилияти меъёрда

бўла туриб юзага келган нутқ бузилишларини билдирадиган ма[хсус атама]. Талаффуз, лексика (луғат), грамматик тизимдаги кам[чиликлар], нутқ суръатининг бузилиши, ёзма нутқдаги камчили[клар] логопатияга киради. Логопатияни ўрганиш, бартараф эти[ш], олдини олиш масалалари билан *логопедия* фани шуғулланади. Қ. *Аграфия. Алалия. Дизартрия. Дисграфия. Дислалия. Дудуқлани[ш].*

**Логопед** – болалар ва катталар нуқтидаги камчиликларни бартараф этиш билан шуғулланадиган махсус педагог. Унинг вазифаси нутқида нуқсонлари бор кишиларни аниқлаш, нутқлари нуқсонларини бартараф этиш, нуқсонларнинг олдини олиш, логопедия билимларини аҳоли ва ўқитувчилар ўртасида ташвиқот қилишдан иборат.

**Логопедик зондлар** – талаффуздаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида нутқ органларининг ҳолатини ва ҳаракатини тўғрилаш учун ишлатиладиган махсус механик мосламалар.

**Логопедик пунктлар** – умумтаълим мактаблари қошида амал қилади. Логопедик пунктга битта туманда яқин жойлашган бир нечта мактаб бириктирилган бўлади. Логопед ёки поликлиникалар шифокорлари йўлланмаси билан ажратиб олинган логопедик ёрдамга муҳтож болалар нутқ туқсонларининг кўриниши ва даражасига қараб гуруҳларга ажратилади.

**Логопедик ритмика** – сўзлар, мусиқа ва ҳаракатларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган фаол терапия шаклларидан бири.

**Логопедия** (юнон. 1ogos – сўз, нутқ ва paideia – ўқитаман, таълим бераман) – нутқий ривожланишида муаммолари бўлган шахслар таълими, тарбияси масалалари билан шуғулланувчи коррекциялаш педагогикасининг бир тармоғи. Логопедия – нутқ камчиликларини махсус таълим-тарбия йўллари орқали тузатиш, уларни ўрганиш ва олдини олиш масалалари, бартараф этиш методларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи фан. Умумий педагогика фанининг бир тармоғи. Яна қ. *Нутқий муаммо*.

**Логопедларнинг методик бирлашмалари** – логопедлар малакасини ошириш юзасидан олиб бориладиган ишни ташкил қилиш шаклларидан бири. Шаҳар ва туман миқёсида ташкил этилади. Асосий вазифалари: амалий масалаларни муҳокама қилиш; тажриба алмашинишни ташкил этиш; илғор логопедларнинг илғор тажрибаларини кенг ёйиш, илмий маърузаларни муҳокама этиш ва уларнинг натижаларини амалиётта жорий этиш; индивидуал



[ва] гуруҳли машғулотларни, ўқув материалини режалаштириш, [маш]ғулотларни кузатиш ва таҳлил этиш.

**Логотип** – белги, эмблема

**Логофобия** – (юнон. 1ogos – сўз, нутқ ва phobos – қўрқув, ва[ҳима]) – сўз, нутқни талаффуз этишдан қўрқиш ҳолати.

**Лойиҳалар методи** – XIX асрда АҚШнинг қишлоқ хўжалиги [мак]табларида юзага келган таълим бериш методи. Педагогиканинг прагматик йўналишига асосланган ҳолда, таълим жараёни[да] ўқувчиларга бериладиган амалий топшириқларни лойиҳалаш [в]а уларни ўқувчиларнинг бажаришлари жараёнида билим ва [кў]никмаларини намоён қилишларини таъминловчи таълим шак[ли].

**Локомоциялар** – ўзаро мослашган (мувофиқлаштирилган) [ҳ]аракатлар мажмуи; уларнинг ёрдамида инсон ёки ҳайвон фазо[да] ҳаракатланади.

**Лоқайдлик** – 1) эътиборсизлик, бепарволик. 2) ўзгаларнинг [ж]исмоний ёки маънавий қийналишига бепарво бўлишда, ҳамсуҳ[б]атига ўз эътибори ва вақтини сарфлашни хоҳламасликда намо[ён] бўладиган муносабат.

**Луғатни фаоллаштириш** – нофаол (пассив) луғатни фаол (ак[тив]) луғатга ўтказишга, болаларнинг фаол луғатини ривожлан[ти]ришга қаратилган иш. Агар бола сўздан ўзининг эркин, муста[қил] нутқида ақалли бир марта фойдаланган бўлса ҳам, бу сўз фаоллаштирилган ҳисобланади.

## М

**Мавзу бўйича назорат** – мактабгача таълим муассасаларида [эн]г кенг тарқалган назорат тури; тарбиячиларнинг иш тизимини [да]стурда кўзда тутилган муайян мавзу доирасида текширишни [кў]зда тутади. Бу назорат асосан услубчи томонидан қуйидаги йўналишларда олиб борилади: дастурдаги маълум бўлимининг бажарилиши; тарбиячининг машғулот олиб бориш методикаси[н]и ўзлаштирганлиги; болаларнинг маданий-гигиеник кўникма[ла]ри даражаси.

**Магистр** – фундаментал илмий базага эга бўлган, илмий ижо[д]иёт методологиясини, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштирган, илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга [т]айёр бўлган мутахассиснинг иккинчи илмий даражаси. Магистр[л]ик даражаси одатда бакалавр даражасини олган мутахассис

яна икки йил давомида олий ўқув муассасасида таълим олган... дан кейин тақдим этилади.

**Магистратура** – олий ўқув муассасаси талабаларига ўзлари... ни илмий-тадқиқот, илмий-педагогик фаолиятга тайёрлаш ҳамда олий касбий таълим мутахассислиги бўйича ўқишни давом этти... риш имконини берадиган таълим босқичи.

**Маданий бойликлар** – аждодлардан авлодларга ворисийлик асосида етиб келган, инсониятнинг бугуни ва келажаги учун катта аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлар, бутун инсоният мулкини ташкил этувчи буюк маданий ва табиий ёдгорликларни ифода этувчи тушунча. Маданий бойликлар халқ... нинг, миллатнинг асрлар мобайнида ёзма манбалар ва халқ оғ... заки ижодида ифодаланган, объективлашган ва субъективлаш... ган нарса ва буюмларда акс эттирилган моддий, маънавий фао... лият маҳсулидир.

**Маданий мерос** – авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва маданий қарашлар, халқ маданияти ва ижодида ифодаланган моддий ҳамда маънавий бойликларни англатувчи тушунча. Ҳар бир давр маданий мерос ривожига ўзига хос ҳисса қўшади. Масалан, Қадимий юнон маданияти доирасида фан, адабиёт ва санъат соҳасида яратилган нодир асарлар ва ёдгорликлар ҳозиргача инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Ёхуд Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минерология, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар, ўлмас осори атиқалар бу қўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради».

**Маданий-гигиеник кўникмалар** – тозаликка ва шахсий гигиенага риоя қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар, овқатланиш маданияти кўникмалари (идишлар, приборлардан фойдаланиш, овқатга муносабат), шахсий буюмларни асраб авайлаш, атрофни озода ва тартибда тутишга интилиш. Болаларда маданий гигиеник кўникмаларни шакллантириш аввал катталар раҳбарлигида, уларга тақлидан, уларнинг шахсий намунаси асосида, хат...



...ҳаракатлар кетма-кетлиги ва алгоритмини намойиш қилиш орқали, шунингдек расмларни кўриш, ўйин усулларини қўллаш, педагогик баҳолаш каби тарбиявий воситалар ёрдамида амалга оширилади.

**Маданиятлараро (интермаданий) коммуникация** – маданиятларнинг ўзаро бевосита муносабатлари жараёни; турли миллий маданиятга мансуб иккита коммуникатив ҳодиса қатнашчисининг бир-бирини айнан бир хил (адекват) тушуниши; алоҳида маданият тури, миллий маданиятларнинг ўзаро муносабатлари; шахснинг этномаданий билимдонлиги, бағрикенглиги (толерантлиги), мулоқотнинг ҳар қандай соҳасида миллатлараро ҳамжиҳатликка интилганлик билан ажралиб туради.

**Мажмуавий (комплекс) машғулот** – қўйилган ўқув-тарбия вазифалари ҳар хил санъат турлари ва болаларнинг бадиий фаолияти (бадиий-нутқий, мусиқий, тасвирий, театрлашган ўйин, бадиий маҳсулдор – қўл меҳанти, коструктолик) ёрдамида ҳал қилинадиган машғулотлар. Бу машғулотларнинг ягона бадиий образи болаларга ифодалилик воситаларининг ўзига хос жиҳатларини ажратиш, адабий, мусиқий, тасвирий санъат асарининг эмоционал-образли мазмунини кўрсатиб беришда умумий тенденцияларни англаб етишга ёрдам беради.

**Мажоз (аллегория)** – мавҳум тушунча ёки ҳодисанинг аниқ бадиий образда ифодаланганлиги; киноя, қочирим.

**Макет** – бирон нарсанинг ўлчамлари кичрайтирилган модели, дастлабки намунаси.

**Макроглоссия** – тил мушакларининг гипертрофияси (катталашиб кетиши). Бунда тил оғиз бўшлиғини тўлдиради, айрим пайтда оғиз бўшлиғига сиғмай, тишларнинг орасидан чиқиб туради. Бунда нутқ ноаниқ бўлади, сирғалувчи, тил олди ва сонор товушларнинг талаффузи бузилган бўлади.

**Мактаб таълимига тайёрлик** – мактабгача катта ёшдаги боланинг мунтазам ташкил этилган мактаб таълимига муваффақиятли ўтишини таъминлайдиган морфофизиологик ва психологик хусусиятлари мажмуи. Бола организми, хусусан унинг нерв тизимининг вояга етиши, руҳий жараёнларнинг ривожланиш даражаси, шахснинг шаклланганлик даражаси ва ҳ.к. билан белгиланади. Мактаб таълимига тайёрликнинг бир нечта тури мавжуд: биологик, психологик, педагогик, психологик-педагогик.

**Мактабгача болалик** – боланинг туғилганидан то мак[тг]боргунча бўлган ривожланиш даври; бола организмини[нг] дал вояга етиши ва руҳиятининг шаклланиши билан белги[лан]ди.

**Мактабгача ёш** – боланинг руҳий ривожланиш босқичи. [Бо]ла ривожланишининг ҳозирги замон миллий даврлаштирил[иши] бўйича 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даври.

**Мактабгача ёшдаги бола компетентлиги** – мактабгача ё[шда]ги бола шахсининг асосий характеристикаси. Коммуника[тив,] ижтимоий, интеллектуал компетентликни ҳамда жисмоний ри[вож]ланиш борасидаги компетентликни ўз ичига олади. Коммуни[ка]тив компетентлик боланинг ўз истаклари, ниятларини нутқий [ва] нутқий бўлмаган (имо-ишора, мимик ва пантомимик) восита[лар] ёрдамида эркин ифода этишида намоён бўлади.

**Мактабгача ёшдаги боланинг креативлиги** – мактабгача ё[шда]ги бола шахсини тавсифловчи асосий мезонлардан бири, у бо[ла]нинг фаол позицияси, ўз-ўзидан (спонтан) қарор қабул қили[ш]га тайёрлиги, қизиқувчанлиги, жараёнга ва ўз фаолияти натижа[ла]рига нутқий изоҳ беришга қодирлиги, ютуқларига туртки бў[лув]чи сабабларда (мотивацияда) қатъийлиги, ҳаёлот оламининг к[ен]**лиги**, шунингдек ўзига хослиги, кўп вариантлилиги, ҳаракатча[н]**лиги** билан ажралиб турадиган ижодий образни яратишга қоди[р]лигини билдиради. Яна қ. *Креативлик*.

**Мактабгача ёшдаги боланинг ташаббускорлиги** – бола фа[ол]лиятининг ҳар қандай кўринишида намоён бўлади, айниқса, ў[за]ро мулоқот, ўйин пайтида янада ёрқин намоён бўлади. Бола ўз ист[а]гига жавоб берадиган машғулот топа олади, суҳбатга қўшил[а] олади, ўзи қизиқарли иш таклиф эта олади. Боланинг ташаббу[ск]орлиги унинг қизиқувчанлиги, ақлининг изланувчанлиги, ихт[и]рочиликка интилиши, бирон ишга туртки бўлувчи сабабларни[нг] (мотивациянинг) барқарорлиги билан боғлиқ.

**Мактабгача муассасада таълим жараёнининг гносеологи[к] компоненти** – таълим жараёнини педагогик жиҳатдан таҳлил эти[ш] компоненти. У таълим дастурлари мазмунини тўғри ва тўлиқ ту[]шуниш имконини берадиган маъно координаталарининг аниқ структураланган тизими бўлишини талаб қилади: асосий ва и[к]кинчи даражали тушунчаларни тушуниш ва қўллаш, предметла[ра]раро алоқаларнинг шаклланиш тамойилларига риоя этиш, муал[]лифлик дастури ёки методикаси тушунчалари ва категориялари



[]аппаратининг оламни англаш категорияларига, яъни фарқлилик, []координация, ўхшашлик, турдошлик, сабаб-оқибат муносабат[]ларига) мослиги. Шунингдек таълим самарадорлиги омиллари[]ни, шу жумладан таълимга ва унга тайёргарлик кўришга ажра[]тилган вақтни ҳисобга олишни кўзда тутади: ўқув материалини []ўзлаштириш жараёнини қисқа муддатли ёки узоқ муддатли режа[]лаштиришнинг афзалликлари, болалар томонидан уй вазифала[]рини бажариш давомийлиги ва мунтазамлигини ҳисобга олиш, []ташкил этилган таълим шаклларида максимал юкламаларга []қўйиладиган гигиена талабларини ҳисобга олиш ва ҳ.к.

**Мактабгача муассасани молиялаш манбалари** – бюджетдан []молиялаш, яъни таъсисчи ёки юқори идора маблағларидан; ара[]лаш молиялаш (бюджет-ижтимоий), таъсисчи маблағларидан ва []қўшимча хизматлар, хоналар ва иншоотлар, асбоб-ускуналар []ижараси учун ва ҳ.к. тушумлардан; ижтимоий-шартномавий мо[]лиялаш, яъни корхоналар ва ташкилотлар билан тузилган шарт[]номалар асосида.

**Мактабгача муассасанинг имижи** – таълим муассасасининг []эмоционал тус касб этган образи. Бу образ одатда онгли равиш[]да шакллантирилган бўлади, мақсадга мувофиқ бахш этилган []хусусиятларга эга бўлади ва бирон-бир аниқ ижтимоий гуруҳга []муайян йўналиш касаб этган руҳий таъсир кўрсатишга қарати[]лади.

**Мактабгача педагогика** – мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабга бориш олдидан ривожланиши, тарбияси, элементар таълим шаклларининг қонуниятларини ўрганувчи педагогика соҳаси, умумий педагогика методологияси ва категориялари аппаратига таянади. Мактабгача педагогика соҳасидаги тадқиқотлар турли фанларнинг ўзаро алоқасини тақозо этади ҳамда умумий педагогика, болалар психологияси ва ёш физиологияси каби фанларнинг кесишувида чегаравий ҳолатни эгаллайди. Ҳозирги пайтда қуйидаги соҳалари мавжуд: мактабгача таълим дидактикаси, мактабгача ёшдаги болалар тарбиясининг назарияси ва методикаси, мактабгача тарбия ва таълим бўйича мутахассисларни касбий тайёрлаш назарияси ва амалиёти.

**Мактабгача тарбия** – мактабгача ёшдаги болаларнинг оилавий ва ижтимоий тарбияси.

**Мактабгача таълим** – тарбияланувчилар мактабгача таълим муассасалари тармоғида ёки ота-оналар раҳбарлигида олади-

ган таълим. У бола шахсининг жисмоний, ижтимоий-ахлоқий ва интеллектуал ривожига асос солади.

**Мактабгача таълим муассасалари** – турли йўналишдаги мактабгача таълим дастурларини амалга оширадиган таълим муассаси. Уларда 2 ёшдан то 7 ёшгача бўлган болаларнинг тарбияси, таълими, парвариши ва соғломлаштирилиши таъминланади. Ушбу муассасаларнинг вазифалари: болалар ҳаётининг муҳофазасини, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва шахс сифатидаги ривожланишини таъминлаш, соғлигини мустаҳкамлаш; бола ривожланишидаги камчиликларнинг талабдаги коррекциясини амалга ошириш; болаларни умуминсоний қадриятлар билан таништириш; боланинг тўлақонли ривожланишини таъминлаш учун унинг оиласи билан алоқа ўрнатиш. Йўналишига кўра мактабгача таълим муассасаси қуйидаги турларга бўлинади: умумий типдаги МТМ, тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишида нуксонлари мавжуд болалар учун мўлжалланган махсус МТМлар ва сурункали касалликлар билан оғриган (тубвираж ва гепатит касаллигидан сўнг) болалар учун санатория типдаги МТМлар.

**Мактабгача таълим муассасаларида болалар ҳаёти ва фаолияти** – қуйидаги йўналишларда ташкил қилинади: махсус ташкил этилган таълим шакли сифатидаги машғулотлар; дастурда қатъий белгиланмаган (регламентга бўйсундирилмаган) фаолият турлари; бўш вақт.

**Мактабгача таълим муассасаларининг вазифалари** – асосий вазифалар: болалар ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш; уларнинг интеллектуал, жисмоний ва шахс сифатидаги ривожланишини таъминлаш; бола ривожланишидаги камчиликларнинг талабдаги коррекциясини амалга ошириш; болаларни умуминсоний қадриятлар билан таништириш; боланинг тўлақонли ривожланишини таъминлаш учун унинг оиласи билан алоқа ўрнатиш.

**Мактабгача таълим муассасасидаги машғулот** – махсус ташкил этилган таълим шакли. Машғулот гуруҳда, кичик гуруҳда ва индивидуал тарзда ўтказилиши мумкин. Мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган машғулот мактабдаги дарсдан шу билан қатъиян фарқланадики, у асосан ўйин (ҳаракатли, сюжетли ўйин, қоидали ўйин ва ҳ.к.) асосида, шунингдек мактабгача ёшдаги болалар учунгина хос бўлган фаолият турлари (тасвирий, конструктив ва ш.к.) асосида олиб борилади.



**Мактабгача таълим муассасасининг ички ҳужжатлари** – мактабгача таълим муассасаси Уставида кўзда тутилган ва ходимларининг бажариши мажбурий бўлган ички ҳужжатлар: мактабгача таълим муассасаси мудирининг буйруқлари, фармойишлари; ички меҳнат тартиб-қоидалари; **штат жадвали**; мукофотлаш тўғрисида низом; таъсисчи ва мактабгача таълим муассасаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома; мактабгача таълим муассасаси ва боланинг ота-онаси (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўртасида тузилган шартнома ва бошқалар.

**Мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базаси** – муассаса балансида турган асосий воситалар мажмуи (бино, хоналар, қўшимча қурилмалар, коммуникация, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар).

**Мактабгача таълим муассасасининг ривожланиш концепцияси** – мактабгача таълим муассасасининг келгусидаги ривожини белгилаб берадиган **бош ғоя**; инновацион жараёнлар натижасида унинг янгиланишига қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишнинг етакчи тамойили.

**Мактабгача таълимнинг вазифалари** – мактабгача таълим тизимининг асосий мақсадларини амалга ошириш имконини берадиган вазифалар комплекси қуйидагилардан иборат: болалар томонидан ҳар бир ёшда керакли билим, малака, кўникмаларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш; болалар дунёқарашини шакллантириш; ҳар бир боланинг ақлий кучлари ва потенциал имкониятларини ривожлантириш; қўйилган мақсадларга мувофиқ мустақил таълим олиш кўникмаларини мустаҳкамлаш.

**Малака оширилганлик тўғрисида гувоҳнома** – қисқа ўқув дастурларини ўзлаштирган шахслар учун қўшимча касбий таълим дастурлари бўйича таълим олинганликни тасдиқлайдиган давлат ҳужжати тури.

**Малакавий (квалификацион) разряд** – ходимнинг квалификация даражаси ва меҳнат ҳақини белгилайдиган кўрсаткич; ишнинг мураккаблиги, масъулияти, шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда тариф-квалификацион маълумотнома асосида белгиланади.

**Малакавий (квалификацион) тавсифлар** – таълим муассасасида турли мутахассисликларга қўйиладиган асосий вазифалар, зарур кўникма ва малакалар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қисқача баёни.

**Малакалар** – хатти-ҳаракатларни билимларга асосланиб бажаришнинг ўзлаштирилган усуллари. Шахсий тажрибага айланар экан, малакалар педагогик ижоднинг онгли идрок этилган кўникмаларига айланади.

**Манзарали (декоратив) лой иши** – қушлар, ҳайвонлар, одамлар қиёфасининг халқ ўйинчоқлари кўринишида тасвирлашга қаратилган ясаш тури. Мактабгача таълим муассасасининг катта гуруҳида қўлланади. Асосий вазифаси болаларда чаплаш ва рельефни чуқурлаштириш йўли билан буюмларга манзарали безак бериш малакалари ва кўникмаларини тарбиялашдан иборат. Ясалган, қуритилган ва грунтланган ўйинчоқлар расм дарсида гуаш билан бўялади. Бўёқ буюм устига мўйқалам билан туширилади.

**Манипуляция** – бирон ишни бажаришда қўл ёки қўллар билан предмет устида амалга ошириладиган элементар хатти-ҳаракатлар, улар одатда предметларнинг хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларда манипуляцион хатти-ҳаракатлар бетартиб, ноаниқ тус касб этади.

**Мансабдор шахс** – ҳукумат вакили функциясини амалга оширадиган, ижтимоий ва давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарида ташкилий-фармойиш ёки маъмурий функцияларни бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллайдиган ёки уларни махсус ваколат бўйича бажарадиган ходим.

**Мантиқ** – исботлаш ва рад этиш усуллари тўғрисидаги фан. Асосчиси Аристотель ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар мантиқ қонунларини сўз орқали мантиқий фикрлашнинг ривожланиши жараёнида англаб борадилар.

**Манқалик** – қ. *Ринолалия*.

**Маргинал вазият** (чегаравий ҳолат) – индивиднинг жамият, ижтимоий гуруҳ ва табақалардан, уларнинг манфаатлари ва муддаоларидан йироқлашуви, бегоналашувини ифодалайдиган ҳолат. Маргинал вазият ижтимоий, этник, касбий ва ҳ.к. кўринишда намоён бўлиши мумкин. Кўпинча маргинал вазият муҳожирлик шароитида юзага келади. Маргинал вазиятга эътиборсизлик, бир томондан, ижтимоий низоларга сабаб бўлса, иккинчи томондан, индивиднинг ижтимоий фаоллашувидан ва маргинал вазиятдан чиқиб кетишга ундаши ҳам мумкин.

**Марказий нерв тизими** – бош мия қобиғи, мия стволининг ҳаракатлантириш марказлари, кичикмия ва орқа миядаги нерв ҳоси-



лари йиғиндиси. Асосий функцияси: бутун руҳий фаолиятни мувофиқлаштириш ва бошқариш.

**Маркетинг** (инглизча marketing, market – бозор сўзидан) – фирма корпорацияларининг янги маҳсулотни ишлаб чиқиш, товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ёки хизматлар тақдим этишга қаратилган фаолиятини бошқариш ва ташкил этиш тизимларидан бири, у ўз олдига бозорда содир бўлаётган жараёнларнинг бутун мажмуини таҳлил этиш асосида даромад олиш мақсадини қўяди. М.нинг асосий функциялари: талаб, реклама, сотувни рағбатлантириш, нарх-навони белгилаш масалаларини ўрганиш, товар ассортиментини режалаштириш ва ҳ.к.

**Марш** – 1) қўшинларнинг сафда тартибли ҳаракатланиши; ҳарбий ҳаракатларни тайёрлаш ва олиб боришда манёврни амалга ошириш асосини ташкил этади. 2) Саф бўлиб бир маромда юриш усули; мактабгача таълим муассасаларининг барча гуруҳларида жисмоний тарбия машқларининг таркибий қисмини ташкил этади. 3. Қатъий ўлчовли суръат, аниқ ритм, ғайратли, жанговар, қаҳрамонона хусусият касб этган мусиқа жанри. Кўп сонли кишиларнинг синхрон ҳаракатланишини таъминлайди, тантанавор юришлар, намойишларга мусиқа жўрлиги сифатида фойдаланилади. Маршни фарқлаш ва таниш мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқа тарбияси таркибига киради.

**Масал** – ҳажми унча катта бўлмаган кўпроқ сатирик мазмундаги насрий ёки назмий ҳикоя; воқеалари ва қаҳрамонлари одатда рамзий маъно касб этади. Масални ўқишдан олдин унинг қаҳрамонлари бўлган ҳайвонларнинг қилиқлари, уларга хос асосий хислатлар, ташқи қиёфасининг қилиқлари билан ҳамоҳанг жиҳатларига эътибор бериш тавсия этилади. Кейин масални тарбиячининг ўзи ўқиб беради, масал ёддан ўқилса, янада яхши. Кейин асарнинг мазмуни унда мужассамланган ахлоқий ғояга, муаллиф позициясига алоҳида эътибор бериб таҳлил этилади. Масал мисолида болалар тилнинг тасвирий-ифода воситаларидан муаллиф қандай фойдаланганини кузатишлари мумкин. Масални қайта ўқиш босқичида масал қаҳрамонлари бўлган ҳайвонларнинг расмини кўриш ёки чизиш, масални ёки унинг қисмларини болалар иштирокида саҳналаштириш матн устида ишлашнинг етакчи усуллари сифатида қўлланиши мумкин.

**Масофа тамойили** – мактабгача таълим муассасасида ривожлантирувчи муҳитни ташкил қилиш тамойилларидан бири; қуйи-

даги шарт-шароитларларнинг бажарилишини талаб қилади; бо лалар ҳозир бўлган умумий макон чегараларида турли даража да изоляцияланган (визуал, маконий) зоналар тизимини шакл лантириш; боланинг катта киши билан «кўз кўзга» мулоқотини кўзда тутган ўзаро муносабатини ташкил қилишда ҳар хил ба ландликдаги мебелдан фойдаланиш; болага «ёлғизланиш» им кониятини тақдим этиш (ўйинчоқлар қутисига беркиниб олиш, модуллардан «уйча» қуриб олиш ва ҳ.к.).

**Масофали ўқитиш** – ахборотни воситали узатиш орқали би лимлар ва малакаларга эга бўлиш жараёни, масофадан туриб ахборот алмашинишнинг барча технологиялари ва имкондаги барча шакллари.

**Масса** – физик қиймат, материянинг инерцион ва гравита цион хусусиятларини белгилайдиган асосий храктеристикалар дан бири. Бир турдаги предметларни қиёслаганда, масса пред метнинг миқдорини (вазнини) ўлчайдиган кўрсаткич сифати да олиб қаралади. Масса ўлчовлари: килограмм (асосий мас са бирлиги), грамм, центнер, тонна ва ҳ.к. Мактабгача ёшда ги болаларга масса ҳақида тасаввур берилмайди. Бироқ «вазн ҳисси»ни ривожлантиришда ушбу тушунчани мактабда ўрга ниш учун тайёргарлик сифатида *пропедевтика* иши олиб бо рилади.

**Математика** – атроф-оламнинг фазовий шакллари ва миқдо рий муносабатлари тўғрисидаги фан. Мактабгача таълим муас сасасида математика машғулотларида кўплик, сон, ҳисоб, миқ дор, шакл, фазо ва вақт ҳақида элементар тушунчалар шакллан тирилади. Замонавий методика талабларига мувофиқ ташкил этилган математика машғулотларида мактабгача ёшдаги бола ларнинг сенсор ва интеллектуал қобилиятларини ривожланти риш учун катта потенциал мужассамланган.

**Математик белгилар** – математик тушунчаларни ёзувда ифо далаш учун хизмат қиладиган шартли белгилар. Мас., +, –, =, > ва ҳ.к. Математика машғулотларида рақамлар тўғрисидаги та саввурлар сонларни ўрганиш жараёнида шаклланади. Мактаб га тайёрлов гуруҳида болалар арифметик масалалар ва мисол ларни ечишда айрим кенг қўлланадиган белгилар билан таниша дилар.

**Материал** – бирон нарсани ясашда қўлланадиган предметлар, моддалар.



**Матн** (лотин., «textus» – тўқима, бирикма) – мазмуни ва тузилиши жиҳатидан тугалланган ва яхлит нутқий асар, ёки унинг бир қисми; ёзма ва оғзаки бўлиши мумкин.

**Матриархат** – ижтимоий тузилиш шаклларидан бири, унинг асосий фарқли жиҳати аёлнинг жамиятда устун мавқега эга бўлиши. Матриархат ибтидоий жамоа тузумининг илк даври учун хос ва, айрим халқларда патриархатдан олдинги ижтимоий тузум бўлган, баъзида уруғдошлик тузумидан синфий жамиятга ўтиш давригача сақланиб келган.

**Мафкура** (араб. «фикрлар мажмуи») – муайан ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлар ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади. Инсоният тарихида турли-туман мафкуралар бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир ва арбоблари, ўзларининг манфаатлари ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиққанлар. Мафкура муайан диний, фалсафий маълумот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. Мафкуралар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушуриши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган мафкура ижтимоий-иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкура бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади. Вайронкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар эса жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади. Бундай мафкура ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳукмрон, мустабид, тажоввузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларида намоён бўлади.

**Мафкуравий бўшлиқ** – жамият, давлат ва меҳнат жамоаларида вужудга келган вазият, ижтимоий муҳит, тарбиявий-мафкуравий ишларнинг заифлашиб қолиши. Бундай шароитда фуқаролар онги ва фаолиятида турли миш-мишлар, сафсаталар ус-

туворлик қила бошлайди. Кишилар хатти-ҳаракати ва руҳи ни бўшанглик, лоқайдлик, бефарқлик эгаллаб олади. Қаер шундай ҳолат юз берса, ўша ерда мафкуравий бўшлиқ ҳукм бўлади. Президент И.А.Каримов огоҳлантирганидек, «...ш дай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдон бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар эгаллашга уриниши шубҳасиз» (И.А.Каримов. «Миллий ис лол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонч Тошкент, 2000, 7-бет).

**Мафкуравий иммунитет** – шахс, ижтимоий гуруҳ, мил жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилиш хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар ти ми. Инсонда мафкуравий *иммунитет*ни шакллантириб бори зарур. У ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга. Мафкур вий иммунитет тизими шаклланганидагина, жамиятда мафкур вий дахлсизликни таъминлаш мумкин. Мафкуравий иммуни тизимининг асосий ва биринчи элементи бу – билим. Аммо, б лимларнинг тури кўп. Буюк давлатчилик шовинизми ёки агр сив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян «били ларга таянади, албатта. Шундай экан, мафкуравий иммуни тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри в тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятини бойитиши ва жами тараққиётига хизмат қилиши лозим. Улар ўз моҳият эътибори кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлм ғи керак. Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асоси элементи ана шундай илғор билимлар замирида шаклланади баҳолар, қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объе тив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятл ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қа риятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятлари белгилаб беради ва зарарли ғоялар йўлида мустаҳкам қалқо бўлиб хизмат қилади.

**Махсус педагогика** – ақлий ва жисмоний ривожланишида му аммоси бўлган болаларнинг ривожланиш қонуниятлари, улар таълим ва тарбия бериш қонуниятларини тадқиқ қилиш масал лари билан шуғулланувчи фан. Махсус педагогиканинг вазиф лари: ривожланишида муаммоси бўлган болаларни ўрганиш м тодларини ишлаб чиқиш; уларнинг ривожланишидаги муамм ларни компенсация қилиш йўллари, воситаларини аниқлаш; та



ми ва тарбиянинг умумий асосларини ишлаб чиқиш; бундай болаларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш ва ҳ.к. Махсус педагогика илмий-педагогик билимлар тизимига кирувчи фан бўлиб, унинг ривожланиш жараёнида қуйидаги мустақил соҳалар вужудга келди: *сурдопедагогика*, *тифлопедагогика*, *олигофренопедагогика*, *логопедия*. Бу соҳалар турли категориядаги анонал (кар, заиф эшитувчи, кўр, заиф кўрувчи, ақли заиф ва нутқ камчиликлари бор) болаларга таълим-тарбия бериш қонуниятларини ўрганади. Яна қ. *Коррекцион педагогика*.

**Махсус психология** – ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммоси бўлган шахсларнинг психик (руҳий) ривожланиш хусусиятлари, меъёрдан ўзгача ривожланишларини коррекция қилиш йўлларини ўрганувчи фан. Махсус психология фанининг тармоқлари: сурдопсихология (эшитишида муаммоси бўлган болалар психологияси), тифлопсихология (кўришида муаммолари бўлган болалар психологияси), олигофренопсихология (ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар психологияси), логопсихология (нутқий ривожланишида муаммолари бўлган болалар психологияси).

**Махсус таълим муассасалари учун ўқитувчилар (олигофренопедагог, сурдопедагог, тифлопедагог ва логопедлар)ни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш** – республикамизда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида амалга оширилади. Республикамиз ҳукумати томонидан 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши соҳанинг янада тараққий этишига муҳим ҳисса қўшди. Ихтисослаштирилган мактаблар ўқитувчиларининг касбий даражасини ошириш тизимини яратиш мақсадида 2007-2008 ўқув йилидан бошлаб Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Нукус, Ангрен, Қўқон, Жиззах ва Навоий педагогика институтлари ҳузурида дефектология кафедралари таш-кил этилди.

**Махсус таълим ташкилотлари** – имконияти чекланган болаларни ташхислаш, ўқитиш, тарбиялаш ва маслаҳатлар бериш учун яратилган ташкилотлар: болалар боғчалари, мактаблар, мактаб-интернатлар, умумтаълим мактаблари қошидаги логопедик пунктлар, психолого-тиббий-педагогик консультациялар, психолого-педагогик коррекция кабинетлари, реабилитация марказлари ва бошқа ташкилотлар.

**Махсус таълим шарт-шароитлари** – махсус таълим дастурлари ва таълим методлари, индивидуал техник таълим воситалари

ҳамда яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити, шунингдек педа-гик, тиббий, ижтимоий ва бошқа хизматлар. Бу хизматларсиз им-конияти чекланган шахслар таълим дастурларини ўзлаштира ол-майдилар (ўзлаштиришга қийналадилар).

**Машқ** – талаб қилинган хатти-ҳаракатларни кўп марта-лаб қайтириш, уларни автоматик бажарилиш даражасига етказиш-дан иборат амалий тарбия методи; бирон хатти-ҳаракатнинг (ақлий ёки амалий) яхши ўзлаштириб олиш мақсадида режа асо-сида ташкиллаштирилган қайта бажарилиши. У ёки бу кўникма-ларни эгаллаш асосида машқ ётади. Турлари: *даврий машқлар* (муайян хатти-ҳаракатларнинг изчил кетма-кетликда узлуксиз қайтарилиши); *даврий бўлмаган машқлар* (такрорланмайдиган хатти-ҳаракатлар қаторини бажариш).

**Машғулотлар гигиенаси** – болаларнинг таълим жараёнини ташкил қилишга қаратилган оптимал ва илмий асосланган та-лаблар тизими: ақлий ва жисмоний юкламаларни меъёрлаш, маш-ғулотларни рационал ташкил қилиш, кун, ҳафта, йил давомида фаолият турларини навбатма-навбат алмаштириб туриш.

**Машғулотларга мотивация (турки-сабаб кўрсатиш)** – МТМдаги машғулотларда мактабгача ёшдаги болаларнинг қатнашиши ва фаоллик кўрсатишига туртки бўлган сабабий асос. Мактабгача ёшдаги болаларда машғулотларга туртки бўладиган сабаб кўрсатиш иқтидорини шакллантиришга уч жиҳатдан ёндашиш мумкин: а) индивидуал мотивация (бола-нинг ўзини ўқитиш туртки-сабабларига асосланади, қуйидаги усуллардан фойдаланади: педагог томонидан боланинг билим-ларига аввалдан ижобий баҳо бериб, уни рағбатлантириш, машғулотлардаги ўқитиш жараёнига онглилик ва мақсадга мувофиқликни бахш этадиган ютуқлар дастурини ишлаб чи-қиш; ота-оналар ёрдамига мурожаат қилиш ва б.); б) намуна-вий (типологик) мотивация (мактабгача ёш босқичидаги бо-лаларнинг мулоқот қилишдаги етакчи туртки-сабабаларидан фодаланишни кўзда тутади, асосий усуллари: машғулотлар-ни ўйин шаклида ўтказиш; муаммоли вазиятларни яратиш; мулоқот бўйича шерикларни алмаштириш; боланинг ўз зим-масига тарбиячи вазифасини олиши ва ҳ.к.); в) топологик мотивация (педагог нафақат операционал хатти-ҳаракатлар, балки сабаб кўрсатиш хатти-ҳаракатларини ҳам шаклланти-ради, бундай хатти-ҳаракатларга ўқув предметига ижобий



...носабат ва ушбу ўқув предмети билан хатти-ҳаракатларни ...лага оширишга бўлган қизиқиш киради).

**Машғулотнинг тиғизлиги** – машғулотни статистик методлар ...амида баҳолаш. Барча педагогик мақбул таълим усуллари ...рсатиш, тушунтириш, хатти-ҳаракатларни аниқ бажаришга ...ратилган кўсатмалар) машғулотнинг фойдали вақтини белги-...йди. Машғулот тиғизлигини пасайтирадиган вақт йўқотишлар: ...қ тушунтиришлар, ўта ташкиллаштириш, қўлланмалар ва ...ргазмали қуролларни яхши ўйламай жойлаштириш ва тарқа-...ш ва б. Машғулот тиғизлигининг турлари: 1) умумий тиғизли-... фойдали вақтнинг бутун машғулотга кетган вақт давомийли-... нисбатига тенг бўлиб, фоизда ифодаланади. Машғулотнинг ...умий тиғизлиги 100%га яқинлашиши керак; 2) таълим берув-... тиғизлиги мактабгача таълим муассасаларида машғулотлар-... болаларга таълим бериш жараёни қанчалик самарали таш-... этилганлигини белгилайдиган кўрсаткич бўлиб, қуйидаги ...рмула ёрдамида аниқланади: бола машғулотда унумли қат-...шган (ишлаган) вақт 100% га кўпайтирилади ва машғулот ...казилган вақтга бўлинади; 3) машғулотнинг нутқий зичлиги ...йидаги формула асосида аниқланади: машғулот давомида бо-...нинг ўзи гапирган вақт 100%га кўпайтирилади ва машғулот ...казилган вақтга бўлинади; 4) машғулотнинг мотор зичлиги эса физкультура машғулотининг маҳсулдорлигини белгилайдиган ...рсаткичлардан биридир. Фойдали вақтнинг бутун машғулот-...га кетган умумий вақтга нисбатини билдиради, фоизда ифодала-нади.

**Машғулотни тузиш методик тамойиллари** – таълим омилла-...рининг оптимал таъсирини белгилайдиган тамойиллар гуруҳи: машғулотларга далиллар (асослар) кўрсатиш (машғулот муам-молари ва сюжетини ишлаб чиқишда болаларнинг қизиқишлари ва манфаатларидан фойдаланишни кўзда тутади); болаларни билим олишга қаратилган саволларнинг қўйилишига жалб этиш; ...угал йўл-йўриқлардан фойдаланиш; машғулотга болалар ҳаёти-...дан олинган конкрет мисолларни киритиш; машғулотда баҳо олиш учун эмас, бирон натижага эришиш учун шарт-шароит яратиш; аниқ муаммо қўйилган вазифалардан фойдаланиш; мукофотлаш, тақдирлаш тизимини қўллаш; идрок этиш динамикаси, машғу-лотларда фаолият турларининг ўзгариб туриши тамойили, (маш-ғулотнинг шундай ташкил қилинишини кўзда тутадики, бунда

вазифалар мураккаблик даражаси ўсиб боришига кўра қўй чиқилади); машғулотга ҳар хил турдаги анализаторларга та сир кўрсатадиган вазифаларнинг киритилишини кўзда тута ган тамойил.

**Машғулот таҳлили** – мактабгача таълим муассасасида ма ғулотлар қуйидаги позициялар бўйича таҳлил қилинади: а) уш машғулотнинг бошқа машғулотлар тизимидаги ўрни (ушбу ма ғулотнинг аввалги машғулотда тайёрланганлик даражаси, ма зу ва мақсадининг асосланганлиги; болаларнинг ушбу маш лотда кейинги машғулотларни идрок этишга тайёрлик дараж си); б) машғулотнинг тузилиши (асосий босқичлари, машғул тузилишининг мавзу ва мақсадга мувофиқлиги, ҳар бир босқи нинг давом этиш вақтининг мақсадга мувофиқлиги, босқичла нинг ўзаро боғлиқлиги ва машғулотнинг асосий дидактик мақ садга бўйинсунганлиги); в) машғулот материали (илмийлик да ражаси, машғулот мавзуси ва мақсадига, болаларнинг имкон ятларига мувофиқлиги; мураккаблик даражаси, машғулот дои расидаги миқдори); г) машғулотда қўлланган асосий дидакти тамойиллар (берилаётган билимларнинг илмийлиги; болала учун тушунарлилиги, болаларнинг ёш хусусиятлари, ривожла ниш даражаси ва билимларни ўзлаштириш имкониятларини ҳисобга олинганлиги; индивидуал ва дифференциаллашган ёнда шувнинг амалга оширилганлиги; материалнинг ҳаёт билан бо лиқлиги; болалар тафаккурининг фаоллашиши; болаларда му тақиллик, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаси, билишга бўлган қизиқишининг ривожланиши; кўргазмали ўқув воситаларини қўлланганлиги; машғулотда муҳофаза режимига риоя қилинган лик); д) методлар ва усуллар (методлар ва усулларнинг хилма хиллиги, уларнинг болалар ёши, ўқув материалининг мазмунига мувофиқлиги; методлар ва усулларнинг ривожлантиришга йўнал ганлиги; е) болалар билимини текшириш ва рағбатлантириш (бо лаларни мақташ, хатти-ҳаракатларини маъқуллаш ва уларга далда бериш); ж) тарбиячининг қиёфаси (нутқи: аниқ, равон, ифо дали, эмоционал; машғулот материалини билиш даражаси; маш ғулотда иш методлари ва усулларини ўзлаштирганлиги; кўргаз малилик, амалий ишни олиб бориши; тарбиячи хулқ-атворининг болалар фаоллигига таъсири); з) машғулотнинг умумий баҳоси (машғулотнинг таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий мақ садларга эришганлик даражаси; машғулотда болалар интизо-



ни; машғулотда болалар олган билимлар; шакллантирилган малакалар ва кўникмалар турлари; янги материалнинг ўтиб бўлинган материал билан алоқасини амалга ошириш усуллари; такрорлашнинг узлуксизлигини амалга ошириш усуллари; машғулотда индивидуал ва фронтал ишнинг қўшиб олиб борилганлиги).

**Маъмурий жазо** – маъмурий **ҳуқуқбузарлик** содир қилингани учун давлат томонидан белгиланган **жавобгарлик** чораси; ҳуқуқбузар томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарликлар содир қилинишининг олдини олиш мақсадида қўлланади.

**Маъмурият** – бошқариш фаолияти; кенг маънода – давлатнинг бошқариш бўйича бутун фаолияти; туман, шаҳар, вилоятнинг ижроия органлари мажмуи; корхоналар ва идораларнинг мансабдор шахслари, бошқарув ходимлари мажмуи.

**Маънавий-ахлоқий тарбия** – болаларда анъанавий ва умуммиллий маданиятнинг таянч қадриятларига асосланган дунёқарашни шакллантиришга, шахснинг шахс сифатида шаклланишига ва инсоннинг маънавий-ахлоқий хулқ-атворига тегишли қарорларни қабул қилиш механизмида етакчи ҳалқа бўлган ахлоқий сифатларни ривожлантиришга, шу жумладан деструктив таъсирларга қарши тура олиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тарбия.

**Маънавий маданият** – интеллект (ақл) маданияти, тафаккур маданияти ва экологик маданиятни ўз ичига олган интегратив тушунча.

**Маънавий-маърифий ишлар** – кенг оммани маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг умумий маънавий савиясини юксалтириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтларини самарали ўтказишга кўмак берувчи тадбирлар тизимини ифодаловчи тушунча.

**Маънавий поклик** – инсон маънавиятининг гўзаллиги, бойлиги, теранлиги, покизалигини тақозо этувчи, эзгу маънавий фазилатлар мажмуини ифодалайдиган тушунча.

**Маънавий-психологик муҳит** – гуруҳдаги шахслараро муносабатларнинг нисбатан барқарорлигини билдирувчи кўрсаткич. Умуман гуруҳ ва унинг алоҳида аъзолари фаолиятининг самарадорлиги, аъзоларнинг ушбу гуруҳдалигидан қониқиш ҳисси, гуруҳнинг бирдамлиги, унинг ривожланиш истиқболлари асосан мана шу муносабатларга боғлиқ.

**Маънавий тарбия** – ҳаёт қадриятларига инсон шахсининг бир қарор ва уйғун ривожланишини таъминлайдиган муносабатни шакллантириш. Бола тарбияси ҳаёт мазмунини англашга бўлган идеал эҳтиёжни ҳамда бошқалар учун яшашга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қониқтириш ва ривожлантиришни кўзда тутади. Болaнинг маънавий тарбияси инсоннинг ишлари ва фикрларига оид мазмун бахс этишга қодир бўлган бурчга садоқат, адолатпарварлик, самимийлик, масъулиятлилик, меҳр-шафқат ва бошқа шу каби ҳис-туйғуларни тарбиялашни тақозо этади.

**Маънавий қадриятлар** – инсон маънавияти ва ахлоқий қиёфасига дахлдор бўлиб, жамият аъзоларини тарбиялашга, уларнинг маънавий баркамоллигини таъминлашга хизмат киладиган қадриятлар тизимини ифодоловчи тушунча.

**Маънавият** – 1. Олий ибтидоларга (абсолют ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик ва ҳ.к.) онгли интилишга қодирлик, кундалик ҳаётда бундай интилишни муттасил амалга ошириб бориш ва унинг инсондаги инсонийликни ифодаловчи хилқат сифатида англаш. 2. Инсоннинг олий ва абадий қадриятлар – Ҳақиқат, Гўзаллик, Эзгуликка интилиши. Инсон мавжудлигининг усули бўлиб, унинг тизим ҳосил қилувчи функцияси шахснинг психофизиологик ва ижтимоий-маданий ҳаётининг ягона тузилмасида ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Авлодлар ворислиги, инсоний ҳаёт тарзини қўллаб-қувватлашнинг асосини ташкил этади.

**Маърифат** (араб. билиш, билим, маълумот, таниш, танишиш) – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги билимлар, маълумотлар, таълим-тарбия ва маориф тизими мажмуини ифодаловчи тушунча.

**Маъруза** – таълимнинг ташкилий шакли ва методи, ўқув материалининг маърузачи томонидан оғзаки, мунтазам ва изчил монологик баёни; одатда назарий характерга эга. Кўпроқ катталарни ўқитиш шакли сифатида қўлланади.

**Мақол** – қисқа, чуқур маъноли, нутқда кенг қўлланадиган, барқарор шаклга эга халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири. Мақоллар халқнинг, миллатнинг интеллектуал, маданий, маърифий, маънавий савиясини қисқа ва лўнда фикрларда ифода этиш даражасидир.

**Маҳаллий бюджет** – давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар



...ҳалари, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ...ратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори на...да тутилади.

**Менторинг** (ингл. mentoring – тарбиячи, мураббий) – ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш методларидан бири, бунда тажрибалироқ ходим (ментор) муайян муддат давомида билимлари ва тажрибасини ўз ҳимоясидаги ходим билан ўртоқлашади.

**Метод** (юнон. metodos – йўл) – ахлоқ, усул.

**Методика** – 1) бирон ишни мақсадга мувофиқ олиб бориш ...лари, воситалари, методлари мажмуи; 2) оламни илмий би...ш тактикаси. Педагогикада боланинг таълим олиши, тарбияси ва ривожланиши масалаларига оид турли ёндашувларни ифода...лаган соҳа. Бунда методика мақсадлари қуйидаги анъанавий ...зифаларда ўз ифодасини топади: биринчи вазифа «Нима учун?» ...волида ифодаланади (предметни статика ва динамикада, илм...й, ижтимоий ва маданий тараққиётининг ушбу босқичида ўрга...ш мақсадлари белгиланади); иккинчи вазифа «Нимани ўрга...ш керак?» саволига жавоб излайди (фанлар мазмунини белги...ш, дастурлар ва дарсликларни тузиш, олинажак билимларнинг ...гравий миқдорини (таълим стандартларини), назорат мезонла...рини белгилаш, таълим олувчилар билимлари ва малакаларини ...ниқлаш ва ҳ.к.); учинчи вазифа «Қандай ўқитиш керак?» (ўқитиш методлари ва усулларини ишлаб чиқиш, машғулотлар...ни ташкил қилиш, педагоглар учун методик қўлланмалар ишлаб ...иқиш ва б.); тўртинчи вазифа «Нима учун айнан шундай, бошқа...ча эмас?»лигини исботлаш (танланган таълим мазмуни ва метод...ларини асослаш, турли концепциялар, таълим тизимлари вариант...ларини уларнинг натижакорлиги нуқтаи назаридан қиёсий ўрга...ниш). Методика, шу жумладан, коррекцион методика боланинг тур...ли ёш босқичларида ривожланиш қонуниятлари тизимини ўрганади ҳамда педагог ва болалар фаолиятининг мезонларини белгилайди.

**Методик бирлашмалар** – бир ёки бир нечта фаолият йўналишлари бўйича ихтисослашган педагогларнинг анъанавий мавжуд бўлган ва кенг тарқалган кўнгилли бирлашмалари; педагогларнинг касбий билимдонлигини ривожлантириш ва оширишга, таълим жараёнининг самарали фаолият кўрсатиши ва ривожланишига қаратилади. Шартли равишда болалар таълими муассасалари бошқарувчиларининг методик бирлашмалари, турли даражадаги услубчиларнинг методик бирлашмалари, турли фаолият

йўналишлари бўйича қўшимча таълим педагогларининг мет...дик бирлашмаларига бўлинади.

**Методик ишланма** – педагогик фаолият методлари, усуллари ва йўлларининг тавсифи.

**Методик тавсиялар** – таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг энг самарали методлари ва шаклларини амалиётга жорий этишга ёрдам берадиган қисқа ва аниқ ифодаланган таклифлар ва кўрсатмалар мажмуи.

**Методик хизмат** – методик фаолият билан шуғулланадиган мутахассисларнинг машғулотлари ва вазифалари, фаолият йўналишлари бўйича бирлашмалари.

**Методологик қидирув** – ўқитувчи фаолиятининг йўналишларидан бири бўлиб, ўз-ўзини ривожлантириш учун ҳам, ўз ўқувчилари онгининг шахсга хос тузилмаларини янада ривожлантириш учун ҳам аҳамиятли бўлган ўқув материали ёки педагогик ҳодисанинг маъноси, асоси, ғоясини топишга қаратилади.

**Методология** – фаолият тузилмаси, мантиқий ташкиллаштирилиши, методлари ва воситалари тўғрисидаги таълимот; илмий фан методологияси – илмий билишнинг тузилиш тамойиллари, шакллари ва усуллари тўғрисидаги таълимот. Умумий методология объектив оламнинг умумий ривожланиш қонунлари, шунингдек ундаги ҳар бир муайян фан ўрганаётган фавқулотда ҳодисаларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида энг тўғри ва аниқ тасаввурларни шакллантиради. Махсус методология ёки алоҳида фан методологияси ушбу фанга у тадқиқ этаётган фавқулотда ҳодисаларнинг ривожланиши, шаклланиши ва фаолият кўрсатишидаги ўзига хос жиҳатларга тегишли ўз шахсий қонуниятларининг таърифини беришга имкон яратади.

**Метонимия** (юнон. metonimia – номини ўзгартириш, қайта номлаш) – *истиора*нинг бир тури; битта сўзни иккинчисига улар ўртасидаги маъно алоқаси асосида алмаштиришни билдиради (мас., «пул» ўрнига – «ҳамён», «овқат» ўрнига «дастурхон» сўзини ишлатиш). Метонимия болалар топишмоқларида кенг қўлланади.

**Метр** – 1) узунлик ўлчови; 2) мураккаб сўзларнинг бир қисми: а) ўлчов асбобини (барометр, термометр, манометр), б) ўлчов тизимида узунлик бирлигини (километр, сантиметр) билдиради. Мусиқада кучли ва кучсиз бўлакларнинг кетма-кет келиши. Болаларда мусиқадаги метрик муносабатларни идрок этиш ритмик



...фаолиятларни ривожлантириш билан боғлиқ машғулотларда ...шакллантирилади.

**Меъёр** – объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатдан узаро боғлиқлигини англатадиган, мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланишини ифодалайдиган фалсафий тушунча.

**Меҳнат дафтарчаси** – ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат стажини тасдиқлайдиган меҳнат фаолияти тўғрисидаги асосий ҳужжат.

**Меҳнат интизоми** – кишилар ўртасида қабул қилинган ижтимоий алоқа шакли бўлиб, кишиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти, ташкилотнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун зарур бўлган тартибни қўллаб-қувватлаш ва унга риоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади; кишиларнинг меҳнат жараёнида ижтимоий алоқага киришиш шакли, меҳнат иштирокчиларининг маълум тартибга сўзсиз бўйсунишини талаб қилади.

**Меҳнат стажи** – меҳнат фаолияти ёки бошқа бирон фойдали фаолиятнинг давомийлиги. У белгиланган тартибда ҳисобланади ва муайян ҳуқуқий натижаларга олиб келади (пенсия, нафақа, имтиёзлар ва ҳ.к.га бўлган ҳуқуқлар).

**Меҳнат фаолияти** – меҳнат қуролларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, табиат неъматларини ўз эҳтиёжларини қондириш учун ўзгартириш ва мослаштиришга қаратилган инсоннинг мақсадли фаолияти. Меҳнат турлари: ақлий меҳнат, жисмоний меҳнат. Болалар меҳнат фаолиятининг бир нечта тури мавжуд: меҳнат ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш; хўжалик-маиший меҳнат (уй юмушларида катталарга ёрдам бериш), қўл меҳнати, табиат қўйнида меҳнат. Болалар меҳнатини ташкил этиш шакллари: топшириқлар, навбатчилик, бутун гуруҳ билан жамоавий меҳнат ва ҳ.к.

**Меҳнат шартномаси (контракт)** – амалга оширилган меҳнат улушини ҳақ ва мукофотларга алмаштиришни тартибга солиш мақсадида тузиладиган ҳужжат; иш берувчи ва ишчи ўртасидаги меҳнат муносабатларини белгилайдиган иқтисодий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, жамоавий шартнома қоидаларини конкрет ишчига қўлланишини аниқлаштиради, ишчи ва ходимларнинг касб бўйича лавозимининг ўзгариши, мукофотлаш шарт-шароитлари, иш жойидаги масъулиятлилик тўғрисидаги масалалар билан тўлдирилади.

**Меҳнатни илмий ташкил этиш** – меҳнатни ташкил этишда фан ютуқлари ва илғор ишлаб чиқариш тажрибасига асосланиш.

**Меҳнатнинг техник муҳофазаси** – техник иншоотлар ва ишлаб чиқариш технологияларини қўллашда ходимлар ва ишчилар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси.

**Меҳнатсеварлик** – шахснинг ўз меҳнат фаолиятига субъектив муносабатини характерловчи сифати. Меҳнатсеварлик ҳаваскорлик, сала, қунт, тиришқоқликда, меҳнат фаолияти жараёнига шахснинг ижобий муносабатида, ташаббускорлик, ҳалоллик, виждонлилик, ўз ишига берилганлик, меҳнат жараёнининг ўзидан қониқиш туйғуларида намоён бўлади.

**Микроглоссия** – туғма равишда тилнинг ривожланмаганлиги. Микроглоссияда тил танглай билан етарли даражада жипслашмайди, натижада *ротацизм*, сигматизм, *ламбдацизм* камчиликлари пайдо бўлади. «Т», «д», «н» товушларининг талаффузи ҳам бузилган бўлиши мумкин.

**Миллий анъаналар** – миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, қадриятлар, фаолият турлари, одатлар ва хислатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши ҳамда мерос бўлиб қолишини ифодаловчи тушунча.

**Миллий архив фонди** – Ўзбекистон халқларининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатларининг тарихан таркиб топган ва доимо бойитиб бориладиган мажмуи.

**Миллий архив фондининг давлат каталоги** – *Миллий архив фондининг* таркибига киритилган ҳамда архив фондларининг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги асосий маълумотлар мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжатлари.

**Миллий истиклол мафкураси** – миллат ва давлатнинг мустақил ривожланишини таъминлашга каратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими. Миллий ғоя Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

**Миллий ифтихор** – миллатга хос моддий ёки маънавий ютуқ, муваффақият билан фахрланиш туйғусини ифодалайдиган тушунча. У инсон маънавий камолотининг қирраларидан бирини ташкил этади. Миллий ифтихор ўз халқининг асрлар давомида яратиб келинган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб асрашни ифодаловчи тушунчадир.

**Миллий урф-одатлар** – миллатнинг турмуш тарзига сингиб кетган, унинг шаклланиши ва ривожига хизмат киладиган, ижтимоий-маданий ҳаётида ўз аксини топган, доим такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари ва кўникмалар.

**Мимика** (юнон. mimikos – тақлид қилувчи) – турли ҳис-туйғу ва эмоцияларнинг юз мускулатураси ҳаракатлари ва имо-ишоралар орқали ифодаланиши; кишининг маълум шароитдаги руҳий ҳолатини, айниқса ҳиссиётини акс эттиради. Мимика ҳаракатлари ихти-ёрий ва ихтиёрсиз бўлади. Ихтиёрсиз мимикадан барча кишилар кундалик турмушда кенг фойдаланадилар (мас., маълум бир фикрга қўшилмаслик белгиси – бошни икки ёнга чайқатиш; бехосдан нордон нарса еганда, юз мускулларининг ғайри тарзда тиришиши ва ҳ.к.). Ихтиёрий имо-ишорадан актёрлик санъатида кенг фойдаланилади. Эшитишида муаммоси бўлган шахслар бир-бирлари билан муомала иа муносабатда имо-ишора ҳамда ихтиёрий мимикадандан фойдаланадилар.

**Миниатюра** – 1) тасвирий санъат тури, қадимги қўёзма ёки китобни безаб турадиган рангли мўъжаз расм; 2) кичик ҳажмдаги тасвирий санъат асари, асосан портрет, чизиқларнинг ниҳоятда нафислиги ва пухта ишланганлиги билан ажралиб туради.

**Минора** – мачит биносидан анча юқори турган қурилма, унинг устидан туриб муаззин мусулмонларни намозга чақиради.

**Миф ёки асотир** (юнон. mithos – ривоят) – худолар, қаҳрамонлар, девлар, руҳлар ҳақида ҳикоя қилиб, қадим даврдаги кишиларнинг олам, табиат ва инсон турмуши ҳақидаги афсонавий тасаввурларини акс эттирган асарлар. Мактабгача ёшдаги болалар мифларни эртаклардек идрок этадилар.

**Миқдор** – объектларнинг ташқи аниқлиги: катта-кичиклиги, сони, ҳажми, хусусиятларининг ривожланиш даражаси ва ҳ.к.

**Миқдорий муносабатлар** – объектлар ўртасида, кўплаб объектлар ўртасида эквивалентликни ўрнатувчи муносабатлар, бунда

«худди шунча», «тенг», «тенг эмас», **«кўпроқ (озроқ)»**, «... кўпроқ (озроқ)» каби тушунчалар қўлланади.

**Мнемоника** (юнонча mnemonika – эсда сақлаш санъати) – сунъий ассоцациялар ҳосил қилиш йўли билан керакли маълумотларни эсда сақлаб қолишга ёрдам берадиган ва хотира ҳажмини кенгайтирадиган қоидалар ва усуллар мажмуи.

**Мнемоник воситалар** – хотира жараёнларининг кечишини осонлаштиришга қаратилган хаёлий ёки моддий объектлар. Масалан, ҳарфларни эсда сақлаб қолиш учун хизмат қиладиган мнемоник воситалар сифатида эгилувчан сим, занжир, ҳисоблаш таёқчалари хизмат қилиши мумкин.

**Мнемоник усуллар** – ўз хотирасини бошқариш, ёдда сақлаб қолишни осонлаштирадиган ва сунъий ассоциациялар ҳосил қилиш йўли билан хотира ҳажмини оширадиган усуллар. Мактабгача ёшда мнемоник усуллар сифатида предметларни таснифлаш, сўзларни расмлар ва белгиларга нисбат бериш, овоз чиқариб қайтариш, шеърни куй қилиб айтиб эсда сақлаш ва б. усуллар қўлланади.

**Моделлаштириш** – бирон бир ҳодисалар, жараёнлар ва объектлар тизимларини уларнинг моделларини қуриш ва ўрганиш йўли билан тадқиқ этиш. Моделлаштириш билиш назариясининг асосий категорияларидан биридир. Моҳият эътибори билан ҳар қандай тадқиқот методи, хоҳ бу назарий метод бўлсин (бунда ҳар хил белгили ва абстракт моделлар қўлланади), хоҳ экспериментал-синов ва тажрибалар (предметли моделлардан фойдаланади) методи бўлсин, моделлаштириш ғоясига асосланади.

**Модель** – йирик тизимлар бирлиги, улар ўртасида ўзаро муносабатлар юзага келади ҳамда билиш фаоллигини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратилади.

**Модератор** – 1. Форум (катта йиғин) бошқарувчиси, маслаҳат берувчиси, қатнашчиларни рағбарлантирувчи, мавзуни форум олдида қўйилган мақсадларга эришиш учун йўналтирувчи ва фаол ўтишини таъминловчи шахс. 2. Фортепьянода товушни пасайтиришга хизмат қиладиган орасига мовут қўйилган ёғоч планка.

**Модернизациялаш** – 1) бирон нарса ёки жараённи замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш, янгилаш, ўзгартириш; 2) тасвирланаётган ўтмиш ҳодисаларига уларга хос бўлмаган белгиларни бахш этиш.



**Модулли таълим** – модуллаштирилган ўқув дастури асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни.

**Модулли технология** – таълим жараёнини модуллар (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муаъян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш) асосида лойиҳалаштириш тизими.

**Модуль** – 1) ўқув материали ёки таълим мазмунини узаро уйғунлаштирилган намунаси; 2) ўқув ахборотининг мантиқий бўлакларга бўлинган қисми (ушбу қисм мантиқан яхлит ва тугалланган бўлиб, унинг ўзлаштирилишини назорат қилиш мумкин бўлади); 3) фаннинг фундаментал тушунчасини тақдим этувчи муайян жараён ёки қонун бўлими, муайян мавзу доирасида ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳи.

**Модуль даража** – педагогик технологияни тасвирлаш кўламига мувофиқ равишда танланган бирламчи модулларнинг таркиби қанча модуллардан иборатлигини ифодаловчи кўрсаткич.

**Мозаика** – 1) монументал тасвирий санъатнинг алоҳида техник тури; асосий бадиий материал сифатида пишитилган лой устидан қопланадиган ҳар хил рангдаги моддалардан, жумладан, смальта, табиий рангли тошлар, рангли эмаллардан фойдаланишга асосланади; тасвир ушбу материалларнинг бир-бирига мосланган ҳамда цемент ёки махсус мастика билан юзага маҳкамланган кичик бўлакчаларидан тузилади; 2) рангли шиша, тош ёки сопол парчаларидан тузилган девор ва поллар безаги; 3) боланинг сенсор иқтидорлари ва майда моторикасини ривожлантиришга қаратилган дидактик ўйин, бунда бола алоҳида деталлар ёки фрагментлардан расм (предметли ёки сюжетли) ёки нақшнинг тўлиқ тасвирини тузади.

**Молия йили** – биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь кунининг охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр.

**Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)** – солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш.

**Мониторинг** – бирон бир ҳал қилувчи кўрсаткичлар мажмуидан иборат бўлган маълумотларни муттасил ёки даврий тўплаш орқали бирон объект (тизим ёки мураккаб ҳодиса) ҳола-

тини кузатиб бориш жараёни. Мас., жисмоний тарбияда мониторинг – МТМда болаларнинг ҳаракатланиш режими самарадорлигини баҳолаш ва соғломлаштириш гуруҳларини аниқлаш мақсадида болаларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланиши устидан тиббиёт ходимлари томонидан олиб бориладиган кузатув.

**Монолог** – 1) нутқ шаклларидан бири, битта шахснинг ўз фикрини кенг ифодалаши; 2) пьеса қаҳрамонининг спектакль персонажларининг умумий нутқий мулоқотидан чиқариб олинган нутқи. Монолог бошқа кишиларга ахборотни етказиш мақсадини кўзлайди ҳамда тавсифий нутқ, баёний нутқ ва мулоҳаза юритиш нутқи малакаларига эга бўлишни талаб қилади.

**Монологик нутқ** – бир одам сўзлаб, бошқалар унинг нутқини идрок қилишига асосланган нутқ тури.

**Моносенсор ёндашув** – ақлий ва жисмоний ривожланишида камчиликлари бўлган болалар ривожланишидаги муаммоларни бартараф этишда қандайдир битта соғлом анализатор фаолиятига таянган ҳолда иш кўриш.

**Монотон нутқ** – нутқнинг фақат бир оҳангда бўлиши; интонация, урғуларга риоя қилмаслик билан характерланади.

**Монтессори Мария** (1870-1952) – италиялик педагог, эркин тарбия тарафдори. Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда сезги органларини ривожлантириш методларини ишлаб чиққан. Бош мақсади ўз ички дунёси билан уйғунликда ривожланадиган ижодий, эркин шахсни тарбиялаш бўлган педагогик концепция асосчиси. Етакчи педагогик ғояси: муҳими билимлар эмас, муҳими ўз-ўзини ривожлантиришга ва муваффақиятга эришиш. Асосий концептуал қоидалар: турли ёшдаги болалардан тузилган гуруҳлар ташкил этиш, кун тартибининг эркин тузилиши ва фаолият турларининг мустақил танланиши, дарсларнинг йўқлиги, педагоглар вазифаси маслаҳат беришдан иборат, «автодидактик материал»дан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги.

**Морфология** – тил тизимининг грамматик маънолар ташувчиси бўлган сўзларни ва уларнинг грамматик синфларини бирлаштирадиган қисми; грамматиканинг сўз туркумлари, уларнинг категориялари ва сўз тузилиши ҳақидаги бўлими. Мактабгача ёшдаги болаларда грамматик нутқ тузилиши шаклланиш жараёнида Морфологияга каттак эътибор берилади.



**Морфема** – сўзнинг энг кичик, бўлинмас маъноли қисми. Морфема бир ёки бир неча фонемадан иборат бўлиши мумкин. Морфема хусусиятларига кўра етакчи (ўзак морфема) морфемалар ва кўмакчи морфемаларга (аффиксларга) бўлинади. Сўзда албатта қатнашадиган ва лексик маъно англата оладиган морфемалар етакчи морфемалар дейилади. Мас., иш, нон, сув, яхши, мано, бор, кел, ол каби. Лексик маънони англатмай, сўзнинг лексик ва грамматик маъноларини шакллантириш ёки ўзгартириш учун хизмат қиладиган морфемалар кўмакчи морфемалардир. Мас., ёш-лик, маъно-ли, темир-чи, дўст-лар, Ватан-дан.

**Мотив** – 1. Шахс эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ фаолиятга даъват; шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари ва қилиқларини танлашни асосида ётган ва онгли эътироф этилган туртки-сабабни билдиради. 2. Нақш (безак) асосини ташкил этган ва муайян тарзда жойлаштирилган декоратив элемент; нақшинкор композициянинг такрорланиб келадиган декоратив элементи. 3. Мусиқий шаклнинг энг кичик элементи; куйнинг ёрқин, аниқ мусиқавий мазмунга эга бўлган ҳар қандай энг кичик бўлаги. 4. Афсона ва эртакларда ҳикоянинг энг содда динамик мазмун бирлиги; мас., ўзбек халқ эртакларида такрорланиб келувчи мотивлар: сеҳргар (дев) маликани ўғирлайди, ёки яна: бир киши (камбағал, подшоҳ)нинг учта ўғли бўлади ва ҳ.к. Бир нечта мотивлар комбинацияси асар фабуласини ташкил этади.

**Мотивациялаш** – шахснинг табақаларга эга бўлган, вақтда чўзилган ҳамда шахсий хусусиятлар билан ҳам, педагогик воситалар тизими билан ҳам белгиланган интегратив сифати; шахснинг энг мураккаб тузилмаларидан бири бўлиб, у шахсга воқеалар ва ўз фаолиятига, кишилар билан муносабатларига, ўз фаолиятини асослашга қаратилган қарорларига ўз шахсиятига хос мазмун бахш этишга ёрдам беради.

**Мотор алалия** – қ. *Мотор алалия.*

**Мотор афазия** – қ. *Мотор афазия.*

**Моторика** – организмнинг ҳамда унинг алоҳида органлари ва қисмларининг ҳаракатланиш фаоллиги; инсон ёки ҳайвоннинг ҳаракатланиш реакциялари тизими. Йирик (умумий) ва майда моторика (қўл моторикаси) фарқланади.

**МТМ услубчиси** – катта тарбиячи лавозимида ишлайдиган ходим. Унинг лавозим бўйича вазифалари: таълим жараёни ва методик ишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф-

ларни ишлаб чиқиш; методик материалларни тизимлаштириш ва ахборот материалларини тузиш; аниқ мутахассисликлар бўйича мутахассисларни ва ўқув режаларини тайёрлашни истиқболли ва режалаштириш методларини ишлаб чиқиш.

**МТМда иш сифатини бошқариш** – таълим муассасаси раҳбарининг педагогик жараённи такомиллаштиришга қаратилган фаолияти. Самарали бошқариш фаолияти қуйидагиларнинг амалга оширилишини кўзда тутади: туман, шаҳар миқёсида таълимдаги вазиятнинг таҳлили; ота-оналарнинг талабларини таҳлил этиш; педагогик фаолиятни ўзгартириш ва яхшилаш мақсадида касбий малакаларни такомиллаштиришга йўналганлик; таълим муассасасининг барча ходимларини бир мақсад сари бирлаштириш. МТМнинг иш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар: иқтисодий (ходимнинг малакаси, меҳнат шароитлари, иш стажи ва б.); шахсий (касбий малака, виждонан ишлаш, тезкорлик, ижодий фаоллик ва ҳ.к.); ташкилий-техник (меҳнатнинг рационал ташкил этилганлиги, меҳнатнинг жозибадорлиги, техник жиҳозланганлиги ва б.); ижтимоий-маданий (жамоавийлик, ижтимоий фаоллик, умуммаданий ва маънавий ривожланиш ва ҳ.к.).

**МТМда методик иш** – узлуксиз таълим тизимининг бир қисми. Мақсадлари: болалар таълим ва тарбиясининг энг мақбул методлари ва усулларини ўзлаштириш; таълим-тарбия ишини ташкил этиш ва олиб боришда педагогларнинг тайёргарлик даражасини ошириш; педагогик жамоа аъзолари ўртасида тажриба алмашинувини амалга ошириш ва б. Методик иш педагогик жараённинг сифатини оширишга йўналтирилган бўлиб, МТМ жамоаси аъзоларида психологик-педагогик таҳлил малакалари ва кўникмаларини шакллантириш, ҳар бир жамоа аъзосининг педагогик фаолиятида индивидуал услубни қарор топтириш, педагогларнинг креативлик даражасини оширишга ёрдам беради. Педагогик жамоа билан олиб бориладиган методик иш шакллари: педагогик кенгаш, маъруза, назарий семинар, семинар-практикум, ижодий лаборатория, консультация, ишга оид ўйинлар, ақлий ҳужум, машҳур кишилар билан учрашувлар, конференциялар, қувноқлар ва топқирлар клуби шаклидаги мунозаралар, педагогик ринг, давра суҳбатлари, педагогик меҳмонхона, қизиқишлар клуби.

**МТМда тадбиркорлик фаолияти** – таълим муассасасининг уставида кўзда тутилган ҳамда таълим дастурларини амалга



оширишлари билан боғлиқ бўлмаган фаолият бўлиб, у бевосита ушбу таълим муассасасига ҳамда таълим жараёнини таъминлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш эҳтиёжларига (шу жумладан, иш ҳақига) реинвестиция қилинмайдиган даромад олишга қаратилган.

**МТМни бошқариш методлари** – педагогик жараён қатнашчилари томонидан бошқариш фаолиятининг мақсадлари, тамойиллари, мазмунини амалга оширишга қаратилган ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш усуллари. МТМни боқариш методлари уч гуруҳга бўлинади: маъмурий (кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, маъмурий нормалар ва нормативларни тасдиқлаш, буйруқлар, фармойишлар чиқариш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва ҳ.к.); иқтисодий (моддий тақдирлаш тартибини белгилаш, суғурта, техник-иқтисодий режалаштириш ва б.); ижтимоий-психологик (ижтимоий-психологик таҳлил, ходимларнинг бошқарувда қатнашиши, педагогик жамоани шакллантириш, ижтимоий хулқ-атвор нормаларини қарор топтириш, ижодий муҳит яратиш ва б.).

**МТМни молиялашда ҳар бир тарбияланувчига белгиланадиган норматив** – асосан жорий ҳаражатларни ўз ичига олади: иш ҳақи, ўқув ва маъмурий-хўжалик ҳаражатлари, малакани оширишга ҳаражатлар, асбоб-ускуна сотиб олиш ва жорий таъмирлашга мўлжалланган ҳаражатлар; қисман коммунал хизматлар учун ҳаражатларни ҳам ҳисобга олиши мумкин, бироқ уларнинг бир қисмига нисбатан бу иш қийинчилик туғдириши ҳам мумкин, чунки таълим муассасаларига нисбатан бундай хизматлар нархлари турли регионларда турлича бўлади.

**МТМнинг ишлар номенклатураси** – МТМда бажариладиган ишларни юритишда тузиладиган ҳужжатлар сақланадиган йиғмажилдлар рўйхати, уларнинг устида ҳужжатларни сақлаш муддати кўрсатилади.

**МТМнинг мақоми тўғрисидаги намунавий низом** – таълим муассасаси фаолиятини тартибга солиб турадиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига зид бўлмаган қоидалар тўплами.

**МТМнинг методик кабинети** – МТМда методик ишлар маркази, унинг вазифалари тарбиячиларга педагогик жараённи ташкил этиш, ота-оналар билан ишлаш, ўз педагогик маҳоратларини ошириш ва мустақил ўқишни ташкил этишда фаол ёрдам кўрсатишдан иборат. Тўртта блокка эга: 1) МТМ фаолиятини

аналитик-диагностик (таҳлилий-ташхисий) таъминлаш блоки (машғулотлар, тадбирлар таҳлили; методик тавсияларни ишлаб чиқиш; диагностика (ташхислаш); 2) педагогик маҳоратни ошириш блоки (аттестация ўтказиш, малака ошириш, мастер-класслар, индивидуал маслаҳатлар бериш); 3) дастурий-методик блок (таълим дастурларининг мазмунини янгилаш, янгиларини ишлаб чиқиш, муаллифлик методик материалларининг экспертизасини ўтказиш); 4) ахборот блоки (иш тажрибасини умумлаштириш ва тарқатиш, дидактик ва методик материал яратиш, видеотека яратиш).

**Муаммоли вазият** – индивид ёки гуруҳ фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи ҳолат.

**Муаммоли ўқитиш** – ўқитишнинг табиий-самарали усули, муаммоли вазиятлар яратиш орқали илмий билимлар мантиқини намойиш этадиган ўқитиш жараёни.

**Мувозанат сақлаш** – алоҳида тана қисмларининг ҳолатини ўзгартириб туриш эвазига унинг мувозанатини сақлаш. Мувозанат сақлашда барча анализаторларнинг ўзаро алоқада ишлаши талаб қилинади, шунинг учун у илк ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаракатланиш фаоллигини ташкил этишнинг мураккаб шакли ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар учун мувозанат сақлаш ўзини намоён этиш, қадрини ошириш, ўз имкониятларини намойиш этишнинг ўзига хос усулидир.

**Мувофиқлик сертификати** – сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**Музей педагогикаси** – музейларнинг ўзига хос маданий-таълимий фаолияти, турли ташриф буюрувчилар категорияларига таъсир кўрсатиш методлари, таълим муассасалари билан ўзаро алоқаларини ва ҳ.к. ўрганадиган фан соҳаси. Музей педагогикасининг бош мақсади – ўсиб келаётган авлодни музейларга қизиқтириш, шахснинг ижодий ривожланишини таъминлаш.

**Мулоқот** – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ўзаро фикр алмашиниши. Яна қ. *Коммуникация*.

**Мулоқотнинг синтоник модели** – уйғун мулоқот.

**Мультимедиа** – компьютер ёрдамида ўқув материалларининг рангли графика, матн ва график эффектлар, овоз ва синтезлашган мусиқа ҳамроҳлигида, анимация, шунингдек тўлақонли видеоклиплар, ҳатто видеофильмлар каби турли хил кўринишларда берилиши.



**Муносабат анъаналари** (этикет анъаналари) – риоя қилиниши мажбурий бўлмаса-да, аммо у ёки бу сабабга кўра риоя қилинадиган муносабат анъаналари (масалан, болалар олдида муносабатларни аниқлаштирмаслик, баҳслашмаслик, узоқ сафарда нотаниш йўловчилар билан хушмуомалалик билан суҳбатлашиш, кўчада нотаниш одамнинг сўроғига жавоб бериш, оғир юкни кўтаришга кўмаклашиш ва ш.к.).

**Мунтазам назорат** – мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган назорат турларидан бири, мақсади – дастлабки, оралиқ ва якуний назорат натижаларини ўзаро қиёслаш, шунингдек аввал берилган кўрсатмалар ва таклифларнинг бажарилганлигини текшириш, муайян вақт оралиғида гуруҳдаги натижаларни ўзаро қиёслаш. Мунтазам назорат мактабгача таълим муассасаси ходимларини интизомга оғишмай риоя қилишга ўргатади, тарбиячиларнинг топширилган ишга масъулиятини оширади.

**Муомала** – кишилар билан муносабат, сўзлашув ва шунингдек, иш, хизмат ва бошқа барча соҳалар билан боғлиқ алоқаларни ифода этувчи тушунча. Энг гўзал муомала лутф-карамдир. Навоий бобомиз бундай муомалани «муомала-пардоз» деб атаган. Халқимизда одамлар билан тўғри, оқилона муомала қила билиш маданияти олижаноблик аломати деб қаралади. Муомала маданиятида халқимизга хос гўзал фазилатлар намоён бўлади.

**Муомала маданияти** – атрофдагилар билан ўз муносабатларини жамиятда ишлаб чиқилган гуманистик қадриятлар ва меъёрларга мувофиқ қуриш билими, малакаси, кўникмаси. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий тарбияси жараёнида шаклланади.

**Мураккаб (комплекс) бузилишлар** – икки ва ундан кўп муаммоларнинг бирга келиши (мас.: эшитиш-кўриш, эшитиш-кўриш-ақлий, кўриш-ақлий, эшитиш-таянч-ҳаракат аъзолари фаолиятидаги меъёрдан четга чиқиш). Бундай бузилишлар боланинг руҳий ривожланишига ўзига хос равишда таъсир этиб, махсус коррекцион таъсирни талаб этади. Комплекс бузилишлари бўлган болаларнинг ўсиши, мавжуд камчиликларга қараб, ўзига хос равишда кечади.

**Муроса (компромисс)** – ўзаро ёнбосишлар воситасида эришилган битим; зиддиятларни тўқнашувчи томонларнинг ўзаро музокаралари, баҳс сабабини чуқур ўрганиб чиқиш, ҳар бир то-

монининг ёнбосиш чегараларини англаб олиш йўли билан ҳал эти
методи.

**Мусиқа** – борлиқни товушли бадиий образларда акс эттирадиган ва инсон руҳиятига кучли таъсир кўрсатадиган санъат тури. Мусиқа инсонларнинг эмоционал ҳолатини жуда аниқ ва ёрқин ифодалайди, инсоннинг эшитиш орқали идрок этган ҳис-туйғуларини ўзининг шахсий кечинмалари, ташқи олам ҳолатлари ва жараёнларига ўхшата олиш, улар ўртасида ҳамоҳангликни англай олиш қобилиятига асосланади. Мусиқа ифода воситаси сифатида кўп ўринда сўздан фойдаланади. Мусиқанинг асосий элементлари ва ифода воситалари: товушлар сираси, ритм, метр, темп, динамика, тембр; оҳанг, гармония, полифония, инструментовка.

**Мусиқа асбоблари** – мусиқани ижро этишга, баландлиги бўйича ритмик ташкил этилган ва муайян ҳолатда маҳкамланган товушларни чиқаришга ёки онгли равишда бошқариладиган ритмни тиклашга мўлжалланган. Қадим замонлардаёқ пайдо бўлган (мугузлар, энг содда найлар ва бир томонлама дўмбиралар палеолит ва неолит даврларидан маълум). Мусиқа асбоблари шартли равишда халқ мусиқа асбоблари ва профессионал мусиқа асбобларига (улар одатда халқ асбобларини такомиллаштириш йўли билан яратилган бўлади) бўлинади. Профессионал мусиқа асбоблари: одатда симфоник (опера) ва эстрада оркестрлари таркибига кирадиган асбоблар, шу жумладан орган, фортепьяно каби торли клавишали асбоблар. Турлари: пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари, торли мусиқа асбоблари, уриб чалинадиган мусиқа асбоблари.

**Мусиқа зали** – мусиқа машғулотларини ўтказиш ва бўш вақтни мазмунли ташкил этиш учун мўлжалланган катта хона. Мусиқа зали таркибида одатда фортепьяно, мусиқа маркази, магнитофон ва аудиоёзувлар, проигриватель пластинкалари билан, расмлар ва иллюстрациялар, болалар мусиқа асбоблари тўплами, мусиқали ўйинчоқлар, театр пардаси, театр қўғирчоқлари, театрга тегишли нарсалар ва костюмлар бўлади. Эшитишида камчилиги бўлган болалар учун мўлжалланган махсус МТМдаги мусиқа зали юқоридагилардан ташқари яна товушни кучайтириб берувчи аппаратура учун индукция илгаги билан таъминланган бўлиши керак.

**Мусиқа зинапояси** – мусиқали товуш қаторларига эга бўлган саккиз пиллапояли зинапоя, ёғоч ёки пластмасса асосдан ва ме-



талл пластиналар маҳкамланган олинадиган зиначалардан иборат. Металл пластиналарга болғача билан урилганда, маълум баландликдаги товуш ҳосил бўлади. МТМда ўтказиладиган дидактик мусиқа ўйинларида қўлланади.

**Мусиқа машғулотлари** – мусиқий нутқ ва мусиқа тилининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган машғулотлар тури. Мавзулари: «Қаттиқ-секин», «Баланд- паст», «Мусиқанинг учта жанри», «Мусиқа нима ҳақда ҳикоя қилади?» ва ҳ.к.

**Мусиқа раҳбари** – МТМ жамоаси таркибига кирадиган педагогик ходим, мусиқа фаолиятини ташкил этишнинг турли шакллари ва кўринишларидан фойдаланиб, тарбияланувчиларнинг мусиқага бўлган иқтидорларини ривожлантириш, эстетик таъбини шакллантириш ишлари билан шуғулланади. Мусиқа раҳбари битта ёки бир нечта мусиқа асбобини чалишни билиши, амалга ошириладиган педагогик фаолият йўналишларини тарбияланувчиларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини, уларнинг ижодий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда белгилаши лозим.

**Мусиқа ритмини сезиш** – мусиқадан чуқур таъсирланиш ва бунинг натижасида мусиқанинг ритмик ифодалилигини ҳис этиш қобилияти.

**Мусиқа тарбияси** – эстетик тарбия соҳаларидан бири; МТМ ва мактабларда амалга оширилади. Болада ижодкорлик қобилиятини шакллантириш мақсадида унинг мусиқа маданиятини тарбиялаш ва мусиқавий майлларини ривожлантиришга қаратилган махсус ташкил этилган педагогик жараён. Мусиқа тарбиясининг вазифалари: болага мусиқани севиш ва тушунишни ўргатиш, унинг мусиқани эшитиш қобилиятини ва мусиқага ҳавасини ривожлантириш, унга энг содда ижрочилик кўникмаларини сингдириш (куйлаш, ҳиргойи қилиш).

**Мусиқа терапияси** – психотерапевтик методлардан бири, мусиқанинг ўзига хос хусусиятларидан даволаш воситаси сифатида фойдаланишга асосланган. Мусиқашуносликнинг мусиқа назарияси, мусиқа тарихи, мусиқа эстетикаси, мусиқа танқиди, мусиқа фольклоршунослиги каби соҳаларининг ютуқларига таянади.

**Мусиқа товуши** – мусиқа бирлиги, у ўзининг маълум баландлиги (субконтроктаванинг до нотасидан бешинчи октаванинг ре нотасигача, ёки 16 Гц дан 4-4,5 кГц гача), қаттиқлиги, давомийлиги ва тембри билан ажралиб туради.

**Мусиқа фаолияти** – мусиқа воситасида ривожлантириш жараёнида мусиқа фаолиятининг барча турларини қўллаш. Бо... лар мусиқа фаолияти турлари: мусиқани, унинг ҳаракати, ўзи... хос оҳанглари, образлилиги ва бетакрор мусиқа санъатини ... затиш», яъни идрок этиш; мусиқани тинглаш, фаол мусиқа ... лиёти (қўшиқ айтиш, мусиқа асбобларини чалишдан фойдала... ган ҳолда); мусиқани яратиш, яъни мусиқани тинглаш ва ... этиш билан боғлиқ бўлган болалар ижодиёти. **МТМ**да мусиқ... фаолиятини ташкил этиш турлари: фронтал мусиқа машғулот... лари (комплекс, мавзу бўйича, етакчи (доминант), анъанавий... гуруҳий ва индивидуал мусиқа машғулотлари (ижодий, мусиқ... ни эшитиш иқтидори ва овозни ривожлантириш, рақс ҳаракат... рини ўзлаштириш, болаларга мусиқа асбобларни чалишни ўрг... тиш); мусиқа залидан ташқарида ташкил этиладиган мусиқа му... ҳити (мустақил мусиқа фаолияти, мусиқа садолари остида ўйн... ниш, мусиқали хордиқ, эрталабки бадантарбия, физкультур... машғулотлари); байрамлар ва кўнгилхушликлар (мавсумий, мавзувий, фольклор, ўйинга асосланган).

**Мусиқа шакли** – 1) мусиқа асарида муайян ғоявий-бадиий мазмунни ўзида мужассамлаштирган ифода воситалари мажму... 2) Мусиқа асарининг тузилиши. Ҳар бир асарда мусиқа шакли ўзига хос, индивидуал характерга эга, бироқ унинг турли кўлам... даги нисбатан турғун турлари мавжуд – давр, оддий ва мурак... каб икки қисмли шакли, уч қисмли шакли, вариациялар шакли, рондо, соната шакли ва б. Мусиқа шаклининг мазмун ва тузи... лиш жиҳатдан энг кичиқ шакли бу оҳандир, битта ва ундан ортиқ оҳанглар мусиқавий бирикмани ҳосил қилади, бирикмалардан жумлалар ҳосил бўлади, иккита жумла кўп ҳолларда даврни (одатда 8 ёки 12 тактдан иборат бўлади) ташкил қилади. Давр шаклида одатда мусиқа асарининг мавзуси баён этилади. Шундай қилиб, мусиқа шаклининг таркибий қисмлари ўзаро чамбарчас боғлиқ.

**Мусиқага бўлган қобилиятни ривожлантириш** – боланинг та... бий қобилиятига таянган ҳолда, унда мусиқа маданиятининг асосларини, ижодий фаолликни шакллантириш орқали қобилия... тини ривожлантириш жараёни.

**Мусиқага лаёқатлилик** – айнан мусиқа фаолияти билан шу... ғулланиш учун талаб қилинадиган индивидуал-психологик ху... сусиятлар мажмуи. Мусиқага лаёқатлиликнинг бош белгиси – ...қани ҳис қилиш, ундан таъсирланиш, мусиқага дилини оча ...ш, мусиқа оҳангини нозик ва чуқур идрок этиш ва б.

**Мусиқани эшитиш қобилияти** – мусиқа товушларининг айрим ...атларини идрок этиш ва улар ўртасидаги функционал алоқа... ...ни сезиш қобилияти. Мусиқани эшитиш қобилияти баланд ва ... товушларни идрок этиш, мусиқа оҳангини тўғри эслаб қолиш ... қайтариш каби хусусиятларда намоён бўлади. Мусиқани эши... ...ш қобилияти мусиқадаги қобилиятнинг таркибий қисмидир.

**Мустаҳкамлаш** – эсда қолдирилган муайян материални тур... ...усуллар билан онгимизда янада мустаҳкамлашга қаратилган ...тира жараёни.

**Мутизм** – руҳий жароҳат натижасида нутқнинг йўқолиши. ...унча вақтинча характерга эга бўлади. Мутизм негизида ...стресс ҳолатлар натижасида нутқ ҳаракат анализаторининг тор... ...ланиши ётади. Абсолют мутизм (бутунлай гапира олмаслик) ва электив мутизм фарқланади.

**Муқобил текшириш** – операциялар бирлиги туфайли ўзаро ...боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки ...бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳуж... ...жатларни таққослашдан иборат текширув.

**Муҳит терапияси** – руҳий ёрдам йўналишларидан бири бўлиб, ёрдам сўраб мурожаат қилган кишининг микромуҳити устида ...уйбу муҳитнинг ички резервларини ишга солиш ва шахсга таъ... ...ирини яхшилаш мақсадида иш олиб боришга қаратилади.

## Н

**Навбатчилик** – мактабгача болалар муассасаларида бола... ...лар меҳнатини ташкил этиш шакли, у жамоага хизмат кўрсатиш... ...га қаратилган ишнинг (дастурхон тузаш, машғулотларда даф... ...тарларни тарқатиб чиқиш, гулларга сув қуйиш ва боланинг кучи ...етадиган бошқа ш.к. ишлар) бола томонидан бажарилиши маж... бурийлигини билдиради.

**Назорат** – белгиланган мақсадларни муддатида ва сифатли, қўйилган талабларга мувофиқ амалга ошириш имконини бера... ...диган ташхислаш усули. У таълим муассасасининг бошқариш инструменти, шунингдек ходимларни рағбатлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

**Назорат тартибида текшириш** – хўжалик юритувчи субъект... ...ларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликлар-

ни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

**Назоратсиз** – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахснинг томонидан вояга етмаган шахсни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган шахслар.

**Назорат қилиш** – бирон-бир идора, муассаса, корхона қарамоғидаги ташкилотлар ёки бўлимларнинг ишлаб чиқариш, техник ёки молиявий ҳолатини текшириш.

**Назорат қилувчи органлар** – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар.

**Натал давр** – аёл авлодни давом эттира оладиган давр, янги туғуруқ даври.

**Натурал қатор** – кўпаювчи тартибда жойлаштирилган барча натурал сонлардан иборат чексиз кетма-кетлик: 1, 2, 3, 4, ... Натурал қатор хусусиятлари: бошланғич сонга эга; битта сондан кейин фақат битта сон келади; ҳар бир кейинги сон аввалгисидан биттага кўп, аввалгиси эса кейингисидан биттага кам (n-1); натурал қатор чексиз. Натурал қатор билан таништириш катта гуруҳда аввал ўрганилган биринчи ўнликдаги сонлар ҳақидаги билимларни умумлаштириш тарзида амалга оширилади. Болалар биринчи ўнлик чегарасида тўғри ва тескари санаш, ёнма-ён турган сонларни ўзаро қиёслаш, кейин ва олдин турган сонни аниқлаш, ёнма-ён турган сонлар ўртасидаги ўзаро тескари муносабатларни тушунишга ўрганади.

**Натюрморт** (франц. nature morte – айнан: ўлик табиат) – тасвирий санъат жанри, жонсиз предметлар – жиҳозлар, мевалар, сабзавотлар, ўлдирилган парранда, гулдасталар, бирон-бир фаолият қуролларини ва ҳ.к. тасвирлайди.

**Нафас олиш гимнастикаси** – нафасни, шу жумладан нутқий нафасни ривожлантиришга қаратилган машқлар тизими.

**Нафрат** – кучли душманлик, норозилик ҳисси. Нафрат ва унинг оқибатлари тўғрисидаги тасаввурлар болаларда ахлоқ-одоб мавзуидаги суҳбатлар, адабий қаҳрамонларнинг салбий хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиш жараёнида шаклланади.

**Нақш** – предмет, иншоот юзасининг тасвирий бўлмаган безаклари. Нақшнинг декоратив эффекти ҳар хил рангдаги чизиқлар, доғларнинг ўзаро бирикуви воситасида ҳосил бўлади. МТМда нақш тушунчаси декоратив расм чизиш, аппликация, тасвирий машғулотларида қўлланади.

**Невроз** – нерв-психик бузилишларнинг асосий шаклларидан бири, мия пўстлоғида тормозланиш билан қўзғалиш жараёнлари ўртасидаги мувозанатнинг йўқолишидан келиб чиқади. Касаллик турли белгилар билан кечади (жаҳлдорлик ёки, аксинча, йиғлоқилик, лоқайдлик ёки ўта таъсирчанлик ва ҳ.к.). Неврозга инсон ҳаётидаги муҳим, аҳамиятли муносабатларнинг бузилишига олиб келадиган невротик зиддият деб аталувчи ҳолат сабаб бўлади, у асабга жароҳатли таъсир кўрсатувчи вазиятларнинг фаоллашуви оқибатида янада ўткирлашиши ва нерв тизимига катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Невропатолог** – асаб тизими касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш масалалари билан шуғулланадиган шифокор-мутахассис.

**Невропатология** – нерв (асаб) тизими хасталикларини ўрганувчи фан.

**Негативизм** – атрофдаги кишиларнинг таъсирига номаъқул қаршилик кўрсатишни ифодаловчи руҳий фаолиятдаги бузилишнинг ташқи белгиларидан бири. Негативизм пассив ва фаол бўлади. Пассив негативизм боланинг атрофдагилар сўзига кирмаслик, тингламаслик билан, фаол негативизм эса атрофдагилар айтганининг аксини қилиш билан характерланади, Негативизм *алалия*, *дудуқланиш*, *ринолалия* каби нутқ камчиликларида кузатилиши мумкин.

**Нерв жараёнларининг индукцияси** – нервларнинг қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг бир-бирига таъсири. Нерв жараёнларининг бир пайтда содир бўладиган (фазовий) индукцияси ҳамда кетма-кет (муваққат) индукцияси фарқланади. Нерв жараёнларининг бир пайтдаги индукцияси бош мия қобиғида қўзғалиш ва тормозланиш ўчоқлари пайдо бўлиб, барқарорлашганда, нафақат ушбу ўчоқ қамраб олган ҳўжайраларнинг, балки уларга қўшни ҳўжайраларнинг ҳам ҳолатлари ўзгарганда содир бўлади. Бунда қўшни ҳўжайраларда қарама-қарши жараён содир бўлади. Нерв жараёнларининг кетма-кет индукцияси шунинг билан ажралиб турадики, бунда бош миянинг бирон-бир қисмида қўзғалиш (тормозланиш) йўқолганидан сўнг, бу ерда тескари жараён ривожланади. Шунга мувофиқ қўзғалиш дара-

жаси қанча юқори бўлган бўлса, тормозланиш шунча кучли намоён бўлади, ва аксинча.

**Нерв жараёнларининг иррадиацияси** – нерв жараёнлари, қўзғалиш ва тормозланишнинг дастлабки пайдо бўлган нерв ... ментидан марказий асаб тизимининг бошқа элементларига ... ҳаларига) ҳам тарқалиши, ёйилиши.

**Нерв тизими** – инсонда ва умуртқали ҳайвонлар организми... ги нерв ҳосилаларининг йиғиндиси. Асосий функциялари: таш... олам билан алоқаларни таъминлаш; тизимдаги ички орган... интеграцияси, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва б... қариш; организмнинг бир бутунликда фаолият кўрсатишини т... минлаш.

**Нефролог** – МТМда профилактика кўриклари доирасида м... лаҳатлар берадиган, консультациялар ташкил этадиган шиф... кор-мутахассис. Бунда унинг вазифалари қаторига буйрак ... салликларини (сийдик йўллари инфекцияси, сурункали пиелонеф... рит, диффузияли гломерулонефрит) ташхислаш, махсус давола... муассасаларида қўшимча зарур текширишларни ўтишга йўлла... ма бериш киради.

**Низо** – 1) кишилар, ғоялар ёки манфаатлар ўртасидаги муноса... батларда ихтилоф мавжудлигини кўрсатадиган жиддий келишмо... чилик, баҳс, қарама-қаршиликлар тўқнашуви. Мас., ижтимоий н... зонинг ривожланиши ижтимоий танглик, қарама-қаршиликларни... ўткирлашуви, норозиликнинг кенгайиши, ижтимоий гуруҳлар, ж... моалар, ходимларнинг очиқ чиқишларида намоён бўлади. 2) Бир... бирини рад этадиган импульслар, истаклар, турткилар (мотивлар), эҳтиёжлар бир пайтнинг ўзида амал қилишлари натижаси ўлароқ юзага келадиган психологик танглик. Шу нуқтаи назардан низо... ларнинг учта тури фарқланади: деструктив низолар (душманлик, ўткир рақобатчилик, ва рақиб қаршисида паст келмаслик истаги... нинг йўқлиги билан ажралиб туради); нейтрал низолар (рақобатчи... ликдан биргаликдаги хатти-ҳаракатлар, кооперация, ҳамкорлик... қилишга ўтиш имконини беради); конструктив низолар (низо с... бабларининг таҳлили, томонларнинг келишувини кўзда тутади, вазиятнинг ўзгаришига, ҳамкорликдаги ижодий фаолиятга олиб келади). Низони бошқариш учун низони келтириб чиқарган сабаб... ларни бартараф этиш (камайтириш), ё манфаатларни яқинлашти... риш, ёхуд тўқнашув иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларига мақ... садга йўналтирилган таъсир кўрсатиш талаб қилинади.



**...изоли вазият** – 1) низонинг юзага келиш шарт-шароити; то... ...ларнинг бирон-бир сабаб, қарама-қарши мақсадларга инти... ...и, манфаатлари ва истакларининг тўғри келмаганлиги, мақ... ...га эришишда ҳар хил воситалардан фойдаланиши туфайли ...га келган қарама-қарши позицияси. Низоли вазиятнинг низо ...ражасига ўсиб чиқиши учун ташқи таъсир, сабаб керак бўлади. ...Ижтимоий низо (тўқнашув) ривожланишининг олий босқичи, ...монларнинг очиқдан-очиқ қарши тура бошлаши. Ҳар бир тўқна... ...вли вазият жамоада қоникмаган кишилар миқдори билан ифо... ...ланадиган танглик даражаси билан характерланадиланади.

**...ият** – ўйлаб қўйилган иш, фаолият режаси, мўлжал; бадиий ...рнинг асосий маъноси, ғояси.

**...овербал мулоқот** – ахборот, фикрни сўзлашув нутқидан ...шқа – тана хатти-ҳаракати воситалари ёрдамида етказиш (имо... ...шора, хатти-ҳаракат ва б.).

**Ногирон** (лотин., «invalidus» – заиф, дармонсиз, ожиз) – жис... ...оний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги ту... ...файли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ...ужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ...жтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахс.

**Ногирон бола** – жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) ру... ...ҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чеклан... ...ганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола.

**Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш** – ногиронларга тур... ...муш фаолияти чекланганлигини бартараф этиш ёки қоплаш (ком... ...пенсация қилиши) учун шарт-шароитларни таъминлашга ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбир... ...лар тизими.

**Ногиронларни реабилитация қилиш** – ногиронларга организ... ...мининг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини тиклашига ва уларни компенсация қилишига, турмуш фаолияти чекланганли... ...гини бартараф этиши учун ёрдам беришга қаратилган тиббий, ижтимоий, психологик, педагогик, жисмоний, касбга, меҳнатга доир чора-тадбирлар тизими.

**Ногиронлик** – 1) касаллик ёки жароҳат оқибатида умумий ёки касбий лаёқатлиликнинг барқарор бузилиши (пасайиши ёки йўқо-

тилиши). Меҳнатга лаёқатлиликнинг йўқотилганлик даражасига қараб, вақтинчалик (6-12 ойгача) ёки муддатсиз 1-, 2- ёки 3 ногиронлик гуруҳлари белгиланади. Ногиронлар давлат пенсиялари, бепул даволаш, протезлар билан ва ҳ.к. таъминланади, уларни ишга жойлаш учун шарт-шароитлар яратилади (махсус мактабларда ихтисосини ўзгартириш, янги ихтисос бериш, ва ҳ.к. начилик). 2) Аҳоли соғлигини тавсифлайдиган статистик кўрсаткич: меҳнатга лаёқатлилигини барқарор йўқотган пенсия ёшигача аҳоли сонининг бутун аҳоли сонига нисбати.

**Нодавлат нотижорат ташкилот** – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини-ўзи бошқариш ташкилоти.

**Ноёб ҳужжат** – ўзида мавжуд бўлган **ахборот ва (ёки) ташқи** белгилари бўйича ўхшаши йўқ, **йўқотилган тақдирда ўзининг** аҳамияти ва (ёки) асл қўлёзмалиги **нуқтаи** назаридан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган алоҳида қимматли ҳужжат.

**Номини аташ** – болалар луғатини бойитишнинг энг фаол усули; нотаниш ёки қийин сўзни талаффуз қилиш намунаси, тарбиячидан керакли сўзни аста-секин, чўзиб, бироқ орфоэпик жиҳатдан тўғри, дона-дона талаффуз **этишни талаб қилади. Номини** аташ одатда керакли объектни кўрсатиш **билан қўшиб олиб борилади.**

**Норматив ҳужжат** – шундай ҳужжатни чиқаришга ваколатли орган томонидан қабул қилинади ва бажарилиши мажбурий бўлган ҳамда вақтинча ёки доимий кучга эга бўлган нормалар, қоидаларни белгилайди.

**Норматив-ҳуқуқий акт** – ваколатли давлат ҳокимият органининг ҳуқуқ нормаларини белгилайдиган ҳужжати. Турлари: қонунлар, кодекслар, йўриқномалар.

**Нотўлиқ оилалар** – турли сабабларга кўра ота ёки она бўлмаган оилалар (ҳалок бўлган, вафот этган, қамалган, эр-хотинлар ажрашиб кетган ёки бирон бир сабабга кўра бошқа оила аъзолари билан яшамайди). Бундай оилаларда одатда болада эмоционал муаммолар юзага келади, бола жуда тортинчоқ ёки, аксинча, агрессив бўлиши, боланинг жинсий ривожланишида қийинчиликлар туғилиши мумкин.



**Нутқ** – инсон томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга узатиш ёки алоқа ўрнатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни.

**Нутқ аппарати** – нутқ товушларини ҳосил қилишда иштирок этадиган нутқ органлари тизими. Икки қисмдан иборат: марказий ҳамда периферик. Нутқ аппаратининг марказий қисмига пўстлоқ марказлари, пўстлоқ ости, ўтказувчи йўллар, бош мияда жойлашган нерв ўзаклари **киради**. Периферик нутқ аппарати уч қисмдан иборат: **1) нафас олиш бўлими** (бурун бўшлиғи, бронхлар, трахея, диафрагма, кўкрак қафаси); 2) овоз (ун) ҳосил қилиш бўлими (овоз пайчалари, бўғиз ва ҳиқилдоқ); 3) артикуляция бўлими (бўғиз, бурун ва оғиз бўшлиғи).

**Нутқий анамнез** – боланинг нутқий ривожланиши ҳақида олинган маълумотлар йиғиндиси. Боланинг онаси билан суҳбат олиб бориш жараёнида бола гугулай бошлаган вақти, гугулаш фаол ёки онда-сонда бўлганлиги, биринчи сўз, жумлалар қай пайтда пайдо бўлганлиги аниқланади.

**Нутқий кўникмалар** – нутқий фаолият доирасида нутқ операциялари билан боғлиқликда шаклланадиган кўникмалар.

**Нутқий муаммолар** – муайян тилда қабул қилинган нутқ меъёрларидан бир оз бўлса ҳам четга чиқиш. Нутқий муаммолар талаффузда (дислалия), фонетик ва лексик-грамматик компонентларда (алалия), ёзиш ва ўқишда (дисграфия, дислексия), нутқ суръатида (дудуқланиш, баттаризм, тахилалия) кузатилиши мумкин. Нутқий муаммолар физиологик (яъни бола ёшига оид) ҳамда патологик бўлиши мумкин. Физиологик нутқий муаммолар бола атрофидагиларнинг тўғри нутқи таъсири остида кейинчалик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Бу камчиликни ўрганиш логопедия зиммасига кирмайди. Патологик нутқий муаммолар эса йўқолмасдан, аксинча, йилдан-йилга мустаҳкамланиб боради ва уни бартараф этиш учун махсус усуллардан фойдаланиш керак бўлади. Кўпинча нутқий муаммоларларни махсус педагогик методлар, шунингдек тиббий воситалар (лаб тиртиқлари, қаттиқ танглайдаги ёриқликларни операция қилиш, обтураторлар тайёрлаш) ёрдамида бартараф этиш мумкин.

**Нутқий нафас** – нутқ жараёнидаги нафас, оддий нафасдан тез нафас олиш ва секин нафас чиқариш, асосан оғиз воситасида нафас олиш, нафас ҳажмининг анча ортиши билан фарқланади.

**Нутқ камчиликлари** – қ. *Нутқий муаммолар.*

**Нутқ картаси** – логопедик муассасага қабул қилинган бола, ўсмир, катта кишининг нутқий ҳолатини белгиловчи асосий хужжат. Логопедик текшириш жараёнида логопед томонидан тўлдирилади. Нутқ картасида нутқида камчилиги бўлган шахсларнинг фамилияси, исми, ёши, уй манзили, мутахассис-шифокорларнинг (психиатр, невропатолог, оталарингoлог ва б.) хулосалари қайд этилади. Мактабгача ёшдаги бола ҳақида гап борганда эса аввал ота-онанинг шикоятлари ёки болани шу давргача кузатиб юрган логопеднинг фикрлари, сўнг боланинг артикуляцион аппаратининг ҳолати, луғат бойлиги, талаффузи, фонематик уқуви, нутқининг грамматик қурилиши ҳақидаги мутахассис-логопедлнинг маълумотлари киритилади. Бундан ташқари мактаб ёшидаги боланинг ёзув малакаларини текшириш мақсадида ўқув программасига асосланиб диктант ўтказилади ва ёзилган диктант намуналари нутқ картасига илова қилинади. Текшириш натижалари асосида логопед махсус хулоса чиқариб, логопедик машғулотлар жараёнида эришилган ютуқларни ҳам нутқ картасида кўрсатиб боради.

**Нутқ кинестезиялари** – нутқнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи органлар ҳолати ҳамда ҳаракатини ҳис этиш.

**Нутқ маданияти** – фикр алмашиш жараёнида нутқнинг тўғри, аниқ, равон, ифодали, мазмунли бўлишига эришиш; сўзларни ўз ўрнида ишлата билиш ва тўғри талаффуз этиш.

**Нутқ малакалари** – нутқ фаолияти структурасида нутқий хатти-ҳаракатларга нисбат бериладиган малакалар.

**Нутқни ривожлантириш методикаси** – мактабгача ёшдаги болалар нутқини шакллантиришга қаратилган педагогик фаолият қонуниятларини ўрганадиган педагогика фани соҳаси.

**Нутқни эшитиш-кўриш асосида идрок этиш** – кўриш ва эшитиш аъзолари ёрдамида оғзаки нутқни идрок этиш.

**Нутқнинг номинатив функцияси** – номлаш функцияси. Сўзлар нарсалар, ҳодисалар, белгилар ва ҳаракатларни номлашга хизмат қилади. Нутқнинг номинатив функциясини болалар биринчи навбатда ўзлаштирадилар.

**Нутқнинг товуш маданияти** – фонетик ва орфоэпик жиҳатдан тўғри нутққа эга бўлишлик, нутқнинг ифодалилиги, аниқ дикция ҳамда унинг билан боғлиқ ҳаракат ифода воситалари (мимика, имо-ишора), нутқий мулоқот маданияти элементлари (нутқнинг



умумий оҳангдошлиги (нутқдаги товушлар уйғунлиги), сўзлашиш жараёнида гавда ҳолати ва ҳаракатланиш кўникмалари) ва нутқни эшитиш қобилияти.

**Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги** – аномал нутқий ривожланишнинг махсус шакли бўлиб, бунда болада ақлий ва эшитиш жиҳатдан камчиликлар кузатилмаса-да, нутқ тизимидаги (фонетик ва лексик-грамматик) барча таркибий қисмлар (компонентлар)нинг шаклланиши бузилган бўлади.

**Нутқнинг фонетик ва фонематик томондан ривожланмаганлиги** – товушларни талаффуз этиш ва идрок қилиш жараёнидаги камчиликлар натижасида болаларда она тилидаги товушларни талаффуз қилиш тизимининг бузилиши. Яна қ. *Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги.*

**Нутқни ҳаракатлантирувчи анализатор** – ҳаракат анализаторининг бир қисми. Ҳаракат анализаторининг пўстлоқ учи иккита бирламчи майдондан ташкил топади ва шу хусусияти билан бошқа анализаторлардан фарқ қилади. Биринчи бирламчи майдон тана ҳаракатини бошқарса, иккинчи бирламчи майдон нутқ органлари ҳаракатини бошқаради. Нутқни ҳаракатлантирувчи анализаторнинг пўстлоқ учи (*Брока маркази*) бош миянинг чап пешана қисмида жойлашган. Ҳаракат нервлари ўтказувчи йўллар вазифасини бажаради. Нутқни ҳаракатлантирувчи анализаторнингнииг периферик қисми уч бўлимдан иборат: а) нафас олиш бўлими; б) овоз (ун) ҳосил қилиш бўлими; в) товуш (шовқин) ҳосил қилиш бўлими. Қисмларидан бирининг жароҳатланиши нутқ ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Нутқни ҳаракатлантирувчи анализатори пўстлоқ учининг жароҳатланиши мотор алалия ва мотор афазиянинг юзага келишига сабаб бўлади. Периферик қисмининг жароҳатланиши натижасида турли камчиликлар пайдо бўлиши мумкин (мас., товуш ҳосил қилиш бўлимидаги ўзгаришлар механик *дислалия*нинг, ун пайчаларидаги камчиликлар (шиш, сўгаллар) овоздаги камчиликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

**Нутқ оҳанги** – 1) нутқ пардасининг ўзгариши (кўтарилиши ёки пасайиши); 2) сўзлаётганда овоз оҳангдорлиги, ритми, суръати, тембри ва мантиқий урғуни ўз ичига олиб, ҳар хил синтактик маънолар, категориялар, экспрессиялар ва ҳис-туйғуларни ифодалашга хизмат қиладиган просодик элементларнинг мураккаб мажмуаси; 3) сўзловчининг талаффузидаги ўзига хослик, жаранглаётган нутққа жон бахш этадиган, сўзланаётган нарса-

га нисбатан сўзловчининг муносабатини акс эттиришга ёрдам берадиган асосий ифодалилик воситаси.

**Нутқ-ҳаракат анализатори** – нутқ органлари орқали келган ахборотнинг қабул қилиниши ва таҳлил этилишини таъминлайдиган аъзо. Нутқ-ҳаракат анализаторининг амал қилиши бузилиши мумкин (масалан, болаларда *дизартрия* натижасида).

## О

**Образли (сюжетли) ўйинчоқлар** – ўйин сюжетини белгилаб берадиган, ижодкорликни ривожлантирадиган, бола тасаввурини ва ижтимоий тажрибасини кенгайтирадиган ўйинчоқлар тури: болалар ва ҳайвонларни ифодаловчи қўғирчоқлар ва шакчалар, транспорт воситалари (автомашиналар, поездлар, самолётлар, аравачалар), идиш-товоқ, мебель ва б.

**Образли (тимсолли) хотира** – кўриш, эшитиш ва тасаввур этишнинг бошқа омиллари асосида инсонга эслаш ва онгда қайта тиклаш имконини берувчи хотира тури.

**Обтуратор** – танглай ёриқликларини қоплаш учун тайёрланган махсус пластиналар.

**Объективлик** (холислик) – 1) педагогик тушунча ва ҳодисаларнинг ҳаққоний ифодаси; 2) нарса ва ҳодисаларнинг ҳаққоний мавжудлиги. Уларнинг тўғри фан тушунчалари асосида изоҳланиши; 3) фикрнинг мисоллар, далилий материаллар, теорема ва формулалар билан исбот қилиниши.

**Объектларни тенглаштириш** – белгиларни ўзгартириб, миқдорни тенглаштириш малакаси; бунда икки усул қўлланади: ортиқча элементларни олиб ташлаш, етишмаган элементларни қўшиш. Ушбу усулдан мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни ривожлантириш жараёнида фойдаланилади.

**Овоз** – 1) эластик товуш пайчаларнинг тебраниши натижасида ҳосил бўладиган ҳамда баландлиги, кучи тембри бўйича ҳар хил бўлган товуш



...ар, доғларнинг ўзаро бирикуви воситасида ҳосил бўлади. МТМда нақш тушунчаси декоратив расм чизиш, аппликация, ...ш машғулотларида қўлланади.

**Невроз** – нерв-психик бузилишларнинг асосий шаклларидан ...ри, мия пўстлоғида тормозланиш билан қўзғалиш жараёнлари ...ртасидаги мувозанатнинг йўқолишидан келиб чиқади. Касал...и турли белгилар билан кечади (жаҳлдорлик ёки, аксинча, йиғ...иқлик, лоқайдлик ёки ўта таъсирчанлик ва ҳ.к.). Неврозга ин...н ҳаётидаги муҳим, аҳамиятли муносабатларнинг бузилишига ...иб келадиган невротик зиддият деб аталувчи ҳолат сабаб бўла...и, у асабга жароҳатли таъсир кўрсатувчи вазиятларнинг фаол...шуви оқибатида янада ўткирлашиши ва нерв тизимига катта ...лбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Невропатолог** – асаб тизими касалликларини ташхислаш, да...лаш ва профилактика қилиш масалалари билан шуғулланади...ган шифокор-мутахассис.

**Невропатология** – нерв (асаб) тизими хасталикларини ўрга...нувчи фан.

**Негативизм** – атрофдаги кишиларнинг таъсирига номаъқул қаршилик кўрсатишни ифодаловчи руҳий фаолиятдаги бузилиш...нинг ташқи белгиларидан бири. Негативизм пассив ва фаол бўла...и. Пассив негативизм боланинг атрофдагилар сўзига кирмаслик, ...ндамаслик билан, фаол негативизм эса атрофдагилар айтгани...нинг аксини қилиш билан характерланади, Негативизм *алалия*, *дудуқланиш*, *ринолалия* каби нутқ камчиликларида кузатилиши мумкин.

**Нерв жараёнларининг индукцияси** – нервларнинг қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг бир-бирига таъсири. Нерв жараёнларининг бир пайтда содир бўладиган (фазовий) индукцияси ҳамда кетма-кет (муваққат) индукцияси фарқланади. Нерв жараёнларининг бир пайтдаги индукцияси бош мия қобиғида қўзғалиш ва тормозланиш ўчоқлари пайдо бўлиб, барқарорлашганда, нафақат ушбу ўчоқ қамраб олган ҳўжайраларнинг, балки уларга қўшни ҳўжайраларнинг ҳам ҳолатлари ўзгарганда содир бўлади. Бунда қўшни ҳўжайраларда қарама-қарши жараён содир бўлади. Нерв жараёнларининг кетма-кет индукцияси шунинг билан ажралиб турадики, бунда бош миянинг бирон-бир қисмида қўзғалиш (тормозланиш) йўқолганидан сўнг, бу ерда тескари жараён ривожланади. Шунга мувофиқ қўзғалиш дара-

жаси қанча юқори бўлган бўлса, тормозланиш шунча кучли намоён бўлади, ва аксинча.

**Нерв жараёнларининг иррадиацияси** – нерв жараёнлари, қўзғалиш ва тормозланишнинг дастлабки пайдо бўлган нерв элементидан марказий асаб тизимининг бошқа элементларига (ҳалқаларига) ҳам тарқалиши, ёйилиши.

**Нерв тизими** – инсонда ва умуртқали ҳайвонлар организми ги нерв ҳосилаларининг йиғиндиси. Асосий функциялари: ташқи олам билан алоқаларни таъминлаш; тизимдаги ички органлар интеграцияси, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш; организмнинг бир бутунликда фаолият кўрсатишини таъминлаш.

**Нефролог** – МТМда профилактика кўриклари доирасида маслаҳатлар берадиган, консультациялар ташкил этадиган шифокор-мутахассис. Бунда унинг вазифалари қаторига буйрак касалликларини (сийдик йўллари инфекцияси, сурункали пиелонефрит, диффузияли гломерулонефрит) ташхислаш, махсус даволаш муассасаларида қўшимча зарур текширишларни ўтишга йўлланма бериш киради.

**Низо** – 1) кишилар, ғоялар ёки манфаатлар ўртасидаги муносабатларда ихтилоф мавжудлигини кўрсатадиган жиддий келишмовчилик, баҳс, қарама-қаршиликлар тўқнашуви. Мас., ижтимоий низонинг ривожланиши ижтимоий танглик, қарама-қаршиликларнинг ўткирлашуви, норозиликнинг кенгайиши, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, ходимларнинг очиқ чиқишларида намоён бўлади. 2) Бир-бирини рад этадиган импульслар, истаклар, турткилар (мотивлар), эҳтиёжлар бир пайтнинг ўзида амал қилишлари натижаси ўлароқ юзага келадиган психологик танглик. Шу нуқтаи назардан низоларнинг учта тури фарқланади: деструктив низолар (душманлик, ўткир рақобатчилик, ва рақиб қаршисида паст келмаслик истагининг йўқлиги билан ажралиб туради); нейтрал низолар (рақобатчиликдан биргаликдаги хатти-ҳаракатлар, кооперация, ҳамкорлик қилишга ўтиш имконини беради); конструктив низолар (низо сабабларининг таҳлили, томонларнинг келишувини кўзда тутади, вазиятнинг ўзгаришига, ҳамкорликдаги ижодий фаолиятга олиб келади). Низони бошқариш учун низони келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш (камайтириш), ё манфаатларни яқинлаштириш, ёхуд тўқнашув иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларига мақсадга йўналтирилган таъсир кўрсатиш талаб қилинади.



**Низоли вазият** – 1) низонинг юзага келиш шарт-шароити; томонларнинг бирон-бир сабаб, қарама-қарши мақсадларга интилиши, манфаатлари ва истакларининг тўғри келмаганлиги, мақсадга эришишда ҳар хил воситалардан фойдаланиши туфайли юзага келган қарама-қарши позицияси. Низоли вазиятнинг низо даражасига ўсиб чиқиши учун ташқи таъсир, сабаб керак бўлади. 2) Ижтимоий низо (тўқнашув) ривожланишининг олий босқичи, томонларнинг очиқдан-очиқ қарши тура бошлаши. Ҳар бир тўқнашувли вазият жамоада кўникмаган кишилар миқдори билан ифодаланадиган танглик даражаси билан характерланадиланади.

**Ният** – ўйлаб қўйилган иш, фаолият режаси, мўлжал; бадиий асарнинг асосий маъноси, ғояси.

**Новербал мулоқот** – ахборот, фикрни сўзлашув нутқидан бошқа – тана хатти-ҳаракати воситалари ёрдамида етказиш (имо-ишора, хатти-ҳаракат ва б.).

**Ногирон** (лотин., «invalidus» – заиф, дармонсиз, ожиз) – жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахс.

**Ногирон бола** – жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола.

**Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш** – ногиронларга турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиш ёки қоплаш (компенсация қилиши) учун шарт-шароитларни таъминлашга ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тазими.

**Ногиронларни реабилитация қилиш** – ногиронларга организмининг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини тиклашига ва уларни компенсация қилишига, турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши учун ёрдам беришга қаратилган тиббий, ижтимоий, психологик, педагогик, жисмоний, касбга, меҳнатга доир чора-тадбирлар тизими.

**Ногиронлик** – 1) касаллик ёки жароҳат оқибатида умумий ёки касбий лаёқатлиликнинг барқарор бузилиши (пасайиши ёки йўқо-

тилиши). Меҳнатга лаёқатлиликнинг йўқотилганлик даражаси га қараб, вақтинчалик (6-12 ойгача) ёки муддатсиз 1-, 2- ёки 3 ногиронлик гуруҳлари белгиланади. Ногиронлар давлат пенсия лари, бепул даволаш, протезлар билан ва ҳ.к. таъминланади уларни ишга жойлаш учун шарт-шароитлар яратилади (махсус мактабларда ихтисосини ўзгартириш, янги ихтисос бериш, каби начилик). 2) Аҳоли соғлигини тавсифлайдиган статистик кўрсат кич: меҳнатга лаёқатлилигини барқарор йўқотган пенсия ёшига ча аҳоли сонининг бутун аҳоли сонига нисбати.

**Нодавлат нотижорат ташкилот** – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини-ўзи бошқариш ташкилоти.

**Ноёб ҳужжат** – ўзида мавжуд бўлган **ахборот ва (ёки) ташқи** белгилари бўйича ўхшаши йўқ, йўқотилган тақдирда ўзининг аҳамияти ва (ёки) асл қўлёзмалиги нуқтаи назаридан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган алоҳида қимматли ҳужжат.

**Номини аташ** – болалар луғатини бойитишнинг энг фаол усули; нотаниш ёки қийин сўзни талаффуз қилиш намунаси, тарбиячидан керакли сўзни аста-секин, чўзиб, бироқ орфоэпик жиҳатдан тўғри, дона-дона талаффуз этишни талаб қилади. Номини аташ одатда керакли объектни кўрсатиш билан қўшиб олиб борилади.

**Норматив ҳужжат** – шундай ҳужжатни чиқаришга ваколатли орган томонидан қабул қилинади ва бажарилиши мажбурий бўлган ҳамда вақтинча ёки доимий кучга эга бўлган нормалар, қоидаларни белгилайди.

**Норматив-ҳуқуқий акт** – ваколатли давлат ҳокимият органининг ҳуқуқ нормаларини белгилайдиган ҳужжати. Турлари: қонунлар, кодекслар, йўриқномалар.

**Нотўлиқ оилалар** – турли сабабларга кўра ота ёки она бўлмаган оилалар (ҳалок бўлган, вафот этган, қамалган, эр-хотинлар ажрашиб кетган ёки бирон бир сабабга кўра бошқа оила аъзолари билан яшамайди). Бундай оилаларда одатда болада эмоционал муаммолар юзага келади, бола жуда тортинчоқ ёки, аксинча, агрессив бўлиши, боланинг жинсий ривожланишида қийинчиликлар туғилиши мумкин.



**Нутқ** – инсон томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга узатиш ёки алоқа ўрнатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни.

**Нутқ аппарати** – нутқ товушларини ҳосил қилишда иштирок этадиган нутқ органлари тизими. Икки қисмдан иборат: марказий ҳамда периферик. Нутқ аппаратининг марказий қисмига пўстлоқ марказлари, пўстлоқ ости, ўтказувчи йўллар, бош мияда жойлашган нерв ўзаклари киради. Периферик нутқ аппарати уч қисмдан иборат: 1) нафас олиш бўлими (бурун бўшлиғи, бронхлар, трахея, диафрагма, кўкрак қафаси); 2) овоз (ун) ҳосил қилиш бўлими (овоз пайчалари, бўғиз ва ҳиқилдоқ); 3) артикуляция бўлими (бўғиз, бурун ва оғиз бўшлиғи).

**Нутқий анамнез** – боланинг нутқий ривожланиши ҳақида олинган маълумотлар йиғиндиси. Боланинг онаси билан суҳбат олиб бориш жараёнида бола гугулай бошлаган вақти, гугулаш фаол ёки онда-сонда бўлганлиги, биринчи сўз, жумлалар қай пайтда пайдо бўлганлиги аниқланади.

**Нутқий кўникмалар** – нутқий фаолият доирасида нутқ операциялари билан боғлиқликда шаклланадиган кўникмалар.

**Нутқий муаммолар** – муайян тилда қабул қилинган нутқ меъёрларидан бир оз бўлса ҳам четга чиқиш. Нутқий муаммолар талаффузда (дислалия), фонетик ва лексик-грамматик компонентларда (алалия), ёзиш ва ўқишда (дисграфия, дислексия), нутқ суръатида (дудуқланиш, баттаризм, тахилалия) кузатилиши мумкин. Нутқий муаммолар физиологик (яъни бола ёшига оид) ҳамда патологик бўлиши мумкин. Физиологик нутқий муаммолар бола атрофидагиларнинг тўғри нутқи таъсири остида кейинчалик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Бу камчиликни ўрганиш логопедия зиммасига кирмайдн. Патологик нутқий муаммолар эса йўқолмасдан, аксинча, йилдан-йилга мустаҳкамланиб боради ва уни бартараф этиш учун махсус усуллардан фойдаланиш керак бўлади. Кўпинча нутқий муаммоларларни махсус педагогик методлар, шунингдек тиббий воситалар (лаб тиртиқлари, қаттиқ танглайдаги ёриқликларни операция қилиш, обтураторлар тайёрлаш) ёрдамида бартараф этиш мумкин.

**Нутқий нафас** – нутқ жараёнидаги нафас, оддий нафасдан тез нафас олиш ва секин нафас чиқариш, асосан оғиз воситасида нафас олиш, нафас ҳажмининг анча ортиши билан фарқланади.

**Нутқ камчиликлари** – қ. *Нутқий муаммолар*.

**Нутқ картаси** – логопедик муассасага қабул қилинган бола, ўсмир, катта кишининг нутқий ҳолатини белгиловчи асосий ҳужжат. Логопедик текшириш жараёнида логопед томонидан тўлдирилади. Нутқ картасида нутқида камчилиги бўлган шахсларнинг фамилияси, исми, ёши, уй манзили, мутахассис-шифокорларнинг (психиатр, невропатолог, оталаринголог ва б.) хулосалари қайд этилади. Мактабгача ёшдаги бола ҳақида гап борганда эса аввал ота-онанинг шикоятлари ёки болани шу давргача кузатиб юрган логопеднинг фикрлари, сўнг боланинг артикуляцион аппаратининг ҳолати, луғат бойлиги, талаффузи, фонематик укуви, нутқининг грамматик қурилиши ҳақидаги мутахассис-логопеднинг маълумотлари киритилади. Бундан ташқари мактаб ёшидаги боланинг ёзув малакаларини текшириш мақсадида ўқув программасига асосланиб диктант ўтказилади ва ёзилган диктант намуналари нутқ картасига илова қилинади. Текшириш натижалари асосида логопед махсус хулоса чиқариб, логопедик машғулотлар жараёнида эришилган ютуқларни ҳам нутқ картасида кўрсатиб боради.

**Нутқ кинестезиялари** – нутқнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи органлар ҳолати ҳамда ҳаракатини ҳис этиш.

**Нутқ маданияти** – фикр алмашиш жараёнида нутқнинг тўғри, аниқ, равон, ифодали, мазмунли бўлишига эришиш; сўзларни ўз ўрнида ишлата билиш ва тўғри талаффуз этиш.

**Нутқ малакалари** – нутқ фаолияти структурасида нутқий хатти-ҳаракатларга нисбат бериладиган малакалар.

**Нутқни ривожлантириш методикаси** – мактабгача ёшдаги болалар нутқини шакллантиришга қаратилган педагогик фаолият қонуниятларини ўрганадиган педагогика фани соҳаси.

**Нутқни эшитиш-кўриш асосида идрок этиш** – кўриш ва эшитиш аъзолари ёрдамида оғзаки нутқни идрок этиш.

**Нутқнинг номинатив функцияси** – номлаш функцияси. Сўзлар нарсалар, ҳодисалар, белгилар ва ҳаракатларни номлашга хизмат қилади. Нутқнинг номинатив функциясини болалар биринчи навбатда ўзлаштирадилар.

**Нутқнинг товуш маданияти** – фонетик ва орфоэпик жиҳатдан тўғри нутққа эга бўлишлик, нутқнинг ифодалилиги, аниқ дикция ҳамда унинг билан боғлиқ ҳаракат ифода воситалари (мимика, имо-ишора), нутқий мулоқот маданияти элементлари (нутқнинг умумий оҳангдошлиги (нутқдаги товушлар уйғунлиги), сўзлашиш жараёнида гавда ҳолати ва ҳаракатланиш кўникмалари) ва нутқни эшитиш қобилияти.

**Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги** – аномал нутқий ривожланишнинг махсус шакли бўлиб, бунда болада ақлий ва эшитиш жиҳатдан камчиликлар кузатилмаса-да, нутқ тизимидаги (фонетик ва лексик-грамматик) барча таркибий қисмлар (компонентлар)нинг шаклланиши бузилган бўлади.

**Нутқнинг фонетик ва фонематик томондан ривожланмаганлиги** – товушларни талаффуз этиш ва идрок қилиш жараёнидаги камчиликлар натижасида болаларда она тилидаги товушларни талаффуз қилиш тизимининг бузилиши. Яна қ. *Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги*.

**Нутқни ҳаракатлантирувчи анализатор** – ҳаракат анализаторининг бир қисми. Ҳаракат анализаторининг пўстлоқ учи иккита бирламчи майдондан ташкил топади ва шу хусусияти билан бошқа анализаторлардан фарқ қилади. Биринчи бирламчи майдон тана ҳаракатини бошқарса, иккинчи бирламчи майдон нутқ органлари ҳаракатини бошқаради. Нутқни ҳаракатлантирувчи анализаторнинг пўстлоқ учи (*Брока маркази*) бош миянинг чап пешана қисмида жойлашган. Ҳаракат нервлари ўтказувчи йўллар вазифасини бажаради. Нутқни ҳаракатлантирувчи анализаторнингнинг периферик қисми уч бўлимдан иборат: а) нафас олиш бўлими; б) овоз (ун) ҳосил қилиш бўлими; в) товуш (шовқин) ҳосил қилиш бўлими. Қисмларидан бирининг жароҳатланиши нутқ ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Нутқни ҳаракатлантирувчи анализатори пўстлоқ учининг жароҳатланиши мотор алалия ва мотор афазиянинг юзага келишига сабаб бўлади. Периферик қисмининг жароҳатланиши натижасида турли камчиликлар пайдо бўлиши мумкин (мас., товуш ҳосил қилиш бўлимидаги ўзгаришлар механик *дислалия*нинг, ун пайчаларидаги камчиликлар (шиш, сўгаллар) овоздаги камчиликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

**Нутқ оҳанги** – 1) нутқ пардасининг ўзгариши (кўтарилиши ёки пасайиши); 2) сўзлаётганда овоз оҳангдорлиги, ритми, суръати, тембри ва мантиқий урғуни ўз ичига олиб, ҳар хил синтактик маънолар, категориялар, экспрессиялар ва ҳис-туйғуларни ифодалашга хизмат қиладиган просодик элементларнинг мураккаб мажмуаси; 3) сўзловчининг талаффузидаги ўзига хослик, жаранглаётган нутққа жон бахш этадиган, сўзланаётган нарса-

га нисбатан сўзловчининг муносабатини акс эттиришга ёрд
берадиган асосий ифодалилик воситаси.

**Нутқ-ҳаракат анализатори** – нутқ органлари орқали кел
ахборотнинг қабул қилиниши ва таҳлил этилишини таъмин
диган аъзо. Нутқ-ҳаракат анализаторининг амал қилиши бу
лиши мумкин (масалан, болаларда *дизартрия* натижасида).

## О

**Образли (сюжетли) ўйинчоқлар** – ўйин сюжетини белгилаб берадиган, ижодкорликни ривожлантирадиган, бола тасаввури ни ва ижтимоий тажрибасини кенгайтирадиган ўйинчоқлар тури болалар ва ҳайвонларни ифодаловчи қўғирчоқлар ва шакллар, транспорт воситалари (автомашиналар, поездлар, самолётлар, аравачалар), идиш-товоқ, мебель ва б.

**Образли (тимсолли) хотира** – кўриш, эшитиш ва тасаввур этишнинг бошқа омиллари асосида инсонга эслаш ва онгда қайта тиклаш имконини берувчи хотира тури.

**Обтуратор** – танглай ёриқликларини қоплаш учун тайёрланган махсус пластиналар.

**Объективлик** (холислик) – 1) педагогик тушунча ва ҳодисаларнинг ҳаққоний ифодаси; 2) нарса ва ҳодисаларнинг ҳаққоний мавжудлиги. Уларнинг тўғри фан тушунчалари асосида изоҳланиши; 3) фикрнинг мисоллар, далилий материаллар, теорема ва формулалар билан исбот қилиниши.

**Объектларни тенглаштириш** – белгиларни ўзгартириб, миқдорни тенглаштириш малакаси; бунда икки усул қўлланади: ортиқча элементларни олиб ташлаш, етишмаган элементларни қўшиш. Ушбу усулдан мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни ривожлантириш жараёнида фойдаланилади.

**Овоз** – 1) эластик товуш пайчаларнинг тебраниши натижасида ҳосил бўладиган ҳамда баландлиги, кучи тембри бўйича ҳар хил бўлган товушл



**Овоз аппарати** – товуш ҳосил қилишда бир пайтнинг ўзида ва ўзаро боғлиқликда иштирок этадиган инсон органлари мажмуи (овоз пайлари билан, бурун ва оғиз бўшлиқлари, димоғ, кекирдак, ўпка, диафрагма, қорин мускуллари, жағлар, лаблар, тишлар). Яна қ. *Нутқ аппарати*.

**Овоз гигиенаси** – қўшиқчилик интизоми ва хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш. Овоз гигиенаси қоидаларининг бузилиши овоз аппаратининг турғун касалликларини келтириб чиқариши ва ҳатто овознинг тўлиқ йўқолишига олиб келиши мумкин.

**Овоз модуляцияси** – овознинг баландлиги, кучи, тембри ва давомийлиги бўйича ўзгариши.

**Овоз мутацияси** – шахснинг балоғатга етган даврида ҳиқилдоғининг кескин ўсиши натижасида овозининг ўзгариши. Ўғил болаларда 14-15 ёшда, қиз болаларда эса 12-13 ёшда кузатилади. Бу вақт ичида ўғил болаларнинг ҳиқилдоғи 1,5-2 баробар, қиз болаларники 1,3 баравар катталашади. Овоз пайчалари ўсиб, йўғонлашади. Мутация даврида ўғил болаларнинг овози дўрилдоқ ёки ингичка бўлиб чиқади. Қиз болаларда эса мутация даври деярли сезилмайди. Бундай давр бир неча ойдан 2-3 йилгача давом этиши мумкин.

**Оила маданияти** – болаларни ҳамда бошқа оила аъзоларини ҳар томонлама, мукаммал тарбиялашнинг муҳим шарти. Оилавий тарбия сифатини оила аъзолари амал қилган маданий қоидалар ва қадриятларнинг бола тарбиясига таъсири орқали белгилайди. Оила маданияти оила аъзоларидан предметлардан фойдаланишнинг ижтимоий ишлаб чиқилган усулларини кейинги авлодга топшириш, ҳар хил санъат турлари ва жанрларидан болани ривожлантириш йўлида фойдалана олиш малакаларига эга бўлишни талаб қилади.

**Оилавий муҳит** – оилавий муносабатлар, тарбиявий жараёнлар кечадиган ижтимоий-маънавий, ахлоқий муҳитни ифодаловчи тушунча. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавияти, дунёқараши, тасаввур ва эътиқодини шакллантириш ҳамда юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Инсон қалби ва онгидаги энг соф, покиза туйғулар, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлар, энг аввало оила бағрида шаклланади.

**Оиладаги ҳукмронлик** – ўғил (қиз)нинг катталарга нисбатан ҳурмати, обрўси ёки боланинг тобелиги, итоаткорлигига асосланиб, оиладаги тарбия тизими (ёки тарбиянинг йўқлиги) билан боғлиқ ҳолда болаларга, уларнинг қарашлари ва хулқ-атворига

кўрсатиладиган таъсир; бу таъсир катталарнинг кичикларга ҳ... батан ўз ҳукмини ўтказишида намоён бўлади.

**Ойнавон хат** – оптик *дисграфия*нинг бир тури. Ойнавон ҳарф элементларини ўрнига кўра жойлаштиришни фарқлай олмасликдан келиб чиқади. Унда чап ва ўнг томонлар чалкаштирилиши натижасида ҳарфлар кўзгуда қандай акс этса, шу каби ёзилади.

**Олам** – инсонни ўраб турган дунё ҳақидаги кенг қамровли тушунча, маълум маънода воқеликнинг ифодаси. Мас., «элементар заррачалар олами» тушунчаси одамга маълум бўлган ва ҳали маълум бўлмаган барча элементар заррачаларни қамраб олади.

**Олигофрения** (юнон. oligos – кам, етишмайдиган ва phren – ақл) – марказий нерв тизимининг бола она қорнидалиги (ҳомиладорлик даврида, туғилиш жараёнида ҳамда туғилгандан сўнг 3 ёшга тўлгунига қадар бўлган давр ичида шикастланиши, шунингдек, касалликни бошидан кечириши натижасида юзага келадиган касаллик. Ақлий нуқсоннинг чуқурлигига кўра **олигофрения** уч даражага ажратилади: *дебиллик*, *имбециллик* ва *идиотлик*.

**Олигофренопедагог** – ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болаларга таълим-тарбия берувчи дефектолог-ўқитувчи.

**Олигофренопедагогика** – ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар таълим-тарбияси масалалари билан шуғулланувчи коррекция педагогикасининг бир тармоғи.

**Олий нерв фаолияти** – марказий нерв тизими (катта ярим шарлар қобиғи ва қобиқ ости марказлари)нинг олий бўлинмалари фаолияти; бу фаолият инсонлар ва ҳайвонларнинг ташқи муҳитга мукаммалроқ мослашувини таъминлайди. Олий нерв фаолияти асосида шартли (қабул қилинган, ўзлаштирилган) рефлекслар ва мураккаб шартсиз рефлекслар (инстинктлар, ҳис-туйғулар) ётади. Инсоннинг олий нерв фаолияти учун нафақат биринчи сигнал тизимининг, балки фақат инсонга хос бўлган нутқий фаолият билан боғлиқ иккинчи сигнал тизимининг мавжудлиги хосдир. Олий нерв фаолияти тўғрисидаги илмий таълимот фанга илк бор И.П.Павлов томонидан киритилди.

**Олий психик функциялар** – инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклланадиган, ўз келиб чиқишига кўра ижтимоий характерга эга бўлган, психологик тузилиши бўйича семиотик жиҳатдан боғланган ва бажарилишига кўра ихтиёрий бўлган (онгли равишда бажариладиган) мураккаб руҳий жараёнлар.



**Олий психик функцияларнинг тикланиши** – нейропсихология фанининг бир соҳаси бўлиб, асосий вазифаси бош миянинг локал шикастланишлари туфайли бузилган олий руҳий функцияларнинг назарий асослари, механизмлари ва методларини ўрганишдан иборат.

**Олий таълим** – турли олий даргоҳларда олий малакали мутахассислар тайёрлаш; олий ўқув юртлари томонидан халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича олий малакали мутахассис бўлишни истаган, ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълимини олган ҳамда тегишли талабларни бажарган кишиларга илмий-назарий билим бериш ҳамда муайян кўникмаларни шакллантириш йўли билан амалга оширилади.

**Оммавий ахборот** – чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар;

**Оналар мактаби** – оналар ва тарбиячиларни мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш фаолиятига амалий жиҳатдан тайёрлаш мақсадини кўзлайди. Оналарни болаларнинг гўдаклик давридан бошлаб таълими ва тарбиясига тайёрлаш ғояси ва уни амалга ошириш дастури биринчи бор Я.А. Коменскийнинг (*Коменский Ян Амос*) «Оналар мактаби» асарида ишлаб чиқилди, бу ишни биринчилардан бўлиб Ф.Фребель (*Фребель Фридрих*) амалга оширишга киришди.

**Онг** – ақл-тафаккурни ифода этадиган асосий фалсафий категорияларидан бири. Кўп қиррали ва мураккаб бўлгани туфайли фалсафа, психология, психиатрия, физиология, кибернетика, информатика сингари турли фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

**Онгнинг белгили-рамзий функцияси** – объектдан бошқа объект сифатида фойдаланиш мумкинлиги. Мас., бола ўйинда таёқчадан градусникнинг «ўринбосари» сифатида фойдаланади, машғулотда қизил рангли фишкадан унли товуш ўрнида фойдаланиш мумкин ва ҳ.к.

**Онгнинг шахсга хос тузилмалари (структуралари)** – инсон онги фаолиятининг (онг функцияларининг) шундай хусусиятики, у инсоннинг фикрлаш фаолиятини ростлайди, бошқаради ва ривожлантиради, пировард натижада унинг шахс даражасидаги хулқини белгилаб беради. Онгнинг шахсга хос тузилмаларининг фаолияти туфайли «шахс бўлиш» каби фавқулотда ҳодиса ўзини на-

моён қилади, бу дегани шахснинг ўз мазмун-моҳиятини ни... парварлик талабларига мувофиқ тузган ҳолда намоён эти... бошқариш малакаси амалда ўзини намоён этади.

**Оператив (жорий, кундалик) назорат** – МТМда олиб бори... диган назорат турларидан бири; муассаса маъмурияти... даги камчиликлар ва хатоларни тез аниқлаб, зудлик билан ж... воб бериши ва бартараф этишини талаб қилади. Учта тури мав... жуд. 1. Олдини олувчи назорат. Ёш мутахассислар ишидаги эҳти... молий хатоларнинг олдини олиш ва уларнинг касбий фаолияти... ни оптималлаштириш мақсадини кўзлайди. Унинг мазмуни пе... дагогларнинг иш кунига тайёрлигини аниқлаш, таълим ва тар... бия, илғор амалий тажрибани жорий этиш методикасининг ўзлаш... тирилганлик даражасини аниқлаш. Педагогик жараённи кузат... тиш шаклида ёки ёш тарбиячи билан суҳбат шаклида олиб бори... лади. 2. Қиёсий назорат. Мактабгача таълим муассасасидаги параллель гуруҳларда алоҳида дастур бўлимларининг бажари... лишини, турли тарбиячилар гуруҳларидаги болалар томонидан билим, малака ва кўникмаларнинг ўзлаштирилганлик даражаси ва сифатини текшириш, машғулотлар режалари ва конспектла... рини таҳлил этиш, болалар ишларини муҳокама қилиш, ота-она... лар билан анкета сўровлари ва суҳбатлар ўтказиш шаклларида олиб борилади. 3. Экспресс-ташхис. Энг қисқа муддатларда кўпчилик ходимларни жалб қилган ҳолда тест орқали баҳолаш асосида ўтказилади.

**Операцион ўйинлар** – тегишли иш жараёни, уларни бажариш шарт-шароитини моделлаштириш, муайян операцияларни бажа... риш, усулларни ўзлаштиришга асосланган таълимий ўйинлар.

**Ортодонтия** – тиббиёт фанининг жағ скелети ва тишларнинг тузилишидаги бузилишнинг олдини олиш ва даволаш масалала... ри билан шуғулланувчи бўлими. Турли аппаратларни ишлатиш орқали нотўғри ўсаётган тишларни, жағларни тузатиш кўзда ту... тилади. Кўп вақтда айнан шу ҳоллар нутқнинг бузилишига олиб келади.

**Орфография кўникмаларини эгаллашга бўлган операционал тайёрлик** – орфографик хатти-ҳаракатларни таъминлайдиган тил операцияларининг ҳолати бўлиб, бундай хатти-ҳаракатларга фонематик таҳлил, морфема таҳлили, сўз ясалиши, сўз ўзгариши, тил бирликлари (товушлар, сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар)нинг қиёси киради.



**Орфографияни эгаллашга бўлган физиологик тайёрлик** – ёзиш ...кмасини шакллантириш ва «қўллаб-қувватлаш»да иштирок ...ган анализаторларнинг сақланганлик даражаси.

**Орфографияни эгаллашга бўлган функционал тайёрлик** – нутқ... ...психик функциялар деб аталадиган ҳамда саводли ёзув кўник...ларининг тўлиқ шаклланишини таъминлайдиган алоҳида олий ...ник функциялар (қисқа муддатли механик хотира, сўзли ман...қий хотира, кўришдаги диққат, оптик-фазовий тасаввурлар, ...иттиш-мотор ва ҳаракат-мотор координациялар)нинг муайян даражаси.

**Орфографиянинг фонетик тамойили** – сўздаги товушлар қан...ай жаранглаëса, ёзувда ҳам уларни худди шундай акс эттиришга асосланган тамойил, у орфографик қоидаларни билишга асосланмаган.

**Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола** – ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола. Бундан етим бола мустасно.

**Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш** – болаларнинг тарбияси ва моддий таъминоти билан боғлиқ ота-оналарнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини олиб қўйиш. Фақат суд орқали ва қонунда белгиланган асосларга кўра йўл қўйилади, мас., бола тарбияси бўйича ўз мажбуриятларидан бўйин товлаш, болаларга шафқатсиз муносабатда бўлиш, болаларга зарарли таъсир кўрсатиш ҳолларида.

**Ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар** – қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар);

**Оториноларингология** – тиббиётнинг қулоқ, томоқ, бурун касалликларининг этиологияси, патологияси, ташхис қилиниши, даволаш ва профилактика қилиш масалаларини ўрганувчи тармоғи.

**Очкўзлик** – киши характерининг бирон нарсага эга бўлиб, уни бировга бермаслик истагининг ҳукмронлик қилишида намоён бўладиган сифати.

**Оғзаки нутқ** – талаффуз этиладиган ва эшитиш орқали идрок этиладиган (қабул қилинадиган) ташқи нутқ. Оғзаки нутқ диалогик ва монологик турларга бўлинади.

**Оғзаки-нутқий тайёрлик** – оғзаки нутқ таркибидаги тузилмавий компонентлар (фонетик-фонематик ва лексик-грамматик тизим) ривожланишининг муайян ҳолати (даражаси).

## П

**Панд-насиҳат** – илтимосни тушунтириш ва ишонтириш билан боғлайдиган, тарбияланувчи ижобий натижаларга эришишга қодир эканлигига ишоч туғдирадиган тарбия методи.

**Пантомимика** – кишининг ички руҳий ҳолатини ифодаловчи тана ҳаракатларининг мажмуи; ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро фикр алмашинуви ва бир-бирига таъсир қилиши учун қўшимча восита бўлиб хизмат қиладиган хатти- ҳаракатлар, имо-ишоралар, тегишли овоз оҳанги (интонация).

**Паракаппацизм** – тил орқа ва чуқур тил орқа товушларини бошқа товушларга алмаштириш (мас., копток — топтот, гул — дул, хат — тат). Логопедик машғулотлар орқали бартараф этилади.

Параламбдацизм – «л» товушининг «р», «в», «у», «н» ва бошқа товушларга алмаштириб талаффуз этилиши (мас., лаган – раган, Салима – Савима, лампа – гампа, уампа). Махсус логопедик усуллар ёрдамида бартараф этилади.

**Паралексия** – ўқишнинг бузилиши; товушларни бир-бири билан алмаштириш, улардан бўғин, бўғинлардан сўз тузиб ўқиш қобилиятининг бузилиши. Паралексия *алалия* ва *афазияда* кузатилади.

**Паралингвистика** – овознинг вокал имкониятлари.

**Пароротацизм** – қ. *Ротацизм*.

**Парафазия** – айрим товуш, сўзларни нотўғри қўллашга асосланган нутқ камчилиги. Икки тури мавжуд: литерал ва вербал. Литерал парафазия сўзлардаги айрим товушларнинг ва бўғинларнинг ўрнини алмаштириш билан характерланади. Вербал парафазияда бир сўз товуш тузилиши жиҳатидан ўхшаш бошқа бир сўзга алмаштирилади.

**Парез** – фалажликнинг енгил тури.

**Пароним сўзлар** – бир товуши билан бир-биридан фарқ қилувчи сўзлар (пол-бол, сим-шим, тол-тор).

**Патогенез** (лотин. pathos – азобланиш, касаллик ва ginesis – келиб чиқиш) – хасталикнинг келиб чиқиши ва ривожланиши сабабларини ўрганувчи *патология*нинг бўлими.



**Патологик атрофия** – бирор органнинг касаллик натижасида атрофияга учраб кичрайиши

**Патология** (лотин. pathos – азобланиш, касаллик ва lygos – таълимот) – хасталик жараёнларини ва ҳолатларини ўрганувчи фан.

**Педагогика** (юнон. pais – бола, agogos – раҳбар) – тарбия ҳақидаги таълимот, фан; тарбиялаш санъати. Педагогика тарбия ва таълим соҳасига тегишли билимлар йиғиндисидир. У тарбиянинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва қонуниятларини, унинг жамият ҳаёти ва шахс тараққиётидаги ролини, таълим жараёнини ўрганади. У тарбия назарияси ва дидактикани ўз ичига олади. Педагогика фалсафа, психология, одам анатомияси ва физиологияси сингари соҳалар билан боғланган.

**Педагогика курси** – кўп босқичли педагогик таълимда педагогик фанлар тўплами.

**Педагогик жараённинг демократлашиши** – муҳим педагогик концепциялардан бири бўлиб, унинг асосида таълим жараёнида педагогга ижодий эркинлик ва тарбияланувчига ўз устида ишлаш имкониятини берувчи демократик тамойилларга асосланган педагогик тизимни яратиш ғояси ётади.

**Педагогик ижод** – касбий ижод тури. Унинг мезонлари: чуқур ва кенг билимларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг танқидий англаниши ва қайта ишланиши; назарий ва методик қоидаларни педагогик хатти-ҳаракатларга айлантириш малакаси; ўз-ўзини такомиллаштириш ва мустақил таълим олишга қодирлик; янги ўқув методикалари, шакллари, усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни оптимал қўшиб олиб бориш; мавжуд тажрибадан янги шароитларда самарали фойдаланиш; ўз шахсий фаолияти ва унинг натижаларига рефлексив баҳо бера олиш қобилияти; педагог шахсининг эталонли (намунавий) ва ўзига хос бетакрор хусусиятларини бирга қўшиб олиб бориш ва яратиш асосида педагогик фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантириш; билим ва интуицияга асосланган импровизацияга қодирлик; «вариантлар тизими»ни кўра билиш малакаси. Педагогик ижод қўлланадиган соҳалар: коммуникатив (тарбияланувчиларни билиш қобилияти, болалар, уларнинг ота-оналари билан мақсадга мувофиқ ва самарали педагогик мулоқот ва муносабат ўрнатиш малакаси, психологик ўз-ўзини бошқара олиш малакасига боғлиқ); методик (юзага келадиган педагогик вазиятларни англаб

етиш ва таҳлил этиш, адекват методик моделни танлаш ва яратиш, педагогик таъсирнинг мазмун ва усулларини қуриш малакаларига боғлиқ).

**Педагогик импровизация** – яратиш ва қайта тиклаш вақт жиҳатдан бир-бирига тўғри келган ҳолларда юз берадиган ҳамда кутилмаган (яъни аввалдан тайёрланмаган) вазиятларга жавобан содир бўладиган педагогик жараён пайтида бажариладиган хатти-ҳаракатлар. Бунга одатда чуқур билимларга, ҳозиржавоблик хусусиятига, кенг тасаввур олами ва интуицияга, қабул қилинаётган қарорни бир онда амалга ошириш қобилиятига эга бўлган педагог эришиши мумкин.

**Педагогик концепция** – педагогика фани предметига ёки педагогик ҳодисага нисбатан асосий нуқтаи назар, бошқарувчи ғоя; педагогик ҳодисаларни англаш, изоҳлашнинг муайян усули.

**Педагогик луғат** – педагогикага оид сўзлар (ёки морфемалар, сўз бирикмалари, иборалар ва бошқалар) муайян тартибда (алифболи, уяли, мавзули) жойлаштирилган, тавсифланувчи бирликлар, уларнинг келиб чиқиши, маънолари, ёзилиши, талаффузи, услубий мансублиги, бошқа тилларга таржимаси ҳақида маълумотлар жамланган китоб.

**Педагогик маслаҳатлар (консультациялар)** – болалар боғчасининг ота-оналар билан индивидуал ишни ташкил этиш шакли. Улар оғзаки, ёзма, бирон мавзуга оид, махсус (педагогик, психологик, тиббий ва ҳ.к.) бўлиши мумкин.

**Педагогик модель** – (лотин. modulus – ўлчов, меъёр) – 1) ўқув жараёнининг мазмуни ёки педагогик воситанинг намунаси, меъёри, ўлчови, кенг маънода уларнинг фикрий тавсифи; 2) ўқув материали ёки таълим мазмунининг яхлит тарздаги кўриниши.

**Педагогик мониторинг** – педагогик тизим фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг тўпланиши, сақланиши, унга ишлов берилиши ва тарқатилишини ташкил этиш тизими, у ахборот ҳолатини муттасил кузатиб бориш ва ривожланишини истиқболлашни таъминлайди.

**Педагогик муносабатлар барьерлари** – педагоглар ўз фаолиятларида дуч келадиган қийинчиликларнинг сабабларини ташкил этадиган тўсиқлар: болалар гуруҳидан ва педагогик хатога йўл қўйишдан қўрқиш; ўтмишдаги салбий ёки муваффақиятсиз иш тажрибаси натижасида шаклланган қоидалар; болаларнинг ҳаёти ва соғлиги учун масъулиятдан қўрқиш; ўз қоидалари ва йўриқларининг тарбияланувчилар ота-оналариникига тўғри келмаслиги ёки шу фикрдан чўчиш; гуруҳда қарор топаётган коммуникатив вазиятда ўз фаолиятининг бу вазиятга мос келмаслиги (адекват эмаслиги); ўз шахсий вазифаларини тушуниб етмаслик (фақат ахборот бериш вазифасини ҳисобга олиб, ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаларни ҳисобга олмаслик); педагогнинг шахсий-психологик тузилишига мос келмайдиган хулқ-атвор; намунага нотанқидий амал қилиш.



**Педагогик назария** – педагогик ғоялар тизимида педагогик тажриба, тарбия, ўқитиш, таълим амалиётининг мантиқий умумлашмаси; педагогик фаолият қонуниятларининг илмий изоҳи, педагогик фаолият мақсади, вазифалари, мазмуни, амалга ошириш методларининг асосланиши.

**Педагогик тавсифнома** – тарбияланувчи ёки ўқувчининг ўзлаштиришини, қизиқишларини, жисмоний ва ақлий ривожланишини акс эттирувчи ҳужжат. Аномал болаларга бериладиган педагогик тавсифномада уларнинг ривожланишидаги хусусиятлар билан бир қаторда унинг ижобий томонлари ҳам кўрсатилади.

**Педагогик тадқиқот методлари** – назарий (анализ, синтез, абстрактлаштириш, моделлаштириш, назарий билимларни конкретлаштириш) ва амалий (кузатиш, тажриба, суҳбат, анкета сўрови, интервью ўтказиш, тест синовларини ўтказиш, ҳужжатлар, илғор педагогик тажрибани ўрганиш) характерга эга бўлган педагогик тадқиқот методлари.

**Педагогик тажриба таҳлили** – педагогик объектларни тадқиқ этиш усули бўлиб, бунда бутундан алоҳида қисмлар ажратиб олинади ҳамда мустақил ўрганилади. Бу уларнинг ўзларини ва улар ўртасидаги қонуний алоқаларни ўрганиш мақсадида амалга оширилади.

**Педагогик такт (одоб)** – болалар билан мулоқот жараёнида педагог риоя қилиши лозим бўлган меъёр тамойили; катталар ва болалар ўртасидаги тарбиявий муносабатларнинг ажралмас қисми, ўзаро ҳурмат ва ўзаро масъулият ҳиссига асосланади. Педагогик тактни педагогик маҳорат, тажриба, педагогнинг маданиятлилик даражаси, шахсий сифатлари белгилайди. Ҳар қандай вазиятда, шу жумладан, зиддиятли вазиятларда ҳам бола қадрқимматини камситмаган ҳолда ҳамда болада тарбияга нисбатан қаршиликни келтириб чиқармай. тарбиявий таъсирнинг оптимал чораларини топа олиш малакасида ўз ифодасини топади.

**Педагогик тафаккур** – объектив педагогик борлиқни тасаввурлар, мулоҳазалар, тушунчаларда акс эттириш жараёни; педагогик тушунчалардан фойдаланиб, фикрлаш қобилияти. Билдирилаётган нуқтаи назарни мустақил асослашга интилишни тақозо этади, педагогик вазиятларни таҳлил этиш, умумлаштириш, педагогик масалаларни ҳал қилишнинг янги йўлларини топиш ёки янги масалаларни ифодалашни ўз ичига олади.

**Педагогик ташхис (диагноз)** – 1. Педагогнинг касбий маҳоратини ўрганиш ва баҳолаш учун асос бўлган методлар ва воситалар тизими. Бу тизим педагог ишидаги қийинчиликларни, унинг педагогик фаолиятининг кучли ва заиф томонларини аниқлайди ҳамда уни такомиллаштиришнинг оптимал йўлларини белгилаш имконини беради. 2. Педагог шахсини тадқиқ этиш пайтида олинган натижаларни таҳлил этиш ҳамда педагог фаолиятини ва шахслараро муносабатларни оптималлаштириш учун тавсиялар бериш жараёни.

**Педагогик таъсир** – тарбияланувчининг билим, малака, кўникмалари, маълум шахсий сифатларини шакллантириш мақсадида онги, иродаси, ҳис-туйғуларига, фаолиятининг ташкил этилишига педагог томонидан кўрсатиладиган таъсир.

**Педагогик техника** – болалар билан олиб бориладиган машғулотларнинг аниқ ва самарали ташкил этилишига қаратилган усуллар ва воситалар мажмуаси (нутқнинг ифодалилиги, овоз, имо-ишораларни бошқара олиш малакаси, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналарида ишлай олиш малакаси, кўргазмали қуроллар, техник ўқув воситаларидан фойдаланиш ва ҳ.к.).

**Педагогик технология** – таълим жараёнининг ўзгарувчан шарт-шароитларида эга бўлиш кутилаётган натижани инструментал жиҳатдан таъминлаб берадиган илмий асосланган ва амалиётда синалган хатти-ҳаракатлар, операциялар ва процедуралар мажмуи. Асосий таълим технологиялари: адаптацион (мослаштирувчи), ривожлантирувчи, шахсга йўналган, диалогли, модулли, контекстли, ахборий, таълимнинг даражавий дифференциаллашуви, гуруҳий таъсир кўрсатиш, суггестологик, мультимедиа технологияси, ўйин техникаси, педагогик мулоқот технологияси, диагностика, истиқболлаш, мустақил ривожланиш, коррекциялаш.

**Педагогик тизимда императив тусдаги муносабатлар** – тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида муносабатлар моделининг бир тури. Бола томонидан катталар талабларининг сўзсиз бажарилишини, расмий хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига кўр-кўрона риоя қилишини кўзда тутади. Тарбияланувчи бола тобеъ ҳолатда, тарбиячига расман бўйинсунган ҳолда бўлади.



**Педагогик тизимнинг таркибий қисмлари (компонентлари)** – унга қуйидагилар киради: мақсад (тарбиянинг педагогик ғояси), педагогик таъсир мазмуни (таълим дастури), воситалари, шакллари ва методлари; педагогик тизимнинг амалга оширувчилари бўлган кишилар (педагоглар, ота-оналар, болалар ва ҳ.к.) – педагогик фаолиятнинг объектлари ва субъектлари; натижа.

**Педагогик қаровсизлик** – руҳий ва ижтимоий ривожланишда ёш нормаларидан барқарор чекинишлар, муҳитнинг пала-партиш ёки салбий таъсири, таълим ва тарбиянииг йўлга қўйилмаганлиги ёки ундаги хатолар туфайли келиб чиқади. Болани оилада нотўғри тарбиялаш, мактабдан-мактабга кўчириш ва ўқитувчиларнинг тез-тез алмашиб туриши, мактабга мунтазам қатнамаслик, ўқитувчининг орқада қолувчи болаларга эътиборсизлигидан келиб чиқиши мумкин. Агар педагогик қаровсиз болаларга ўз вақтида педагогик ёрдам кўрсатилса, улар мактаб программасини ўзлаштира олишлари мумкин.

**Педагогик ҳукмронлик** – педагогик жараённинг марказий, ташкилий ва бошқарувчи-назорат манбаи; тарбияловчи шахсларни тарбияланувчи шахслар билан боғлайдиган педагогик алоқалар моҳиятини белгилайдиган омил.

**Периферик нерв тизими** – мускулларнинг рецепторларини орқа ва бош мия билан улайдиган нерв тўқималари (нервлар), нерв тугунлари ва ўрилмалари, сезувчан нерв учларининг йиғиндиси. Асосий функцияси: ташқи муҳитдан келган қўзғатувчиларни марказий нерв тизимига ва унинг буйруқларини ташқарига узатиш.

**Перцептив хатти-ҳаракатлар** – объектларни тадқиқ этишга онгли равишда йўналтирилган хатти-ҳаракатлар. Элементлари: бирон-бир предметнинг бир бутун қиёфасини идрок этиш, ушбу предметнинг асосий қисмларини ажратиб олиш ва уларнинг хусусиятларини (шакли, катта-кичиклиги, ранги ва ҳ.к.) аниқлаш, қисмларнинг фазода ўзаро жойлашувини белгилаш (пастроқда, юқорироқда, ўнгда, чапда ва ҳ.к.), предметнинг янада майдароқ қисмларини ажратиб олиш ва уларнинг бошқа қисмларга нисбатан фазода жойлашувини белгилаш. Перцептив хатти-ҳаракатлар тизимига сканлаш, ўзаро ўлчаш, прецептив режа, қайта код-

лаш, ўхшатиш, визуал белгилар бўйича гуруҳларга ажратиш, визуал таянч пунктни аниқлаш, сериялаш, схемалаш, таснифлаш, аналогия ва ҳ.к. киради.

**Перцептив қобилиятлар** – жамоа аъзолари, педагогик ходимлар, шунингдек ўқувчиларнинг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, бўйсунувчиларнинг вақтинчалик психик ҳолати билан боғлиқ нозик томонларини идрок этишдан иборат қобилият.

**Пиаже Жан** (1896 й. туғилган) – швейцариялик психолог, интеллектнинг операционал концепцияси ва генетик эпистемологиянинг асосчиси. Асосий асарлари: «Бола нутқи ва тафаккури», кўп жилдли «Экспериментал психология» ва б.

**Полисенсор ёндашув** – ақлий ва жисмоний ривожланишдаги муаммоларни бартараф этишда учдан зиёд соғлом анализаторлар фаолиятига таянган ҳолда иш кўриш.

**Постнатал давр** – туғруқдан кейинги давр.

**Праксис** – 1) бехосдан, эркин равишда бажариладиган, мақсадларни амалга оширадиган одатий ҳаракатлар; 2) янги туғилган бола ривожланиши жараёнида кўзига биринчи бўлиб кўринган ҳар қандай нарсага талпиниши ва уларни олиш учун ихтиёрий ҳаракат қилиши унда шартли рефлекслар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳаракатларни қайта-қайта такрорлаш натижасида инсон ўзининг бутун умри давомида ҳаёт учун зарур бўлган мураккаб ҳаракатларни ўзлаштириб боради. Мана шундай одат тусига кирган ихтиёрий ҳаракатлар комплекси праксис деб аталади.

**Предмет** – инсон фаолияти ва билиши жараёнида объектив борлиқдан алоҳида ажратиб олинган яхлит ҳодиса ёки тушунча.

**Предмет ўқув режаси** – «билимларни тизимга солиш ва «предмет марказига оид» таълим, мураккаб таълим тизимини сақлашга қаратилган ўқув режа.

**Предметларнинг катта-кичиклигини идрок этиш** – бир пайтнинг ўзида бир нечта ёки кўплаб предметларни кўришда уларнинг катта-кичиклигини кетма-кет қиёслаш жараёни; инсоннинг бутун ҳаёти давомида шакллана бориб, унга ҳамроҳлик қиладиган сезги. Предметни кўз билан бутунича илғаб олиш қобилияти боланинг кўриш майдони ва предмет кўрилаётган масофага боғлиқ.

**Предметли аппликация** – болалар боғчасининг иккинчи кичик гуруҳидаги болалар билан ишлашда қўлланадиган аппликация тури. Кичик гуруҳда болалар тасма, квадрат, доира шакли-



даги қоғоз варағида геометрик шакллардан предметлар тасвирларини қўйиб чиқадилар, кейин эса уларни елимлайдилар. Ўрта гуруҳда болалар қайчи билан ишлашни ўргана бошлайдилар: қоғоздан тасмалар кесиш, қоғозни икки буклаб, ундан турли катта-кичикликдаги квадрат, тўғрибурчаклар кесиб олиш, кўз билан чамалаб, ингичка қоғоз тасмаларини кесиш. Тайёрлаб олинган материалдан таниш предметлар (уй, байроқча ва ҳ.к.) тузиб чиқилади. Катта ва тайёрлов гуруҳларидаги болалар ўзларига маълум шаклларнинг ҳаммасини ўзлари мустақил кесиб, улардан турли предметларни ҳосил қиладилар.

**Предметли фаолият** – илк ёшдаги бола фаолиятининг етакчи тури, бу фаолият жараёнида предметлар бажарган функцияларни англаб етиш ва улардан шунга кўра фойдалана олиш малакалари ҳосил бўлади.

**Предметли ясаш** – болада предметларга хос шакл, пропорция ва динамикани акс эттириб (ўзига ўхшатиб) лойдан ясаш малакасини тарбиялашга қаратилган ясаш тури.

**Пренатал давр** – туғруқдан олдинги давр.

**Прикус** – юқори ва пастки жағларнинг жипслашувида тишларнинг ҳолати. Тўғри прикусда жағлар жипслашганда, юқоридаги тишлар қатори пастки тишлар қаторига мос келади ва юқори жағ пастки жағни қоплаб туради. Прикусдаги камчиликларнинг турлари: прогнатия, прогения, олди очиқ ва ён очиқ прикуслар. Олди очиқ прикусда тишлар бир-бирига тегиб турса-да, олдинги тишлар орасида оралиқ ҳосил бўладн. Ён очиқ прикусда эса олдинги тишлар бир-бирига яқин бўлган ҳолда ён тишлар ўртасида оралиқ бўлади. Прикус ортодонтия методи бнлан бартараф этилади.

**Принцип** – қ. *Тамойил.*

**Прогения** (юнон. pro – олдинда, geneion – даҳан) – пастки жағнинг олдинга туртиб чиқиши ва жағларни бириктирганда тишларнинг бир-бирига тегмаслиги. Прогенияда асосан сигматизм камчилиги кузатилади.

**Прогнатия** (юнон. pro – олдинга, gnathos – жағ) – юқори жағнинг олдинга кескни туртиб чиқиши ва жағларни бириктирганда тишларнинг бир-бирига тегмаслиги. Прогнатия асосан сигматизмда кузатилади.

**Пропедевтика** – 1) замин ҳозирлаш, тайёрлаш; 2) бирон-бир фанга кириш, қисқа ва содда шаклда баён этилган бирламчи, кириш курси.

**Пропедевтик таълим** – ривожланишида муаммоси бўлган болаларда билишга бўлган қизиқишларини уйғотиш ва ўқув фанларини ўрганишга қаратилган машғулотлар тизими. Пропедевтик таълим жараёнида ўқувчилар билимларни ўрганиш учун зарур бўлган дастлабки малакаларни, ўз-ўзини тутиш, жамоада ишлаш каби қатор кўникмаларни эгаллайдилар.

**Просодика** – нутқнинг оҳанг-урғу томони.

**Профилактика** (юнон. prophylaktikos – олдини олиш, сақланиш) – 1. Тиббиётда касалликларнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш ва инсон ҳаётини узайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими. Индивидуал (маиший турмуш ва ишлаб чиқаришда кишининг ўзи томонидан белгиланган ва амал қилинадиган рационал кун тартиби ва озодаликка риоя қилиш) ва ижтимоий (меҳнат жамоалари соғлигини муҳофаза қилиш бўйича давлат, ижтимоий, тиббий чора-тадбирлар тизими) профилактика турлари фарқланади. 2. Махсус таълим тизимида ақлий ва жисмоний муаммолар ва улар оқибатларининг олдини олиш чора-тадбирлари мажмуи.

**Психик ривожланишнинг орқада қолиши** – қ. *Руҳий (психик) ривожланишнинг сустлашиши.*

**Психик функциялар** – миянинг турли идрок этиш фаолияти: сезиш, идрок, хотира, тафаккур ва ҳ.к.

**Психологик коррекциялаш** – у ёки бу сабабларга асосланиб, хавф-хатар гуруҳи категориясига мансуб деб топилган болалар билан руҳшуноснинг олиб борадиган мунтазам, мақсадга йўналтирилган иши. Мактабгача таълим муассасаси шароитида педагог-психолог хулқ-атвори ва ривожланишидаги чекинишлар марказий нерв тизимининг шикастланиши ёки неврологик касалликларнинг оқибатида келиб чиқмаган болалар билан мустақил иш олиб бориш ҳуқуқига эга. Иш боланинг ота-онаси ва муассаса маъмурияти билан келишилган ҳолда олиб борилади. Психологик коррекциялаш индивидуал ёки гуруҳий машғулотлар шаклида амалга оширилади.

**Психологик ташхис** – бола шахсининг индивидуал хусусиятларини психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиш. Мактабгача таълим муассасасида бир бутун педагогик ва коррекцион-ривожлантирувчи жараённи амалга оширишда ривожланиш ва таълимда муаммоларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, коррекцион ишнинг боришида таяниш мумкин бўлган шахсга хос кучли



томонларни, унинг заҳирадаги имкониятларини очиб бериш, боланинг психофизик, сенсор ва ижтимоий ривожланишидаги ўзгаришларни ташхислаш ва ҳ.к. мақсадида амалга оширилади.

**Психологик тўсиқ (барьер)** – объектнинг вазиятга мос келмайдиган (ноадекват) пассивлигида намоён бўладиган ҳамда унга у ёки бу хатти-ҳаракатларни бажаришга тўсқинлик қиладиган руҳий ҳолат. Психологик тўсиқнинг эмоционал механизмини бирон ишни бажариш олдидан юзага келадиган салбий кечинмалар ва туйғулар – номус, уят, айбдорлик ҳисси, қўрқув, ҳадиксираш, ўзига ишончсизликнинг кучайиши ташкил этади.

**Психология** (юнон. psyche – жон, logos – таълимот) – «жон», «руҳ» ҳақидаги фан, таълимот. Бироқ ҳозирги даврда «жон» тушунчаси ўрнига «психика», «руҳият» атамалари қўлланмоқда. Психика ҳаётнинг сезги, идрок, хаёл, тафаккур каби ҳар бири алоҳида олинган яққол шаклларидан иборат.

**Психолог кабинети** – мактабгача таълим муассасасида методик хона; болалар билан гуруҳда ва индивидуал машғулотларни ўтказиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва сақлаш учун мўлжалланган педагог-психологнинг иш жойи. Диагностик, коррекцион ва релаксацион секторлардан иборат.

**Психотерапия** – беморларга руҳий таъсир кўрсатиш ёрдамида даволаш. Нутқ камчиликларини бартараф этишда психотерапиянинг тушунтириш, ишонтириш, гипноз кўринишларидан фойдаланилади.

**Пул** – умумий эквивалент вазифасини бажарадиган махсус товар. Кишилик жамияти ривожининг муайян босқичида стихияли тарзда пайдо бўлган. Қадимда пул вазифасини ҳар хил товарлар (ҳайвон терилари, дон маҳсулотлари, қора моллар ва ҳ.к.) бажарган. Аста-секин бу вазифа асл металлар (олтин, кумуш) зиммасига ўтди, чунки улар пул товари талабларига тўлиқ жавоб берар эди. Пул бажарадиган функциялар: 1) қиймат ўлчови (нарх-навони ва нархлар масштабини белгилайди); 2) муомала воситаси (бу функцияни тўла қимматга эга бўлган пуллар, яъни олтин ва кумуш тангалар, ҳамда уларнинг ўрнини босувчилар, яъни тўла қимматга эга бўлмаган тангалар ва қоғоз пуллар бажаради ); 3) хазина воситаси (фақат тўла қимматга эга бўлган пуллардан иборат бўлади); 4) тўлов воситаси (бунда тўла қимматга эга бўлган пуллар ва уларнинг ўрнини босувчи кредит пуллар, яъни векселлар, банк билетлари қатнашади); 5) жаҳон пул-

лари (улар олтин қуймалари, миллий ва халқаро валютадаги маблағлар).

## Р

**Расм техникаси** – кўзда намоён бўлган образнинг қоғоз варағида ўз аксини топишга ёрдам берадиган воситалар ва усуллар тизими.

**Рассомлик** – 1) реал ҳаётдаги предметлар ва ҳодисаларни бўёқлар воситасида тасвирлаш санъати; 2) шундай санъат асарлари.

**Раҳм-шафқат** – ҳамдардлик, кўнгилчанлик. Болада бошқаларга нисбатан раҳм-шафқат ҳисси илк болалик давриданоқ шакллантирилади, бу иш аввал ота-оналар ва тарбиячиларга тақлид йўли билан, кейинчалик ахлоқий тарбия жараёнида шаклланган ижтимоий мотивларга асосланган ҳолда амалга оширилади.

**Реабилитация** – касал ёки ривожланишларида муаммолари бўлган шахслар организми бузилган функцияларининг ҳамда меҳнатга бўлган лаёқатларининг тикланиши ёки компенсацияланиши. Реабилитация тиббий, психологик, педагогик, ижтимоий тадбирлар мажмуаси асосида таъминланади ҳамда шахснинг руҳий ва жисмоний имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий шароитга мослашуви, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга лаёқатини назарда тутади.

**Регламентланмаган фаолият турлари** – мактабгача ёшдаги болалар учун ўзига хос таълим ва тарбия шакли: бола бирон машғулот режасини ўзи яратади ва амалга оширади. Катталар болаларнинг регламентланмаган фаолият турларини ташкил этишга ёрдам беришлари, уларда ўйин жараёнидаги тенг шерик сифатида қатнашишлари мақсадга мувофиқдир. Бунда улар, ўқув машғулотларида бўлгани каби, махсус вазифалар бермайдилар, фақат ҳар бир болани қўллаб-қувватлайдилар, керакли ёрдам кўрсатадилар, боланинг ушбу мустақил фаолиятини унинг хоҳишига кўра керакли воситалар билан таъминлайдилар.

**Режалаштириш** – педагогик таҳлил натижаларига таянган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ёки муҳим ҳукм чиқариш.

**Репродуктив метод** – намунага қараб ўқув материалини ўзлаштириш методи; бир турдаги масала ёки машқларни тайёр ечиб кўрсатилган намунага қараб ечиш.



**Республика бюджети** – давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи, йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Республика таълим маркази қошидаги махсус таълим бўлими** – республикамизда мавжуд махсус таълим муассасалари учун ўқув режалари, дастурлари, ўқув-норматив, ўқув ва ўқув-методик ҳужжатларни, қўлланма ва б.ни ишлаб чиқади; илғор педагогик тажрибаларни ўрганади, умумлаштиради, педагог ходимларга методик ёрдам кўрсатади, уларни зарур адабиётлар билан таъминлайди.

**Рефлексия** (лотин. reflection – акс эттириш, орқага назар ташлаш) – интеллектуал 2. Ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш, хаёл суриш, фикр юритиш, уни таҳлил қилишга мойиллик. 2. Инсон фаолиятининг кўринишларидан бири бўлиб, у фикр юритиш ва мулоҳаза қилиш ёки аввалги тажрибаларга суянган ҳолда алоқа қилиш ва таҳлил қилишга қаратилган бўлади. Акс эттириш, қонун бўйича, аниқ мақсадли чегараларда рўй беради. Унинг муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатлари билан мақсаднинг аниқ ва лўнда бўлишига боғлиқ.

**Рецидив** – бартараф этилган касаллик ёки коррекцияланган камчиликларнинг қайталаниши.

**Реципиент** – ахборотдан фойдаланувчи.

**Ривожланиш** – тараққиёт, такомиллашув, оламдаги илгарилама ҳаракатни, объектлардаги сифатий ўзгаришларни, борлиқдаги янги шаклларнинг вужудга келишини ифодаловчи фалсафий категория. Ривожланиш, энг аввало, ўзгариш билан боғлиқ. Бироқ ҳар қандай ўзгаришни ҳам ривожланиш деб бўлмайди. Фақат эскидан кейин янги сифатнинг юзага келиши билан боғлиқ ўзгаришгина ривожланиш бўлиши мумкин. Ривожланиш оламнинг умумий тавсифи эмас, балки оламдаги моддий ва маънавий системаларнинг хусусиятидир.

**Ривожланиши бузилган болалар** – психик ва жисмоний ривожланишда орқада қолган ёки бузилишлар кузатилган болалар, бундай ҳол битта ёки бир нечта анализаторлар (кўриш, эшитиш, ҳаракатланиш, нутқ) фаолиятининг бузилиши ёки марказий нерв тизимининг органик шикастланиши натижасида юзага келади.

**Ривожлантирувчи таълим** – 1. Ўқувчи ёки тарбияланувчининг таълим воситасида бир сифат босқичидан иккинчисига ўтишини таъминловчи жараён. 2. Ҳар бир тарбияланувчи ва ўқувчининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёни.

**Ринолалия (манқалик)** – периферик характердаги органик нутқ камчилиги; механик *дислалия*нинг бир тури. Бурун бўшлиғининг нутқий жараёнда меъёрда иштирокининг бузилиши натижасида товушни нотўғри талаффуз қилиш. Икки кўриниши мавжуд: а) очиқ ринолалия (барча нутқ товушларини талаффуз қилиш вақтида ҳаво оқими фақат оғиз бўшлиғидан эмас, балки бурун бўшлиғидан ҳам чиқиб кетади); б) ёпиқ ринолалия (ҳаво оқими оғиз бўшлиғи орқали чиқади). Бурун бўшлиғида полип, ўсимталар, аденоидлар мавжудлиги ёпиқ ринолалияга олиб келади. Кар болаларда эшитиш орқали талаффузни бошқара олмаслик натижасида функционал ёпиқ ринолалия кузатилади. Бунда бурун бўшлиғида ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди. Нутқ товушларини (бурун товушларидан ташқари) меъёрда талаффуз қилганда, юмшоқ танглай одатда томоқнинг орқа қисми билан жипслашиб, ҳаво оқими бурун бўшлиғига ўтмасдан, оғиз бўшлиғидан чиқади, бунинг натижасида нутқ товушлари ўзининг нормал тембрига эга бўлади. Қаттиқ танглайдаги ёриқликлар, юмшоқ танглай фалажи ва парезлари натижасида эса юмшоқ танглай томоқнинг орқа қисми билан етарли даражада жипслашмайди ва ҳаво оқими бурун бўшлиғига ўтиб кетади ҳамда товушлар манқаланиб талаффуз этилади. Бундай пайтда очиқ ринолалия рўй беради. Очиқ ринолалаия ёпиқ ринолалияга нисбатан кўпроқ учрайди.

**Ритмика** (юнон. rhythmikos – текис, равон) – логопедияда ҳаракатнинг мусиқа билан боғланиши асосида тузилган тил машқлари тизими. Ритмика ёрдамида нутқ қамчиликлари бартараф этилади, нутқнинг равон бўлишига эришилади.

**Риторика** – нотиқлик назарияси; нотиқлик санъати ҳақидаги фан.

**Ролли ўйин** – таълим соҳасида кенг тарқалган ўқитиш методи. Бунда ҳар бир ўйин қатнашчиси маълум бир ролга кириб, ўйин қоидалари ва ўзи танлаб олган ёки юклатилган рол орқали муаммоли масалаларни ҳал қилишга ҳаракат қилиб кўради.

**Ротацизм** – «р» товушини нотўғри талаффуз этиш; *дислалия*нинг оғир тури. Паротацизмда «р» товуши бошқа товушлар (л, й, в, д, н, г)га алмаштирилади (мас., ранда — ланда, йанда,



ванда, данда.) Ушбу ҳолат махсус логопедик усуллар ёрдамида бартараф этилади.

**Руҳий олам** – шахснинг ички дунёсига алоқадор ҳодисалар ва жараёнлар. Улар ўзаро боғлиқ, хилма-хил ва мураккаб бўлиб, таркибига кишининг ташқи оламни билиш ва маданият, санъат ҳамда бошқа фаолият воситалари орқали ўзини намоён этиш каби руҳий ва маънавий эҳтиёжлари, қизиқишлари, табиат, жамият, инсон ва ўзи ҳақидаги тасаввурлари ҳамда билимлари, ҳис-туйғулари; қобилияти, мақсадлари, қизиқишлари, дунёқараши, эътиқоди ва қадриятлари киради.

**Руҳий (психик) ривожланиш** – инсон ҳаётининг турли босқичларида билиш фаолияти ва шахсий хислатлари шаклланиши ва такомиллашуви.

**Руҳий (психик) ривожланишининг сустлашиши** – умуман психиканинг ёки унинг айрим функцияларининг ривожланишда вақтинчалик орқада қолиши; меъёрдаги руҳий ривожланиш суръатининг бузилиши. Руҳий ривожланиши сустлашган болаларнинг мактаб шароитига кўникишлари, ўқув фаолиятта киришишлари қийинлашади, улар топшириқларни бажаришда ҳам қийналадилар. Шунинг учун ушбу тоифага мансуб болалар кўпинча ақли заиф болалар билан чалкаштиштириб юборилади. Бироқ руҳий ривожланиши сутслашган болалар ақли заиф болалардан фарқли ўлароқ нутқларининг нисбатан яхши ривожланганлиги, шеър ва эртакларни эслаб қолиш даражасининг юқорироқ эканлиги, шунингдек фаолият жараёнида уларга нисбатан кўрсатилган ёрдамдан фойдалана олишлари билан ажралиб турадилар. Айнан аниқ ташхис ҳамда мос таълим-тарбия бундай болаларнинг кейинчалик ривожланиб кетишларининг омили саналади.

## С

**Саводга ўргатиш методлари** – 1) ҳарфий белгилар билан кодланган оғзаки нутқ шаклларининг белгиларини тушуниш ва ўқишга ўргатиш методлари; 2) худди ўша ҳарфий белгилар ёрдамида оғзаки нутқ шаклларини қайд этиш, кодлаш ва ёзишга ўргатиш методлари.

**Саводга ўргатишнинг товуш усули** – нутқ товушлари ва уларнинг ёзма белгилари, яъни ҳарфларни ўзлаштиришга асосланган ўқиш ва ёзишга ўргатиш усули. Немис педагоги Г. Стефани (XIX асрнинг боши) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, «товуш»,

«ҳарф» ва «ҳарфнинг номи» тушунчаларини фарқлайди. Усул товушлар бирикмасига асосланган бўлиб, бунда бола ундош товушларни унли товушлар билан бирgaликда чўзиб талаффуз қилади. Худди шундай савод ўқитиш усули Россияда Н. А. Корф томонидан кенг тарқатилган бўлиб, у шунингдек айтиб туриб ёзиш ва товушлар таҳлилига асосланган қатор машқларни ҳам киритди.

**Самарадорлик** – сифатнинг умумлашган ўлчови. Самара деганда фаолиятда қўйиладиган мақсадга тўла ёки қисман эришиш тушунилади. Таълим сифатининг оқилона даражасига эришиш, таълимни бошқаришдаги асосий мақсад ҳисобланади.

**Санатория туридаги мактаб-интернат** – соғлиғида турли муаммолари бўлган болалар соғлиғини тиклаш ва профилактика қилиш ҳамда таълим-тарбиясини амалга оширишни назарда тутувчи даволаш-таълим маскани. Асосий мақсади соғлиғида турли муаммолари бўлган болаларга Давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим-тарбия бериш, боланинг соғлиғини тиббий ва табиий ресурслардан (тоза ҳаво, физиотерапия, дори-дармонлар), кун тартиби ва овқатланишни гигиеник жиҳатдан тўғри ташкил этишдан фойдаланган ҳолда мустаҳкамлаш, парваришлаш, даволаш ва касалликни профилактика қилиш ҳамда шахснинг таълим олишига доир конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришдан иборат. Муассаса ўқувчиларига таълимнинг бошқарув органлари томонидан тасдиқланган ўқув режаси ва дастурлари асосида ўқув предметларидан билим, кўникма ҳамда малакалар берилади. Санатория туридаги мактаб-интернат шаҳардан ташқарида, экологик жиҳатдан тоза ҳудудда очилади.

**Санъат** – инсоннинг борлиқни бадиий образларда акс эттиришга қаратилган ижодий фаолияти. Қуйидаги турлари мавжуд: адабиёт, архитектура, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, графика, декоратив-амалий санъат, мусиқа, рақс санъати, театр, кино ва бошқалар.

**Сегрегация** – ажратиш, алоҳидалаш. Таълимда алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларга махсус таълим асосида, яъни меъёрда ривожланаётган болалардан ажратилган ҳолда таълим ва тарбия бериш.

**Семиотика** (юнон. semeion – белги, хосса) – белгилар ва белги тизимларини ўрганувчи фан (асосан табиий ва сунъий тиллардаги).



**Сензитив давр** (лотин. sensibilitas – сезгирлик) – бола организмининг атроф-муҳитдаги муайян таъсирларга бўлган юксак сезгирлиги, онтогенетик ривожланиши, физиологик жараёнларининг тараққий этишидаги энг мақбул давр; боланинг у ёки бу фаолият турини эгаллаши, унда маълум бир руҳий функцияларнинг шаклланиши учун энг қулай давр. Илк бор *Монтессори Мария* томонидан боланинг руҳий камолотида муҳим аҳамият касб этувчи мактабгача даврни номлаш учун қўлланган.

**Сенсор андоза (эталон)лар** – инсоният томонидан ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида ўзлаштирилган атроф-муҳитдаги предмет ва ҳодисаларнинг сифатлари. Сенсор андоза (эталон)лар болалар томонидан ўзлаштирилиб, объектларни ўрганиш жараёнида намуна сифатида қўлланилади.

**Сенсор алалия** – қ. *Алалия*.

**Сенсор афазия** – қ. *Афазия*.

**Сенсор депривация** – атроф-муҳит билан боғланишнинг чекланиши ёки сезги органлари фаолиятининг бузилиши оқибатида ахборот етишмовчилиги.

**Сенсор тарбия** – ҳиссиётни шакллантириш, яъни атроф-оламни кўриш, эшитиш, ҳис қилиш, пайпаслаш орқали идрок этишни тарбиялаш. Атроф-оламни ҳис этиш инсоннинг билиш фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи, унинг интеллектуал (ақлий) ривожланиши учун замин ҳозирловчи муҳим жараён ҳисобланади.

**Сигматизм** (сигма – с ҳарфининг юнонча номи) – с, з, ц, ш, ч, ж товушларини нотўғри талаффуз қилиш; *дислалия*нинг бир тури. Сигматизм турлари: 1) тишлараро сигматизм – сирғалувчи товушларнинг талаффузида тилнинг учи тишлар орасида бўлади; 2) ён сигматизм – сирғалувчи ва айрим портловчи (ц, ч) товушларнинг талаффузида тилнинг учи ёнда бўлиб, тилнинг чети юқорига кўтарилади, ҳаво оқими эса тилнинг ёнидан чиқиб кетади; 3) тил олди сигматизми – тилнинг учи юқори тишлар орқасида бўлиб, сирғалувчи ва айрим портловчи товушлар «т» ва «д» товушларига алмаштирилади (шар — тар, зина —дина); 4) лаб-тиш сигматизми – сирғалувчи ва баъзи портловчи товушларнинг талаффузида пастки лаб юқори тишларга тегиб туради, бу товушлар «в» ҳамда «ф» товушларига ўхшаб талаффуз этилади (шар — фар, зина — вина); 5) шовқинли сигматизм — с, з, ц товушлари ш, *ж* товушларига алмаштирилади (сават — шават, зина—жина); 6) сирғалувчи сигматизм — ш, ж товушлари с, з

товушларига алмаштирилади (шар — сар, занжир — занзир); 7) бурунли **сигматизм** — сирғалувчи ва айрим портловчи товушларнинг талаффузида ҳаво оқими бурун бўшлиғидан ўтиб, бу товушлар «х» товушига ўхшаб талаффуз этилади (сават — хават, шар — хар). Сигматизм махсус усуллар билан логопедик машғулотларда бартараф этилади.

**Символ** – (юнон. symbolon – рамз, шартли белги, тамға ёки нишон) – ўз табиатига кўра, моддий ёки маънавий ҳодиса бўлиб, муайан ғоя ёки табиатни образли тимсол тарзида ифода этади. Символ оддий ёзма ёки товушли тил белгиларидан фарқли ўлароқ, оламнинг муайан ҳодисаси эмас, балки уни билвосита – ҳиссий ёки мантиқий образ воситасида инсон учун бирор мавҳум тушунча шаклида акс эттиради.

**Симптом** – ҳодиса, хасталик белгилари.

**Симптомокомплекс** – хасталикка хос бўлган симптомлар йиғиндиси.

**Синергия** – мураккаб комплекс ҳаракат.

**Синквейн** – француз тилида «беш қатор» маъносини билдиради. Мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечта сўз билангина ифодалаш методикаси.

**Синкезия** – биргаликдаги ҳаракат.

**Сколиоз** – умуртқа поғонасининг қийшиқлиги. Келиб чиқиш сабабига кўра сколиоз туғма ёки ҳаёт мобайнида орттирилган бўлади. Туғма сколиоз умуртқа поғонасининг нотўғри ривожланиши натижасида юзага келади. Ҳаёт мобайнида орттирилган сколиоз асосан 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Яъни сколиоз билан касалланган беморларни мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар ташкил қилади. Сколиоз касаллигини даволаш ва олдини олиш борасидаги тадбирлар вақтида ташкил этилмаса, инсоннинг кейинги ҳаётида катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Чунки оғир кўринишдаги сколиози бўлган шахсларнинг ички органларида ҳам ўзгаришлар юзага келиб, касаллик ушбу аъзолар иш фаолиятини меъёрдан четга чиқариши ҳамда ишчанлик қобилиятининг сусайишини келтириб чиқаради.

**Соғлик** – киши организмининг атроф-муҳит билан мувозанатлашган ва бирон-бир касаллик билан боғлиқ чекинишлар бўлмаган ҳолати. Мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётган болалар соғлигининг асосий статистик кўрсаткичлари: умумий



касалланиш, юқумли (инфекцион) касалланиш, соғлик индекси, нормал жисмоний ривожланган болалар сони (фоизда), болаларнинг соғлик гуруҳлари бўйича тақсимланиши. Бешта соғлик гуруҳлари мавжуд: биринчи – соғлом болалар, иккинчи – деярли соғлом болалар, учинчи ва тўртинчи – касаллиги турли даражада намоён бўлган болалар, бешинчи – оғир сурункали касалликларга дучор бўлган болалар.

**Сотувчи** – олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор.

**Спорт ўйинчоқлари** – жисмоний тарбия вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўйинчоқлар тури. Улар ҳаракатлар чаққонлигини, кўз билан чамалаш хусусиятини, майда ва йирик моторикани ривожлантириш, сабр-тоқат, бардошлилик каби хусусиятларни тарбиялашга ёрдам беради, қўл ва елка мускулларини мустаҳкамлаш, ҳаракатларнинг ўзаро мувофиқлигини ривожлантиришга қаратилади (тўплар, чамбараклар, теннис ва ҳ.к.), чопиш, сакраш кўникмаларини ривожлантиришга, оёқ ва тана мускулларини мустаҳкамлашга ёрдам беради (велосипедлар, самокатлар, конькилар, роликлар, арғамчилар ва ҳ.к.).

**Стандарт** (инглиз. standart – норма, намуна) – 1) кенг маънода – бирон бир объектларни қиёслаш учун дастлабки намуна сифатида қабул қилинган эталон, модель. Норматив-техник ҳужжат сифатида эса стандарт стандартлаштириш объектига қўйиладиган нормалар, қоидалар, талаблар мажмуини белгилайди ва ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

**Стол устида ўйналадиган ўйин** – боланинг мустақил ўзлаштириши учун мўлжалланган ривожлантирувчи-таълимий мазмундаги дидактик ўйин материали.

**Стратегик қарор** – педагогик жамоанинг истиқболга йўналтирилган мақсад ва вазифаларининг ифодаси.

**Сунъий овоз (псевдоголос)** – ҳиқилдоқни олиб ташлаш натижасида (кўпинча саратон касаллигидан сўнг) ҳосил бўлган овоз; ошқозон ва қизилўнгачнинг тебранишидан ҳосил бўлган сунъий овоз.

**Субъект** – 1. Ташқи борлиқ (олам)ни билишга интиладиган ва ўз амалий фаолияти билан унга таъсир кўрсатадиган инсон. 2. Муайян хусусиятларни ташувчи инсон, шахс.

**Сурдологик хона (кабинет) ва марказлар** – вилоят ва шаҳар шифохоналари қошида ташкил этилган эшитиш қобилияти бузилган болалар ва катталар учун махсус хоналар ва марказлар. Мазкур муассасалар мутахассисларининг фаолияти ташхис қўйиш, даволаш, профилактика чора-тадбирларини кўриш, шунингдек кар ва заиф эшитувчи шахсларнинг диспансер ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни овоз кучайтиргич асбоблари билан таъминлаш масалаларини ҳал қилишга қаратилади. Бу муассасаларда шунингдек болалар билан коррекцион машғулотлар, ота-оналар учун маслаҳат ёрдамлари ташкил этилади.

**Сурдопедагог** – эшитишда муаммоласи бўлган ва кар болаларга таълим ва тарбия берувчи педагог.

**Сурдопедагогика** (лотин. surdus – кар) – эшитишида муаммоси бўлган шахслар таълим ва тарбияси масалалари билан шуғулланувчи коррекция педагогикасининг бир тармоғи.

**Сурдотехник воситалар** – эшитиш муаммоси ва унинг оқибатида келиб чиқувчи нутқ бузилишларини коррекциялаш ва компенсациялаш учун қўлланувчи техник воситалар.

**Сурдотифлопедагогика** – ҳам эшитиши, ҳам кўришида муаммолари (мураккаб муаммоли) бўлган шахслар таълим-тарбияси масалалари билан шуғулланувчи *коррекция педагогикаси*нинг бир тармоғи. Яна қ. *Кўзи ожиз-кар-соқов болалар*.

**Суғурта нусха** – алоҳида қимматли ҳужжат ёки ноёб ҳужжатнинг бошқа моддий жисмдаги, асл нусхада мавжуд бўлган ахборотни ўқиш ёки кўриш (эшитиш) имконини берувчи кўчирма нусхаси.

**Суҳбат** – 1) бирон масалани муҳокама қилиш ёки унга ойдинлик киритишга бағишланган диалог, фикр алмашинув; 2) керакли ахборотга эга бўлиш ёки кузатиш давомида ноаниқ бўлган жиҳатларни аниқлаштириш мақсадини кўзлаган тадқиқотнинг мустақил тури ёки қўшимча методи; 3) тарбиячининг болалар билан маълум мавзудаги суҳбатини режалаштириб олиб бориш ёки бу суҳбатни қўллаб-қувватлашга ёрдам берадиган саволлар ва жавоблар воситасидаги таълим методи. МТМда суҳбат болаларнинг ақлий фаолиятини рағбатлантириш мақсадида қуйидаги мақсадлардаги йўлланмаларни шакллантириш жараёнида қўлланади: янги билимларни эгаллаш йўлйўриғи (йўналтирувчи суҳбат); янги билимларни «кашф этиш»га йўналтириш (эвристик суҳбат); аввал олинган билимларни



такрорлаш ва мустаҳкамлашга йўналтириш (якуний ва умумлаштирувчи суҳбат).

**Сюжетли аппликация** – болалар боғчасининг катта гуруҳидан бошлаб олиб бориладиган ишда қўлланадиган аппликация тури. Тарбиячи болаларга фланнелеграфда предметларнинг эҳтимолий жойлашиш вариантлари, уларнинг катта-кичиклигига кўра нисбатлари, инсон ва ҳайвонлар ҳаракатларини тасвирлаш усулларини кўрсатиб беради. Болалар тасвирларни қоғоз варағида мустақил жойлаштириб чиқадилар.

**Сюжетли ясаш (лепка)** – алоҳида предметлар, объектлар тасвиридан умумий мазмун билан боғлиқ турли образларни яратишга ўтиш билан боғлиқ ясаш тури. Лой, пластилин ва бошқа ш.к. материаллардан фойдаланилади. Бунда тарбиячининг вазифаси, биринчидан, предметлар умумий мазмун билан боғланган бўлиши кераклиги, иккинчидан, шаклчалар пухта ишланган бўлиши кераклигини бола онгига сингдиришдан иборат. Биринчи шарт мактабгача таълим муассасасининг иккинчи кичик гуруҳидан, иккинчи шарт эса катта гуруҳдан бошлаб амалга оширилади. Мактабга тайёрлов гуруҳида болаларга ҳаракатни ифодалай олиш ўргатилади.

**Сўз маъноси** – сўзга хос маъно-моҳият. Илк мактабгача ёшдаги болаларга сўз маъносини тушунтиришда ушбу сўзлар англатган предметлар иштирокида иш олиб бориш тавсия этилади.

## Т

**Табиат** – ғоят хилма-хил шакллари, таркибий қисмлари билан инсониятни қуршаб турган органик ва анорганик олам, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Инсоният унинг бир қисми бўлгани боис, унинг моҳияти бир томондан, табиий (биологик), иккинчи томондан, ижтимоийдир. Кенг маънода табиат бутун объектив борлиқ, реал воқелик, турли-туман кўринишлардаги олам.

**Табиат қўйнида меҳнат** – болалар меҳнатининг бир тури, бунда болалар ўсимликлар ва ҳайвонларни парвариш қилишда, табиат бурчаги, гулхона, полизда ўсимликлар ўстириш ишига жалб қилинади. Болаларда кузатувчанлик хислатини ривожлантириш, уларни барча жонзот ва ўсимликларни асраб-авайлаш ва уларга нисбатан масъулиятли муносабатда бўлишга ўргатишда ушбу меҳнат турининг аҳамияти катта.

**Тавталогия** (юнон. tauty – худди шу, худди шунинг ўзи ва lygos – сўз) – бир хил ёкт маъно жиҳатдан бири-бирига яқин сўзларнинг бирикмаси ёки такрорланиши (мас., тўппа-тўғри, ҳақиқатан, кундек равшан ёки тўлиқ, бир бутун).

**Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

**Тадқиқотчи** – илмий тадқиқот, тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланадиган шахс.

**Тадқиқотчилик таълим методи** – таълим олувчилар билим олиш, ўқиш масалаларини мустақил ҳал қиладилар, бунда таълим берувчи масалаларни қўйиш, уларни таҳлил этиш, гипотезаларни илгари суриш, ҳал қилиш йўлларини қидириш, хулосаларни ифодалашда йўналтирувчи вазифани бажаради.

**Тажриба** – 1) фанда нарса ва ҳодисаларни сезги-предмет фаолияти билан тадқиқ қилиш, ўрганиш. Кузатишга қараганда юксакроқ билиш усули. 2) муайян илмий мақсадга эришишни кўзлаб ўтказиладиган тажриба.

**Тайёрлик** – шахс психологиясининг мураккаб ҳосиласи. Мотивацион, мазмунли фаолиятга ундаш, интеллектуал, коммуникатив-методик (технологик), натижавий ва истиқболлаш каби таркибий қисмлардан иборат.

**Тайм-аут** (ингл. time – вақт ва out – дам) – спорт мусобақалари ёки бошқа турдаги беллашувларда рақобатлашувчи, баҳслашувчи томонларга ўзини босиб олиш ва муаммоли вазиятни ҳар томонлама ўйлаб кўришга алоҳида имкон ва вақт бериш; болалар тарбияси жараёнида жазолаш методидан фойдаланмаслик учун катталар томонидан қўлланадиган интизом ўрнатиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган метод.

**Такрорий нутқ** – бирор-бир киши томонидан айтилган сўз ва гапларни кетма-кет такрорлаш.

**Такт** – 1) нутқни ритмик-интонацион бўлишнинг асосий бирлиги бўлиб, битта узлуксиз оқим сифатида талаффуз қилинади ва паузаларга бўлинмайди; 2) мусиқада: вазн бирлиги, мусиқа асарининг баравар вақт давом этадиган ҳар бир бўлаги; 3) ҳаракатлар ритми; 4) одоб; хушмуомалалик; назокат.

**Тактил сезгирлик** – одатда ташқи механик қўзғатувчига боғлиқ бўлган тери сезгирлигининг бир тури. Нимандир тегиб ке-



тиши, босим ва қисман вибрация ҳислари тактил сезгирликка боғлиқ. Тактил сезгирлик сезги органлари учун сенсор асосни ташкил этади.

**Тактлаш – мусиқани** ижро этишда ҳар бир такт бўлагига ҳамкорлик қиладиган қўл ҳаракатлари (ёки оёқ уришлар) болалар билан олиб бориладиган мусиқавий-ритмик машғулотларда ёки хореография машғулотларида қўлланади.

**Талаб – тарбия** методларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида шахсий муносабатларда ўз ифодасини топган хулқ-атвор меъёрлари тарбияланувчининг муайян фаолиятига ва сифатларининг намоён бўлишига сабаб бўлади, уларни рағбатлантиради ёки тўсқинлик қилади.

**Талабчанлик** – инсонга юқори ахлоқий талабларнинг қўйилиши ва уларнинг ижроси учун унга юкланадиган масъулиятнинг тан олиниши.

**Талаффузга ўргатиш методикаси** – мактабгача махсус таълим муасасаларида эшитишда нуқсони бор болаларнинг эшитиш қолдиқлари ва мавжуд товуш тизимидан фойдаланиб, оғзаки нутқини шакллантириш, нутқни эшитиш-кўриш орқали идрок этишга ўргатишга қаратилган иш методикаси.

**Талаффузни коррекциялаш** – талаффуздаги камчиликларни тузатиш, нутқ талаффузини ташкил этадиган барча таркибий қисмлар – нафас, овоз, товуш, сўз ва иборадаги урғу, нутқни паузаларга ажратиш, нутқ суръати ва орфоэпия нормаларига риоя қилишнинг мақсадга йўналтирилган коррекцияловчи таъсирини талаб қилади.

**Тамойил** – бирор бир таълимот, назария, дунёқарашнинг асосий, бирламчи қоидаси, устувор ғоялари, амалий фаолиятнинг асосий йўналиши. Қоида. Тартиб. Тамойиллар кишиларнинг турмуш тарзи, ахлоқий меъёрлари ва фаолият муносабатларини белгилаб беради.

**Танглай ёриқлари** – эмбрион ривожланиб келаётган пайтда турли сабабларга кўра (ҳомиланинг озиқ билан таъминланишининг бузилиши, токсоплазмоз, психик травмалар) периферик нутқ аппаратининг ривожланмай қолганлиги натижасида пайдо бўладиган нуқсон.

**Таниб олиш** – аввалги тажрибадан маълум бўлган объектни таниш; унинг асосида бирон предмет ёки ҳодисани хотирада сақланиб қолган излар, белгилар билан қиёслаб таниш

ётади. Таниб олиш аниқлик, тўлиқлик ва ихтиёрийлик бўйича фарқланади.

**Танқидийлик** – шахсдан ташқарида содир бўлаётганларга (ташқаридан таклиф этилаётган қадриятлар, нормалар, тартибларга) нисбатан ҳам, шахснинг ўзида содир бўлаётган жараёнларга (қадриятлар, эмоционал ҳолатлар, хатти-ҳаракатларга) нисбатан ҳам ўз (шахсий, субъектив) баҳосини бериш, ўз муносабатини билдириш имконини берадиган шахс функцияси

**Танлов** – бирон соҳада (кўпроқ интеллектуал) энг яхши қатнашчилар, энг яхши ишларни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган мусобақа. Мактабгача болалар муассасаларида кўпроқ жисмоний тарбия бўйича танловлар ўтказилади. Улар болаларда жисмоний машқлардан мустақил фойдаланиш, машқлардан комплекслар ва комбинациялар тузиш малакасини ривожлантириш, муайян ахборотни ўзлаштиришга қаратилади. Жисмоний машқларни ҳаммадан яхши бажариш, алоҳида болалар ёки бутун гуруҳ томонидан машқларни тез ва аниқ бажариш шартлари бўйича ўтказилади.

**Тарбия** – аниқ мақсадга йўналтирилган таъсир жараёни; бош мақсади – болага жамиятда ҳаёт кечириш учун зарур бўлган ижтимоий тажрибани ўзлаштириш ва жамият томонидан қабул қилинган қадриятлар тизимини шакллантиришга ёрдам бериш; инсоннинг шахс сифатидаги белгилари ва потенциал имкониятларини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий ва педагогик жараён.

**Тарбия ва таълим бирлиги** – педагогик жараённинг бир бутун тизим сифатида фаолият кўрсатиши, материални танлаб олиш ва таълим ва тарбияни ташкил этишга нисбатан умумий ёндашувни кўзда тутади.

**Тарбия жараёни** – тарбияланувчини инсоний маданият оламига қўшиш мақсадида унинг шахсини ривожлантириш учун катталар ва болаларнинг ўзаро муносабатларини таъминлашга қаратилган яхлит динамик тизим.

**Тарбия методлари** – тарбия мақсадларига эришишнинг илмий асосланган усуллари; тарбиявий масалаларни ҳал қилиш ва тарбиявий муносабатларни амалга ошириш усулларининг мажмуи. Тарбия методларининг турлари: а) онгни шакллантириш (ҳикоя, тушунтириш, англатиш, ахлоқий масалаларда суҳбат, насиҳат, ишонтириш, йўл-йўриқ кўрсатиш, намуна кўрсатиш ва ҳ.к.); б)



фаолиятни ташкил этиш ва хулқ-атвор тажрибасини шакллантириш (машқлар, одатлантириш, топшириш, педагогик талаб, ижтимоий фикр, тарбияловчи вазиятлар); в) рағбатлантирувчи (мусобақалашиш, тақдирлаш, жазолаш). Тарбия методларининг охирги гуруҳи, ўз навбатида, мактабгача ёшдаги болаларда фаолиятга асос кўрсатиш (мотивациялаш)ни шакллантиришга қаратилган индивидуал, намунавий (типологик) ва топологик методларга бўлинади. Рағбатлантирувчи тарбия методлари орасида билишга бўлган қизиқишни, ижодий фаолиятни рағбатлантирувчи, мусобақалашиш вазиятларини яратишга қаратилган методлар, болага эмоционал таъсирни ҳисобга оладиган методлар (фаолият натижасига олдиндан берилган ижобий баҳо ёки қайғудош танқид), машғулотда ўйин вазиятини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган методлар фарқланади.

**Тарбия тамойиллари** – тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши ва методикасига қўйиладиган талаблар тизимини белгилаб берадиган асосий тамойиллар. Булар: тарбияда индивидуал ва дифференциаллашган ёндашув; гуруҳда ва жамоада олиб бориладиган тарбия; бирон-бир фаолият жараёнида олиб бориладиган тарбия; тарбияланувчиларга нисбатан талабчанликни уларнинг шахсиятини ҳурмат қилиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш билан қўшиб олиб бориш; шахсда ва гуруҳ аъзоларида етакчилик қилган ижобий хислатлар ва ҳодисаларга таяниш; тарбияда мувофиқлик (уйғунлик), ворисликка риоя қилиш.

**Тарбияга комплекс ёндашув** – тарбияга тизимли ёндошиш турларидан бири, у ғоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбия бирлигини ташкил этади ҳамда болани ҳар томонлама ривожлантириш, тарбия самарадорлигини ошириш, тарбия жараёнини оптималлаштириш имконини таъминлайди.

**Тарбияда ёшга кўра ёндашув** – шахснинг ривожланиш қонуниятларини (физиологик, психик, ижтимоий), шунингдек ижтимоий-психологик хусусиятларини тарбияланувчилар гуруҳларининг ёши билан боғлиқ ҳолда ҳисобга олиш ва таълим-тарбия ишларида фойдаланиш.

**Тарбияда индивидуал ёндашув** – психологик-педагогик тамойил, унга кўра педагогик жараён тарбияланувчиларнинг хулқ-атворига турли ҳаётий вазиятларда таъсир кўрсатадиган индивидуал хусусиятларини (мижози, характери, қобилиятлари, майллари, қизиқишлари ва ш.к.) ҳисобга олган ҳолда амалга ошири-

лади. Индивидуал ёндашувнинг моҳияти шундаки, бунда педагог ҳар бир болага нисбатан таълим ва тарбия жараёнининг оптимал натижаларига эришиш мақсадида таъсир кўрсатишнинг турли шакллари ва методларини қўллайди.

**Тарбияланувчилар** – мактабгача тарбия муассасаларига борадиган болалар; меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда тарбияланувчи болалар ва ўсмирлар, мактабдан ташқари муассасаларда шуғулланадиган болалар.

**Тарбиялилик** – 1) яхши тарбия кўрганлик, таълимлилик, бодаблик, ҳар қандай вазиятда ўзини тута билишлик; 2) бола шахсининг ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири. Болага таълим-тарбия бериш жараёнида шаклланадиган ахлоқий нормалар, эътиқодлар, мақсадлар, ҳис-туйғулар, боланинг хулқ-атворида намоён бўладиган маънавий қарашлар, шунингдек билимлар, эътиқодлар ва хулқ-атворнинг уйғунлиги билан белгиланади.

**Тарбияловчи таълим** – нафақат билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга, балки бола шахсини – характери, иродаси, қобилиятлари ва қизиқишларини тарбиялашга қаратилган таълим.

**Тарбиячи** – тарбияни амалга оширадиган, ўзга кичи шахсининг ҳаёт тарзи ва ривожланиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган шахс.

**Тасаввур** (хаёлот) – ҳаётий тажрибадан олинган таассуротлар, маълумотлар ва тасаввурларни онгда қайта ишлаш йўли билан янги образлар яратишдан иборат психик жараён. Тасаввур фақат инсонга хос хислат. Тасаввурнинг икки тури фарқланади: *ихтиёрий тасаввур* (фаол тасаввур) ва беихтиёр (суст) тасаввур. Беихтиёр тасаввурнинг ортиқ даражадаги кўриниши бу тушдир. Шунингдек тикловчи (хотирага келтирувчи) ва *ижодий тасаввур* турлари ҳам фарқланади.

**Тасвир** – бирон нима ёки бирон кимсани тасвирловчи предмет, расм; бирон нарсанинг кўз олдига келтирилган қиёфаси.

**Тасвирий фаолият** – мактрабгача умумтаълим муассасасида моделлаштирувчи характер касб этган ва бадиий-образли тимсолларда ўз ифодасини топадиган фаолият. Машғулотларнинг асосий вазифаси: болаларда тасвирга борлиқнинг акси сифатидаги муносабатни ўзгартириш; тасвир билан борлиқ ўртасидаги тўғри нисбатни топа билиш малакасини ривожлантириш, яъни



нима тасвирланган бўлса, шуни кўра билиш; тасвир шарҳини такомиллаштириш, яъни унинг мазмунини тушуниш ва шарҳлаб бериш малакасини шакллантириш. Турлари: расм солиш (предметларнинг расмини солиш, сюжетли расм солиш, декоратив расм солиш), пластик материаллардан нарсалар ясаш (предметларни ясаш, сюжетли композициялар ясаш, декоратив композициялар ясаш), аппликация (предметлар аппликацияси, сюжетли аппликация, декоратив-орнаментал аппликация).

**Тафаккур** – объектив дунё қонуниятларини англаб етиш бўйича инсон билимларининг ва объектив оламни акс эттириш жараёнининг олий босқичи, объектлар ўртасидаги энг муҳим хусусиятларни умумлаштирилган ҳолда ва бевосита акс эттириш жараёни. Реал оламнинг сезги орқали билиш босқичида бевосита идрок этиб бўлмайдиган объектлари, хусусиятлари ва муносабатлари тўғрисида билимга эга бўлиш имконини беради. Инсон тафаккури табиатан ижтимоий-тарихий характерга эга ҳамда унинг амалий фаолияти билан бевосита боғлиқ. Тафаккур шакллари ва қонунларини мантиқ фани, тафаккурнинг кечиш механизмларини эса психология ва нейрофизиология фанлари ўрганади. Кибернетика тафаккурни айрим фикрлаш операцияларини техник моделлаштириш масалалари билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Мактабгача ёшдаги педагогикада бола тафаккурининг қуйидаги ривожланиш босқичлари фарқланади: кўргазмали-амалий тафаккур (бевосита кўриб идрок этиш вазиятида, предметлар билан ташқи йўналтирувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида кечади, илк ёшда предметлар билан амалга ошириладиган фаолият жараёнида шаклланади); кўргазмали-образли тафаккур (ташқи оламдан олинган тасаввурлардан туғилган ҳаёлий образлар билан ички йўналтирувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида кечади; масалани ҳал қилиш жараёнида вазият образлар ёки тасаввурлар сифатида гавдаланиши билан ажралиб туради; болалар фаолиятининг ўйин ҳамда бошқа маҳсулдор турларининг ривожланиши жараёнида шаклланади); нутқий-мантиқий тафаккур (нутқ билан чапмбарчас боғлиқ тушунчаларга таянган ҳолда ички планда кечади).

**Тахилалия** – нутқ суръатининг тезлиги.

**Ташаббус** – 1) бирон ишни бошлаб бериш; 2) ташаббускорлик, мустақил фаол ҳаракатларга қодирлик. Ходимнинг ташаббускорлиги – бирон ишни бошлашга рағбат кўрсатиш, мустақил

фаол хатти-ҳаракатларга, қарорлар қабул қилишга қодирлик ва тайёрлик, уларни онгли равишда ижодкорлик билан амалга ошириш. Инсон маълум бир мақсадларга интилиш билан ҳаёт кечирар экан, турли шароитларда иш олиб боради. Ана шундай шароитларда кўзлаган мақсадни англаб етиш ва унга эришишнинг илғор йўлларини топишга интилиш ташаббусни келтириб чиқаради.

**Ташқи нутқ** – фикр ва ҳис-туйғуларни тил воситаси орқали ўзгаларга баён қилиш жараёнидан иборат бўлган нутқ тури. Унинг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Шунингдек, бу нутқ сўзловчиларнинг иштирокига кўра диалогик нутқ ва *монологик нутқ* турларга бўлинади.

**Ташхисий белгилар** – ташхислаш объектининг ташқаридан намоён бўладиган муайян белгилари. Улар объектни маълум категорияга тегишлилигини белгилашда асосий ахборот вазифасини ўтайди.

**Ташхислаш** – 1. Муайян мазмун ва мураккаблик даражасига эга бўлган бирон-бир фаолият турига тайёрликни аниқлаш процедураси. 2. Ўқув материалининг муваффақиятли ўзлаштирилишини текшириш процедураси ва усуллари мажмуи.

**Таълим** – ўқитишнинг маҳсули бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма, малакалар ва тафаккур усулларининг тизими. Таълимга эга бўлишнинг бош мезонини билимлар ва тафаккурнинг тизимлилиги, уларнинг яратувчанлик, инсонпарварлик йўналишида қўлланиши белгилайди.

**Таълимда кўргазмалилик** – дидактик принциплардан бири. Кўргазмалилик ўқув материалини пухта ва чуқур ўзлаштиришга, ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришга, уларнинг тафаккурини ва кузатувчанлигини ривожлантиришга катта ёрдам беради. Ўқувчиларнинг теварак-атрофдаги ҳодиса ва предметларни идрок қилишлари натижасида уларда объектив борлиқ ҳақида тўғри тасаввур ҳосил бўлади. Логопедик машғулотларда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳосил қилинган билим ва малакаларнинг мустаҳкам бўлишига ёрдам беради.

**Таълим дифференциацияси** – таълим жараёнини таълим олувчиларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, майлларини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштириш шакли.



**Таълим мазмунига қўйиладиган талаблар – жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш омили бўлган таълим тизимига давлат ва ижтимоий буюртманинг нормативларда ифодаланиши.**

**Таълим методлари – ўқувчининг билим олиш фаолиятини ташкил этиш усули бўлиб, бунда дидактик мақсадларга эришишда таълим вазифалари, болаларнинг билиш фаоллиги даражаси, ўқитиш йўллари ва усуллари ҳамда кутилаётган натижалар аввалдан маълум бўлади. Таълим методлари шу билан ажралиб турадики, уларнинг ҳар биттаси таълим мақсади, ўзлаштириш усули, таълим субъектларининг ўзаро муносабатлари характерини билдиради. Улар анъанавий равишда оғзаки, кўргазмали,** амалий ва ўйин турларига бўлинади. Замонавий таълим методларининг таснифлананиши: 1) узатиш методлари (материални ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади ва ўзлаштирилиши лозим бўлган материал мазмунини тавсиф этади); 2) муаммоли методлар (боланинг тадқиқотчилик позициясига йўналтирилади ва ўзлаштирилиши лозим бўлган материал мазмунини тушунтиради); 3) кўргазмали методлар (боланинг эмоционал ҳис-туйғуларига йўналтирилган бўлади ва ўзлаштирилиши лозим бўлган материал мазмунини баҳолайди); 4) амалий методлар (боланинг фаол позициясига ва оператив фаолият стратегиясини шакллантиришга йўналтирилган бўлади). М.Н.Скаткин ва И.Я.Ларнер таснифига мувофиқ таълим методларининг таснифи қуйидагича: 1) догматик методлар (материал ёд олинади, унинг тушунилиши шарт эмас); 2) репродуктив методлар (материал нафақат ёд олинади, балки тикланади (айтиб ҳам берилади); 3) тушунтириш-иллюстратив методлар (материал тушунтирилади, намунали мисоллар билан кўрсатиб берилади, намойиш қилинади ва болалар томонидан англанади); 4) маҳсулдор методлар (материални болалар нафақат англаб етишлари, балки ундан ўзларининг амалий хатти-ҳаракатларида фойдалана олишлари лозим); 5) эвристик ёки қисман-қидирув методлари (берилаётган янги билимнинг айрим элементларини таълим олувчининг ўзи мақсадга йўналтирилган кузатишлар, билишга қаратилган масалаларни ечиш, тажриба ўтказиш ва ҳ.к. йўли билан қидириб топади); 6) муаммоли методлар (болада муаммони мустақил англаб етиш, айрим ҳолларда эса уни қўйиш, муаммо ечимига ўз ҳиссасини қўшиш малакаларини шакллантиришни кўзда тутади);

7) тадқиқотчилик методлари (таълим олувчи субъектив-ижодий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган тадқиқотчи ролини бажаради). Таълим методлари орасида таълим самарадорлиги устидан назорат олиб бориш методлари алоҳида гуруҳга ажратилади, улар болалар хулқ-атвори ва фаолиятининг аниқ, аммо эришса бўладиган стандартларини белгилайди; бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвосита бўлиши, яъни педагогнинг ўзи томонидан ҳам, болалар ва ота-оналарнинг жамоавий фикр-мулоҳазаларини шакллантириш ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Таълим моделлари** – таълим амалиётини бир бутун ҳолда ёки алоҳида фрагментлари асосида схематик тарзда акс эттириш. Таълим моделлари уч турга бўлинади: тавсифий (таълим амалиётининг асосий мазмуни, тузилиши ва асосий элементларидан иборат); функционал (таълим тизими ва унинг ижтимоий муҳит билан алоқаларини акс эттиради); прогнозловчи (келажакда таълим амалиётининг назарий жиҳатдан далиллар билан асосланган ҳолатини кўрсатади).

**Таълим муассасасини бошқариш** – фаолият субъектларининг алоҳида фаолияти бўлиб, у режалаштириш, ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш воситасида болалар, педагоглар, ота-оналар, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳамкорликдаги фаолиятининг ташкил этилишини ҳамда ушбу фаолиятнинг таълимни такомиллаштириш ва таълим муассасасини ривожлантириш мақсадларига йўналганлигини таъминлайди.

**Таълим муассасасининг тури** – Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ МТМда амалга оширилаётган таълим дастуридан келиб чиқиб белгиланган таълим муассасаси тури. Таълим муассасаси, агар унда амалга оширилаётган асосий дастур мактабгача таълим дастури бўлса, «мактабгача таълим муассасаси» турига мансуб бўлади.

**Таълим сифати** – таълим жараёни ва унинг натижаларини тавсифлайдиган категория, таълим жараёни қандай бўлиши керак, қандай мақсадларга хизмат қилиши кераклиги тўғрисида жамиятда тарқалган тасаввурларларга қанчалик мослигини белгилайди. Таълим сифати таълим олувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари, атроф-оламга ва бир-бирларига нисбатан қадрий-эмоционал муносабатлар нормалари билан ўлчанадиган кўрсаткичлар (нормативлар) тизимида ифодаланади. Бу кўрсаткичлар



...нинг таълим жараёни қатнашчиларининг таълим муассасаси ...ни этаётган хизматлардан қаноатланганлик даражасини, ...нингдек таълим олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эри...ганлик даражасини акс эттиради. Мактабгача таълим сифа...ти ...қуйидаги кўрсаткичлар асосида белгиланади: болалар билан ...олиб бориладиган иш мазмуни, шакллари ва методларига асос...ланиб, бола учун «индивидуал таълим маршрути»ни танлаш им...кониятини тақдим этиш; болани малакасиз педагогик таъсирлар...дан ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш; боланинг бошланғич мак...табда таълим олиш учун етарли тайёргарлик даражасига эриши...шини кафолатлаш.

**Таълим сифатининг мониторинги** – миллий, регионал, маҳал...лий, индивидуал-идоравий даражаларда етакчи таълим йўна...лишлари бўйича маълумотларни мунтазам тўплаб бориш жара...ёни. Таълим сифатининг мониторинги таълим тизимини бошқа...риш, таълим соҳасида нохуш, кескин ёки йўл қўйиб бўлмайди...ган вазиятларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида таълим...га оид хизматлар сифатининг экспертизасини ўтказиш имкони...ни беради.

**Таълим соҳасида давлат сиёсати** – мамлакатда таълим тизи...мини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан амалга оши...риладиган чора-тадбирлар тизими.

**Таълим тамойиллари** - таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: таълим ва тарбия...нинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; таълим тизимининг дунёвий харак...терда эканлиги; давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги; таълим дастурларини танлаш...га ягона ва табақалаштирилган ёндашув; билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш; таълим тизимида давлат ва жамо...ат бошқарувини уйғунлаштириш. Умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги.

**Таълим технологияси** – 1) Илмий ва бошқа ташкиллаштирилган билимларнинг амалий масалаларга нисбатан мунтазам қўлланиши. 2) Таълим жараёнига таъсир кўрсатадиган ўқув-тарбия, ташкилий-методик, моддий техник ва бошқа ишлар тизими; таълим олишга туртки бўлган сабабларни (мотивларни) тако-

лади. Индивидуал ёндашувнинг моҳияти шундаки, бунда педагог ҳар бир болага нисбатан таълим ва тарбия жараёнининг оптимал натижаларига эришиш мақсадида таъсир кўрсатишнинг турли шакллари ва методларини қўллайди.

**Тарбияланувчилар** – мактабгача тарбия муассасаларига борадиган болалар; меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда тарбияланувчи болалар ва ўсмирлар, мактабдан ташқари муассасаларда шуғулланадиган болалар.

**Тарбиялилик** – 1) яхши тарбия кўрганлик, таълимлилик, боадаблик, ҳар қандай вазиятда ўзини тута билишлик; 2) бола шахсининг ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири. Болага таълим-тарбия бериш жараёнида шаклланадиган ахлоқий нормалар, эътиқодлар, мақсадлар, ҳис-туйғулар, боланинг хулқ-atворида намоён бўладиган маънавий қарашлар, шунингдек билимлар, эътиқодлар ва хулқ-атворнинг уйғунлиги билан белгиланади.

**Тарбияловчи таълим** – нафақат билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга, балки бола шахсини – характери, иродаси, қобилиятлари ва қизиқишларини тарбиялашга қаратилган таълим.

**Тарбиячи** – тарбияни амалга оширадиган, ўзга киши шахсининг ҳаёт тарзи ва ривожланиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган шахс.

**Тасаввур** (хаёлот) – ҳаётий тажрибадан олинган таассуротлар, маълумотлар ва тасаввурларни онгда қайта ишлаш йўли билан янги образлар яратишдан иборат психик жараён. Тасаввур фақат инсонга хос хислат. Тасаввурнинг икки тури фарқланади: *ихтиёрий тасаввур* (фаол тасаввур) ва беихтиёр (суст) тасаввур. Беихтиёр тасаввурнинг ортиқ даражадаги кўриниши бу тушдир. Шунингдек тикловчи (хотирага келтирувчи) ва *ижодий тасаввур* турлари ҳам фарқланади.

**Тасвир** – бирон нима ёки бирон кимсани тасвирловчи предмет, расм; бирон нарсанинг кўз олдига келтирилган қиёфаси.

**Тасвирий фаолият** – мактрабгача умумтаълим муассасасида моделлаштирувчи характер касб этган ва бадиий-образли тимсолларда ўз ифодасини топадиган фаолият. Машғулотларнинг асосий вазифаси: болаларда тасвирга борлиқнинг акси сифатидаги муносабатни ўзгартириш; тасвир билан борлиқ ўртасидаги тўғри нисбатни топа билиш малакасини ривожлантириш, яъни



нима тасвирланган бўлса, шуни кўра билиш; тасвир шарҳини такомиллаштириш, яъни унинг мазмунини тушуниш ва шарҳлаб бериш малакасини шакллантириш. Турлари: расм солиш (предметларнинг расмини солиш, сюжетли расм солиш, декоратив расм солиш), пластик материаллардан нарсалар ясаш (предметларни ясаш, сюжетли композициялар ясаш, декоратив композициялар ясаш), аппликация (предметлар аппликацияси, сюжетли аппликация, декоратив-орнаментал аппликация).

**Тафаккур** – объектив дунё қонуниятларини англаб етиш бўйича инсон билимларининг ва объектив оламни акс эттириш жараёнининг олий босқичи, объектлар ўртасидаги энг муҳим хусусиятларни умумлаштирилган ҳолда ва бевосита акс эттириш жараёни. Реал оламнинг сезги орқали билиш босқичида бевосита идрок этиб бўлмайдиган объектлари, хусусиятлари ва муносабатлари тўғрисида билимга эга бўлиш имконини беради. Инсон тафаккури табиатан ижтимоий-тарихий характерга эга ҳамда унинг амалий фаолияти билан бевосита боғлиқ. Тафаккур шакллари ва қонунларини мантиқ фани, тафаккурнинг кечиш механизмларини эса психология ва нейрофизиология фанлари ўрганади. Кибернетика тафаккурни айрим фикрлаш операцияларини техник моделлаштириш масалалари билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Мактабгача ёшдаги педагогикада бола тафаккурининг қуйидаги ривожланиш босқичлари фарқланади: кўргазмали-амалий тафаккур (бевосита кўриб идрок этиш вазиятида, предметлар билан ташқи йўналтирувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида кечади, илк ёшда предметлар билан амалга ошириладиган фаолият жараёнида шаклланади); кўргазмали-образли тафаккур (ташқи оламдан олинган тасаввурлардан туғилган ҳаёлий образлар билан ички йўналтирувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида кечади; масалани ҳал қилиш жараёнида вазият образлар ёки тасаввурлар сифатида гавдаланиши билан ажралиб туради; болалар фаолиятининг ўйин ҳамда бошқа маҳсулдор турларининг ривожланиши жараёнида шаклланади); нутқий-мантиқий тафаккур (нутқ билан чапмбарчас боғлиқ тушунчаларга таянган ҳолда ички планда кечади).

**Тахилалия** – нутқ суръатининг тезлиги.

**Ташаббус** – 1) бирон ишни бошлаб бериш; 2) ташаббускорлик, мустақил фаол ҳаракатларга қодирлик. Ходимнинг ташаббускорлиги – бирон ишни бошлашга рағбат кўрсатиш, мустақил

фаол хатти-ҳаракатларга, қарорлар қабул қилишга қодирлик ва тайёрлик, уларни онгли равишда ижодкорлик билан амалга ошириш. Инсон маълум бир мақсадларга интилиш билан ҳаёт кечирар экан, турли шароитларда иш олиб боради. Ана шундай шароитларда кўзлаган мақсадни англаб етиш ва унга эришишнинг илғор йўлларини топишга интилиш ташаббусни келтириб чиқаради.

**Ташқи нутқ** – фикр ва ҳис-туйғуларни тил воситаси орқали ўзгаларга баён қилиш жараёнидан иборат бўлган нутқ тури. Унинг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Шунингдек, бу нутқ сўзловчиларнинг иштирокига кўра диалогик нутқ ва *монологик нутқ* турларга бўлинади.

**Ташхисий белгилар** – ташхислаш объектининг ташқаридан намоён бўладиган муайян белгилари. Улар объектни маълум категорияга тегишлилигини белгилашда асосий ахборот вазифасини ўтайди.

**Ташхислаш** – 1. Муайян мазмун ва мураккаблик даражасига эга бўлган бирон-бир фаолият турига тайёрликни аниқлаш процедураси. 2. Ўқув материалининг муваффақиятли ўзлаштирилишини текшириш процедураси ва усуллари мажмуи.

**Таълим** – ўқитишнинг маҳсули бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма, малакалар ва тафаккур усулларининг тизими. Таълимга эга бўлишнинг бош мезонини билимлар ва тафаккурнинг тизимлилиги, уларнинг яратувчанлик, инсонпарварлик йўналишида қўлланиши белгилайди.

**Таълимда кўргазмалилик** – дидактик принциплардан бири. Кўргазмалилик ўқув материалини пухта ва чуқур ўзлаштиришга, ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришга, уларнинг тафаккурини ва кузатувчанлигини ривожлантиришга катта ёрдам беради. Ўқувчиларнинг теварак-атрофдаги ҳодиса ва предметларни идрок қилишлари натижасида уларда объектив борлиқ ҳақида тўғри тасаввур ҳосил бўлади. Логопедик машғулотларда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳосил қилинган билим ва малакаларнинг мустаҳкам бўлишига ёрдам беради.

**Таълим дифференциацияси** – таълим жараёнини таълим олувчиларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, майлларини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштириш шакли.



**Таълим мазмунига қўйиладиган талаблар** – жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш омили бўлган таълим тизимига давлат ва ижтимоий буюртманинг нормативларда ифодаланиши.

**Таълим методлари** – ўқувчининг билим олиш фаолиятини ташкил этиш усули бўлиб, бунда дидактик мақсадларга эришишда таълим вазифалари, болаларнинг билиш фаоллиги даражаси, ўқитиш йўллари ва усуллари ҳамда кутилаётган натижалар авалдан маълум бўлади. Таълим методлари шу билан ажралиб турадики, уларнинг ҳар биттаси таълим мақсади, ўзлаштириш усули, таълим субъектларининг ўзаро муносабатлари характерини билдиради. Улар анъанавий равишда оғзаки, кўргазмали, амалий ва ўйин турларига бўлинади. Замонавий таълим методларининг таснифлананиши: 1) узатиш методлари (материални ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади ва ўзлаштирилиши лозим бўлган материал мазмунини тавсиф этади); 2) муаммоли методлар (боланинг тадқиқотчилик позициясига йўналтирилади ва ўзлаштирилиши лозим бўлган материал мазмунини тушунтиради); 3) кўргазмали методлар (боланинг эмоционал ҳис-туйғуларига йўналтирилган бўлади ва ўзлаштирилиши лозим бўлган материал мазмунини баҳолайди); 4) амалий методлар (боланинг фаол позициясига ва оператив фаолият стратегиясини шакллантиришга йўналтирилган бўлади). М.Н.Скаткин ва И.Я.Ларнер таснифига мувофиқ таълим методларининг таснифи қуйидагича: 1) догматик методлар (материал ёд олинади, унинг тушунилиши шарт эмас); 2) репродуктив методлар (материал нафақат ёд олинади, балки тикланади (айтиб ҳам берилади); 3) тушунтириш-иллюстратив методлар (материал тушунтирилади, намунали мисоллар билан кўрсатиб берилади, намойиш қилинади ва болалар томонидан англанади); 4) маҳсулдор методлар (материални болалар нафақат англаб етишлари, балки ундан ўзларининг амалий хатти-ҳаракатларида фойдалана олишлари лозим); 5) эвристик ёки қисман-қидирув методлари (берилаётган янги билимнинг айрим элементларини таълим олувчининг ўзи мақсадга йўналтирилган кузатишлар, билишга қаратилган масалаларни ечиш, тажриба ўтказиш ва ҳ.к. йўли билан қидириб топади); 6) муаммоли методлар (болада муаммони мустақил англаб етиш, айрим ҳолларда эса уни қўйиш, муаммо ечимига ўз ҳиссасини қўшиш малакаларини шакллантиришни кўзда тутади);

7) тадқиқотчилик методлари (таълим олувчи субъектив-ижодий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган тадқиқотчи ролини бажаради). Таълим методлари орасида таълим самарадорлиги устидан назорат олиб бориш методлари алоҳида гуруҳга ажратилади, улар болалар хулқ-атвори ва фаолиятининг аниқ, аммо эришса бўладиган стандартларини белгилайди; бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвосита бўлиши, яъни педагогнинг ўзи томонидан ҳам, болалар ва ота-оналарнинг жамоавий фикр-мулоҳазаларини шакллантириш ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Таълим моделлари** – таълим амалиётини бир бутун ҳолда ёки алоҳида фрагментлари асосида схематик тарзда акс эттириш. Таълим моделлари уч турга бўлинади: тавсифий (таълим амалиётининг асосий мазмуни, тузилиши ва асосий элементларидан иборат); функционал (таълим тизими ва унинг ижтимоий муҳит билан алоқаларини акс эттиради); прогнозловчи (келажакда таълим амалиётининг назарий жиҳатдан далиллар билан асосланган ҳолатини кўрсатади).

**Таълим муассасасини бошқариш** – фаолият субъектларининг алоҳида фаолияти бўлиб, у режалаштириш, ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш воситасида болалар, педагоглар, ота-оналар, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳамкорликдаги фаолиятининг ташкил этилишини ҳамда ушбу фаолиятнинг таълимни такомиллаштириш ва таълим муассасасини ривожлантириш мақсадларига йўналганлигини таъминлайди.

**Таълим муассасасининг тури** – Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ МТМда амалга оширилаётган таълим дастуридан келиб чиқиб белгиланган таълим муассасаси тури. Таълим муассасаси, агар унда амалга оширилаётган асосий дастур мактабгача таълим дастури бўлса, «мактабгача таълим муассасаси» турига мансуб бўлади.

**Таълим сифати** – таълим жараёни ва унинг натижаларини тавсифлайдиган категория, таълим жараёни қандай бўлиши керак, қандай мақсадларга хизмат қилиши кераклиги тўғрисида жамиятда тарқалган тасаввурларларга қанчалик мослигини белгилайди. Таълим сифати таълим олувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари, атроф-оламга ва бир-бирларига нисбатан қадрий-эмоционал муносабатлар нормалари билан ўлчанадиган кўрсаткичлар (нормативлар) тизимида ифодаланади. Бу кўрсаткичлар



...ими таълим жараёни қатнашчиларининг таълим муассасаси ...қдим этаётган хизматлардан қаноатланганлик даражасини, ...нингдек таълим олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эри...ганлик даражасини акс эттиради. Мактабгача таълим сифа...и қуйидаги кўрсаткичлар асосида белгиланади: болалар билан ...иб бориладиган иш мазмуни, шакллари ва методларига асос...ниб, бола учун «индивидуал таълим маршрути»ни танлаш им...ниятини тақдим этиш; болани малакасиз педагогик таъсирлар...ан ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш; боланинг бошланғич мак...табда таълим олиш учун етарли тайёргарлик даражасига эриши...шини кафолатлаш.

**Таълим сифатининг мониторинги** – миллий, регионал, маҳал...ий, индивидуал-идоравий даражаларда етакчи таълим йўна...лишлари бўйича маълумотларни мунтазам тўплаб бориш жара...ёни. Таълим сифатининг мониторинги таълим тизимини бошқа...риш, таълим соҳасида нохуш, кескин ёки йўл қўйиб бўлмайди...ган вазиятларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида таълим...га оид хизматлар сифатининг экспертизасини ўтказиш имкони...ни беради.

**Таълим соҳасида давлат сиёсати** – мамлакатда таълим тизи...мини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан амалга оши...риладиган чора-тадбирлар тизими.

**Таълим тамойиллари** - таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: таълим ва тарбия...нинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; таълим тизимининг дунёвий харак...терда эканлиги; давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги; таълим дастурларини танлаш...га ягона ва табақалаштирилган ёндашув; билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш; таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш. Умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги.

**Таълим технологияси** – 1) Илмий ва бошқа ташкиллаштирилган билимларнинг амалий масалаларга нисбатан мунтазам қўлланиши. 2) Таълим жараёнига таъсир кўрсатадиган ўқув-тарбия, ташкилий-методик, моддий техник ва бошқа ишлар тизими; таълим олишга туртки бўлган сабабларни (мотивларни) тако-

миллаштириш, маҳсулдор ижодий методлардан фойдаланиш, та-лим тизимининг барча таркибий қисмларини инсонпарварла-тириш йўли билан таълим олувчиларнинг ижодий потенциали-ни максимал даражада очиб берадиган шарт-шароитларни ярати-ш имконини беради.

**Таълим турлари** – Ўзбекистон Республикасида таълим қуйи-даги турларда амалга оширилади:мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

**Таълимда маркетинг** – таълим муассасасининг фаолият тур-ларидан бири бўлиб, у жамият (бозор)нинг аниқ талаб қилинган шахсий ва касбий сифатларга эга бўлган мутахассисни белги-ланган муддатда тайёрлаб беришга бўлган ижтимоий буюртма-сини қондиришга, таълим муассасасининг ўзинингт самарали фаолият кўрсатишига қаратилган бўлади.

**Таълимни компьютерлаштириш** – таълим жараёнида элект-рон ҳисоблаш техникаси воситаларидан кўп мақсадли фойдала-ниш. Таълимни компьютерлаштиришдан мақсад ўсиб келаётган авлодни ахборотлаштирилган жамиятда яшашга тайёрлаш, иж-тимоий фаолиятнинг барча соҳаларида катта ўрин эгаллаган ахборот технологияларидан фойдаланишга ўргатиш.

**Таълимнинг вариативлилиги** – таълим тизимининг мактабга-ча таълим ўқувчиларига ва уларнинг ота-оналарига турли-ту-ман тўлақонли, сифатли, ўзига хос ва жозибали таълим вариант-ларини тақдим этишга қодирлиги. Таълимнинг вариативлиги да-стурий-методик таъминот воситалари ва таълим технологияла-ридан фойдаланиб таълимни максимал даражада индивидуал-лаштиришга қаратилган бўлади.

**Таълимнинг индивидуаллаштирилиши** – таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган таълим жараёни бўлиб, у шахснинг бутун индивидуал хусусиятла-ри тизимининг ҳисобга олиниши, индивидуал ва жамоавий иш шаклларининг ўзаро бирикуви, иқтидорли ва аксинча, ривожла-нишида муаммолари бўлган болалар билан индивидуал ишнинг ташкил этилиши, шунингдек кучли ва кучсиз гуруҳлар билан ин-дивидуал иш режаларининг киритилишини кўзда тутади.

**Таълимнинг мослашувчанлиги** – 1) бутун таълим тизимининг ҳамда унинг бўлинмалари ва идораларининг ижтимоий ўзгариш-



ларга тезкор ва мос равишда жавоб бериб, ўз фаолияти шакла-ри ва мазмунини ўзгартириши; 2) ўқув фаолияти натижалари-нинг сифат жиҳатдан тавсифи; 3) педагогнинг амалий фаолият мазмунидаги янги элементларни моҳирона ва тез ўзлаштира олиш, ўзгарган вазиятга тез ва осон мослаша олиш ва янги фао-лият турларини ўзлаштира олиш қобилияти

**Таъм сезгиси** – ҳар хил моддаларнинг тилда жойлашган таъм рецепторлари билан муносабатга киришиши туфайли юзага ке-ладиган сезги. Илк ёшда бола фақат ширинни аччиқдан фарқлай олади. Таъм бу кишининг бутун ҳаёти давомида такомиллашиб борадиган ягона сезги.

**Таъсирчанлик (импульсивлик)** – кишининг ташқи вазиятлар ва ҳис-туйғулар таъсирида бир онда амал қилишга моиллиги ва шунга кўра хатти-ҳаракати. Илк ва кичик мактабгача ёшдаги болалар учун кўпроқ хос бўлган ҳолат.

**Тақлид қилиш** – бирор шахснинг хатти-ҳаракатини ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда такрорлаш.

**Тақлидий товуш** – товуш ёзиш турларидан бири, бунда шун-дай сўзлар қўлланадики, улардаги товушлар жаранги тасвирла-наётган ҳодисаларнинг товуш хусусиятларига ишора қилади («гумбур-гумбур», «жаранг-журунг» ва ҳ.к.).

**Таҳлил (анализ)** – 1. Асосий фикрлаш операцияларидан бири бўлиб, унинг моҳияти мураккаб объектни у таркиб топган қисм-ларга ажратишдан иборат. 2. Бутунни таркибий қисмларга бўлиб ўрганишни кўзда тутадиган тадқиқот методи. Педагогикада таҳ-лил ҳар бир элемент ёки ҳодиса жиҳатларини бутуннинг қисми сифатида ўрганишни, ўрганилаётган предмет ёки ҳодисани тар-кибий қисмларга ажратишни ва уларнинг алоҳида томонларини ажратиб кўрсатишни билдиради.

**Таҳлил бошқариш методи сифатида** – бошқариш объекти ва субъектини, бошқарув жараёнида уларнинг ўзаро муносабатла-ри характерини ўрганиш усули. Ушбу усул воситасида уларнинг ҳар бирларининг белгилари, хусусиятлари, муносабатлари очи-лади, мазмуни, ўзаро алоқалар механизми, бошқариш мақсади-га эришиш шартлари белгиланади.

**Театр қўғирчоғи** – болалар ва катталарнинг театр билан боғ-лиқ фаолиятида қўлланадиган махсус қўғирчоқ тури. Театр то-мошаларининг турига қараб, бир нечта кўринишлари мавжуд: пастки театр қўғирчоғи (юқоридан туриб бошқарилади); устки

театр қўғирчоғи (актёр қўғирчоқни пастдан туриб бошқаради, бунда актёрнинг ўзи одатда кўринмайди; марионетка театр қўғирчоғи (актёр томонидан махсус таёқча (вага) ва иплар тизими ёрдамида бошқарилади); би-ба-бо театр қўғирчоғи (актёрнинг бармоқларига кийдириладиган қўлқоп қўғирчоқ)); таёқчага ўрнатилган театр қўғирчоғи (стол усти театрида қўлланади ва орқасига маҳкамланган таёқча ёрдамида ҳаракатга келтирилади).

**Театрлаштирилган ўйин фаолияти** – катталар билан ҳамкорликда ёки болалар томонидан мустақил равишда ташкил этиладиган турли театрлаштирилган ўйинларни ўз ичига оладиган умумлашма тушунча.

**Театрлаштирилган ўйинчоқлар** – театрлаштирилган ўйинлар ўтказишда қўлланадиган ўйинчоқлар тури: саҳна асарларининг персонажлари, би-ба-бо қўғирчоқлар, марионеткалар; эртаклар бўйича саҳналар, инсценировкалар қўйишда қўлланадиган сюжетли шаклчалар жамламаси. Театрлаштирилган ўйинчоқлардан фойдаланишда муайян ўйин асбоб-ускуналари талаб қилинади: кўчма театр саҳнаси; фланель матосидан ишланган экран ҳамда унга маҳкамланадиган шаклчалардан иборат магнитли қурилмалар.

**Текшириш** – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

**Темперамент (мижоз)** (лотин. temreramentum – қисмларнинг тегишли нисбати) – шахс фаолиятининг психик динамикасини характерловчи барқарор хусусиятларнинг (руҳий ҳолатларнинг интенсивлиги, тезлиги, темпи, ритми) мажмуи. Мижознинг тўрт асосий тури қабул қилинган: кучли, вазмин, ҳаракатчан (сангвиник); кучли, вазмин, инерт (флегматик); кучли, енгил, лов этиб ёнадиган (холерик); кучсиз (меланхолик). Мижоз хусусиятлари шахснинг муайян хусусиятларининг шаклланишига яхши таъсир кўрсатиши ҳам, бунга тўсқинлик қилиши ҳам мумкин, чунки темперамент (мижоз) шахснинг шаклланиши кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган муҳит омиллари ва тарбиявий таъсирларнинг аҳамиятини у ёки бу томонга ўзгартириши (модификациялаши) мумкин.

**Тенгсизлик** – сонлар (қийматлар) ўртасидаги катта-кичиклик нисбати. Тенгсизликни ифодалаш учун < ва > белгилари қўлланади, уларнинг учи кичик сон томон қаратилган бўлади. Мас., 2>1 ва 1<2 нисбатлари бир нарсани, айнан 2нинг 1дан каттали-ги, ёки 1нинг 2дан кичиклигини билдиради. Баъзида бир нечта тенгсизлик бирга ёзилади (a<b<c). Мактабгача ёшдаги болалар предметлар узунлигининг тенгсизлиги билан иккинчи кичик гуруҳда танишадилар. Тенгсизликни аниқлашга қаратилган амалий иш узунлик тўғрисида тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради. Ўрта гуруҳда болалар кўпликлар миқдорлари ўртасидаги тенгсизликни кўриш, аниқлаш ва тенглаштиришга ўргатиладилар; кўпликларни қиёслаш ва сонлар билан атащда уларнинг ўзаро тескари нисбатига эътибор қаратилади: икки бирдан катта, аммо учдан кичик ва ҳ.к. Кўпликларни ўзгартириш (учта предметдан иборат кўпликдан иккита предметдан иборат кўплик ҳосил қилиш ва аксинча) ёнма-ён турган сонлар ўртасидаги ўзаро алоқани англаб етишга ёрдам беради: берилган сон бошқасидан катта бўлиши, бироқ шу пайтнинг ўзида учинчисидан кичик бўлиши мумкин.

**Термин (атама)** – махсус тушунчаларни аниқ ифодалаш ва махсус предметларни белгилаш учун яратиладиган (қабул қилинадиган, ўзлаштириладиган ва ҳ.к.) махсус тилга (илмий, техник ва ҳ.к.) мансуб сўз ёки сўз бирикмалари.

**Терминология** – фан, техника ва санъатнинг муайян бир соҳасига оид *термин*лар мажмуи ва тилшуносликнинг терминларни тартибга солиш ҳақидаги бўлими.

**Терморегуляция** – атроф-муҳит ҳароратининг ўзгаришида тананинг оптимал ҳароратини таъминлайдиган физиологик функция.

**Теситура** – бирон-бир мусиқа асбоби ёки овоз диапазонининг бир қисми. Ўрта, юқори ва паст теситура фарқланади. Ўртаси ижро учун энг қулайи ҳисобланади. Мусиқа раҳбари теситура устида болаларнинг куйлаш машқларида шуғулланади.

**Тест** – вақтда чегараланган стандартлашган синовдан иборат вазифалар тизими бўлиб, шахснинг муайян психологик хусусияти (сифати) ва билимининг ривожланганлик даражасини ўлчаш имконини беради.

**Тест синови** – муайян қийматлар шкаласига эга бўлган стандартлашган саволлар ва масалалар (тестлар)дан фойдаланадиган психологик ташхислаш (диагностика) усули. Тест синовидан ўтказиш жараёни уч босқичдан иборат: тест танлаш (тест сино-

видан ўтказиш мақсадлари ҳамда тестнинг ишончлилик ва пухталик даражаси билан белгиланади); тест синовининг ўтказилиши (тест синовидан ўтказиш йўриқлари билан белгиланади); натижалар таҳлили (тест синовидан ўтказиш предметига нисбатан назарий йўл қўйилган имкониятлар тизими билан белгиланади). Барча босқичларда малакали психолог иштироки талаб қилинади.

**Тестнинг ишончлилиги** – тест сифатининг мезонларидан бири, психологик ўлчовларнинг аниқлигига тегишли. Тестнинг ишончлилиги қанча юқори бўлса, у ўлчовдаги хатолардан шунча ҳоли бўлади, қайта тест синовидан ўтказишда натижаларнинг барқарорлиги (турғунлиги) сифатида ёки шакли ва мақсади бўйича иккита бир хил (параллель) тест эквивалентлик даражасининг намоён бўлиши сифатида олиб қаралади.

**Тетизм** – бир қанча ундош товушларнинг «Т» товушига алмаштирилиши билан характерланувчи нутқ камчилиги.

**Техник ўйинчоқлар** – болаларни техника оламига олиб кирадиган техникага оид предметларнинг ташқи кўриниши (машиналар, механизмлар, транспорт воситалари), уларга хос хатти-ҳаракатлар билан таништирадиган ўйинчоқлар. Ўйинчоқ фотоаппаратлар, биноклар, дурбинлар, ўчадиган моделлар, калейдоскоплар, болалар тикув машиналари ҳам шундай ўйинчоқлар турига мансуб. Кўплаб техник ўйинчоқларда заводли, инерцион двигателлар, электромоторчалар, электрон қурилмалар қўлланади.

**Техник ўқув воситалари** – педагогик жараён ва мустақил таълимда махсус қўлланадиган техник қурилмалар. Улардан ўқув ахборотини узатиш ва сақлаш, унинг ўзлаштирилиши устидан назорат олиб бориш, билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилади. Техник ўқув воситаларига воқеликни бавосита акс эттирадиган ўқув воситалари киради: визуал (диафильмлар, диапозитивлар ва ҳ.к.), аудиал (товуш ёзиб олувчи ва товуш чиқарувчи қурилмалар), аудиовизуал (видеоёзувлар, теледастурлар ва ҳ.к.), манипуляцион (тренажерлар), автоматик (компьютер техникаси ва материаллари).

**Техника** – бирон-бир фаолият турида усуллар ва кўникмалар мажмуаси, маҳорат белгиларининг намоён бўлиш йўллари, шунингдек шундай усуллар ва кўникмаларнинг эгаллангaнлиги, маҳорат.



**Технологик харита** – интеграллашган дарсларни ташкил этишда тушунча ва билимларнинг муайян изчиллиги ва ахборотли моделларни ўрганиш усуллари, йўллари, кўрсатмалари ҳамда кўргазмали-технологик топшириқлар йиғиндиси.

**Тиббий-ижтимоий экспертиза** – муайян шахс организмининг барча тизимларини комплекс текшириш асосида унинг соғлиғини йўқотганлик даражасини, организми функциялари турғун бузилиши оқибатида турмуш фаолиятининг чекланганлик даражасини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг юз берганлиги сабаблари ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра амалга ошириши мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва меҳнат шароитлари тўғрисида, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжлари ҳақида тавсиялар тайёрлаш;

**Тиббий-педагогик назорат (мактабгача таълим муассасасида)** – мактабгача таълим муассасасида соғлиқни сақлаш муҳитини бошқариш омили. Тиббий-педагогик назорат ёрдамида мактабгача таълим муассасасида ўтказилаётган барча тадбирларнинг болалар соғлигига таъсири таҳлил этилади, таҳлил мақсади – болаларнинг муассасада бўлиши ва ривожланиши учун оптимал шарт-шароитларни яратиш. Вазифалари: болаларнинг соғлиғи ва жисмоний ривожланиши мониторингини олиб бориш (мактабгача таълим муассасасининг тиббиёт ходимлари ва турли мутахассисликка оид шифокорлар томонидан амалга оширилади, текширувлар ҳар йили камида икки марта ўтказилади); ҳаракатланиш режимининг мазмуни ва ташкиллаштирилишини кузатиш ва баҳолаш.

**Тиббий-психологик-педагогик комиссия (ТППК)** – ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммолари бўлган болаларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш натижасида ўзларига мос таълим турига йўналтирувчи мутахассислардан ташкил топган комиссия. ТППК таркибида турли мутахассислар – психоневролог, отоларинголог, олигофренопедагог, сурдопедагог, логопед, тифлопедагоглар фаолият кўрсатадилар. Ривожланишида муаммолари бўлган болалар ТППКга туман даволаш муассасалари, халқ таълими бўлимлари томонидан йўналтириладилар. Комиссияга келган бола ҳар битта мутахассис томонидан синчковлик билан ўрганиб чиқилгач, умумий муҳокама қилинади ҳамда умумий

хулоса чиқарилади. Хулосада боланинг неврологик, руҳий, жисмоний, интеллектуал (ақлий) ҳамда нутқий ривожланиш ҳолати қайд этилади. Ушбу хулосалар асосида тиббий ҳамда педагогик тавсия ва йўналишлар белгиланади.

**Тил** – одам ва умуртқали ҳайвонлар оғиз бўшлиғидаги мушакли орган. Овқатни чайнаш, ютиш ва гапиришда қатнашади. Тил уч қисмдан иборат: тор қисми – тил учи, тил танаси ва бирмунча кенг ва қалинроқ қисми – тил негизи (илдизи). Тилнинг асосий қисмини чин ва скелет мушаклари ташкил этади. Чин мушаклар узунасига, кўндаланг ва вертикал йўналишда жойлашган бўлади. Тилни суякларга бириктирадиган скелет мушаклари эса жуфт энгак-тил, энгак-тил ости ва бўғизсимон ўсиқ мушаклар унинг осон ҳаракат қилишга ёрдам беради. Тил артерияси шохчалари уни қон билан таъминлайдн.

**Тил** – инсонлар ўртасида алоқа воситаси бўлиб, жамият аъзоларининг бир-бири билан фикр алмашинишига хизмат қилади. Мавжудот, ҳодиса ва тушунчалар сўз билан ифодаланади. Тил ва тафаккур бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Тилсиз тафаккур бўлмайди, тафаккурсиз тил бўлмайди. Улар ўзларининг юзага келишида ҳам, ривожланишида ҳам бир-биридан ажралмасдир.

**Тил ва нутқ бирлиги** – барча лингвистик бирликлар бир пайтнинг ўзида ҳам тил, ҳам нутқ бирлигидир, ўзининг бир томони билан тилга, иккинчи томони билан нутққа қаратилган. Нутқ бирликлари моҳият эътибори билан тил бирликлари (фон/фонема, морф/морфема ва ҳ.к.)нинг амалга оширилишидир. Товуш, бўғин, такт (синтагма), ибора, ибораддан юқори турган тил бирлиги (ёзма нутқ учун – абзац) каби бирликлар одатда фақат нутқ (матн) бирликлари сифатида олиб қаралади. Нутқ ва тил бирликларини ажратиш малакаси 5 ёшдан бошлаб шаклланиб боради.

**Тил ости нерви** – бош мия нервларининг ўн иккинчи жуфти, тил мушакларини иннервациялайдиган ҳаракатлантирувчи нерв. Ушбу нерв зарарланганда тилнинг ярми фалажланади ва нутқда камчиликлар кузатилади.

**Тил юганчасининг (тил остини оғиз ичига туташтирувчи этнинг) калталиги** – туғма камчилик. Тил ҳаракати чегараланган бўлиб, тил олди товушларининг (т, д, л, р) талаффузи бузилади. Тил тагидаги эт ҳаддан ташқари калта бўлса, бу камчилик жарроҳлик йўли билан бартараф этилади ёки махсус логопедик машқлар билан тил ҳаракатга келтирилади.



**Тимсол** – қ. *Символ.*

**Тирмашиб чиқиш** – мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг жисмоний тарбия машғулотларида ўрганадиган асосий ҳаракатлардан бири. Махсус гимнастика снарядлари бўйлаб фақат қўл ва оёқлар ёрдамида ҳаракатланишни кўзда тутади. Тирмашиб чиқишга ўргатишда аввал нарвонча, кейин гимнастика деворидан фойдаланилади. Болаларни қизиқтириш мақсадида ўйин усуллари қўлланади. Тарбиячи болаларга нарвончанинг пиллапоясини маҳкам ушлашни, ўзига ишончсизлик ва қўрқув ҳиссини енгишга ўргатади, боланинг ҳавфсизлигини таъминлайди. Машғулот жараёнида тарбиячи шартларни, асбоблар баландлиги ва ҳаракатларни бажариш усулларини ўзгартиради.

**Тифлопедагог** – кўришида муаммолари бўлган (кўзи ожиз, заиф кўрувчи) болалар таълим-тарбияси билан шуғулланадиган махсус олий маълумотга эга педагог.

**Тифлопедагогика** (юнон. typhlos – кўзи ожиз ва педагогика) – кўришида муаммолари бўлган шахслар таълими, тарбияси ва ўқитилиши масалалари билан шуғулланувчи коррекция педагогикасининг бир тармоғи. Тифлопедагогика заиф кўрувчи ва кўзи ожиз болалар учун махсус мактаб-интернатлар ҳамда мактабгача таълим муассасаларида махсус ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш методлари ва тамойиллари, таълим-тарбиянинг ташкилий шаклларини такомиллаштиришнинг йўллари ва воситаларини тадқиқ этади. Тифлопедагогиканинг энг муҳим вазифаси болаларда сақланиб қолган кўриш имкониятларидан ўқиш жараёнида тўғри фойдаланиш ва уни ривожлантириш, кўриш имкониятларини сақлаш учун шароит яратиш, техника воситаларини қўллашдан иборат.

**Товар** – ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумлада, импорт маҳсулоти.

**Товар (иш, хизмат)нинг жиддий нуқсони** – товар (иш, хизмат)дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфлаш талаб қиладиган камчилик.

**Товар (иш, хизмат)нинг нуқсони** – товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома

шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлиги;

**Товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги** – товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги.

**Товар чеки** – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат.

**Товарни (ишни, хизматни) истеъмолчидан қайтариб олиш** – агар хавфсизлик талабларига мос бўлмаган товар (иш, хизмат) истеъмолчи мулкига айланган ёки унга таклиф этилган бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан бундай товар (ишни, хизмат)ни қайтариб олишга қаратилган ҳар қандай чора.

**Товарни (ишни, хизматни) муомаладан чиқариш** – ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан хавфсизлик талабларига мос бўлмаган товарга (ишга, хизматга) офертани тугатиш ва бунга йўл қўймасликка қаратилган ҳар қандай чора.

**Товуш** – газлар, суюқликлар ва қаттиқ жисмларда тарқаладиган ҳамда инсон ва ҳайвонлар қулоғи идрок этадиган тўлқинлар. Инсон 16 Гц дан то 20 кГц гача частотали товушларни эшитади. 16 Гц гача частотали товушлар инфратовушлар, 20 кГЦ дан ортиқ товушлар ультратовушлар деб аталади. Товушлар ҳақидаги фан акустика деб аталади.

**Товушлар автоматизацияси** – товушларни кўп марта такрорлаш ёки махсус машқлар қилиш натижасида онгсиз равишда тез ва тўғри талаффуз этиш; товушлар талаффузидаги камчиликларни тузатишда муҳим роль ўйнайди. Ҳосил қилинган товуш, мас., «р» товуши аввал бўғинларда (ра, ро, ру, ар, ор, ур), сўнгра сўзларда (радио, арқон, дутор), кейинчалик жумлаларда (Раъно рўмол ўради) мустаҳкамланади ва автоматизм даражасига етказилади.

**Товушларни ҳосил қилиш** – қ. *Товушлар устида ишлаш тизими.*

**Товушлар қатори** – мусиқа тизими товушларининг, шунингдек маълум мусиқа асбобидан чиқадиган товушларнинг пастлаган ёки юқорилаган қатори.



**Товушли аналитик-синтетик саводга ўргатиш усули** – савод (ўқиш, ёзишни) ўргатиш усули. Унинг асосида сўзларда унли ва ундош товушларни фарқлаш ва уларни ҳарфлар билан белгилаш тамойили ётади. Ўқишга товушларни таҳлил этиш ва уларни ёзиш асосида ўтилади. Ҳозирги замон савод ўқитиш усули синчиклаб пухта ишлаб чиқилган анализ ва синтез усуллари ҳамда уларнинг тил анализи ва синтези усулларига қўшилиб кетганлиги билан ажралиб туради.

**Товушли китобчалар** – товуш чиқармайдиган мусиқа ўйинчоқларига мансуб бўлган дидактик ўйинчоқ тури. Картон ёки қалин қоғоздан бажарилади. Ҳар бир саҳифада рангли иллюстрация жойлаштирилган бўлиб, унинг сюжети болаларга таниш қўшиқ номи (мазмуни)га мос келади. Расм остида ушбу қўшиқ куйи ёзилган нота қатори (ёки болаларга таниш рамзий белгилар воситасида берилган қўшиқ коди) ва матни жойлаштирилади.

**Товушли расмлар** – *товушли китобчалар*нинг ўзгинаси, фақат ҳар бир болалар қўшиғи алоҳида берилган. Барча товушли расмлар пакет ёки кутичаларда сақланади.

**Товуш талаффузи** – нутқ товушларининг ҳосил бўлиш жараёни, нутқ аппаратининг нафас олиш, овоз ҳосил қилиш ва товуш ҳосил қилиш бўлимлари томонидан амалга оширилади, ушбу жараён марказий нерв тизими томонидан бошқарилади.

**Товуш устида ишлаш тизими** – тўрт даврни ўз ичига олади: 1) тайёрлов даври. Унинг мақсади — турли машқлар ёрдамида артикуляция органларини товушни ҳосил қилишга тайёрлаш (мас., «р» товушини ҳосил қилиш учун тилнинг учини тишлар орқасига кўтариш, тил билан тишларни ялаш каби машқларни бажариш); 2) товушни ҳосил қилиш даври, бунда ҳар бир товушни ҳосил қилишга тааллуқли бўлган усуллардан фойдаланиш; 3) автоматизация (мустаҳкамлаш) даври. Бу даврниинг мақсади — товушни мустаҳкамлаш ва аста-секин уни нутққа киритиш. Товушни талаффуз этишга ўргатилгандан сўнг, бу товуш аввал бўғин таркибида (ра, ро, ру, ре), сўнг сўзларда (Раъно, арра, дутор), жумлаларда (Раъно рўмол ўради), шеър, ҳикоя, эртакларни ўқиш жараёнида мустаҳкамланади; 4) дифференциация (фарқлаш) даври. Унинг мақсади – алмаштириладиган товушларни бир-биридан фарқлашга ўргатиш. Бу даврда *пароним сўзлар*ни таҳлил қилиш айниқса мақсадга мувофиқдир.

**Толерантлик** – қ. *Бағрикенглик.*

**Тоник пай тортишиш** – мускулларнинг таранг тортиши натижасида юзага келади ва узоқ вақт сақланиб туради, Дудуқланишда кузатилади.

**Тонус** – нерв марказлари ва мушакларнинг узоқ муддатли, чарчоқ билмай қўзғалганлик ҳолати.

**Топишмоқ** – халқ оғзаки ижоди жанри, бунда предметлар ва ҳодисалар қочиримлар билан, уларни сал-пал эслатадиган бошқа бирон предметлар ва ҳодисалар билан ўхшатиш орқали ифодаланади; одатда метафора шаклида ифодаланган жумбоқли савол. Халқ оғзаки ижодида топишмоқ поэтик формула сифатида идрок этилиб, ушбу формула ифодалаган асосий мазмунни онгли равишда беркитишга қаратилган бўлади; топишмоқлар болалар дунёқарашини кенгайтиради, диққат ва хотирани машқ қилдиради, кузатувчанлик ва мантиқий тафаккурни ривожлантиради.

**Тормозланиш** – қўзғалишнинг қарама-қаршиси бўлган нерв жараёни; организмнинг муайян тизими учун хос бўлган фаолиятнинг заифлашуви ёки барҳам берилишида намоён бўлади. Тормозланиш, чарчашдан фарқли ўлароқ, фаол жараён бўлиб, махсус тормозлаш механизмларининг амал қилиши билан белгиланади. Тормозланиш бир бутун организмнинг координацион ва хулқ-атвор актларида муҳим ўрин тутади.

**Трапеция** – иккита қарама-қарши томони (асослари) параллель, бошқа иккита қарама-қарши (ён бош) томони параллель бўлмаган ясси геометрик шакл. Иккита параллель бўлмаган қарама-қарши томони тенг бўлган трапеция тенг ёнли трапеция деб аталади. Трапеция тўғрисидаги тасаввур болаларда катта гуруҳда шакллантирила бошлайди. Бу шаклнинг ўзига хос жиҳатлари уни тўғри тўртбурчак билан қиёслаш орқали ўрганилади. Бунда атроф-воқеликдан трапециясимон шаклларни топиш иши мажбурий ҳисобланади. Трапеция билан танишув болаларнинг тўртбурчак ва кўп бурчаклар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради.

**Трафарет** – қоғоз, картон, пластмасса, ёғоч ва бошқа материаллардан ясалган пластина бўлиб, унда муайян шакл, расм, ҳарфлардан иборат тешиклар ўйилади. Тешиклар воситасида пластинага туширилган тасвирлардан кўп марталаб нусха кўчиришда, график ишларни тезлаштиришда, шунингдек дидактик мақсадларда фойдаланилади.



**Тремор** – оёқ-қўллар ёки тананинг мушак қисқаришлари келтириб чиқарган тез ва ритмик титраши.

**Тренажёр** – ҳаракатланиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва муайян машқларни бажариш учун мўлжалланган ўқув-машқ қурилмаси. У жисмоний юкламаларни аста-секин ошириб бориш ва алоҳида мушак гуруҳларига танлаб таъсир кўрсатиш имконини беради. Тренажёрда машқ қилиш мактабгача катта ёшдаги болалар учун айниқса қизиқарли ва фойдали; бу машқлар болаларнинг эмоционал тонусини оширади, ўз-ўзини назорат қилиш, масъулият ҳиссини ривожлантиради ҳамда жисмонан бақувват қилади. *Гиподинамия*ни профилактика қилишда, мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказиладиган физкультура машғулотларида ҳамда мустақил ҳаракатланиш фаолиятида қўлланади. Брача тренажёрлар ўзига хос вазифани бажаради ва болага куч, тезлик ва чидамлиликни ривожлантиришга ёрдам берадиган мураккаб машқлар комплексини ўзлаштириш имконини беради.

**Тренажёр зали** – болалар учун яратилган тренажёрлардан фойдаланиб, физкультура машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган спорт хонаси. Тренажёр залининг майдони 18-20 $м^2$ дан кам бўлмаслиги, машғулотлар 4-6 боладан иборат кичикроқ гуруҳларда ўтказилиши лозим. Катталарнинг вазифаси индивидуал страховкани ташкил этиш, машғулотлар учун хавфсиз шарт-шароитларни яратишдан иборат.

**Тренинг (ингл. training** – ўқитиш, тарбиялаш) – билим, малака, кўникмалар ҳамда ижтимоий қоидаларни ривожлантиришга, тренинг қатнашчиларининг ўзини намоён этиши, қўйилган масалаларни ҳал қилиш усулларини мустақил қидириши учун шарт-шароитларни яратишга қаратилган фаол таълим бериш методи. Тренингга турли парадигмалар нуқтаи назаридан қараш мумкин: тренинг – дрессировканинг ўзига хос шакли, бунда ижобий қўллаб-қувватлашда керакли хулқ-атвор хусусиятлари шаклланади, салбий қўллаб-қувватлашда нохушлари «ўчирилади»; тренинг – машқ, бунда малакалар ва кўникмалар шаклланади ва мустахкамланади; тренинг – фаол таълим шакли, унинг мақсади – билим бериш, айрим малакалар ва кўникмаларни ривожлантириш.

**Тумор** – машҳур шакллар, белгилар, ёзувлар билан таъминланган унча катта бўлмаган предмет, масалан, тош, металл ва ҳ.к.; одатда бўйинга осиб юрилади ва тасаввурлар, ирим-чирим-

ларга кўра касалликлар, офатлар ва бошқа бахтсизликларни қайтаради. Тумор ҳақида биринчи марта Плиний (24-79 йиллар-да яшаган рим ёзувчиси ва олими) хабар беради ва уни заҳарни қайтарувчи восита сифатида таърифлайди. Энг қадимги тумор-лар мисрликларда бўлган ва улар одатда қўнғиз шаклига эга бўлган.

## У

**Узлуксиз таълим** – 1) умумтаълим ва махсус касбий тайёргар-лигини таъминлайдиган давлат ва таълим муассасалари тизими-да шахснинг ривожланиш жараёни ва натижаси; ташхислаш, ком-пенсациялаш, адаптацион (мослаштириш), билим олиш, мада-ний ривожлантириш функцияларини бажаради; мустақил ўқиш субъектларининг таълимий, касбий ва маданий эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайди 2) ёш авлодни ривожлантиришда ворисликни таъминлаш учун таълимнинг ҳар бир босқичида таъ-лим тизимининг барча таркибий қисмлари (таълим ва тарбияни ташкил этиш мақсадлари, вазифалари, мазмуни, методлари, во-ситалари, шакллари) ўртасидаги алоқадорлик, уйғунлик ва ис-тиқболга йўналганлик.

**Узоқни кўра олмаслик** – кўриш ўткирлигининг бузилиши; кўз оптик муҳитининг синиш (йўналишини ўзгартириш) кучининг ошиқчалиги ёки кўз соққаси ўқининг ўта катталигидан келиб чиқади. Узоқни кўра олмайдиган киши узоқда турган предмет-ларни яхши кўра олмайди, уларни кўриш учун кўзини қисишга, пешонасини тириштиришга, ўта кучланишга мажбур бўлади. Бу эса кўзни тез толиқтиради. Ёруғликни тарқатадиган кўзойнак-лар ёруғлик нурларининг кесишган ерини кўз тўр пардасида ке-сишадиган қилиб суради ва кўз гавҳарининг нурни синдириш кучини камайтиради.

**Узоқни кўришлик** – рефракциянинг аномалияси сабабли кўзга тушадиган параллель нурлар кўз тўрпардаси ортида учрашуви натижасида узоқдаги буюмларни яхши кўриш, яқиндагисини (ай-ниқса майда буюмларни) эса яхши кўра олмаслик, қарияларга хос кўзи ўткирлик. Нурларни тўрпарданинг ўзида кесишишига эришиш учун нур тўпловчи кўзойнаклар қўлланади.

**Узунлик** – чизиқлар узунлигининг сонда ифодаланиши. Тўғри чизиқ бўлагининг узунлиги унинг учлари ўртасидаги ма-софа сифатида аниқланади, ушбу оралиқдаги масофа эса узун-



лик бирлиги сифатида қабул қилинган бирон-бир бўлак билан ўлчанади. Мактабгача таълим муассасасида олиб бориладиган математика машғулотларида узунлик тўғрисидаги тасаввур иккинчи кичик гуруҳдан бошлаб шакллантирилади. Бунда болалар чўзиқлилик параметрлари билан танишадилар (узун-қисқа, паст-баланд, чуқур, саёз, кенг-тор, ориқ-семиз ва ҳ.к.), предметларни битта ёки бир нечта чўзиқликлар бўйича қиёслашга, предметларни каттадан кичикка қараб ёки аксинча, тасвифлашга ўрганадилар. Тайёрлов гуруҳида узунликни шартли ўлчов бирликлари билан ўлчаш бўйича иш олиб борилади. Узунлик бирликларини (километр, метр, сантиметр, миллиметр ва ҳ.к.) ўрганиш мажбурий эмас.

**Уй иши** – оилада мажбуриятларни тақсимлаш шакли, ҳар бир оила аъзосида ушбу оилага мансублик ҳиссини шакллантиришга қаратилган бўлиб, унинг оилавий турмуш тарзини ташкил этишда қатнашишини кўзда тутади. Уй ишлари боланинг ёшига мослаштирилган бўлиши ҳамда уни оила аъзолари ва яқинларга фойда келтиришга, атрофдагиларнинг ўзига нисбатан ғамхўрлигини қадрлаш ва ўзгалар меҳнатини ҳурмат қилишга ўргатиши лозим.

**Уқалаш (массаж)** – ҳам қўл, ҳам махсус аппаратлар ёрдамида бевосита инсон танаси устида ишқалаш, босиш, титратиш кўринишида амалга ошириладиган ўлчовли механик таъсир кўрсатиш усулларининг мажмуи. Бунда киши танасининг териси ва устки тўқималари бир маромда, муайян кетма-кетликда, ҳар хил суръатларда амалга ошириладиган ҳаракатлар ёрдамида қўзғатилади, мушаклар тизимини мустаҳкамлайди, уларнинг тонуси, эластиклиги ва қисқариш хусусиятини оширади, тўқималарда модда алмашинуви ва умумий модда алмашинувини яхшилайди, организмнинг иссиқлик алмашинувини тартибга солади. Уқалашдан мунтазам равишда фойдаланиш натижасида тананинг айрим участкаларидаги рецепторлар орқали бош мия қобиғи билан мушаклар ва ички органлар ўртасидаги рефлектор алоқалар, улар фаолиятининг бошқарилиши яхшиланади. Профилактика ва даволаш мақсадларида қўлланади. Илк ёшдаги болаларга уқалаш 1,5 ойдан тавсия этилиши мумкин. Илк ёшда уқалаш ва гимнастиканинг мақсади – боланинг ҳаракатланиш фаоллигини оптималлаштириш, тўғри психологик ва жисмоний ривожлантириш. Мактабгача

ёшдаги болаларга силаш, ишқалаш, эзиш, енгил уриш ва титратиш каби турли уқалаш усуллари қўлланади.

**Умуминсоний қадриятлар** – жаҳондаги барча одамлар, халқлар ва давлатлар учун умумий қадрлаш мезони ҳисобланган, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар тизимини ифода этадиган тушунча. Улар ниҳоятда кенг кўламли ва серқирра тушунчадир. У Озодлик. Эркинлик. Тинчлик, Бахт-саодат каби умумижтимоий маъно-мазмун касб этадиган тушунчалардангина иборат эмас. Уни фақат маданий бойликлар сифатида тушунишни ҳам мақсадга мувофиқ деб бўлмайди. Шу билан бирга, муайян миллий, этник қадрият ва бошқа хусусий қадрият тизимлари ҳамдир.

**Унутиш** – аввал идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни зарур пайтда эсга тушира олмасликка асосланган хотира жараёни. Нутқ бузилишининг *афазия* турида учрайдиган ҳолат.

**Унутиш** – руҳий аломат; хотирада қолган ахборотни йўқотиш; бундай ҳол қариликдаги атериосклероз ва баъзи интоксикацион касалликларда учрайди; ёд олинган материални эслаш ва айтиб бериш имкониятининг аста-секин пасайиши билан белгиланадиган жараён. Унутиш суръати эслаб қолинаётган материал ҳажми, мазмуни ва англаб етилганлик даражасига, эслаб қолинаётган ва аввал эслаб қолинган материалнинг ўхшашлигига, унинг қиммати ва субъект фаолиятига тегишлилик даражасига ва ҳ.к. боғлиқ.

**Уранопластика** (юнон. *uranos* – танглай сўзидан) – қаттиқ танглай ёриқларини операция қилиш. Уранопластикадан олдин *обтуратор*лардан фойдаланилади. Ёриқликлар туфайли содир бўлган нутқ камчиликларини йўқотишга қаратилган логопедик машғулотлар операциядан олдин ва операциядан сўнг мунтазам равишда олиб борилади.

**Уриб чалинадиган клавишали муксиқа асбоблари** – буларга рояль ва пианино киради, улардан болалар билан олиб бориладиган гуруҳий ва индивидуал машғулотлар жараёнида фойдаланилади. Катта ва тайёрлов гуруҳларда ўйинчоқ рояль ва пианинодан ҳам болаларнинг мустақил шуғулланишлари учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Уриб чалинадиган мусиқа асбоблари** – қўл, таёқчалар, болғача, қўл тўмоқча билан уриш воситасида овози чиқариладиган асбоблар. Ёғоч қошиқлар, тартараклар, чилдирмалар, ликопча



ва қошиқчалар, мусиқа болғачалари мана шундай асбоблар қаторига киради.

**Урф-одат** – маънавий ҳаёт ҳодисаси; анъаналар сифатида бутун халқ томонидан қабул қилинган, тарихан таркиб топган тартиб-қоида; расм-русум, тамойил.

**Устунлик қилувчи мотив (туртки-сабаб)** – шахснинг йўналганлигини, шунингдек муайян вазиятдаги фаолиятнинг йўналганлигини белгилайдиган мотив (туртки-сабаб). Масалан, илк ёшдаги бола хулқ-атворининг йўналтирувчи устун турадиган сабаби – «худди катталардек иш тутиш» (предметларга таъсир кўрсатиш шаклларини амалга ошириш жараёнида) ва «худди катталарга ўхшаш» (катталар билан ўйинга ўхшаш муносабатларни тузиш жараёнида).

**Учбурчак** – учта кесик чизиқ (учбурчак томонлари) билан чегараланган ясси геометрик шакл. Бурчакларнинг катта-кичиклигига кўра тўғри бурчакли учбурчак, ўткир бурчакли учбурчак ва ўтмас бурчакли учбурчак фарқланади. Томонларининг узунлиги бўйича тенгёқли, икки ёғи тенг, уч томони ҳам тенг бўлмаган учбурчаклар фарқланади. Учбурчак ҳақидаги тасаввур мактабгача ёшдаги болаларда боғчанинг иккинчи кичик гуруҳидан бошлаб шакллантирилади. Болалар бу шаклнинг номи ва ўзига хос жиҳатларини учбурчак шаклларни кўзлари билан кўриб, қўллари билан ушлаб ўзлаштирадилар.

**Уч поғонали нарвонча** – ёғоч, пластмасса, пластикадан ишланган дидактик ўйинчоқ, у ўйин шаклида болада товуш баландлиги нисбатлари тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш имконини беради, боланинг мусиқани эслаб қолиш қобилиятини ва овозини ривожлантиради. Бунда нарвонча поғоналаридан кичкина ўйинчоқ ҳаракатланади, унинг ҳаракатларига қараб (юқорига-пастга) болалар овоз баландлигини ўзгартирадилар.

**Урғу** – сўз ёки бир бутун сўз бирикмасида бўғинлардан бирининг у ёки бу фонетик воситалар ёрдамида ажратилиши.

## Ф

**Фанлараро алоқа** – ўқув дастурларининг фанлар тизими ва дидактик мақсадлар билан белгиланадиган ўзаро уйғунлиги.

**Фаолият** – 1. Инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўз-ўзидан ривожланадиган тизими, инсоннинг ат-

роф муҳитга нисбатан ўзига хос муносабати, унинг асосини инсонлар манфаатлари йўлида мақсадга мувофиқ ўзгартириш ва яратиш тамойиллари ташкил этади. Фаолият таркиби: мақсад, мақсадни амалга ошириш воситалари, мақсадни амалга ошириш жараённинг ўзи, натижа. Фаолият табақаланиш хусусиятига эга бўладики, бу фаолият тизимида ажратиб олинаётган элементлар муносабатларининг даражалари турлича бўлгани билан белгиланади. 2. Психологиянинг етакчи тушунчаларидан бири бўлиб, атрофни ўраб турган воқелик билан ўзаро муносабатнинг фаоллигини таъкидлайди. Бундай муносабат жараёнида субъектнинг психик фаолиятида ҳамда ушбу фаолият йўналтирилган объектда ўзгаришлар содир бўлади. Фаолиятни амалга оширишнинг бир нечта босқичлари мавжуд: мотивацион-эҳтиёжий, изланиш, операцион-техник, назорат. Инсон фаолиятининг асосий шаклларига ўйин, ўқиш, меҳнат қилиш киради. Инсонни муайян фаолиятга ундайдиган омиллар фаолиятнинг мотивлари дейилади. Уларга шахснинг мақсадлари, дунёқараши, эътиқоди, қизиқишлари, эҳтиёжлари, шунингдек, кўникма, малака ва одатлари киради.

**Фаоллик тамойили** – мактабгача болалар муассасасида ривожлантирувчи муҳитни яратиш тамойилларидан бири бўлиб, болага фаол ҳаракатланиш имконини берадиган ўйин муҳитини (катта-кичиклиги ва кўриниши ҳар хил майдонлар) яратишни кўзда тутади.

**Фаолиятли тил ўқитиш тамойили** – тил ривожини мотивацион-эҳтиёжий, тадқиқотчиликка йўналган ва ижро этиш босқичларини ўз ичига олган фаолият деб ва ҳар хил турдаги нутқ фаолиятининг (импрессив ва экспрессив) шаклланиш жараёни деб баҳолайдиган тамойил.

**Фаолиятнинг лицензияланадиган тури** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият тури.

**Фаол эшитиш** – боланинг эшитиш вазиятида тўлиқ қатнашиши: бу сўзловчининг мақсадига эътибор бериш, унинг гапираётган гапларини баҳолаш, саволлар, тўғрилашлар, аниқлик киритишлар, изоҳлар кўринишида ўз эътиборини билдиришда намоён бўлади.

**Фаол ўқитиш методлари** – 1. Таълим олувчининг фаолияти маҳсулдор, ижодий, изланиш характерини касб этадиган ўқитиш



методлари. 2. Таълим олувчининг билиш фаолиятини рағбатлантирадиган ҳамда у ёки бу масала ёки муаммонинг ҳал қилиниш йўллари тўғрисида эркин фикр алмашинувга ундайдиган диалоглар асосига қуриладиган (суҳбатлар, мунозаралар, мавзу бўйича семинар, ишга алоқадор ўйинлар, тренинг ва ҳ.к.) методлар.

**Фармон** – бир қатор мамлакатларда давлат бошлиғининг норматив акти. Ўзбекистонда Президент фармони.

**Фаровонлик** – инсоннинг муайян эҳтиёжларининг қондирилганлик даражаси; аҳолининг зарур моддий ва маънавий бойликлар, яъни предметлар, товарлар, хизматлар ва шарт-шароитлар билан таъминланганлигини характерлайди; ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Фаровонлик аҳолининг турмуш кечириш даражасини кўрсатадиган кўрсаткичлар тизимида ўз ифодасини топади (ўртача иш ҳақи, халқ истеъмоли товарларининг ҳажми, кун кечириш учун зарур бўлган нарсаларнинг энг оз миқдори, аҳоли жон бошига реал даромад миқдори ва ҳ.к.).

**Фасилитатор** – эксперт ролидан воз кечиб, иштирокчиларга изланишда ёрдам берадиган ёки йўналтирувчи вазифасини бажарадиган, машғулот ёки дарс самарадорлигини ошириш мақсадида гуруҳларда гуруҳ ишини ташкил этадиган ва олиб борадиган шахс. Машғулотда регламент норма ва машғулот учун қулай шароит яратувчи, гуруҳ аъзоларини жипслаштирувчи, самарали ишлаш муҳитини яратувчидир.

**Фасилитация** – шахсларнинг таъсири, иштирокида меҳнат унумдорлигини ошириш, янгиликларни қўллаш орқали сифат ва самарадорликка эришиш.

**Физиологик атрофия** – тўқималар озиқланишининг бузилиши натижасида юзага келган *атрофия*.

**Фикрдошлик** – бирдамлик; муносабатлар уйғунлиги, ҳамфикрлилик.

**Фонастения** – овоз аппаратида органик ўзгаришлар бўлмаган ҳолда овоз ҳосил қилиш функциясининг бузилиши. Кўпинча овозга катта юклама тушадиган касб эгаларида – актёр, ашулачи, ўқитувчи, лекторларда овоздан нотўғри фойдаланиш натижасида кузатилади. Мактаб ўқувчиларида ҳам кузатилиши мумкин. Овознинг тез толиқиши, сўзлашув пайтида гап узилиши, томоқ қирилиши билан характерланади.

**Фонацион нафас олиш** – нутқий нафас олиш, яъни овоз ҳосил бўлишида ва нутқда иштирок этувчи нафас.

**Фонация** – овознинг ҳосил бўлиши. Ф. да ҳақиқий товуш пайчалари жипслашган ҳолда бўлади. Ҳаво оқими жипслашган товуш пайчаларини ёриб ўтиб, уларни бир оз четга суриди, овоз мушакларининг таъсирида пайчалар ўрта ҳолатга қайтади, аммо ҳаво оқимининг босими остида яна четга сурилади, товуш пайчаларининг бундай тебраниши натижасида ҳаво заррачаларининг тебраниши юзага келади, бундай тебранишлар эса атроф-муҳитга эшитилиб, уларни биз товуш сифатида идрок этамиз.

**Фонема** – нутқ товуши. Ҳар бир тилда фонемаларнинг маълум миқдори мавжуд. Ўзбек тилида 29 та фонема (6 унли, 23 ундош) бор. Фонема сўз маъносини фарқлаш учун хизмат қилувчи товуш типидир.

**Фонематик ритмика** – талаффузни шакллантириш ва коррекциялашга қаратилган иш тури. Фонетик ритмикада нутқ материалининг талаффуз этилиши билан бирга турли ҳаракатлар бажарилади.

**Фонематик уқув** – нутқ товушларини эшитиш орқали идрок қилиш қобилияти. Илк даврда соғлом боланинг фонематик уқуви ривожланмаган бўлиб, у сўзни бутунлигича идрок қилади. Лекин кейинчалик сўзларни ташкил қилувчи фонемаларни ажратиш қобилияти ривожланиб, фаол луғати бойиб боради. Фонематик уқуви яхши ривожланган боланинг савод чиқариши осон кечади. Саводга ўргатиш эса, ўз навбатида, сўзнинг товуш тизими ҳақидаги тасаввурини аниқлашга, сўзни фонематик таҳлил қилиш малакаларини ўзлаштиришга ёрдам беради.

**Фонематик эшитув** – тилнинг фонема (товуш)ларини қабул қилиш ва таҳлилини таъминловчи эшитув ҳолат.

**Фребель Фридрих** (1782-1852) – немис педагоги, мактабгача тарбия назариётчиси. Болалар боғчаси ғоясини ва у ерда ишлаш методикаси асосларини ишлаб чиқди. Мактабгача педагогикага оид қатор асарлар муаллифи.

**Фронтал назорат** – мавзу бўйича назорат турларидан бири. Мақсади – тарбиячининг иши, у ёки бу гуруҳда педагогик жараённинг умумий даражаси, ҳар бир тарбиячининг иш услуби тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиш. Бунда бутун кун ёки бир неча кун давомида назорат гуруҳи МТМдаги гуруҳларга киради, улардаги ишнинг боришини кузатади, тарбиячи юритаётган ҳужжатлар, болаларнинг ишлари, педагогик жараённинг жиҳозланганлиги ва ҳ.к. билан танишади. Фронтал назорат натижалари педагогик кенгаш ёки ишлаб чиқариш мажлисида муҳокама қилинади.



**Фуқаролик ҳис-туйғуси** – ўзининг ижтимоий қадр-қимматини англаш, Ватанга содиқлик, фидокорлик ҳис-туйғулари.

## Х

**Хавотир** – мавҳум хавф-хатарли вазиятларда юзага келадиган ҳамда воқеаларнинг номақбул ривож топишини кутишда, бесабаб қўрқувда намоён бўладиган эмоционал ҳолат. Хавотир ожизлик, ўзига ишончсизлик, ташқи омиллар қаршисида заифлик ва уларнинг хавфини бўрттириб юбориш туйғуларида намоён бўлади.

**Хавотирлик** – инсоннинг индивидуал психологик хусусияти бўлиб, тез-тез ва кучли кечинмаларга берилиши, хавотирланиши, шунингдек сабабли ёки сабабсиз ташвишланишида намоён бўлади. Шахснинг ўзидан ва атрофдагилардан кўнгли тўлмаганлигининг субъектив ифодаси. Инсон мижози (темпераменти)-нинг нерв жараёнларининг заифлиги билан боғлиқ бўлган хусусяти сифатида баҳоланади.

**Хаёл** – мавжуд тасаввурларга асосланган ҳолда янги образларни яратишдан иборат бўлган жараён; инсон ҳаётида, айниқса унинг ижодий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Нутқ ва тафаккурнинг шаклланиш даражаси, аниқ ва равон таассуротни таъминловчи сезги органларининг мавжудлиги хаёлнинг меъёрда ривожланиши учун зарур шартлардан саналади.

**Халқ педагогикаси** – 1) халқнинг фавқулотда ноёб маънавий мероси (педагогикага оид эмпирик билимлар, маълумотлар, ғоялар, тасаввурлар, қарашлар, қоидалардан иборат). 2) Турли халқларнинг педагогик амалиёти. 3) Халқнинг педагогик фикри ва педагогик фаолияти бирлиги. 4) Халқчил тарбия тўғрисидаги фан.

**Характер** (юнон. charaktir – белги, ажратувчи сифат, хислат) – ижтимоий муҳитда таркиб топадиган, шахснинг теварак-атрофдаги воқелик ва ўз-ўзига муносабатларида ифодаланадиган, унинг муайян вазият ва шароитда намоён буладиган хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган баркарор, турғун руҳий хусусиятларининг мажмуаси.

**Характер акцентуацияси** – киши характеридаги алоҳида белгиларнинг ўта кучли ифодаланганлиги бўлиб, улар психопатиялар билан чегарадош бўлган (яъни психопатияга ўтиб кетиши осон бўлган) меъёр (норма)нинг охирги ҳаддида туради. Бунда инсон характерида шундай «дош беролмайдиган, заиф» жиҳатлар бўладики, айнан мана шу жиҳатларга қаратилган муайян руҳан жароҳатловчи таъсирларга унинг иззат нафси ўта ўткир реакция билдиради (шу билан бирга инсон ўз характеридаги бошқа жиҳатларга қаратилган худди шундай таъсирларга нисбатан аниқ ифодаланган ўткир реакция билдирмайди).

**Харизма** – бирор шахснинг бошқаларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада устун хусусиятларга эгалиги ва ана шу устунлик ёрдамида халқни бошқаришга ҳақли эканини ифодалайдиган тушунча.

**Хатти-ҳаракат** – асосий фаолият бирлиги; муайян мақсадга эришиш учун йўналтирилган фаолиятнинг нисбатан тугалланган элементи. Ички ва ташқи хатти-ҳаракатлар фарқланади. Улар уч қисмдан таркиб топади: 1) йўналиш олиш қисми – мақсадга эришиш усулини танлаш; 2) бажариш қисми – хатти-ҳаракатнинг бажарилиш қисми; 3) назорат қисми – яъни хатти-ҳаракатни бажариш жараёнини ва унинг натижасининг тўғрилигини текшириш.

**Хейлопластика** – лаб тиртиқларини тикиш. Бола туғилган кундан бошлаб уч ой мобайнида жарроҳлик йўли билан амалга оширилади.

**Хизмат бурчи** – ходим учун зарур бўлган сифат, у топширилган аниқ иш участкаси учун онгли ички мажбурият ҳиссини, топширилган вазифанинг ижтимоий фойдалалиги, аниқ бажарилиши лозимлигини тушуниб етишни тақозо этади.

**Хизмат муддати** – товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим.

**Хитизм** – «Х» товушини талаффуз қилолмаслик. Алоҳида камчилик сифатида камдан-кам учрайди. Кўпинча бу камчиликни эшитиш қобилиятининг бузилиши натижасида кузатилиши мумкин.

**Ходимларнинг иш билан бандлиги** – ташкилот (корхона, фирма ва ҳ.к.) ходимларининг мавжуд иш жойлари бўйича тақсимланиши, бунда ушбу иш бир томондан ташкилот фаолиятининг миқ-



дор, сифат, вақт ва жойлашиш ҳудуди бўйича талабларига мувофиқ амалга оширилса, иккинчи томондан эса ходимларнинг майллари ва манфаатлари ҳисобга олинади.

**Ходимнинг шахсий карточкаси** – ходим ҳақида қисқача маълумотларни (маълумоти, стажи, оилавий аҳволи, меҳнат фаолияти ва ҳ.к.) ўз ичига олган ҳужжат.

**Хотира** – ҳаётий тажрибаларни эсда олиб қолиш, эсда сақлаб туриш ва кейинчалик эсга тушириш. Хотиранинг физиологик асослари бош мия ярим шарларининг қобиғида муваққат нерв боғланишларининг ҳосил бўлиши, мустаҳкамланиши ва кейинчалик фаоллашувидадир. Оғир нутқ камчиликлари (*алалия*, *афазия*, *дизартрия*, *дудуқланиш*) хотиранинг сусайиши ёки ўзгаришига олиб келади.

**Хотирлаш (эсга олиш)** – узоқ муддатли хотирада сақланиб қолган ўтмиш образларини тиклаш, эслаш. Хотирлаш ихтиёрий (онгли равишда эслаш, хотирлаш) ва беихтиёр (образлар хотирада ўз-ўзидан тикланади) бўлиши мумкин. Бирон бир факт ёки воқеани ихтиёрий хотирлашда унга нисбатан ҳосил бўлган муносабат ҳам онгли равишда тикланади ва бу ушбу хотира билан боғлиқ ҳис-туйғуларнинг ҳам қайта тикланишига олиб келади.

**Хулқ** – кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи; феъл-характер; инсоннинг маънавий қиёфаси ва фаолиятига хос бўлган ахлоқий тушунча.

**Хулқ-атвор маданияти** – шахснинг ахлоқ-одоб, ахлоқ маданияти нормаларига асосланган ижтимоий қимматга эга бўлган сифатлари, жамиятдаги кундалик хатти-ҳаракатлари мажмуи.

**Хусусият** – шахснинг ўзига хос барқарор жиҳатларининг мажмуи. Фаолият ва мулоқотда юзага келади ҳамда намоён бўлади, шахснинг ўзигагина хос бўлган одатий хулқ-атворни англатади.

**Хушмуомалалик** – мулойим ва назокатли хулқ-атвор ва муомала, боадаблик. Хушмуомалалик болаларда хулқ-атвор маданиятини шакллантириш бўйича олиб бориладиган иш жараёнида тарбияланади.

## Ч

**Чаққонлик** – инсоннинг ўз ҳаракатларини бошқара олиш ва ҳаракатланиш фаолиятини ўзгараётган вазият талабларига мувофиқ тез қайта қура олиш қобилияти. Мактабгача ёшдаги болаларда физкультура машғулотлари (мураккаб фазовий йўна-

лишлар шароитида тезлик, аниқлик ва ҳаракатларнинг ўзаро мувофиқлигига асосланиб бажариладиган машқлар) жараёнида шаклланади.

## Ш

**Шакл** – дарс жараёнини амалга оширишни энг қулай усуллари, воситалари, кетма-кетлиги, ўқитишдаги болалар сони, сарфланган вақт, жойининг қулайликларини ўз ичига олади.

**Шакллантириш** – ривожланишида муаммоси бўлган болаларнинг махсус ташкил этилувчи жараён таъсири остида ижтимоий меъёрларни эгаллашлари ва ҳаётга тайёрланишлари.

**Шартнома** – товар олди-соттисини амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, нарх ва бошқа шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув.

**Шарҳлаш** – 1) кенг маънода бирон нимани̇нг мазмуни, моҳиятини очиб тушунтириб бериш. 2) адабий асарни ўрганиш усули, матн мазмуни, асар услуби ва бадиий тузилиш тамойилларини изоҳлашга қаратилади. 3) Мусиқа асарини ижро этиш жараёнида унинг мазмунини изоҳлаш.

**Шахс** – 1. инсон ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатида. 2. Индивиднинг биргаликдаги фаолияти ва муносабатларида шаклланадиган тизимли сифати. Тизимли сифат эгаси бўлган шахснинг юзага келишини белгилайдиган муҳим омил шундаки, бошқа индивидлар билан биргаликдаги фолиятида индивид оламни ўзгартиради ва бунинг натижаси ўлароқ ўзини ҳам ўзгартириб, шахс сифатида ривожланиб боради. Субъектив олиб қараганда, индивид учун шахс унинг «Мен»и, ўзи ҳақидаги тасаввурлар тизими сифатида намоён бўлади. Индивид илк болалик давридаёқ, ўзининг хатти-ҳаракатга («Мен ўзим») ва эгалик қилишга («Меники») бўлган ҳуқуқларини биринчи бор эълон қилгандаёқ ўзини шахс сифатида англай бошлайди.

**Шахсга йўналтирилган педагогика** – ахборот цивилизацияси шароитида, инсоннинг ижтимоий қадр-қиммати юқори бўлган жамиятда, унинг фаол, эркин, мақсадга йўналтирилган фаолият кўрсатиши шароитида таълим тизимларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш стратегияси.

**Шахс даъволари (талаблари)нинг даражаси** – инсоннинг ўзини қодир билган мураккабликдаги мақсадларга эришишга интилиш.



Шахс даъволари даражасининг асосида ўз имкониятларининг шундай баҳоси ётадики, бу баҳони сақлаб қолиш инсон учун эҳтиёжга айланади.

**Шахсий иш** – ходимнинг шахси, маълумоти, меҳнат фаолияти, оилавий аҳволи ва ҳ.к. ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар мажмуи.

**Шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар** – ходимнинг иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларини акс эттирувчи архив ҳужжатлари

**Шахсий қадр-қиммат** – шахс ўз ахлоқий ва ишчанлик сифатларининг, гуруҳда (жамоада), жамиятда ўз мавқеи (мақоми)нинг ижтимоий аҳамиятини англаб етиши.

**Шахс маданияти** – муайян индивидга таалуқли, унинг ақли ва қўли билан яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуаси, унинг ҳаёти давомида инсонийлик ва маънавий-ахлоқий талабларга риоя қилиши билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларини англатувчи тушунча.

**Шахс маъсулияти** – жамиятнинг ахлоқий талабларини бажариши нуқтаи назаридан шахсни таърифловчи ахлоқ категорияси. Бу тушунча шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ахлоқий камолотида ҳам, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда ҳам қатнашиш даражасини ифодалайди.

**Шахсни педагогик қўллаб-қувватлаш** – таълим олувчининг қизиқишлари, мақсадлари, имкониятларини ҳамда унга ўз қадр-қимматини сақлаб қолиш ва ўз-ўзини ташкил этишда ижобий натижаларга эришишга ҳалал берадиган тўсиқларни (муаммоларни) енгиб ўтиш йўлларини унинг билан биргаликда белгилаш.

**Шахснинг касбий деформацияси** – шахс сифатларининг (идрок этиш стереотиплари, қадрият қийматлари, характери, мулоқот қилиш усуллари ва хулқ-атворнинг), касбий фаолиятининг ўзгариши.

**Шахснинг турмуш фаолияти чеклганлиги** – шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлиги.

**Шахснинг ҳар томонлиама ривожланиши** – инсонпарвар педагогик концепцияларга хос бўлган тарбия идеали.

**Шикоят** — 1) ижтимоий ёки юридик шахсларнинг давлат ёки ижтимоий органларга ҳуқуқлар ва қонун томонидан муҳофаза қилинадиган манфаатларнинг бузилганлиги тўғрисида ёзма ёки оғзаки мурожаати; 2) раҳбар (менежер) ва ходим (ишчи) ёки касаба уюшмаси ўртасида битимдаги у ёки бу банд шарҳи бўйича юзага келган тортишув. Шикоят касаба уюшмаси вакилига мурожаат қилишдан бошланади, у муаммони шикоят қилувчининг бевосита раҳбари билан ҳал қилиши лозим. Агар ихтилоф бу даражада ҳал қилинмаса, унга ҳам касаба уюшмаси, ҳам иш берувчи томонидан юқори раҳбарият вакиллари жалб қилинади.

**Шпатель** – пластмасса, ёғоч ёки металлдан қилинган белчасимон мослама. Логопедик иш жараёнида товушни ҳосил қилишда тилни маълум ҳолатта келтириш учун фойдаланилади.

## Э

**Эволюция** (лотин. evolutio – **кенг авж олдириш, ривожлантириш**) – **кенг маънода жамият ва табиатдаги ўзгаришлар, уларнинг йўналганлиги, тартиби, қонуниятлари тўғрисидаги тасаввурлар; бирон-бир тизимнинг муайян ҳолати у ёки бу даражадаги узоқ муддат давомида ўгаришини билдиради; тор маънода революция (инкилоб)дан фарқли ўлароқ секин-аста, тадрижий ўзгаришлар тўғрисидаги тасаввурларга. Эволюцион ва революцион ривожланиш табиат ва жамият тараққиётининг ўзаро боғланган икки жиҳатини ташкил этади.**

**Эгоизм** – (франц. egoizme; лот. ego – мен) – Инсон феъл-атворидаги хусусиятлардан бири бўлиб, шахсий манфаатларини ўзгалар манфаатидан устун қўйиш. Бунинг асосида ғурур эмас, балки ўзини ўзгалар ўрнига қўя олмаслик ва уларни ҳис қила олмаслик ётади. Болалар эгоизми катталар эгоизмидан фарқланади.

**Эгоцентризм** – эгоизмнинг ўта кескин шакли бўлиб, **индивид шахсий** манфаатларининг устувор аҳамият касб этиши **оқибатида** унинг бошқа объект, кишилар фикр-мулоҳазаси ёки тасав**вурларига** нисбатан муносабатини ўзгартиришга қодир эмасли**гини** англатади.

**Экзоген** – организмдан ташқи муҳитда ётувчи сабабларга кўра юзага келадиган жараёнлар; жароҳат, инфекция, нотўғри овқатланиш тартиби ва б. билан боғлиқ касалликлар ва ҳолатлар.

**Эксперт баҳолаш методи** – мураккаб ва чигал масалани ечишга йуналтирилган фаолият натижасини баҳолаш методи.



**Экспрессив нутқ** – фаол (актив), яъни ташқи нутқ; фикрни ўзгаларга баён этиш муайян оҳангдорлик касб этган нутқ; оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Экспрессив нутқнинг оғзаки шакли сўзлар-ни талаффуз қилиш билан боғлиқ бўлса, ёзма шакли фикрни ҳарф-лар орқали баён қилиш билан боғлиқ бўлади. *Мотор алалия, ди-зартрия*да биринчи навбатда бузилган бўлади. **Яна қ.** *Экспрессия.*

**Экспрессия** – 1. Ифодалилик; кечинма, ҳиссиётларни намоён этиш қуввати. Инсон ҳиссиётларини ташқи намоён бўлишига хос экспрессив таъсир. 2. Инсоннинг ўзи ёхуд ўзгаларнинг аҳволи, руҳий кечинмалари ҳақида имо-ишора орқали маълумот бериш (**имо-ишора, юз мимикаси**, пантомимика).

**Электрон дарслик** – компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллаш, мустақил таълим олиш, муайян фанга оид ўқув материаллари, илмий маълумотларни ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга қаратилган ўқув адабиёти.

**Эмадиган чақалоқ** – 1 ёшгача бўлган бола. Янги туғилган чақалоқлик давр (дастлабки 4 ҳафта) ва эмизикли давр (1 ёшга тўлгунча)ларга бўлинади. Эмизикли давр учун бола массаси ва бўйининг тез ўсиши, бироқ иммунитетга эга бўлиш қобилиятининг етарли даражада эмаслиги хос бўлади.

**Эмболофразия** (юнон. embol – отиб киритмоқ) – қўшимча товуш, бўғин, сўзнинг киритилиши натижасида нутқ синтактик қурилишининг бузилиши (мас., э-э..., м-м... товушлари, хўш, демак каби сўзларнинг ишлатилиши).

**Эмоция** (лотин. emoveo – ҳаяжонлантираман, изтироблайман) – маънавий-руҳий ҳодиса, шахснинг муайан воқеликка нисбатан ўз муносабатини ҳис қилишидан келиб чиқадиган, унинг эҳтиёжи ва қизиқиши, нарса ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлган турли даража, мазмун ва шаклдаги ёқимли ҳамда ёқимсиз кечинмаларининг мажмуаси. Эмоция атамаси «ҳиссиёт» тушунчаси билан бир маънода ишлатилади.

**Эмпатия** – педагогикада таълим берувчи шахсининг шундай хусусиятики, у нафақат ўзга бировнинг руҳий кечинмаларини рационал англаб, унга ҳамдард бўлиш ва хайрихоҳлик билдиришнигина эмас, балки таълим олувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш, улар учун қийин ёки ҳатто иложсиз кўринган вазиятларда кўлдош бўлишни таъминлайди.

**Эндоген** – организмнинг ички муҳитида ётувчи сабабаларга кўра юзага келувчи жараёнлар.

**Энг яқин ривожланиш зонаси** – боланинг актуал ривожланиш даражаси (бола томонидан мустақил ҳал қилинаётган вазифаларнинг мураккаблик даражаси билан белгиланади) билан потенциал ривожланиш даражаси (бу даражага бола катталар раҳбарлиги ва тенгдошлар билан ҳамкорликда эришиши мумкин) ўртасидаги тафовут асосида аниқланадиган билиш фаолияти майдони. Энг яқин ривожланиш зонаси болаларнинг ақлий ривожланишида таълимнинг ўрни қанчалик катта эканидан далолат беради.

**Энцефалит** – бош миянинг шамоллаши, мия тўқималарига касалликни қўзғатувчи микробларнинг тушиши оқибатида юзага келадиган инфекцион (юқумли) касаллик.

**Эпистемология** – қ. *Билиш назарияси*

**Эрмак ўйинчоқлар** – «қувноқ ўйинчоқлар» турига кирадиган одамлар ва ҳайвонлар шаклчалари (ип ёки арқонда айланаётган масхарабоз, сузадиган қўзичоқ, сакрайдиган қурбақа ва ҳ.к.).

**Эрта кар бўлиб қолган болалар** – туғма ёки нутқни эгаллашгача бўлган даврда, яъни, 1-3 ёшида эшитишини йўқотган болалар. Бундай болалар махсус таълим-тарбия жараёнидагина меъёрдаги тенгдошларининг ривожланиш даражасига эришадилар. Махсус ташкил этилган жараён коммуникатив тизим асосида амалга оширилади. Яъни эшитишида муаммоси бўлган болалар сўзлашув нутқини ривожлантириш замирида умумтаълим фанлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни, шунингдек ҳаётий малакаларни эгаллайдилар, уларнинг дунёқарашлари, ақлий қобилиятлари, имкониятлари шаклланади.

**Эстетика** (юнон. aisthetikos – ҳиссий идрок, сезги) – 1. Воқеликни ҳиссий таъсирчан, эмоционал ўзлаштириш; 2. Эстетик фаолият қонуниятлари тўғрисидаги фан, нафосатшунослик.

**Эстетик дид** – воқеа-ҳодисаларнинг эстетик сифатларини идрок этиш ва баҳолаш жараёнида олинадиган қониқиш ёки қониқмаслик туйғуси. Эстетик мезон. Эстетик дид инсоннинг фикр-мулоҳазалари, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, моддий ва маънавий ижод маҳсулотларида ўз ифодасини топади.

**Эстетик муносабат** – субъект билан объект ўртасидаги ўзаро ҳаракат ва ўзаро таъсирнинг махсус турини англатувчи фалсафий тушунча.

**Эстетик онг** – оламни эстетик англаш; дунёга инсон муносабатининг субъектив томони. У ижтимоий онг шаклларидан бири



сифатида ахлоқий онг, сиёсий онг, ҳуқуқий онг, диний онг, фалсафий онг каби ижтимоий ҳодисалар билан бир қаторда туради.

**Этика** – ахлоқий қонун-қоидалар тўғрисидаги таълимот.

**Этикет** – инсон ва жамият ташқи маданиятининг асосий қисми бўлиб, унинг қатъий русум тусини олган талаблари асрлар давомида, гўзаллик, интизом, ақл ва идрокнинг муштараклиги асосида шаклланган эстетик меъёрлар мажмуи.

**Эффект (кучли таъсир кўрсатиш) қонуни** – мотивациялаш (туртки-сабаб кўрсатиш) назариясининг концепцияси: кишилар ўз эҳтиёжларини қондириш, тескари натижага олиб келиши мумкин бўлган хулқ-атвордан қочиш имконини берадиган хулқ-атвор турини такрорлашга интиладилар.

**Эфферент йўл** – нерв марказидан ишчи органларга борадиган нерв йўли.

**Эхолалия** – ўзгалар гапини онгсиз равишда бир неча марта такрорлаш; бош миянинг органик жароҳатланиши натижасида пайдо бўлган бир қанча касалликларда кузатилади (мас., *афазия*, *сенсор алалия*).

**Эшитиш анализатори** – овоз сигналларининг идрок этилиши ва қайта ишланишини таъминловчи анализатор. Улар асосида эшитиш сезгилари ва образлари шаклланади.

**Эшитиш аппаратлари** – овозни кучайтириб берувчи мураккаб электрон мосламалар. Махсус таълим жараёнида стационар (гуруҳ учун мўлжалланган) ва индивидуал (шахснинг якка тартибда фойдаланиши учун мўлжалланган) эшитиш аппаратларидан фойдаланилади. Улар товуш сигналларини, нутқнинг динамик ва частотали белгиларини эшитишнинг бузилиш даражасига қараб ўзгартиради, нутқни кучайтириб беради.

**Эшитиш орқали идрок этишни ривожлантириш методикаси** – ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнида эшитишда нуқсони бор болаларнинг эшитиш орқали идрок этиш қобилиятини ташхислаш ва ривожлантириш методикаси. Турли ёшга мансуб болалар гуруҳларида олиб бориладиган қуйидаги иш тизимидан иборат: эшитишга шартли-ҳаракат реакциясини ишлаб чиқиш; нутқий ва нутқий бўлмаган сигналларни эшитиш орқали фарқлашга ўргатиш; нутқни эшитиш орқали идрок этишга ўргатиш; болаларда товушни кучайтирувчи аппаратдан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва ҳ.к.

**Эшитиш протезлари** – эшитишида муаммоси бўлган шахсларнинг эшитиш қолдиқларига шифокор-сурдолог томонидан мослаштириладиган алоҳида овоз кучайтиргич аппаратлар, асбоблар.

**Эшитиш қобилияти** – шахснинг нутқий ва нонутқий товушларни идрок эта олиш имконияти.

**Эшитиш қолдиғи** – эшитишида муаммоси бўлган шахсларда эшитиш идроки (қобилияти) имкониятларининг сақланганлик даражаси.

**Эҳсон** – фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулк, шу жумладан пул маблағларини беғараз бериш, ишлар, хизматларни беғараз бажариш ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатишга қаратилган кўнгилли фаолияти. Яна қ. *Ҳомийлик.*

**Эҳтиёж** – инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; унинг жонли мавжудот сифатида онгли ҳаёт кечиришининг муайян шарт-шароитларига тобелигини ифода этувчи тушунча.

## Ю

**Югуриш** – табиий жисмоний машқ турларидан бири; жисмоний тарбия, гимнастика, ҳаракатли ва спорт ўйинлари, енгил атлетиканинг асосий элементи. Югуриш мушак, юрак-қон томир, нафас олиш тизимларини ривожлантиради. МТМнинг биринчи кичик гуруҳида болалар мувозанатни, берилган йўналишни сақлашга, атрофдаги предметларга урилиб кетмай югуришга ўрганадилар. Болалар секинлашиб ва тезлашиб югуришга ўрганар эканлар, бунда ҳаракатли ўйинлар ҳам қўлланади. Тез югуришда оёқ учини аввал ерга қўйиш малакасини эгаллаш ғоят муҳим. Секин югуриш машқи амалга оширилар экан, болалар оёқни юмшоқ қўйишни ўрганадилар (товондан оёқ учига тебранган ҳолда). МТМнинг катта ва тайёрлов гуруҳларида кўпроқ тўсиқлардан ўтиб югуриш, бошқа ҳаракатларни (тўп, арқон билан) қўшиб югуриш, шунингдек ҳар хил дастлабки ҳолатлардан туриб югуриш ўтказилади. Оёқ тиззаларини қаттиқ букиб, тўғри оёқларни олдинга ташлаб югуриш яхшигина жисмоний тайёргарликни талаб қилади, шунинг учун югуришнинг бу турларига болалар охирги ўринда ўргатилади.

**Юкхат (накладная)** – 1) товар-моддий қимматликларни бериш ва қабул қилиш операцияларини расмийлаштирадиган дастлабки бухгалтерия ҳужжати; 2) темир йўл, ички сув, ҳаво ва автомобиль транспортида юк ташишни расмийлаштирадиган ҳужжат.



## Я

**Ягона таълим фазоси** – 1) ҳудудий бўлиниш (вилоят, регион) чегарасида амал қиладиган бир бутун, изчил, инсонпарвар педагогик тизим; 2) тарбия-таълим жараёнини инсонпарварлаштириш механизми, фаолиятлар коррекция қилинадиган, ташхисланадиган фазо.

**Якка тартибдаги профилактика иши** – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган шахслар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

**Яккабошчилик** – бошқариш тамойили, бунда ташкилот (муассаса)нинг нормал фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун бутун масъулият тўлалигича раҳбар зиммасида бўлади, шу билан бирга у ҳукм чиқариш ваколатлари, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш ҳуқуқларига эга. Яккабошчилик қарорларни тезкор қабул қилиш имкониятини яратади, бошқарув жараёни қатнашчиларининг умумий иш ҳолати учун шахсий масъулиятни оширади.

**Якуний назорат** – мактабгача таълим муассасасининг раҳбари томонидан ҳисобот даври (ярим йил, йил) тугагандан кейин амалга ошириладиган назорат турларидан бири; жамоа ишининг якуний натижаларига таъсир кўрсатадиган бутун омиллар мажмуини ўрганишга қаратилади. Аттестация якуний назорат шаклларидан биридир.

**Янгилик** – ахборотнинг, илмий тадқиқотлар натижаларининг сифатини белгилаш мезони. Илмий тадқиқот ёки амалий фаолият натижасида олинган ижтимоий аҳамиятга молик янги билимлар, фактлар, маълумотларни акс эттиради.

**Янгилик киритиш** – тизимнинг бир ҳолатдан иккинчисига ўтишига олиб келадиган янги барқарор элементлар (янгиликлар)ни жорий қилиш муҳитида мақсадга йўналтирилган ўзгаришлар келтириб чиқарадиган ҳодисалар. Киритилган янгиликлар бир қанча белгиларга кўра таснифланади: инновацион потенциалига кўра (ра-

дикал, йиғма, модификацияланган); амалга ошириш механизмларининг ўзига хос жиҳатларига кўра (алоҳида-қоришиқ, тугалланган-тугалланмаган, муваффақиятли-муваффақиятсиз); ҳажмлари, мақсадлари ва ижтимоий оқибатларига кўра (унда-мунда, мунтазам ва кўп сонли, стратегик); инновацион жараён хусусиятларига кўра (мутлақ янгилик, нисбий янгилик, мақсадга мувофиқ янгилик).

**Янги педагогик тафаккур** – мақсадга эришишнинг вариантлари кўплигини эътироф этадиган муаммоли-вариатив тафаккур.

**Янги таълим технологияси** – бир бутун таълим бериш жараёни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва таҳлил қилишнинг комплекс тизими; таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ушбу мақсадга эришиш йўлида техник (электрон) воситалар (компьютерлар, аудио, видео ускуналар, мультимедиа, телекоммуникацион ва масофали таълим)дан фойдаланади.

**Ярoқлилик (сақлаш) муддати** – муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиги учун хавф туғдириши мумкин деб ҳисобланади.

**Ясама (қўлбола) ўйинчоқлар** – болаларнинг ўзлари, тарбиячилар ва ота-оналар томонидан ясаладиган ўйинчоқлар. Бундай ўйинчоқларга эҳтиёж ўйинларнинг ҳар қандай турида юзага келади: театрлаштирилган ўйин учун болалар ўзлари «артистлар» шаклчалари, декорациялар элементлари, ниқобларни ясайдилар, сюжетли-ролли ўйинлар учун «озиқ-овқат маҳсулотлари», «дафтарчалар», «китобчалар» ва ҳ.к. тайёрлайдилар. Бундай ўйинчоқларни тайёрлаш асосида бадиий меҳнат ётадики, бу меҳнат жараёнида бола турли материалларни мақсадга эришиш йўлида «ўзгартириш»га ўрганади. Ясама ўйинчоқларни яратар экан, катталарнинг бу ишини кузатар ва уларга ёрдам берар экан, бола яратувчилик фаолиятига интилади.

**Яқин муносабат доираси** – гўдакнинг ҳимояланган, суюкли бўлишга қаратилган интилишини қониқтирадиган кишилар давраси, уни одатда ота-она ва яқинлар ташкил этади. Бу кишиларнинг эмоционал образи бола хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади, уларнинг сўзлари, хатти-ҳаракатлари болага айниқса катта тарбиявий таъсир кўрсатади.

**Яқин ривожланиш ҳудуди** – боланинг долзарб ривожланиш даражаси (боланинг мустақил бажара оладиган вазифа ва хатти-ҳаракатларининг даражасига кўра белгиланади) ҳамда унинг энг



тўла ҳажмдаги (потенциал, яъни унинг катталар раҳбарлиги остида эришиши мумкин бўлган) ривожланиш даражаси ўртасидаги чегара. Ушбу тушунча илк бор Л.С.Виготский томонидан киритилган. Унинг шу йўналишдаги таълимотга асосан, боланинг яқин ривожланиш ҳудуди унинг шаклланиш жараёнидаги психик функцияларни белгилаб беради. Махсус таълим-тарбия боланинг мустақил ривожланишига тобе ҳолатда эмас, балки ундан «бир қадам олдинда» бориши лозим. Яъни таълим боланинг меъёрдан ўзгача ривожланишига мос ҳолда эмас, балки бундай боланинг ривожланишига таъсир этувчи, унинг учун нисбатан мураккаб бўлган даражадаги мазмундан иборат бўлиши талаб этилади.

## Ў

**Ўзаро ёрдам** – манфаатлар, мақсадлар умумий бўлганда юзага келадиган, уларга эришиш йўлидаги ҳаракатларни бирлаштириш, бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашни кўзда тутадиган кишилар ўртасидаги муносабатларни ифодалайдиган ахлоқий категория. Мактабгача ёшдаги болаларда ўзаро ёрдам кўрсатиш малакаси тарбиячи, ота-она ва атрофдаги бошқа кишиларнинг педагогик таъсири туфайли шаклланади ҳамда болаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш шаклларига боғлиқ бўлади.

**Ўзаро меҳнат муносабатлари** – бажарилаётган иш билан боғлиқ ҳолда зарур бўлган ёки эҳтимолдаги шахслараро муносабатлар.

**Ўзаро муносабат (педагогик)** – тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг тасодифий ёки аввалдан кўзланган, шахсий ёки оммавий, узоқ муддатли ёки қисқа муддатли, вербал ёки новербал шахсий мулоқотлари; ушбу мулоқотлар натижаси уларoқ икки томоннинг хулқ-атвори, фаолияти, алоқаларида ўзгаришлар содир бўлиши, муносабатлар бошқача тус касб этиши мумкин.

**Ўзаро муносабатлар (алоқалар)** – муайян тарзда такрорланиб келган сабабий тобелик билан боғланган индивидуал хатти-ҳаракатлар тизими; бунда ҳар бир қатнашчининг хулқ-атвори қолган қатнашчиларнинг хулқ-атворига нисбатан бир пайтнинг ўзида ҳам муносабат билдириш, ҳам рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлади.

**Ўзаро муносабатлар (педагог ва тарбияланувчилар ўртасидаги)** – катталар ва болаларнинг бир-бирларига ўзаро таъсир

кўрсатиш жараёни; бунинг натижасида уларнинг ўзаро ривож ва мустақил ривожи содир бўлади. Ўзаро муносабатлар мод педагогик тизим характерини белгилайди.

**Ўзаро муносабатлари МТМнинг бошқа муассасалар билан** МТМ фаолиятини туман, шаҳар, вилоятдаги бошқа муассасалар билан мувофиқлаштириш шакли. МТМ ўқув, ижтимоий, тиббий ташкилотлар билан турли мақсадларда ўзаро муносабатлар (ал қалар)га киришади. Мақсадлар: таълим-тарбия жараёнини опти маллаштириш; ходимлар малакасини ошириш; янги педагогик тех нологияларни бойитиш, тажриба алмашиниш; муассаса ҳудуди ва ундан ташқарида болалар ҳавфсизлигини таъминлаш; тарбия ланувчиларнинг соғлиги устидан назорат ўрнатиш ва ҳ.к.

**Ўзбекистон Конституцияси** – Ўзбекистон Республикасининг бош қонуни.

**Ўзлаштириш** – инсон томонидан ижтимоий-тарихий тажриба га эга бўлишнинг асосий йўли. Ўзлаштириш жараёнида инсон би лимлар ва хатти-ҳаракат усулларини, ахлоқий хулқ-атвор қоида лари ва бошқа кишилар билан муносабатга кириш шакллари ни эгаллаб боради. Ўзлаштириш жараёни таълим олишнинг пси хологик томонини ташкил этади.

**Ўз-ўзига ишонч** – шахс томонидан ўз имкониятларини ҳаёт ва шахснинг ўзи олдига қўйган масалаларга мос эканлигини анг лаш; илк ёшдаги болаларда ўз-ўзига ишонч ҳисси оиладаги эмо ционал муносабатларнинг барқарорлигига боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болаларда эса ота-оаналар, тарбиячилар ва гуруҳдош дўстларнинг шахсга ва унинг фаолиятига берган баҳолари ва муносабатларининг ифодаланишига боғлиқ.

**Ўз-ўзини бошқариш** – инсоннинг ўз руҳий ва физиологик ҳолатлари, шунингдек хатти-ҳаракатларини бошқариш жараёни.

**Ўйин** – инсон фаолиятининг тарихан таркиб топган, асосан унинг болалик даврига хос бўлган махсус тури. Ўйин орқали болалар катталарнинг хатти-ҳаракатини, муносабатларини, моддий ҳамда ижтимоий воқеликни акс эттирадилар, дунёни англайдилар, ақлий ҳамда жисмоний жиҳатдан камол топиб борадилар. Ўйинлар таснифи: 1) бола (болалар) ташаббуси билан юзага келадиган ўйинлар, ёки мустақил ўйинлар (тажриба-синов ўйинлари); 2) мустақил сюжетли ўйинлар (сюжетли-акс эттирувчи, сюжетли-ролли, режиссёрлик, театрлаштирилган). Анъанавий



мактабгача педагогикада улар ижодий ўйинлар сифатида олиб қаралади. Жумладан, режиссёрлик ўйинлари ўзига хос «чегаравий» ўйинлар ҳисобланиб, бола уларда ўйналаётган ҳодисаларнинг нафақат актёри, балки режиссёри сифатида намоён бўлади, яъни бир пайтнинг ўзида бир нечта персонажлар номидан амал қилиб, уларнинг ўзаро муносабатларини ўйин ғоясига мувофиқ моделлаштиради; 3) катталар ташаббуси билан юзага келадиган ўйинлар, улар катталар томонидан тарбиявий ёки таълимий мақсадларда ишлаб чиқилади ва жорий этилади (таълим берувчи ўйинлар – дидактик, сюжетли дидактик, ҳаракатчан ўйинлар; дам олиш ўйинлари – вақтичоқлик ўйинлари, кўнгилхушлик ўйинлари, интеллектуал ўйинлар, байрам-карнавал ўйинлари, театрлаштирилган ўйинлар). Катта одам ўйинда яширинган қоидаларни очиқ қоидаларга айлантиришда ўтказгич вазифасини ўтайди. Шунинг учун анъанавий таснифда ўйинларнинг ушбу категориясида қоидали ўйинлар ҳам олиб қаралади. Қоидали ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларнинг дидактик ва ҳаракатли ўйинларини ўз ичига олган ўйинлар гуруҳидир; 4) халқнинг тарихан қарор топган анъаналаридан келиб чиққан ўйинлар (халқ ўйинлари) таълим бериш ва дам олишда қўлланадиган кўпчилик ўйинларнинг асосини ташкил этиб, катта одамнинг, шунингдек каттароқ ёшдаги болаларнинг ташаббуслари билан юзага келиши мумкин.

**Ўйин фаолияти** – мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий ўзўзини қарор топтиришга бўлган эҳтиёжини амалга оширишга қаратилган (туртки бўладиган сабаб «катталарга ўхшаш, каттalardek бўлиш») ҳамда бола онгининг ижтимоий ривожланишини белгилаб берадиган, унинг «Мен ва жамият» тушунчасида ифодаланган ижтимоий позициясини ўйин билан боғлиқ, хаёлий вазиятда кишилар ўртасидаги асосий муносабатлар турларини моделлаштириш орқали англаб етишга ёрдам берадиган етакчи фаолият. Ўйинда бола бир пайтнинг ўзида иккита вазифани бажаради (ўйнаётган бола вазифасини ва ўйин қоидаларига кўра ўзига юкланган роль билан боғлиқ персонаж вазифасини) ҳамда Ўз образи ва Олам образини мана шу вазифаларга боғлиқ нуқтаи назарлардан келиб чиқиб яратади. Мактабгача ёшдаги боланинг ўйин фаолиятидаги етакчи жиҳатлар қуйидагилар: хаёлий вазият, ўйиндаги роль ва ўйин қоидалари. Мактабгача ёшдаги болалик давомида ўйин билан боғлиқ фаолият динамикаси (фаолиятнинг ривожланиш суръати) хаёлий вазият, ўйиндаги роль ва

ўйин қоидалари ўртасидаги нисбатларнинг ўзгаришида ўз ифодасини топади: «яширин қоидалар» ҳамда «ошкора» хаёлий вазият ва ўйиндаги ролдан «ошкора» ўйин қоидаси ҳамда «яширин» хаёлий вазият ва ўйиндаги ролга томон.

**Ўйин хатти-ҳаракатлари** – мактабгача ёшдаги болалар ўйин фаолиятининг компоненти (таркибий қисми); улар манипуляцион, процессуал ва сюжетли бўлиши мумкин. Манипуляцион ўйин хатти-ҳаракатлари хос, яъни предмет хусусиятини аниқлашга қаратилган (бола ўйинчоқ машинани олдига ва орқага ҳаракатлантиради, ғилдиракларини кузатади ва ҳ.к.) ва нохос бўлиши, яъни тақиллатиш, тишлаш, улоқтириш каби салбий ҳаракатларда (бола қўғирчоқни уради, кубикларни бемақсад уйиб ташлайди ва улоқтиради ва ҳ.к.) намоён бўлиши мумкин. Процессуал ўйин хатти-ҳаракатлари якуний натижага қаратилган бўлади, бола хатти-ҳаракатнинг ўзидан лаззат олади. Сюжетли ўйин хатти-ҳаракатлари бир-бирлари билан сюжет мантиқи билан боғланган бўлади.

**Ўлчаш** – ўлчаш учун қийматни танлаш, ўлчанаётган қийматга мос ўлчовни топиш ҳамда ўлчаш жараёнини амалга ошириш имконини берадиган малакалар мажмуи. Тайёрлов гуруҳидаги машғулотларда болаларга шартли ўлчов бирликлари ёрдамида предметларнинг узунлиги, баландлиги, эни, суюқ ва сочилувчан моддаларнинг ҳажмини ўлчашни ўргатиш лозим.

**Ўрин эгаллаш** – белгили-рамзий фаолият бўлиб, унинг мақсади ҳар қандай иш усулидан фойдаланадиган реалликни функционал қайтадан тиклаш (хотирлаш)дан иборат. Ушбу жараённинг кечишида ўрин эгаллаш (жойдан-жойга олиб ўтиш)нинг иккита тури кузатилади. Баъзи ҳолларда бирон предмет устида бир хил шароитда ўзлаштирилган хатти-ҳаракат бошқа бир шароитга олиб ўтилади. Масалан, бола ўз сочларини ҳақиқий тароқ билан тараш хатти-ҳаракати схемасини ўзлаштириб олгач, кейин қўғирчоқ, ўйинчоқ от, айиқнинг ва ҳ.к. сочларини тарай бошлайди. Бошқа ҳолларда худди шу хатти-ҳаракатни бошқа ўринбосар предмет билан амалга оширилиши кузатилади: тароқ ўрнига бола ёғоч таёқча билан ўзи, қўғирчоғи ва бошқа ўйинчоқларининг сочини тарай бошлайди. Ўрин эгаллаш (олиб ўтиш)нинг бу иккала ҳолида ҳам, бир томондан, ҳаракатларни умумлаштириш, бошқа томондан эса хатти-ҳаракат схемасини предметдан ажратиш жараёни кечади. Мактабгача ёшдаги болалар ўрин эгал-



лашдан ўйин жараёнида, битта предмет устида амалга ошириладиган хатти-ҳаракат орқали хаёлан бошқа бир предметдан фойдаланиш усулини имитация қилишда фойдаланадилар. Масалан, хаёлий вазиятда ангишвона пиёла сифатида қўлланади, унинг функцияларини эгаллайди.

**Ўқитиш** – таълимий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро фаолияти асосига қурилувчи махсус ташкил этилган, мақсадга йўналтирилган ҳамда бошқарилувчи жараён. Унинг натижасида қўйилган мақсадларга мувофиқ равишда ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малакалар эгалланади, уларнинг дунёқарашлари, ақлий қобилиятлари, имкониятлари шаклланади.

**Ўқитиш методлари** – махсус таълим жараёнида ўқитувчи томонидан мақсадга эришиш учун қўлланувчи йўл ва усуллар йиғиндиси.

**Ўқитиш модели** – педагогнинг ўқув жараёнини амалга ошириш пайтидаги хатти-ҳаракатлари схемаси ёки режаси. Ушбу хатти-ҳаракатлар асосида ўқувчилар фаолиятининг устун турини таъминлаш ва ташкил қилиш ётади.

**Ўқитишнинг техник воситалари** – педагогик жараённи такомиллаштириш, ўқитишнинг самарадорлиги ва сифатини кўтаришга хизмат қилувчи техник асбоб ва ускуналар.

**Ўқитиш сифатининг мониторинги** – таълим жараёнида таълим олувчилар томонидан билимлар ва малакаларни ўзлаштириш сифатини мунтазам кузатиб бориш; ташхисловчи ва назорат қилувчи чора-тадбирлар тизими; улар таълим жараёнини амалга оширишда қўйилган мақсадлар билан белгиланади ва таълим олувчилар томонидан ўқув материалини ўзлаштириш динамикасини аниқлаш ва истиқболлаш ҳамда уни коррекциялашга қаратилади.

**Ўқитувчининг методологик маданияти** – педагогик онг фаолиятининг алоҳида шакли, педагогнинг жонли, яъни бошидан кечирган, қайта-қайта англанган, танланган, педагогнинг ўзи томонидан тузилган ўз-ўзини касбий жиҳатдан ўзгартириш методологияси.

**Ўқиш ва ёзув қоидасининг бузилиши** – нутқнинг ривожланмаганлиги натижасида ўқиш ва ёзишни ўзлаштира олмаслик. Ўқиш ва ёзишни ўзлаштира олмаслик даражаси нутқнинг умумий ривожланмаганлик даражасига боғлиқ бўлади. Эшитиш

қобилияти ва ақлий ривожланиши яхши бўлишига қарамай, айрим ўқувчилар савод чиқаролмайдилар (қ. *алексия, аграфия*) ёки ёзувда бирмунча қўпол хатоларга йўл қўядилар (қ. *дислексия, дисграфия*). Бунга талаффуздаги камчиликлар, фонематик эшитиш қобилиятининг ривожланмай қолганлиги сабаб бўлади. Талаффуздаги камчиликлар эшитиш қобилиятининг тўғри ривожланишига ҳалал беради. Эшитув идрокининг ривожланишидаги камчиликлар эса, ўз навбатида, сўзнинг товуш тизимини ўзлаштиришга тўсқинлик қилади. Бундай болалар сўз қандай ҳарф элементларидан ташкил топишини билолмайдилар ва уларда сўзнинг товуш тизимини анализ ва синтез қилиш малакалари жуда қийин шаклланиб боради. Умумтаълим мактаблари қошидаги логопедик пунктларда ўқиш ва ёзув бузилишларини бартараф этиш юзасидан ишлар олиб борилади. Логопедик ишнинг асосий вазифаси болаларда сўзнинг товуш тизими тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш, анализ ва синтез қилиш малакаларини ривожлантириш, шу билан бир қаторда товушлар талаффузидаги камчиликларни йўқотишдир.

## Қ

**Қайсарлик** – хулқ-атвор белгиси; ўз шахсиятини намоён қилиш истаги билан белгиланади ҳамда атрофдагиларнинг оқилона маслаҳатлари, илтимослари, далил-исботлари, панд-насиҳатларига қарамай, ҳар қандай шароитда ўз истагича иш тутишга интилишда намоён бўлади. Боладикда қайсарлик қаршиликнинг ифодаланиш шакли, боланинг ривожланиб келаётган мустақиллиги ва ташаббускорлигини асоссиз бостирилишига қарши норозилик белгиси бўлиши ҳам мумкин.

**Қайта тиклаш** – инсоннинг аввалги ҳаётий тажрибасидан маълум бўлган фикрлар, образлар, ҳис-туйғулар ва хатти-ҳаракатларнинг тикланишига сабаб бўладиган хотира жараёнларидан бири.

**Қаттиқлик (товуш баландлиги)** – товуш кучи тўғрисида эшитиш орқали олинадиган таассурот. Товуш кучи вибраторнинг тебраниш амплитудаси, товуш манбаигача бўлган масофа, тебраниш частоталарига боғлиқ. Товуш ёзиш пайтидаги қаттиқлик даражаси forte, fortissimo, mezzo-forte, piano, mezzo-piano, pianissimo ва ҳ.к. атамалари билан ифодаланади. Улар ушбу даражаларнинг децибелларда (дБ) ўлчанадиган абсолют қиймати эмас, балки товушларнинг қаттиқлик даражалари нисбатини билдиради.



**Қатъий идрок этиш** – онгли равишда идрок этилаётганликни билдирувчи идрок этиш хусусияти. Ҳар бир идрок этилаётган предмет сўз тушунча билан белгиланади ва муайян синфга киритилади. Идрок этилаётган предметда мана шу синфга мансуб барча предметларга хос белгилар қидирилади.

**Қатъиятлилик** – шахснинг онгли равишда қўйилган мақсадга тиришқоқлик, қунт-матонат билан эришишда намоён бўладиган ирода сифати. Мактабгача ёшдаги болаларда хулқ-атвор маданиятини шакллантириш ва ижтимоий ривожлантириш жараёнида тарбияланади.

**Қийинчилик** – инсон томонидан субъектив қабул қилинадиган қониқмаслик ҳолати, кишининг фаолият мақсади сари яқинлашиш имкони йўқлиги натижасида келиб чиқади. Қийинчилик ҳамма вақт фаолият билан бевосита боғлиқ, шунинг учун унинг сабабларини ўз ишини таҳлил этишни бошлабгина аниқлаш мумкин.

**Қиймат (катталик)** – асосий математик тушунчалардан бири, яъни конкрет тушунчалар – узунлик, майдон, вазн ва бошқа ш. к. тушунчаларнинг умумлашмаси. Муайян турдаги қийматлардан бирини ўлчов бирлиги сифатида қабул қилиб, худди шу турдаги ҳар қандай бошқа қийматни ўлчов бирлигига нисбатини сонда ифодалаш мумкин. Қиймат тушунчаси болаларда катталар билан ҳакорликда олиб бориладиган предметли фаолият жараёнида шаклланади.

**Қобилият нишоналари** – 1) нейрофизиологик даражада функционал тизимлар ривожланишини белгилаб берадиган генетик дастурлар; 2) организмнинг туғма анатомик-физиологик хусусиятлари (нерв тизимининг тури, рецепторлар тузилишининг ўзига хослиги ва ҳ.к.) қобилиятларнинг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Болада мақбул қобилият нишоналари мавжуд бўлиб, унга қулай яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитлари яратилган бўлса, ундаги қобилиятлар жуда эрта шаклланиши ва тез ривожланиши мумкинки, бу айрим ҳолларда туғма қобилият тўғрисидаги ҳаёлларни келтириб чиқаради. Кўп ўринда эрта намоён бўлган ютуқларнинг йўқлиги болада қобилият нишоналарининг йўқлигидан эмас, балки уларни амалга ошириш учун мос шароитнинг йўқлигидан дарак беради.

**Қобилиятли болалар** – ўз тенгдошларидан ақлий жиҳатдан илгарилаб кетган ёки катта махсус истеъдод намоён этган (мусиқада, тасвирий санъатда ва ҳ.к.) болалар. Қобилиятли болаларда билишга бўлган интилиш ва имконият кучли бўлади; уларда одатда жисмоний, интеллектуал ва ижтимоий ривожланиш ёшларига тўғри келмайди, улар катталарнинг алоҳида диққат-эътиборини талаб қиладилар, уларда болаларга хос бўлмаган қизиқишлар ва қабул қилинган гуруҳий хулқ-атвор нормаларига мослаша олмаслик кузатилади.

**Қобиқ ости марказлари** – бош мия ярим шарлар қобиғи остида жойлашган нерв ҳужайраларининг йиғиндиси. Улар бош миянинг мураккаб шартсиз рефлексларини, организмда модда алмашинувини бошқариб турувчи қисмдир.

**Қонуният** – педагогик ҳодисаларнинг объектив мавжуд бўлган барқарор алоқаси, у педагогик ҳодисаларнинг мавжудлиги, фаолият кўрсатиши ва илгарилаб ривожланишини таъминлайди.

**Қонунчилик** – норматив ҳужжатларнинг ягона ва ўзаро боғланган тизими, қонунлар мажмуи.

**Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети** – Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Қулайлик (комфорт)** – хонадонлар, ижтимоий муассасалар, алоқа воситаларининг қулайлиги ва шинамлиги; болалар боғчасининг предметли-ривожлантирувчи муҳитига қўйиладиган бош талаблардан бири.

**Қуролли хатти-ҳаракатлар** – предмет-қурол билан предметмақсадга таъсир кўрсатишни кўзда тутган хатти-ҳаракатлар. Илк ёшдаги боланинг бирон предметга қаратилган фаолияти катталар билан мулоқот жараёнида шаклланади.

**Қўзғалиш** – ҳаракатсизлик ҳолатидан фаоллик ҳолатига ўтиш ёки организм органлари ва тизимлари фаоллигининг ортиши.

**Қўзғалувчанлик** – қўзғатувчи таъсирида тирик ҳўжайраларнинг физиологик ҳаракатсизлик ҳолатидан ўзига хос фаолиятга ўтиш хусусияти. Ҳўжайраларнинг қўзғалувчанлиги уларнинг



мембраналарида қўзғатувчилар таъсирига танлаб сезгирлик намоён қиладиган алоҳида молекуляр структуранинг (тузилманинг) мавжудлигидадир.

**Қўрслик** – ўзгаларга нисбатан беписандлик, беҳурматликни билдирадиган сифат, бошқаларнинг манфаатларига эътиборсизлик, жаҳолат ва ғазабни ушлай олмаслик, ўзини тарбия қоидалари доирасида тута билмаслик.

**Қўшимча бандлик** (иккиламчи, тасодифий ва ҳ.к.) – тўлиқ ёки нотўлиқ ҳафтали иккинчи ишнинг мавжудлиги: асосий иш бўлмаганида қўшимча иш ҳақи учун ишлаш.

**Қўшимча таълим** – асосий таълим дастурлари доирасидан ташқарида амалга оширилади, дастурлар ва хизматларнинг табиатига кўра умумтаълимий ва касбий таълимга бўлинади. Биринчисининг мақсади – умумий билимларни ошириш, иккинчисиники – мутахассис малакасини узлуксиз ошириш ёки қайта тайёрлаш.

**Қўшимча таълим дастурлари** – шахснинг давлат таълим дастурлари ва стандартлари чегарасидан четга чиқадиган таълимга бўлган эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайдиган дастурлар.

**Қўшимча тўловлар** – 1. Педагогнинг тўғридан-тўғри лавозим мажбуриятлари доирасига кирмайдиган ёзма ишларни текшириши, ўқув кабинетига мудирлик қилиши ва бошқа шу каби қўшимча ишларни бажариши учун белгиланадиган тўловлар. 2. Иш бажарилмаган вақт учун меҳнат қонунчилигида белгиланган тўловлар: навбатдаги меҳнат таътиллари, эмизикли оналар ишидаги танаффуслар, ўсмирларнинг имтиёзли иш соатлари, давлат ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш вақтлари учун тўловлар, ишдан бўшаганда қонун бўйича тўланадиган пуллар.

**Қўшиқчилик овози** – инсон организмининг мураккаб биофизик функцияси, *овоз аппарати* ишлаганда юзага келадиган мусиқий товушлар мажмуи. Акустик ҳодиса сифатида уни ажратиб турадиган жиҳатлар – товушлар ҳажми (одатда 2 октавага тенг диапазонда), баландлиги, кучи, тембри, *вибрато*. Овоз баландлиги овоз пайларининг узунлигига ва уларнинг 1 сонияда тебраниш миқдорига (Гц), кучи овоз пайларининг тебраниш амплитудасига, тембри – товушнинг спектрал таркиби, унда баланд, ўрта ва паст қўшиқчилик формантларининг мавжудлигига, шунингдек вибрато характерига боғлиқ. Акустик белгилар мажмуи ва

бошқа омилларга, шунингдек куйловчининг у ёки бу жинсга мансублигига қараб қўшиқчилик овозлари турлича таснифланади. Эркаклар овози: а) тенорлар – тенор-альтино, лирик, лирик-драматик, қаҳрамонона; б) баритонлар – лирик, лирик-драматик, драматик; в) баслар – баланд (кантанте), марказий, паст (профундо), жуда паст (октавист), комик (буффо). Аёллар овозлари: а) сопрано – колоратура сопраноси, лирик, лирик-драматик, драматик; б) меццо-сопрано (жуда кам ҳолларда колоратур); в) контральто. Болалар овозлари: а) дискант (сопрано); б) альт. Қўшиқчилик овозининг ўзини намоён этиши ва ривожланишига овознинг вокал имкониятлари ва мусиқанинг хушоҳанглиги, шунингдек мусиқага бўлган муҳаббат, миллий қўшиқчилик хусусиятлари, қўшиқчининг руҳий ҳолати ва мижози, халқнинг турмуш тарзи, иқлим хусусиятлари ва ҳ.к. таъсир кўрсатади.

**Қўғирчоқ** – инсон шаклчаси кўринишидаги болалар ўйинчоғи. Энг қадимий тури матодан ясалган ўрама қўғирчоқ бўлиб, мато найча қилиб ўралган ҳамда бўйин ва бел чизиқларида ип билан боғланган. Бошқа тўғри бурчакли мато бўлагидаг бош ва қўллар ясалган. Ҳозирги пайтда бу ўйинчоқнинг бир нечта конструкцияси мавжуд, энг кенг тарқалгани шар, цилиндр ва конус асосида ясалган бурама қўғирчоқ. Ҳозирги пайтда қўғирчоқ нафақат инсон қиёфасини ифодалайди, балки унга айнан ўхшаш шаклда яратилади, шунинг учун педагогдан қўғирчоққа нисбатан айниқса эҳтиёткор муносабатни тарбиялаш талаб қилинади. Мақсад – бола ўйинчоққа қаратилган салбий хатти-ҳаракатини инсонга нисбатан қўллашига йўл қўймаслик.

**Қўғирчоқ терапияси** – ўйин терапиясининг бир тури, болаларни эртак, мультфильмдаги суюкли қаҳрамон образини суюкли ўйинчоқ билан идентификациялашга (тенглаштиришга) ва психологик коррекциялаш мақсадларида «режиссёр ўйини»ни ижро этишга асосланади.

## Ғ

**Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар** – вояга етмаган шахснинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек



ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

**Ғамхўрлик** – инсонга нисбатан фаол муносабат, ҳамдардлик туйғуси ёки мажбуриятдан келиб чиққан ҳолда унга ёрдам кўрсатишга, унинг фойдаси ва бахтига кўмаклашишга қаратилган бўлади.

**Ғижжак** – ёғоч, кади ёки кокос ёнғоғидан ясалган шарсимон корпусга эга бўлган торли камончали мусиқа асбоби. Чораклар бўйича тортилган уч-тўртта тордан иборат бўлиб, овози сал титроқ ва бўғиқ чиқади. Тожиклар, ўзбеклар, туркманлар, уйғурлар, қорақалпоқларда тарқалган.

**Ғилайлик** – кўз соққасининг қийшиқ ўрнашуви. Натижада битта ёки иккала кўзнинг кўриш чизиғи биргаликда кесишиш нуқтасидан силжийди, шунга кўра ғилайликнинг бир нечта тури фарқланади: муқобил ғилайлик – иккала кўзнинг алмашиниб, навбат билан баъзида бири, баъзида иккинчисининг ғилайланиши; вертикал ғилайлик – кўз соққасининг юқори ёки пастроқ туриши; горизонтал ғилайлик – кўз соққасининг горизонтал ҳолатда ғилайланиши; дивергент ғилайлик – кўз соққалари ташқарига (чакка томонга) қараган ғилайлик; конвергент ғилайлик – кўз соққалари ичга (бурун томонга) қараган ғилайлик ва ҳ.к. Кўзи ғилай болалар махсус болалар боғчаларига (ғилай ва *амблиопия* билан оғриган болалар учун) борадилар.

## Ҳ

**Ҳаёт даври (цикли)** – организм ёки тизим ривожланишидаги босқичлар (фазалар) мажмуи. Масалан, ташкилотнинг ҳаёт даври – ташкилот ўзининг фаолият кўрсатиши даврида босиб ўтадиган босқичлар мажмуи. Ҳаёт даври ўз-ўзини ташкил қиладиган тизимнинг муваффақиятли ва узоқ вақт мобайнида мавжудлиги ва ривожланишини белгилаб берадиган компонентларга боғлиқ.

**Ҳаётий нуқтаи назар (позиция)** – шахснинг ҳаётий фаолиятини ва унинг йўналганлигини билдирадиган ижтимоий-фалсафий категория, у шахс эътиқодлари, виждони, идеаллари билан белгиланади. Ҳаётий нуқтаи назар шахснинг идеаллари (олий мақсадлар, эзгу орзулар), мақсадлари, қоидаларга нисбатан муносабатларида ўз ифодасини топади; шахснинг ўз фикрлари, эътиқодларини ҳимоя қилишда, уларни амалга оширишда сўзи ва амалининг бирлиги, қатъиятлилигида намоён бўлади.

**Ҳайфсан** – маъмурий жазолаш турларидан бири.

**Ҳаракатланиш фаоллиги** – организмнинг ҳаракатланишга бўлган эҳтиёжининг қондирилиши. Ҳаракатланиш фаоллиги бола нормал ривожланишининг энг муҳим шартидир. Ҳаракатларни бажаришда импульслар ишлаётган мускуллардан бош мияга келиб тушади ва нерв тизимини рағбатлантиради. Бола ҳаракатлари қанчалик турли-туман ва координация (мувозанатлилик) даражасига кўра қанчалик юқори бўлса, унинг психомотор ривожланиш жараёни ҳам шунчалик муваффақиятли кечади. Олимлар илк ёшдаги ва мактабгача кичик ёшдаги болаларнинг ҳаракатланиш фаоллиги даражаси билан эркинликка (мустақилликка) бўлган эҳтиёжининг ривожланиш даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлигини аниқладилар. Бундай болаларнинг тадқиқотчилик (билиш) эҳтиёжи ҳам юқори бўлар экан. Ҳаракатланишга бўлган биологик эҳтиёж бола ёши катталашган сайин ортиб боради. Болаларда ҳаракатланиш фаоллигининг оптимал кўрсаткичлари қуйидагича: 3 ёшда кунига 9000-9500 шартли қадам, 4 ёшда 10000-10500 шартли қадам, 5 ёшда 11000-12000 шартли қадам, 6 ёшда 13000-13500 шартли қадам, 7 ёшда 14000-15000 шартли қадам. Бундай ҳаракатланиш даражасига эришиш учун унинг 70% ҳаракатланиш фаолиятининг ташкил этилган шаклларида (физкультура машғулотлари, эрталабки гимнастика, сайр пайтидаги ўйинлар ва машқлар, физкультдақиқалар ва ҳ.к.) амалга оширилиши лозим. Ҳаракатланиш фаоллигининг пасайиши боланинг бўйи ва ривожалинишининг, бола организмининг мослашиш имкониятларининг пасайишига олиб келади.

**Ҳаракатли ўйин** – болаларнинг ҳаракатланиш фаоллиги устунлик қилган ўйинлар. Ясли ёшидаги ва мактабгача кичик ёшдаги болаларда ҳаракатли ўйинлар тақлидий тус касб этади (қизиқтирувчи ҳазил ўйинлар, катталарнинг қўшиқлари жўрлигидаги ўйинлар, ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар ва ҳ.к.). Ҳаракатли ўйинларнинг бошқа ҳаракатли машқ турлари олдидаги афзаллиги шундаки, улар ҳис-ҳаяжон билан кечади, ҳамма вақт ташаббускорлик, фантазия, ижодкорлик билан боғлиқ, кўплаб ҳаракатли ўйилар заминида турли мамлакатларнинг халқ ўйинлари ётади. Ўрта ва катта мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган ҳаракатли ўйинлар муайян қоидаларга асосланганлиги, уларни бажаришда мусобақалашишга йўналганлиги билан ажралиб туради.



**Ҳаракатни идрок этиш** – объектларнинг ёки кузатувчининг ўзининг фазодаги ўзгаришларининг вақтда акс этиши, бу турли анализаторлар (кўриш, эшитиш, ҳаракатланиш, вестибуляр ва ҳ.к.)нинг ўзаро муносабати туфайли таъминланади. Ҳаракатни кузатар экан, одам унинг характери (букилиш, тўғриланиш, итарилиш, югуриш ва ҳ.к.), шакли (тўғри чизиқ бўйлаб, доира бўйлаб, ёй симон ва ҳ.к.), амплитудаси (кенглиги), йўналиши, тезлиги, давомийлиги (узоқ вақт, қисқа вақт), тезланиши (бир маромда, тезланиб, секинланиб ва ҳ.к.)ни идрок этади.

**Ҳарфларни қўшиб саводга ўргатиш методи** – энг қадимий саводга ўргатиш методи бўлиб, X аср охири-XI аср бошида юзага келган. Тўрт босқичга бўлинади: 1) алифбонинг барча ҳарфларини ва уларнинг алифбода жойлашиш тартибини ёдлаб олиш; 2) бўғинларни (аввал икки ҳарфли, кейин уч ва ундан кўпроқ ҳарфли) ўқишга ўргатиш; 3) алоҳида сўзларни ўқишга ўргатиш (ҳарфларни кетма-кет ўқиб, уларни бўғинларга бирлаштириш, кейинги бўғинга ўтиб худди шундай амалларни бажариш ва ҳ.к.); 4) «яппи» ўқиш, яъни сўзларни бутунича, алоҳида ҳарфлар ёки бўғинларни ажратмай туриб ўқиш.

**Ҳасад** – кишида бировларнинг очиқ-ойдин ёки ҳаёлдаги муваффақиятлари туфайли келиб чиқадиган салбий ҳис-туйғулар. Бунда киши бундай муваффақиятларга бошқа биров эмас, балки ўзини лойиқ деб ҳисоблайди. Болаларда ҳасад одатда бошқаларда бор нарсага эга бўлиш ёки уни олиб қўйишга интилиш ва бунга эришиш имкони йўқлигидан норози бўлишда намоён бўлади.

**Ҳиқилдоқ папилломаси** – ҳиқилдоқ, баъзан трахея шиллиқ пардаларида пайдо бўлган шодасимон шаклдаги шишлар. Турли ёшдаги кишиларда, айниқса 2 ёшдан 8 ёшгача бўлган болаларда кузатилади. Овознинг ҳириллаб чиқиши ҳиқилдоқ папилломасининг асосий белгиси ҳисобланади. Оғир ҳолларда овоз бутунлай йўқолади ва *афония* содир бўлади. Папилломатоз, асосан, жарроҳлик йўли билан даволанади. Папилломалар олиб ташланган беморлар билан логопед мунтазам овоз, нафасни тўғри йўлга қўйиш ҳамда артикуляция аппаратини ривожлантириш юзасидан машқлар олиб боради. Яна қ. *Дисфония*.

**Ҳомий** – ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахс.

**Ҳомийлик (ҳомийлик фаолияти)** – 1. Ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз (мас., балоғатга етмаган, руҳий ожиз ва ҳ. к.) фуқароларнинг шахсий ва мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш шакли. Ҳозирги замон ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган 14 ёшгача бўлган болаларга, руҳий касаллик, ақли заифлик ёки бошқа бирон сабабларга кўра суд томонидан ишга лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. 2. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан, пул маблағларини қайтариб олмаслик шарти билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами (фаолияти).

**Ҳомийликка олувчилар** – қ. *Ҳомий*

**Ҳомийлик субъектлари** – ҳомийлар, кўнгиллилар, ҳомийлик ташкилотлари, шунингдек ҳомийлик олувчилар.

**Ҳомийлик ташкилоти** – жамиятнинг, айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш учун тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти.

**Ҳомийлик ҳайриялари** – ҳомийлик мақсадларига йўналтириладиган мол-мулк, шу жумладан, пул маблағлари.

**Ҳужжат бланкаси** –доимий такрорланадиган ахборот тайёр босма ҳолда келтирилган ва ўзгарувчан ахборот учун жой қолдирилган стандарт қоғоз варағи. Иш юритишни осонлаштириш учун қўлланади.

**Ҳужжатлар** – ягона қоидаларга асосан расмийлаштирилган ҳужжатлар мажмуи.

**Ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳаражатлар** – қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳаражатлар.

**Ҳужжатлар муомаласи** – муассасада ҳужжатларнинг юзага келиш ёки келиб тушиш вақтидан бошлаб, то ижроси тугаллаиниб, сақлаш учун топширилгунига қадар ишланиш ва ҳаракатланиш даври.

**Ҳужжатлар ҳисобини юритиш журнали** – маълум шаклда тузилган бўлиб, ҳужжатлар ва улар устида олиб бориладиган операциялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.



**Ҳужжатлаштирилган ахборот** – идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот.

**Ҳуснихат** – чиройли, дона-дона ёзиш малакаси, махсус машқлар воситасида эришилади. Мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда қўлнинг ёзишга дастлабки тайёргарлиги олиб борилади, бу бошланғич мактабда ҳуснихат малакасини шакллантиришнинг пропедевтик босқичини ташкил этади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши ака-
демияси, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти; таҳрир ҳайъа-
ти: Х.Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир К.Назаров. – Т.:
Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 – 760 б.
3. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Муаллифлар: М.Аб-
дуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.,
Р.Рўзиев ва К.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи наш-
ри. – Т.: «Шарқ», 2006. – 528 б.
4. Педагогический энциклопедический словарь. Бим-Бад Б.М – М.,
2002.
5. Интерфаол таълим: сифат кафолатлари. Муаллифлар: Ж.Йўлдо-
шев. Ф.Йўлдошева, Г.Йўлдошева. – Т., 2008.
6. Дошкольное образование. Словарь терминов. Сост. Виногра-
дова Н.А и др. – М.: Айрис-пресс, 2005 – 400 с.
7. Юридический словарь. Сост., пред., прилож. А.Ф.Никитина. –
М.: ОЛМА–ПРЕСС Образование, 2004 – 640 с.
8. Педагогик атамалар луғати. Тузувчи муаллифлар: П.ф.д., проф.
Р.Х.Жўраев, п.ф.д. Ў.Қ.Толипов, п.ф.д., проф. Р.Ғ.Сафарова, т.ф.д.,
проф. Х.О.Тўрақулов, п.ф.н. М.Э.Иноятова, п.ф.н. М.С.Диванова. ЎзР
ФА «Фан» нашриёти, 2008 – 197 б.



## ЛУҒАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Аа | Бб | Вв | Гг | Дд | Ее |
| Ёё | Жж | Зз | Ии | Йй | Кк |
| Лл | Мм | Нн | Оо | Пп | Рр |
| Сс | Тт | Уу | Фф | Хх | Чч |
| Шш | Ээ | Юю | Яя | Ўў | Ққ |
| | | Ғғ | Ҳҳ | | |

## ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТМАЛАР

қ. – қаранг
б. – бошқалар
ҳ.к. – ҳоказо
мас. – масалан
араб. – арабча
юнон. – юнонча
ингл. – инглизча
итал. – италянча
лотин. – лотинча
ш.к. – шунга кўра
франц. – французча
МТМ – мактабгача таълим муассасаси

I believe you will be very happy

*Услубий нашр*

**МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ АТАМАЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

without me.


**Муҳаррир:**
Гўзал ИСМАТУЛЛАЕВА

**Техник муҳаррир:**
Вера ДЕМЧЕНКО

**Мусаҳҳиҳ:**
Мадина АБДУРАҲМОНОВА

**Саҳифаловчи:**
Нодир ЖУМАБОЕВ

Нашриёт лицензияси: AI № 119-12.11.08
Босишга рухсат этилди: 13.06.2011 йил. Бичими 84x108 1/32
Босма табоғи 8,125. Шартли босма табоғи: 13,65
«LexTimes Cyr+Uzb» гарнитураси. Офсет босма.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 93

"Bekinmachoq-Plyus" нашриёти
Тошкент шаҳри, Чилонзор-8,
Қатортол кўчаси, 60-уй.

"MUHARRIR NASHRIYOTI" МЧЖда чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.



# МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ АТАМАЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

BEKINMACHOQ PLUS

ISBN 978-9943-324-23-7